

МУҲАММАД ЗОҲИД ҚЎТҚУ ИБН ИБРОҲИМ АЛ-БУРСАВИЙ

АҲЛИ СУННАТ ВАЛ-ЖАМОАТ АҚОИДИ

Мутаржим Мирзо КЕНЖАБЕК

Ушбу китоб ҳар бир хонадон учун, ҳар бир мўъмин-муслмон учун зарур бўлган манбаъдир. Чунки унда диннинг тамали, пойдевори -иимон-эътиқод масалалари, аҳли суннат вал-жамоат ақоидининг асослари баен этилган.

Муаллиф

Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-БУРСАВИЙ

Мутаржим

Мирзо КЕНЖАБЕК

Масъул муҳаррир

Шайх Абдулазиз МАНСУР

Тақризчи

филология фанлари номзоди
Ҳожи Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

СОФ ИСЛОМИЙ АҚИДА

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ақида илми

شَرُّرْ أَنْفَسِنَا مِنْ وَ نَعُوذُ بِاللهِ عَلَيْهِ، وَ نَتَوَكَّلُ وَ نُوْمِنُ بِهِ، وَ نَسْتَغْفِرُهُ، وَ نَسْتَعِينُهُ، نَحْمَدُهُ، إِنَّ الْحَمْدَ اللهُ،
لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ أَنْ وَ أَشْهَدُ لَهُ، هَادِي فَلَا وَ مِنْ يَضِلُّ لَهُ، مَضِلُّ فَلَا اللهُ مِنْ يَهْدِ أَعْمَالَنَا، سَيِّئَاتٍ وَ مِنْ
بَعْدَ أَجْمَعِينَ. أَمَّا أَصْحَابُهُ وَ آلُهُ عَلِيٌّ وَ عَلَيْهِ اللهُ صَلَّى وَ رَسُولُهُ، عَبْدُهُ مُحَمَّدًا أَنْ وَ أَشْهَدُ، لَهُ، شَرِيكَ

Аллоҳга ҳамдлар ва мақтовлар бўлсин. Ундан ёрдам ва гуноҳларимизни кечиришини

сўраймиз. Унга имон келтирамиз ва унга таваккал қиламиз. Нафсларимиз ва амалларимиз ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, уни ҳеч ким адаштира олмас ва Ул зот адаштириб қўйган кишини бирор кимса ҳидоят қила олмас. Аллоҳ таоло ўзи яккаю ягона, шериги йўқ эканлиги ва Муҳаммад (с.а.в) Ул зотнинг қули ва элчиси эканлигига гувоҳлик бераман. Аллоҳ таоло ул кишига, унинг оила аъзолари ва барча саҳобаларига раҳмат юборсин.

Аммо баъд:

Сўзларнинг энг тўғриси Аллоҳнинг сўзи ва йўлларнинг энг яхшиси Муҳаммад (с.а.в) йўллари дир. Ишларнинг энг ёмони динда пайдо бўлган янгиликлар дир. Ҳар бир пайдо қилинган янгилик бидъат, ҳар бир бидъат залолат-адашиш ва ҳар бир залолат дўзахда дир.

Ақида илми ислом динининг асосини ташкил этади. У тўғри бўлмаса, қилинган ибодатлар Аллоҳ даргоҳида ижобат бўлмайди. Ақида гўеки дарахтнинг танаси, бошқа ибодатлар эса, унинг шохларидир. Бошқача қилиб айтганда, ақида илми иморатнинг пойдевори кабидир. Асос бўлмаса ёки у бўш бўлса, иморат қулаб тушганидек, ақида тўғри бўлмаса, қилинган ибодатлар қабул қилинмайди.

Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари:

*Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдир!*
деб ақидага аниқ ва тўғри баҳо берганлар.

Шу сабабли ҳам жанобимиз Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврининг аввалги ўн уч йилини ақидани тўғри талқин қилишга бағишладилар. Чунки ақида орқали мусулмонларнинг қалбларига Аллоҳ таолонинг зот ва сифатлари, тавҳид, дунё ва охира тўғрисидаги исломий ғоялар, тақдир масаласи, гуноҳ, савоб, жаннат, дўзах, фаришталар, илоҳий китоблар ва пайғамбарларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш қоидалари, одоблари ўрнашгачгина, пайғамбарликнинг кейинги ўн йилида намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа ибодатлар фарз қилинган. Пайғамбаримизга замондош бўлиш шарафига муяссар бўлган саҳобаи киромлар илоҳий қонун ҳисобланган Қуръони каримнинг йўл-йўриқларига оғишмай амал қилиб, икки дунё саодатига, Аллоҳнинг розилигига эришдилар.

Асри саодатда, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда саҳобаи киромлар даврида ҳеч қандай мазҳаб бўлмаган, унга ҳожат ҳам йўқ эди. Чунки, у вақтда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда саҳобаи киромлар бор эдилар. Ҳар қандай масалада иккиланиш ёки шубҳа пайдо бўлса, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраб ва дарҳол тўғри жавобни олардилар. Аммо, у зотдан кейин қисқа муддат ичида улкан футухотлар рўй бериб, ислом дунёси кенгайди, шаръий масалаларда ихтилофлар юзага чиқа бошлади. Исломни ичидан емирмоқчи бўлган мажусий, мўсавий, исавий ва зардўштийлар мусулмонларнинг фикрларини чалғитиш, чалкаштириш учун шайтоний тарғиботлар юргизар эди. Масалан, Мавороуннаҳрда зардўштийлардан Муқанна номи билан ташкил этилган фирқа ҳар қандай шахсий мулкни, никоҳни бекор қилди, ислом динида ҳаром этилган нарсаларни ҳалол ва аксинча, барча ҳалол нарсаларни ҳаром, деб эълон қилди. Тарихда мисли кўрилмаган расвогарчиликларга йўл очилди. Жумладан, Муқаннанинг фармонида кўра, унинг аскарлари ўзлари хоҳлаган хонадоннинг аҳли аёлига эгалик қила оларди. Уй соҳиби эса аскар харом-хариш ишини бажариб кетгунига қадар ташқарида кутиб туришга мажбур эди. Агар орияти устун келиб, қаршилиқ кўрсатса, бешафқатлик билан ўлимга маҳкум этиларди. Муқанна ўзини худо деб эълон қилди ва

халқни ўз шахсига сиғинишга мажбур этди.

Ислом динининг ашаддий душмани бўлган собиқ шўролар ўзларининг "коммунизм" ғоясини айнан Муқанна таълимотидан олган ва тарихидан яхши хабардор бўлмаганига уни миллий қаҳрамон қилиб кўрсатишди. Ҳозир ҳам айримлар ислом динининг ашаддий душмани бўлган Муқаннани миллий қаҳрамон деб ўйлашади.

Исавийлар эса Қуръони каримнинг **لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ**

«Динда мажбур қилиш йўқ» (Бақара, 256) деган ғоясидан фойдаланиб, (мусулмонлар христианларни ислом динига киришга зўрлаган эмаслар), Андалусия халифалигига қарши хоч таққанларнинг салб урушини эълон қилган. Бу ҳам динимиз душманлари исломни йўқ қилишга кўп ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Бундай ақидавий қарама-қаршилик ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Ўша даврда қараматий, қадарий, жаҳамий, жабарий, хорижий ва мўътазилийлар каби бидъатчи фирқалар пайдо бўлган ва улар ўртасидаги ақидавий тортишувлар қонли можароларга олиб келган. Ислом оламида ақида борасида аҳвол танг эди. Уламолар ўртасида авж олаётган баҳсу мунозаралар суннат аҳли имонини сусайтира бошлади. Ана шундай бир вазиятда, "Аҳли суннат вал жамоат" ақидаларини бир-бирига зид бўлган хилма-хил бидъатчи фирқалардан мухофаза қилиш мақсадида Калом илми вужудга келди. Уммавий халифаларидан (717-720 йилларда) Умар ибн Абдулазиз, Зайнулобидин, Ҳасани Басрий ва Имом Аъзам (раҳима ҳумуллоҳ)лар Калом илмининг дастлабки раҳнамолари ҳисобланганлар. Имом Аъзам биринчилардан бўлиб, ақида илмида "Ал-Фикҳул-акбар" (Улуғ фикҳ) китобларини ёздилар. У пайтда ақида (калом) илми фикҳ илмидан ажралмаган эди.

Ботил ақидали бидъатчи фирқалар кўпайгач, калом илми (ислом фалсафаси) фикҳ илмидан ажралиб чиқиб, тафсир ва ҳадис илмлари каби асосий илмлардан бирига айланди. Бу илмининг асосчи самарқандлик Ҳазрати Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва ироқлик Ҳазрати Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарий ислом оламининг осмонида ёрқин юлдузлар каби порладилар. Калом илми билан биргаликда ҳадис ва фикҳ илми равнақиға улкан ҳисса қўшган аллома Абу Мансур ал-Мотуридий ҳанафий мазҳаби фикҳини мукаммал ўрганиб, ўз ақидавий таълимотларида унинг "Ал-Фикҳул-акбар" (Улуғ фикҳ) китобига асосландилар. Имом Мотуридий яшаган даврда ислом оламида эътиқод масаласида бир-бирига қарама-қарши фирқалар ўртасида мунозаралар кучайиб, у баъзан қонли можаролар билан якунланар эди. Ана шундай зиддиятли даврда Имом Мотуридий ҳазратлари қиличлар ҳал қила олмаган, мусулмонларни тарқоқликка олиб бораётган эътиқодий оқимларга қарши ўз ақлу заковатлари, ояту ҳадислардан олинган, ҳар қандай ақлни таслим қиладиган далиллар асосида ўта муҳим муаммоларни ҳал этдилар. Ислом ақоидини парокандалик ва эътиқодий бузқўликлардан сақлаб қолгани учун "Мусахҳиху ақидатил-муслимин", яъни "Мусулмонлар эътиқодини тузатувчи" ва "Аъламул ҳудо", яъни "Ҳидоят йўлини, ҳақ йўлни билувчи зот" унвонларига мушарраф бўлдилар.

Калом илмининг зарурлиги

Аввало калом илми моҳиятини, мағзини чақиб кўрайлик. Калом илми мусулмонларни ҳар хил ботил эътиқодлардан асраб, уларнинг бирлиги, иттифоқлигини таъминлайди. Каломнинг луғавий

маъноси сўз, гап, нутқ, баён, тил, лаҳжани билдиради. Масалан, Каломуллоҳ дейилганда, Аллоҳнинг сўзи, Қуръону карим тушунилади.

Истилоҳ жиҳатидан эса калом - бу Қуръону ҳадислардан иборат бўлган нақлий далиллар билан бирга, ақлий далилларни ҳам англатадиган, фалсафий йўл билан соф исломий эътиқодни исботлайдиган, ҳеч қандай шубҳаларга ўрин қолдирмайдиган эътиқод илми ҳақидаги фандир. Эътиқод эса қалбдан ислом динига имон келтириш-ишонилиши шарт бўлган зарурий диний тушунчадир.

Эътиқод барча илоҳий динларнинг тамалини, асосини ташкил этади, чунки у замонлар ўтиши билан ўзгариши мумкин бўлган ҳукмларга ўхшамайди. Балки, у Одам алайҳиссаломдан бошланиб, қиёматгача ўзгармай турадиган тушунчадир. Шунинг учун ҳам унга амал қилиб келаётган катта оқим "Аҳли суннат ва жамоат" деб номланган. Бу жамоа аъзолари суннийлик эътиқодидаги ҳанафийлик, шофеъийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик мазҳабларини ҳақ деб билади. Улар Ақоид илмининг икки буюк имомлари Имом Абу Мансур Мотуридий ва Имом Абул Ҳасан Ашъарий асос солган ақидавий таълимотларга амал қилади. Ҳозирги пайтда дунёдаги барча мусулмонларнинг учдан икки қисми Мотуридий ақидасига, бир қисми Имом Ашъарий ақидасига амал қилади. Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам "Умматим 73 фирқага бўлинади, биттасидан ташқари барча фирқалар дўзахга киради", деганлар. Шунда саҳобаи киромлар: Ё Расулulloҳ, нажот топадиган бу фирқаи ножиа қайсидир!-деб сўрашганида, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Улар менинг ва саҳобаларимнинг йўлини тутганлар", деб жавоб бердилар. Пайғамбаримиз хабар қилганларидек, ислом уммати тезда 73 фирқага бўлиниб кетди. Уламои киромлар мусулмонларни ботил, гумроҳ, бидъатчи фирқалардан асраш мақсадида уларга пайғамбаримиз хабар қилган ножиа фирқа эътиқоди қандайлигини тушунтирдилар. Пайғамбаримиз ва саҳобаи киромларнинг эътиқод ва амаллари Қуръони карим, ҳадис таълимотларига мос эканини исботлаб, соф исломий ақидани вужудга келтирдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганларидек - ақидага эга бўлганларни ножиа, яъни, аҳли суннат валжамоат деб ижмоъ (иттифоқ) қилдилар.

Фикримизча, Пайғамбаримизнинг "Улар менинг ва саҳобаларимнинг йўлини тутганлар", деб марҳамат қилган кишилари сирасига салафи солиҳинлар, Ашъарийлар ва Мотуридийлар ҳам кирсалар ажаб эмас. Маълумки, шариат аҳкомлари тўрт манба: Қуръон, ҳадис, ижмоъ ва қиёсдан олинади. Демак, ижмоъга қарши чиқиш, Қуръону ҳадисларга қарши чиқиш билан тенг эканлигини унутмаслигимиз керак.

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 115-оятда:

وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصَلِّهِ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا

«Кимда-ким ҳидоят унга аниқ бўлгандан кейин Пайғамбарга муҳолифлик қилса, мўъминлар йўлидан ўзгасига эргашса, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва (охиратда) уни жаҳаннамда тоблаймиз. Нақадар нохуш жой у!», деган.

Имом Шофиъий раҳимаҳуллоҳдан Қуръондан ижмоъул умматга далил кўрсатинг, дейишганда, у киши бунга "Мўъминлар йўлидан ўзгасига эргашса" ояти каримаси далил бўлишини айтдилар. Буни тушуниш учун инсонда ақл билан бирга фаҳм ҳам бўлиши керак. Шунинг учун ҳам

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам "Парвардигоро! Менга илми зиёда қилиш билан бирга фаҳм ҳам бер", деб дуо қилишимизни буюрганлар. Илми бўлгани билан фаҳм-ҳикмат берилмаса бундан ёмони йўқ, чунки Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 269-оятида:

يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَدْرِكُهُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ

«У ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (фойдали илм) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар», деб марҳамат қилган.

Демак фаҳм-ҳикмат шундай улуғ нарса эканки, инсон у орқали Қуръон, ҳадис илмларини билиб, ундан тўғри ҳукм чиқара билиш ҳамда ҳар бир оят ва ҳадиснинг моҳиятига тушуна олиш қобилиятига эга бўлади. Аллоҳ ўзининг улуғ неъматини бўлган ҳикматини ҳаммага эмас, балки фақат ўзи хоҳлаган, ўзи севган бандаларига беради. Ҳикмат боши, манбаи, тамали, асоси Аллоҳдан қўрқувдир. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам:

رأس الحكمة مخافة الله

«Ҳикмат боши Аллоҳдан қўрқувдир», деганлар. Қалбида Аллоҳдан қўрқуви бўлиб, ҳикмат эгаси бўлган киши ҳеч қачон Ислом дунёси уламолари "Ноҳия фирқаси", деб ижмоъ қилган, аҳли суннат вал жамоатга қарши чиқиб, янги фирқалар тузмайди, бошқа фирқаларга эргашмайди. Зеро Имом Термизий ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам:

إن الله لا يجمع أمتي على ضلالة ويدا الله على الجماعة و من شذ شذ في النار

«Аллоҳ таоло менинг умматимни залолатга жамламайди. Аллоҳнинг қудрат қўли жамоатдадир. Кимки жамоатдан ажралса, мусулмонлар жамоасидан ажралиб жаҳаннамга киради», деганлар.

Ислом тарихида қанчадан-қанча мазҳаблар, фирқалар чиққан бўлса-да, уламолар уларнинг йўллари тўғрилигига ижмоъ қилмаганлигидан, тезда йўқолиб кетишди. Аҳли ноҳия деб эълон қилинган аҳли суннат вал жамоат ҳақ бўлганлиги сабабли 14 асрдан бери яшаб келмоқда.

Ҳикмат соҳиби бўлган фаросатли, аҳли фаҳм, "Мен юрган йўл нотўғри бўлиб қолса, Аллоҳнинг ҳузурига борганда нима қиламан?", деб қўрқади. Фақатгина илмининг ўзи кифоя қилганда эди, Азозил тўғри йўлдан адашмаган бўлар эди. У олим бўлса ҳам, ҳикматдан беҳабар бўлгани оқибатида Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг ҳикматини била олмасдан тўғри йўлдан озиб, шайтонир ражиймга айланди.

Афсуски, тақвосизлигидан ҳикмат илми берилмаган кимсалар ўзларини олиму доно фаҳмлаб, "Шу йўлим тўғри" деб, турли-туман фирқалар ташкил қилмоқда. Уларга фаросат ва ҳикмат илми берилганида эди, исломнинг моҳиятидан хабардор бўлиб, асло фирқаларга бўлинмас эди. Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 103-оятида

واعتصموا بحبل الله جميعًا ولا تفرقوا

«Ҳаммангиз Аллоҳнинг "Арқони" (Қуръонни) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг», деб

мусулмонларни фирқаларга, гуруҳларга бўлинишдан қайтарган. Яна шу суранинг 105-оятда:

عَذَابٌ عَظِيمٌ لَهُمْ وَأُولَئِكَ الَّذِينَ جَاءَهُمْ مَا بَعْدَ مِنْ وَاخْتَلَفُوا نَفَرًا وَكَلْبًا تَكُونُوا وَلَا

«Хужжатлар келгандан кейин ҳам бўлиниб, ўзаро ихтилофларга берилган кимсаларга ўхшамангиз! Ана ўшаларга энг оғир азоб бордир», деган. Тақвосизлар ояту ҳадисларни юзаки, уларнинг фақат зоҳирий маъноларини тушунадилар. Уларнинг асл моҳиятидан, аслий ботиний маъносидан хабарлари йўқ. Масалан, Имом Бухорий Абу Хурайрадан ривоят қилган:

ما اسفل من الكعابين من الازار في النار

яъни, "Лозими (иштони, шими) икки тўпикдан пастга тушиб турган киши жаҳаннамийдир", ҳадисини ўзларига хужжат қилиб, шими узун бўлганлар дўзахга тушади, деб намозда ҳам, кўчада ҳам шимни қайтариб юришга буюрадилар. Бу қилиқлари билан ўзларининг чаласавод эканликларини намоиш этадилар. Уларнинг калтафаҳм, чала мулла эканликларини Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Ибн Умардан ривоят қилган ҳадис ҳам исботлайди:

من جر ثوبه خيلاء لم ينظر الله إليه يوم القيامة

яъни, "Кимки кибрланган ҳолда кийимини судраб юрса, қиёмат кунда Аллоҳ унга қарамайди", деганлар. Чунки кибрланувчи, мутакаббирни Аллоҳ ҳидоят қилмайди, охиратда унга раҳму шафқат этмайди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шу ҳадисни айтганларида Абу Бакр : "Ё Расулulloҳ, менинг лозимим тўпигимдан пастга тушиб туради, бундан кейин уни тўпигимдан юқори қилиб юришим керак эканда", деганларида расулulloҳ: "Йўқ, сен уни кибрланиш учун бундай қилмайсанку", деганлар. Шу ҳадисдан ҳамма нарса ниятга боғлиқлиги маълум бўлади.

Имом Аҳмад, Насоий ва ибн Можжалар ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам "Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, кийинглар, фақат исроф ва кибрланиш аралашмаса бўлгани", деганлар. Демак, юқоридаги ҳадислардан маълум бўлмоқдаки, либосини кўз-кўз қилиб, изорини узун қилиб, осилтириб киядиганлар, кийими ё моли, ё мансаби билан фахрланиб юрадиган кишилар мутакаббирлар экан. Ҳадислар мана шундай кибрланувчи, ўзини бошқалардан устун тутувчи кишиларга нисбатан айтилган. Лекин, холис, ниятида кибрланиш бўлмаса узун кийинининг бирор зиёни йўқлигини Расулulloҳнинг ўзлари баён қилганлар. Қолаверса, у замонларда қилинган укм ёки айтилган ҳар бир фикрнинг ҳаммасини ҳам ҳозирги даврга тадбиқ этиб бўлмайди. Зеро, ҳозир ҳеч ким кийимининг узунлиги билан фахрланмайди. Аксинча, шими тўпигидан юқори бўлса, ҳамма унинг устидан кулади. Шимини тўпигидан тушуриб юриш эндиликда оддий ҳол, урфга айланган.

Исломда **اذا تغير الزمان يتغير الاحكام** Яъни, "Замонлар ўзгариши билан ҳукмлар ҳам ўзгаради", деган қоида бор. Ислом баъзилар ўйлаганидек қотиб қолган, догматик дин эмас, балки ҳар қандай давр ва замонда илму фан ҳамда техника тараққиётини қабул қиладиган, уларни илоҳий низомга бўйсундирадиган илғор, тараққиётпарвар дин. "Мишкотул-масобиҳ" китоби III жилдининг "Ашротус-соъати" бобида Имом Термизийнинг Абу Хурайрадан ривоят қилган бир ҳадислари келтирилган. Унда жумладан шундай дейилади: **اولها الامة آخر هذه ولعن**

"Бу умматнинг охири (яъни, охир замонда келадиганлари) аввалгиларни (яъни, аввал

ўтганларни) лаънатлайди",-дейилган. 1450 йил олдин айтилган бу ҳадис, пайғамбаримизнинг ҳақ пайғамбар эканлигига далолат қилувчи мўъжизалардан биридир. Дарҳақиқат, замон охирлашаётганда жоҳил, чаласавод муллалар чиқиб, ўтганларни менсимасдан, ўзларича фатволар бериб, фирқалар тузишга киришмоқда. Ваҳоланки, Аллоҳнинг ўзи Воқеа сурасининг 10-12-оятларида салафи солиҳинларни:

فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ. وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ.

«Барча яхши амалларга пешқадам бўлувчи зотлар жаннат неъматларига эришишда ҳам пешқадам бўлувчи зотлардир. Ана ўшалар ноз-неъматли боғларда Аллоҳ таолога яқин қилинганлардир», деб улуғлаган ва мақтаган. Дин учун илмлари, моллари ва жонларини фидо қилган ҳақиқий мужоҳидларни камситмасликка, ҳақоратламасликка ҳукм қилган. Аслини олганда, Имом Аъзам, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби Аллоҳнинг улуғ бандаларига тил теккизувчи, ҳақир кўрувчи фирқабоз, гуруҳбоз бесавод, эътиқодсизларнинг бутун умр қилган яхшиликлари улуғ имомлар, машойихлар ва мужтаҳидларнинг бир кунлик қилган амалларига тенг келмайди. Улар Аллоҳ улуғ қилган бандаларини ҳақоратлаш билан, ўзларини Аллоҳнинг душманига айлантириб қўйганларини билмайдилар. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси қудсийда: من عادى لي وليا فقد آذنته بالحرب

«Кимда-ким менинг валий (яқин) бандамга душманлик қилса, албатта мен унга уруш эълон қиламан», деб пайғамбаримиз ундай калтафаҳмларни ўзининг душмани эканлигини аниқ ва равшан айтган. Албатта, улар ҳақиқий илмга эга бўлганларида эди, бундай ғайриинсоний ҳаракатларга қўл урмаган бўларди. Биз намуна учун уларнинг фаросат ва ҳикмат илмидан узоқ эканликларини исботловчи биргина мисол келтирдик, холос. Зеро, ундай кимсаларнинг чаласаводликларини эътиқодларининг қусурли эканлиги ҳақида кўплаб далиллар келтириш мумкин. Иншоаллоҳ, мавриди келганда бу мавзуга кенгроқ тўхталамиз.

Хулафои рошидинлардан ҳазрат Умар, ҳазрат Усмон ва ҳазрат Алиларни ўлдирганлар ҳам Қуръон ўқишарди, аммо Қуръони карим оятларининг асл моҳиятини чуқур тушуна олмасалар ҳам, ўзларини билагон, доно фаҳмлаб, калта фикрларини тўғри деб билишарди. Уларнинг меросхўрлари бўлган ҳозирги гумроҳ фирқалар ҳам жоҳилиятда айнан ўшалардан қолишмайди. Шунинг учун “Биз аҳли қуръонмиз, фақат Қуръону ҳадис билан юрамиз», деб мусулмонларни тафриқага, изтиробга олиб борувчилар ислом ақидасининг мусалффолиги учун жонини фидо қилган уламоларнинг фикрларини менсимай, ҳисоб-китоб қилмай, сўзсиз ҳақиқатдан адашганлардир. Исломда мужтаҳидлик даражасига етган қанчадан-қанча улуғ олимлар ўтган бўлса-да, улар ўзларича янги фирқа ташкил қилмасдан аҳли суннат валжамоат мазҳабларидан бирида туриб дин равнақи, мусулмонлар иттифоқлиги йўлида саъй ҳаракатда бўлишган. Зеро, мусулмонлар иттифоқлиги ҳамма нарсадан устун туради. Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғри амалда, тўғри йўлда туриб мусулмонлар ҳолини риоя қилмаган улуғ саҳобалардан бирини огоҳлантириб танбеҳ берганлар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари

من فقه الرجل ان يطيل الصلوة يقصر الخطبة

“Намозни узайтириб, хутбани қисқартириш кишининг фақиҳлигидандир”, деганлар. Саҳоба Жобир ибн Абдуллоҳ бомдод намозининг зам сурасини узун қилганларида, бир чўпон йигит жамоатдан ажралиб, ўзи ёлғиз ўқиб, чиқиб кетган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан хабар топиб, чўпонни чақиртириб, нима сабабдан жамоатдан ажралиб ёлғиз ўқиганини

сўраганларида у, “Ё Расулulloҳ! Мадинада йиртқичлар кўп, мен чорваларимга масъулман. Имомимиз намозни ҳаддан ошиқ узайтириб юборганлиги учун ўзим қисқароқ қилиб ўқишга мажбур бўлдим“ деди. Шунда Расулulloҳ унга индамасдан, имомни чақириб жамоатнинг ҳолини риоя қилмагани учун «Эй Жобир! Фитначимисан, фитначимисан», деб койидилар. Демак, олим бўлган киши шароитни тушунадиган, халқнинг ҳолини риоя қиладиган заковатли инсон бўлиши керак.

Фитнага сабаб бўладиган чала мулла бўлишдан Аллоҳ барчамизни асрасин.

Камина 1967 йили Бухородаги Мир-араб мадрасасининг биринчи босқичини битириб, ёзги таътилга, уйга келсам, раҳматли отам бемор ётган эканлар. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин, яхши ўқиб келдингми, деб сўрадилар. Алҳамдулиллоҳ, яхши ўқиб келдим, деб жавоб бердим. Қуръон ўқиб бер, дедилар. Мен Қуръон ўқиб бердим. Отамнинг кўзларидан севинч ёшлари маржондек оқди. Тиловати Қуръондан кейин узундан-узун дуо қилдилар. Сўнг менга юзланиб, «Ўғлим, Аллоҳ бу йўлни ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, фақат ўзи севган бандаларигагина насиб этади. Агар отам рози бўлсин десанг, рўзғор ишларини кўявер, таътилни бекорга ўтказма, улуғларимиз «Чала мулла кофир аст», дейишган. Бўлсанг ҳақиқий мулла бўл, чала мулла бўлма. Устозинг муфтий Зиёвуддинхон ҳазратларининг ҳузурларига бориб, бир яхши устоз топиб беринг, таътилда ҳам ўқимоқчиман, дегин», деб оқ фотиҳа бердилар. Ота амрига кўра, Тошкентга муфтий ҳазратларига учраб, отамнинг сўзларини айтдим. У киши отангиз улуғ инсон эканлар, деб отамнинг ҳақларига хайрли дуолар қилдилар. Сўнг халқ орасида «Лазгин домла» номи билан машҳур бўлган Сирожиддин домлага таништириб кўйдилар. Илмга ҳарислигимни сезган устоз, доим мени ўзлари билан илмий суҳбатларга олиб борар эдилар. Шу баҳона замонамизнинг кўзга кўринган улуғ алломалари билан танишдим. Улардан ҳам таълим ола бошладим.

1975 йили Имом Бухорий номидаги ислом олий маъҳадини битириб чиққан бўлсам ҳам, шу ҳозиргача илм олишдан тўхтаганим йўқ. Қанча кўп ўқисам билганимдан билмаганим кўплигини сезиб бормоқдаман. Ёшим улғайгани сари отамнинг «Чала мулла кофир аст» деган сўзлари нақадар кенг маъноли эканлигига гувоҳ бўлмоқдаман. Айрим чаласавод муллалар билими саёзлигини тан олмасдан, калта фаҳмлилик билан ўзларини ўта билимдон санаб, улуғ устозлар шаънига бўҳтон тошларини отиб, ўзларини доҳий кўрсатиб, турли-туман фирқалар тузаётгани ҳақида ҳам баъзан эшитиб қолмоқдамиз. Энг ачинарлиси, улар ғаразли ниятларини амалга ошириш учун йигит-қизларни алдаб, уч-тўрт ой хуфёна ўқитиб, миясини заҳарлаб, исломга ёт бўлган кўпоровчилик фаолиятини ўргатишга уринмоқдалар. Агарда ёшлар ислом ақидаси илмидан хабардор бўлганида, бундай номақбул жаҳаннам йўлини танламаган бўлардилар.

Истиқлолнинг дастлабки кунларида мустақиллигимизни кўра олмаган ёвуз кучлар халқимизни қайтадан асорат занжирига солиш, юртимизни бўлақларга парчалаб ташлаш, мамлакатимизни биродаркушлик майдонига айлантириш каби қабиҳ ниятларига етишиш учун ҳеч нарсадан тап тортмади. Аллоҳ таоло қадимдан юртимизга раҳмат назари билан қараганлиги сабабидан, Ватанимиздан буюк алломалар, саркардалар етишиб чиқиб, миллатимизни дунёга танитганлар. Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинким, юртимизнинг аввалги мавқеини тиклашни ирода қилган доно Юртбошимиз душманларимизнинг ёвуз ниятларини олдиндан зукколик билан сезиб, халқимизни бошига ёпирилиб келаётган балолардан эсон-омон сақлаб қолдилар.

Ёвуз ниятлари амалга ошмаган душманларимиз эндиликда ҳар хил бўлмағур бўҳтонларни ёғдириб, турли туман ҳизб ва фирқаларни маблағ билан таъминлаб, бизга қарши қайрамоқдалар.

Ислом дини дўстлик ва биродарлик динидир. Бу динда миллатчилик йўқ. Аллоҳ субҳанаҳу ва

таоло дунёдаги ҳамма миллатларни бир ота-онадан яратганлигини билдириб, Хужурот сурасининг 13-оятида: «Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва бир хотиндан яратдик, ҳамда бир-бирларингиз билан танишиб, дўст-биродар бўлишларинг учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила элатлари қилиб қўйдик. Батаҳқиқ сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз - тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчи ва хабардор Зотдир», деб марҳамат қилган.

Ушбу ояти каримада Аллоҳ «Эй одамлар!» деб барча инсонларга қарата нидо қилмоқда, шу билан бирга уларнинг асли бир Одам Ато ва Момо Ҳавводан яратилганини билдирмоқда. Инсонларнинг турли халқ, миллат, элат, қабила-ю уруғлар ҳамда турли шаклда қилиб яратилишидан мақсад ҳам айнан улар ўзаро танишиб, дўстлашиб ва бир-бирларининг урф-одатларини ўрганиб, Аллоҳнинг қудратига тасаннолар айтишидан иборатдир. Баъзи инсонлар мол-дунёлари ҳасабу насаблари билан кибрланиб, ўзларини бошқалардан устун қўйишади. Асллари тупроқ эканлигини унутиб қўяди. Аллоҳ таоло бандаларини жанжал ихтилофлар учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, дўстлик ришталарини боғлашга буюрганини билдириб, Меним наздимда ҳурматлироғингиз бошқалардан ўзини юқори олиб, бировларга зулм ўтказадиган муштумзўру қотиллар эмас, балки инсонларга раҳм-шафқат қиладиган, раҳмат назари билан қарайдиган, дўстлигу биродарликка чорлайдиган тақводорларингиздир, дейди.

Имом Муслим Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

ان الله لا ينظر إلى صوركم و أموالكم و لاكن ينظر إلى قلوبكم و أموالكم

«Аллоҳ таоло сизларнинг суратларингизга ва мол дунёларингизга қарамайди. Лекин сизларнинг қалбларингизга ва қиладиган амалларингизга қарайди», деганлар.

Аллоҳнинг наздида инсонларнинг улуғлиги унинг юзини чиройли ёки хушбичимлиги ва бойлиги билан эмас, балки қалбининг гўзаллиги, оққўнгилиги, яъни бировларга нисбатан адовати, гина-қудурати, ҳасади, ғаразгўйлиги йўқлиги ҳамда яхши амаллар қилиши билан ўлчанар экан.

Инсонлар турли дин, турли мафкурага бўлса ҳам, иноқликда яшаши кераклигини билдириб, Мумтаҳана сурасининг 8-оятида: «Аллоҳ диний жиҳатдан уруш қилмаган ва диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолатли муомала қилишдан сизларни қайтармайди», дея бошқа дин вакиллари билан дўстликда ва иноқликда яшамоқликка даъват қилади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 256-оятида: «Динга мажбур қилиш йўқ», деб марҳамат қилган. Кимда-ким: «Менинг йўлим, менинг мафкурам тўғри», деб бошқаларни зўрлаш ва алдаш йўли билан ўз динига, ўз мафкурасига тортмоқчи бўлар экан, албатта у Аллоҳнинг ҳурриятига, унинг иродасига қарши борган бўлади. Қайси инсон Аллоҳнинг хоҳишига қарши бориб қолиб бўлаоларди?! Ундай нодонлар фақатгина халқ бошига ташвишу кулфатлар келтириб, оқибатда элнинг нафрати ва Аллоҳнинг азобига учрайди.

Ўша фирқалар давлатни қўлга олиб халифалик туздилар ҳам деб фараз қилайлик, унда нима бўлади? Унда шак-шубҳасиз Афғонистоннинг куни бошимизга тушиши эҳтимолдан холи эмас. Нима учун дейилганда, ҳизбчилар ва шунга ўхшаш фирқалар шак-шубҳасиз зўрлик билан ўз мафкураларини амалга оширмақчи бўладилар. Маълумки, юртимизда яшаб туриб динга эътиқод

қилмайдиганлар ва бошқа динга мансуб бўлган миллатлар уларнинг йўлларига юрмайдилар. Натижада ихтилофли жанжаллар, низолар келиб чиқиши табиий ҳол.

Азиз ёшлар! Чаласавод муллаларга эргашиб, тўғри йўлдан адашманглар. Мени қўлга қалам олишга даъват этган куч ҳам фуқароларимизга, айниқса, ёшларга соф ислом мафкураси моҳиятини тушунтириш, уларнинг Ислом динига хилоф, зарарли оқимларга қўшилиб қолишининг олдини олишдан иборатдир.

Имом Мотуридий фаолияти ва асарлари

Имом Мотуридий ҳазратлари ўз ҳаёти ва фаолиятларини суннатдан ташқари чиқиб, адашган кишилар фикрларини синдириш ва ислом ақидасини ҳимоя қилишга бағишлади. Х асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабий қараматийлар ҳаракатига бошчилик қилиб, уни бутун Мовароуннаҳр бўйлаб ёя бошлади. Ўша пайтда подшоҳ Наср II ва унинг аъёнлари ҳам қараматийлар эътиқодини қабул қилишган эди. Наср II тахтини ўғли Нуҳга топширгач, (Нуҳ 943-954 йилларда ҳукмронлик қилган) янги подшоҳ ҳақиқатни билиш учун қараматийлар доҳийси Нахшабий бошлиқ бидъатчилар ва аҳли суннат раиси Имом Мотуридий бошлиқ сунний оқимлар ўртасида мубоҳаса ташкил эттирди. Унда Нахшабий енгилди ва подшо томонидан дорга осилди. Аҳли суннат валжамоат ақидаси тикланиб, устивор таълимот деб эълон қилинди. Аммо ғалаба нашидасини суришга ҳали эрта эди. Чунки бир қанча бузғунчи фирқалар ҳамон фаолиятини давом эттирар ва халқ оммасини ўз томонига ағдариб олишга ҳаракат қиларди. Уларнинг энг хавфлиси мўътазилий фирқаси эди. Булар устамона ниқобланганлигидан уларни суннийлардан тезда ажратиб олиш мушкул, шу сабабли унга алданиб қолиш осон эди. Ҳатто Имом Ашъарий ҳам аввал мўътазилий фирқасида бўлиб, кейин улардан ажралиб чиққан эди. У зот 40 ёшга етганларида мўътазилийлар билан алоқани узиб, суннат ақидасидаги тўрт мазҳабнинг бири бўлган шофий мазҳабига ўтган. Кейинчалик унинг асосида ўз номлари билан аталган Ашъарий ақидасига асос солган.

У зотнинг калом соҳасидаги асосий асари «Мақолатил исломийн ва Ихтилофул мусаллийн» саналади. Имом Ашъарий ҳам мусулмонларнинг ақидасини мусаффолаш учун бутун вужудлари билан ҳаракат қилиб, «Ислом байроғи» унвонига мушарраф бўлганлар.

Имом Мотуридий ҳазратлари мўътазила фирқасининг барча мулоҳаза ва эътирозларига жавоб бериб, уларни бирма-бир инкор этдилар ва уларга раддия сифатида ушбу асарларни ёздилар:

1. «Баёну ваҳмил мўътазила»
2. «Раддул усули хамса ли Аби Муҳаммад ал-Боҳилий»

Имом Мотуридий ҳазратлари, мўътазила фирқаси томонидан "Бутун дунё имоми" номи берилган Каъбийнинг фаолиятини қадам ба қадам кузатиб, унинг асарларидаги қусуру нуқсонларни қуйидаги китобларида белгилаб берди:

1. "Раддул усули адиллати лил Каъбий"
2. "Раддул таҳзибил жадал лил Каъбий"
3. "Раддул байти фуссоқи лил Каъбий".

Шунингдек, Рофизий ва қараматийларнинг мулоҳазаларига:

1. "Ар-радду ала усулил қараматий"

2. "Раддул китобил Имоми ли баъзи рафовиз" китобларида ўз фикрларини баён этганлар.

Имом Мотурудий ҳазратлари адашган фирқаларнинг нуқсонларини аниқлаб, уларга раддия қилиш билан биргаликда, ўзларининг машҳур "Ат-тавҳид" ва "Ат-таъвилотул Мотурудия фи баёни усули аҳли суннат ва усули тавҳид" китобларини таълиф қилдилар. Ислом олами уламолари бу асарларга ниҳоятда юқори баҳо бердилар. Жумладан, Хожа Халифа номли машҳур олим: "Бу тенгсиз бир китобдир. Хатто илми каломда олдин ёзилган китобларнинг ҳеч бири бунга тенг келолмайди. Бу китоб, бошқа китобларга нисбатан жуда равон ва тушунарли ифода этилган", деб юқори баҳо берган.

Имом Мотурудий ва Имом Ашъарий ораларидаги фарқ

Мутаххирин, яъни, кейинги давр мутакаллим олимлари томонидан ўрганилиб, ҳисоблаб чиқилишича, бу икки буюк олим ораларидаги ихтилоф бор-йўғи ўн учта кичик фарқлардан иборат бўлиб, уларнинг олтитаси нафсий ва еттитаси лафзий фарқ экан. Қуйида улардан баъзиларини келтирамиз. Имом Ашъарий назарияси бўйича инсон тақдир масаласида бирор эркинликка эга эмас, барча нарса Аллоҳнинг азалий тақдир этишига боғлиқ. Яна У зотнинг фикрича, инсон ички-ботиний хоҳишини (каломи нафсий) бошқариши мумкин. Бунинг муқобили бўлган зоҳирий сўзларни (каломи лафзий) биринчисидан ажратганлар. Яъни, калом лафзий инсоннинг ўз истаги билан пайдо бўлса, калом лафзий Аллоҳ томонидан тақдир этилади. Имом Мотурудий ҳазратлари эса Ашъарийдан фарқли равишда, устозлари Имом Аъзамнинг фикрларига таянган ҳолда, инсонда жузъий ихтиёр борлигини тушунтирадилар. У зотнинг фикрларича, инсонларнинг ёмон хулқлари, гуноҳлари Аллоҳнинг иродаси билан амалга ошса-да (чунки Аллоҳ уни тақдир қилган), лекин унинг розилигисиз амалга ошади. Инсон ўзининг бу яхши хатти-ҳаракатилари учун нариги дунёда мукофот, ёмон ишларига жазо олади. Яъни, "Аллоҳ ўз бандасининг яхши ишларида мадақкор, ёмон ишларида эса уни тарк этади". Мазкур назария кенг миқёсли фалсафий таълимот бўлиб, банданинг масъулиятини ошириб, уни чуқур ўйлашга, гуноҳлардан сақланишга ундайди. Шу билан бирга, ёмон ишларини Аллоҳга тўнкашдан асрайди.

Мен фақирнинг ожизона фикр юритишича, бу таълимот ҳақиқатга яқин бўлиб, Аллоҳнинг ояти каримаси билан ўз исботини топади. Аллоҳ субоҳанаху таоло Каф сурасининг 29-оятда:

وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ

«Айтинг (бу Қуръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган киши кофир бўлсин», деган.

Агар инсонда жузъий ихтиёр бўлмаганда эди, Аллоҳ каломида бундай демаган бўлар эди.

Иккинчи мисол. Имом Мотуридий: **بالقلب تصديق باللسان إقرار الإيمان**

«Ал имону иқрорун биллисони ва тасдиқин бил қалби», яъни, имон тил билан иқрор қилиб, қалб билан тасдиқлашдир, деган бўлсалар, Имом Ашъарий

الإيمان إقرار باللسان تصديق بالقلب والعمل من الإيمان

«Ал имону иқрорун биллисон ва тасдиқун бил қалби вал амалу минал имони», яъни, имон тил билан иқрор этиб, қалб билан тасдиқлаш ва амал ҳам имондандир, деганлар. Ашъарийнинг назариялари бўйича амал қилмаганлар, яъни, Аллоҳнинг топшириқларини бажармаганлар имонсиздир. Бу таълимотга амал қилсак, дунёдаги мусулмонлар сони озчиликни ташкил қилиб, мусулмонлар доираси торайиб қолади. Мотуридий назариялари бўйича имон калимаси

لا اله الا الله محمد رسول الله

"Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулulloҳ" ни тили билан айтиб, дили билан тасдиқлаган киши имонли банда саналиб, мусулмонлар доираси кенгайди.

Имом Мотуридий ғоялари бағрикенг таълимот эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бу таълимот ҳақиқатга яқин эканлигини Қуръону карим оятлари исботлайди. Аллоҳ таоло муқаддас бўлган Қуръоннинг кўплаб оятларида:

إن الذين آمنوا و عملوا الصالحات

"Инналлазийна аману ва амилус солиҳоти", яъни, "Албатта имон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар", деб солиҳ амал қилганларни "ва" боғловчиси билан имон келтирганлар жумласига боғлаб келмоқда. Шундан "Солиҳ амаллар" имондан эмаслигига аниқ ва равшан далил бордир. Чунки имондан бўлганда эди "ва" боғловчиси билан боғлаб келмаган бўлар эди.

Учинчи мисол. Имом Мотуридий назариялари бўйича имондан истисно бўлиш мумкин эмас. Бир кишидан мусулмонмисан, деб сўралганда у "Алҳамдулиллоҳ мусулмонман", дейиши керак. Чунки у ўзининг мусулмонлигига шак-шубҳасиз, қатъий ишонади. Аллоҳнинг каломи унинг ҳақлигини тасдиқлайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Хужрот сурасининг 15-оятида:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ

«Ҳақиқий мўъминлар фақат Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтириб, кейин (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Ана ўшалар (ўз имонида) содиқ бўлган зотлардир», деб марҳамат қилган.

Ашъарий таълимотлари бўйича, бир кишидан мусулмонмисан деб сўралганда: "Иншоаллоҳ мусулмонман», деса, имонли саналади. Инша аллоҳ сўзи худо хоҳласа, деган маънони беради, яъни, ҳали амалга ошмаган ишга айтилади. Масалан, бир киши Иншоаллоҳ (худо хоҳласа) бу йил ҳажга бораман, деса, эҳтимол борар, эҳтимол бора олмас. Демак, унинг инша аллоҳ деган сўзи аниқ бўлмаган ишга нисбатан ишлатилмоқда. Имонда ноаниқлик, шубҳа дуруст эмас. Бу каби мисолларни бир-бирига таққослаб, мулоҳаза юритсак, Мотуридий ҳазратларининг таълимотлари пишиқ-пухта эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ақида илмининг зарурлиги

Уламоларимиз мусулмонларнинг ақидаларини тўғри йўлга қўйиш учун ўз замонларида кўпдан-кўп китобларни таълиф қилган. Уларга шарҳлар ёзилгани, сабабли аждодларимиз ақида илмида собит қадам бўлиб, мустаҳкам имонга эга бўлган. Уларнинг давомчилари, меросхўрлари, замондошлари-чи? Биз тақдир тақозоси билан оғир синов остида қолдик. Юртимизда “қизил империя” ҳукмронлиги даврида аҳли илмларимизнинг кўпи қатл этилди, бир қанчаси бадарға қилинди, ёки азиз жонларини сақлаш учун ҳижратга мажбур бўлди. Оқибатда раҳнамосиз қолган халқимиз алданди, уларга ёт мафкура сингдирилди. Халқимиз ўз ақидаларини унутиб, даҳрий коммунистга айланди. Исломий китоблар йўқотилди. Ислом олийгоҳи ва мадрасаларини битириб чиққан талабалар имомлик вазифаларига тайинланди. Шундан кейин уларнинг соф исломий ақидани яхши билиб, халқимизни мусаффо исломий ақида билан тарбиялашлари осон ва енгил бўлиши учун Аллоҳнинг лутфу карами, авну инояти билан Имом Мотуридий ҳазратлари ақидалари асосида битилган Аҳмад Зиёуддин ал-Комушхонавий ҳазратлари томонидан таълиф этилган “Аҳли суннат валжамоат ақидаси” китобини баҳоли қудрат асос ва далиллари билан шарҳ этишга қўл урдим. Бу китоб нафақат толиби илмларга, балки тўғри йўлдан адашган фирқаларга ҳам манфаат беришидан умидворман. Чунки улар юқорида ёзганимдек, Ислом ақидасидан мутлақо узоқ. Агар ундан хабарлари бўлганида эди, гумроҳ фирқалар қаторига кирмас эдилар.

1897 йилда туғилиб, 1980 йилда вафот этган Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим Ал-Бусирий раҳматуллоҳи алайҳи ҳазратлари ҳам Имом Мотуридий таълимотлари, яъни исломий соғлом ақида илмини олтмишта масала қилиб, китобхонларга осонлаштириб берганлар.

Биз фақир ҳам шу олтмишта масала матнини замонамиз аҳлига аниқ ва равшан, тушунарли бўлиши учун Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда далилу исботлар билан ўз она тилимизда баён қилмоқдамиз.

"САВОД-УЛ-АЪЗАМ" АСАРИДАН

1-масала Имонда шубҳа бўлмаслиги

Саҳобаи икромлардан Шоҳул Муфассирин унвонига сазовор бўлган Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Мўъмин киши, "Иншааллоҳ мен мўъминман», демайди, балки қатъий қилиб, жазман «Мен ҳақиқий мўъминман», яъни «Аллоҳга ишонаман», дейди. Зеро инсонлар уч турлидир:

1. Мўъмин
2. Мунофиқ
3. Кофир

«Шунга биноан Аллоҳга ишонган эътиқодли кишилар мўъминлар, имонсиз, эътиқодсиз кимсалар эса кофирлар дейилади», деганлар. Банданинг Иншоаллоҳ мен мўъминман дейиши мумкин эмас, чунки "Иншааллоҳ" - Аллоҳ хоҳласа, дегани бўлиб, у киши ўз имонига қатъий ишончи йўқлигидан "Иншааллоҳ" дейди. Демак, ўз имонига жазман ишонмайди, негаки, шубҳаси бор. Бундай кишини ҳақиқий имонли банда деб бўлмайди.

Бунинг мисоли: бир киши биродарига эртага шу жойга кел, бир беморни зиёрат қилиб келамиз деса, у биродари эртага келишига кўзи етмаса, "Иншааллоҳ", яъни Аллоҳ хоҳласа келаман, дейди. Келмаса гуноҳкор бўлмайди. Хўп келаман, десаю келмаса, ваъдасида турмагани учун гуноҳкор бўлади. Шунинг учун мўъмин киши ўз имонига шубҳа қолдирмаслик учун қатъий қилиб "мен ҳаққоний мўъминман", дейиши керак. Шубҳа мумкин эмаслигига Бақара сурасининг 285-оятини ҳам далил бўлади, унда Аллоҳ таоло:

أَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْ رُّسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

«Пайғамбар (Муҳаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди ва мўъминлар ҳам. Уларнинг ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммаммига) имон келтирди. Эшитдик ва итоат этдик, Эй Раббимиз мағфиратингни сўраймиз. Сенгагина қайтиш бор», деб марҳамат қилганлар.

Аллоҳ таоло бу ояти каримасида мўъминлар имон келтириши лозим бўлган нарсаларни баён этди. Шу имон келтириш лозим бўлган нарсага "Иншааллоҳ" - имон келтирамиз деса, шак-шубҳасиз имони дуруст бўлмайди. Имом Термизий ва Имом ибн Можжа ҳазрат Алидан қилган ривоятда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

لا يؤمن عبد حتى يؤمن بربيع : يشهد ان لا اله الا الله و انى رسول الله بعثني بالحق و يؤمن بالموت و البعث بعد الموت يؤمن بالقدر

"Банда тўрт нарсага ишонмагунча имонли бўлмайди:

1. Ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва менинг ҳақ йўл билан юборилган пайғамбарлигимга гувоҳлик бермагунча;
2. Ўлим ҳақ эканлигига;

3. Ўлимдан кейин тирилиш ҳақ эканлигига;
4. «Тақдир ҳақ эканлигига ишонмагунча имонли бўлмайди». Бу ҳадис ҳам имонда "иншааллоҳ" деб истисно қилиш йўқлигини исботлайди.

2-масала Намозни жамоат билан ўқишни муҳофаза қилиш

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда "Аллоҳ розилиги учун жамоат билан қилинган ибодат тўғри бажарилса, Аллоҳ даргоҳида мақбулдир. Агар хатоликка йўл қўйилса афв этилади. Узрсиз жамоатдан айрилиб, ёлғиз ҳолда ибодат қилса, қабул бўлмаслик эҳтимоли бор. Узр дейилганда: беморлар, ўтириб қолган, ёши қари кишилар, юра олмайдиган фалаж ва шол касалига учраганлар, оёғидан ажраган ногиронлар, йўлидан адашиб қоладиган қариялар, кўрлар тушунилади. Бундайларга ёлғиз ўқиш жоиз. Шундай узрлари бўлмай туриб, жамоатни муҳофаза қилмаганлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам амрларига хилоф иш қилган бўлиб, бидъатчилар саналади, чунки Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 43-оятда:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّكْعِينَ

«Намозни мукамал адо этингиз, закот берингиз ва рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилингиз», деб мўъминларга жамоат билан ибодат қилишни буюрган. Аксари уламолар жамоат вожиблигини шу оятдан олганлар. Имом Муслим ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

من خلع يدا من طاعة لقي الله يوم القيامة و لا حجة له و من مات وهو مفارق للجماعة فإنه يموت ميتة جاهلية

"Кимда -ким Аллоҳга тоат қилмаса, қиёмат кунда Аллоҳ билан учрашганда ҳужжатсиз бўлиб қолади (чунки унинг қўлида Аллоҳга тоат қилма деган ҳеч қандай ҳужжати йўқ) ва кимда-ким жамоатдан ажралиб ёлғиз ҳолда ибодат қилса, у жоҳилият ўлимида ўлган бўлади" («Риёзус Солиҳин», 122-бет), деганлар. Бу ҳадиснинг мазмунидан Аллоҳ ва расули амрларига хилоф қилиб, жамоатдан ажралиб, ёлғиз ўқилган намоз ноқис намоз саналади. Имом Бухорий ва Имом Муслим ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

صلوة الجماعة تفضل على صلوة الفرد بسبع و عشرين درجة

"Жамоат билан ўқилган намознинг савоби ёлғиз ўқиган кишининг савобидан 27 марта зиёда бўлади", деганлар.

3-масала Солиҳ ёки фожир имомга иқтидо қилмоқ жоизлиги ҳақида

Имом Абу Довуд Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам :

كل الجهاد واجب عليكم مع كل امير برا كان او فاجرا و ان عمل الكبائر و الصلوة واجبة عليكم خلف
الصلوة واجبة على كل مسلم برا كان فاجر و ان عمل الكبائر و مسلم برا كان او فاجرا
الكائر.

"Амирингиз яхши ёки фожир бўлиб, кабира (катта) гуноҳларни қилса ҳам, у билан жиҳод қилмоқлик ҳар бирингизга вожибдир. Муслмон киши яхши ёки фожир бўлиб, гуноҳи кабиралар қилса ҳам, унинг орқасидан иқтидо қилиб намоз ўқимоқлик сизларга вожибдир. Вафот этган ҳар бир муслмон яхши ёки фожир бўлиб, гуноҳи кабиралар қилган бўлса ҳам, унинг жанозасини ўқимоқлик сизларга вожибдир" деб ҳар қандай имомнинг орқасидан намоз ўқишга буюрганлар. Имом адолатли, тақводор, риёзатли ва илмли бўлса, нур устига нур, агар имом тақвосиз, риёзатсиз, гуноҳкор бўлса унинг қилган гуноҳи ўзига, жамоатга таъсири йўқ. Қилган гуноҳларининг жазосини ўзи тортади. Имом гуноҳкор, фожир деб, намоздан қолишга узр йўқ. Бу сўзга қарши чиққанларнинг фатволарига амал қилинмайди, чунки улар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига қарши чиққан бўлиб, муслмонларнинг иттифоқини бузганлиги учун Аллоҳ ва пайғамбарга осий бўлурлар.

Имомга иқтидо қилмасангиз Рофизий ва Шиаларга ўхшаб қоласиз, чунки улар ҳеч кимга иқтидо қилмайди.

Рофизийларнинг раҳнамоларидан бири Маҳмуд Аш-Шомий вафот этаётиб, ўз хатосини тан олиб, ҳузурига йиғилган асҳобаларига: "Мен сизларга тўрт нарсани айтмаган эдим. Энди яхшилаб эшитиб олинглар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

1. «Қибламизга юзланган аҳли қиблани қилган ҳар қандай катта гуноҳи учун куфрда айбламанглар;
2. Вафот этган ҳар қандай муслмоннинг жанозасини ўқинглар;
3. Ҳар қандай имом бўлса ҳам, орқасидан эргашиб намоз ўқинглар;
4. Ҳар қандай амир бўлса ҳам, унга итоат этиб, у билан жиҳод этинглар", деганлар.

4-масала

Аҳли китоблар қилган гуноҳини гуноҳ эмас демагунча уларни кофирликда айбламаслик ҳақида

Кофир ҳар қанча яхши, хайрли ишларни қилса ҳам унга фойдаси йўқ. Савоб ёзилмайди. Чунки унинг гуноҳи яратган эгасини тан олмаслиги, имонга келмаслиги еру осмонга сиғмайди. Ҳар қандай савобларни ювиб юборади.

Шунингдек, мўъмин ҳар қандай катта гуноҳларни қилиш билан кофир бўлиб қолмайди, агар қилаётган гуноҳини ҳалол, гуноҳ эмас деб эътиқод қилса, шунда кофир бўлади, чунки пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам :

فقد كفر محارم الله استحل من

“Кимда-ким Аллоҳнинг ҳаром қилган нарсаларини ҳалол санаса, батаҳқиқ кофир бўлади”, деганлар.

Мўъмин қилган гуноҳи билан кофир бўлмаса ҳам, ҳар гуноҳ қилиши билан қалби қорая бошлайди. Зеро, Аллоҳ таоло Мутаффифин сурасининг 14-оятида:

كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِم مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ

«Балки уларнинг дилларини ўзларининг қилмишлари (гуноҳлари) қоплаб олгандир», деб марҳамат қилган. Шунинг учун гуноҳ қилишдан сақланган яхши. Кўрмайсизми, Одам алайҳиссалом таъқиқланган мевани еб, жаннатдан чиқарилганда ҳам, Аллоҳ таоло уни осий бўлди деди, кофир бўлди, демади.

Шунингдек, мўъминларнинг гуноҳларига ҳам "Эй имон келтирганлар, тавба қилинглар", деди. Демак гуноҳ қилиши билан кофир бўлмас экан. Акс ҳолда Аллоҳ таоло "Эй кофирлар" деб хитоб қилган бўларди.

5-масала

Ҳар қандай мўъминнинг жанозасини ўқиш лозимлиги

Учинчи масалада Имом Абу Довуднинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси тўлиқлигича зикр қилинди. Уламолар шу ҳадисдан бир қисми бўлган:

الكائر عمل إن فاجرا و ا و كان برا مسلم كل على واجبة و الصلوة

"Вафот этган ҳар бир мусулмон яхши ёки фожир бўлиб гуноҳи кабиралар қилган бўлса ҳам, унинг жанозасини ўқимоғлик сизларга вожиб"ни далил қилиб, ҳар бир "Ла илаҳа иллаллоҳ" деган кишига гарчи у осий, фожир бўлса ҳам жанозасини ўқишга иттифоқ қилишган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам "Ўзини ўлдирган, урушда тушган ўлжаларни тақсимлашдан олдин ўғирлаган ва қарзи бўлиб, уни тўламай юрганларнинг жанозаларини ўқимаган бўлсалар ҳам, саҳобаларга қарата:

صلوا على صاحبكم

«Биродарларингни жанозасини ўқинглар», деганлари ҳар қандай мўъминнинг жанозасини ўқишлигимиз лозимлигини билдиради.

Ҳужурот сурасининг 10-оятида:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ

«Албатта, мўъминлар оға-инидирлар. Бас сизлар икки оға-инингиз ўртасини тузатиб қўйинглар ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд раҳм қилинсангизлар», деб марҳамат қилинган.

Шунинг учун кимда-ким фосиқ, фожирларга жаноза ўқилмайди, деса катта хатога йўл қўйган бўлади. Чунки фозил, яхши одамлардан кўра, фосиқ фожирлар дуога кўпроқ мухтождирлар. Расулulloҳнинг гуноҳкорларга жаноза ўқимаганлари заҳр учун бўлган. Шунинг учун ўзининг жонига қасд қилиб, ўзини ўлдирганларга имом, қози, муфтий ва машҳур кишилар жаноза

ўқимади. Оддий кишилар ўқийвериши керак, ўқишмаса гуноҳкор бўлишади.

6-масала

Банданинг тақдиридаги яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан бўлгани учун мўъминларнинг ҳаммасини яхши деб билмоқ хусусида

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло: "Мен яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам яратдим. Кимнинг қўлидан яхшиликни яратган бўлсам унга хушxabар, кимнинг қўлидан ёмонликни яратган бўлсам унга надоматлар бўлсин", деб марҳамат қилди, деганлар.

Тақдирдаги яхшилик ҳам ёмонлик ҳам Аллоҳдан деб эътиқод қилган банд а ўқиган намозлари, тутган рўзалари, қилган ҳар қандай яхшиликлари пайтида буни Аллоҳдан деб билиб, шукр қилса Аллоҳ унинг неъматларини янада зиёда қилур. Зеро, Аллоҳ таоло Иброҳим сурасининг 7-оятда:

وَإِذْ تَأْتِيَنَّكُمْ لِيُنزِلَ عَلَيْكُمْ مِنْكُمْ لِيُنزِلَ عَلَيْكُمْ مِنْكُمْ لِيُنزِلَ عَلَيْكُمْ مِنْكُمْ لِيُنزِلَ عَلَيْكُمْ مِنْكُمْ

«Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: Қасамки агар (берган) неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю ношукрлик қилсангизлар, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир», деб марҳамат қилган.

Мўъмин киши қилаётган айбу гуноҳлари ҳам Аллоҳ томонидан тақдир этилганлигини билиб, фақат Аллоҳнинг розилигисиз амалга келганини эътиқод этса, тезда тавба қилиши лозим. Эътиқоди саҳиҳ бўлгани учун гуноҳга қўл урган банд ёмон саналмайди.

Шунинг учун ҳам тақдири илоҳийни инкор этмоқ куфр саналади.

Қадария фирқаси тақдири илоҳийни инкор этади, шу сабабли улар кофир саналади. Жабария мазҳаби эса қазои илоҳийга таяниб, бандалик ибодатларини тарк этади.

Мўъмин киши яхшилик ҳам ёмонлик ҳам мандан содир бўлди, аммо яхшиликни ҳам ёмонликни ҳам Аллоҳ тақдир қилган, деб билади. Шундан келиб чиқиб, тақдирни инкор қилмаган ҳолда ибодатларини давом эттираверади.

Саҳобаи киромлар ё Расулуллоҳ Аллоҳ яхшию ёмонлигимизни (жаннатию дўзахийлигимизни) тақдиримизга ёзиб қўйган бўлса, шу тақдирга суяниб амал қилмасак ҳам бўларкан-да дейишганда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам,

قَدْرُ لَهُ كُلِّ مَيْسَرٍ لَمَّا

Яъни, "Йўқ, жаннат учун яратилганларга жаннат йўли, дўзах учун яратилганларга дўзах йўли осон қилинади", деганлар.

7-масала

Ҳеч қайси мўъминга ноҳақдан қурол, қилич кўтармаслик

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салам: "Икки мўмин бир бирига қурол кўтарса, қотил ҳам мақтул ҳам дўзахга киради", деганлар. Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ! қотил дўзахий бўлиши маълум, мақтул нима учун дўзахий бўлади?», дейишди. Шунда Расулulloҳ: "Чунки у ҳам шеригини ўлдирмоқчи эди", деганлар.

Бир мўмин бошқа мўминни хато қилиб билмаган ҳолда ўлдириб қўйса, хун ҳаққи тўлайди. Аммо қасддан ўлдирса, шариат ҳукми билан ўзи ҳам ўлдирилиши керак. Шунинг учун Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 179-оятида:

وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

Яъни, «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй, ақл эгалари! (Бу билан) шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар», деб марҳамат қилган.

Маълумки, ҳаммага ҳам жон ширин, яшагиси келади. Бировни ўлдиргани учун ундан қасос олинар экан, шунинг учун ҳам ҳеч кимни ўлдирмайди. Агар ўлдирса, унга жазо берилади, қиёматдаги жазо эса, бу дунёниқидан бир неча чандон оғирроқдир. Шунин билган мўмин зинҳор (бировларга) инсонларга қурол кўтармаслиги керак.

8-масала

Таҳоратли ҳолда кийилган махсига масҳ тортиш жоизлиги ҳақида

Мўмин киши совуқ пайтда бир кеча-кундуз миқдорида оёғига кийган этик, махсини ечмасдан, таҳорат олганда масҳ тортиши ҳам дуруст. Аммо мусофир бўлса уч кеча-кундуз махсисини ечмай, масҳ тортиши мумкин. Зарурат ва хавф-хатар туғилган пайтларда уч кеча-кундуздан кўпроқ вақт ўтса ҳам масҳ тортиш жоиз. Хавф-хатар тугаши билан махсисини ечиб, янгидан таҳорат олиб, оёқларини ювади. Оёқ-яланг бўлганда оёқ ювилади, масх тортиш мумкин эмас.

9-масала

Амир (бошлиқ, ҳукмдор) нинг орқасида иқтидо қилиб, жума ва ҳайит намозларини ўқиш жоизлиги ҳақида

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо сурасининг 59-оятида

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгалари раҳбарларга итоат этингиз», деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

وإن استعمل عليكم عبد حبشي كأن رأسه زبيبة و أطيعوا اسمعوا

"Агар сизларга боши майиздек ҳабаший банда амир қилиб қўйилса ҳам, унинг сўзини тинглаб итоат қилинглари", деганлар.

Зикр қилинган ояту ҳадислар мўъмин бандани Аллоҳ унинг расули ва ўз раҳбарига сўзсиз итоат қилмоққа буюради. Шунда иноқлик, иттифоқлик вужудга келиб, бандаларнинг ҳаёти низом асосида осойишталик билан ўтади.

Агар амирлар, раҳбарлар адолат билан иш юритсалар, улуғ савобларга эришурлар, адолатсизлик қилиб, мансабларини суистеъмол қилсалар, мўминларга зулм ўтказсалар гуноҳлари ўзларигадир.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатлари футухотлар учун бирор ерга лашкар жўнатсалар, лашкарга амир тайинлаш билан бирга намозларини ўқиб бериш учун имом ҳам тайин қилар эдилар. Ҳукм ва сиёсат амирнинг қўлида бўлгани учун у қандайдир хато ва камчиликларга йўл қўйиши мумкин, шундай бўлса ҳам унга қарши чиқмасдан итоат қилиш, бўйсунуш вожибдир. Зеро, имом Термизий ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

كره من أميره شيئاً فليصرفانه من خرج من السلطان شبراً مات ميتة جاهلية من

"Кимда-ким ўз амиридан (раҳбаридан) бирор нарсани ёқтирмаса ҳам, сабр қилиб унга итоат қилсин. Чунки кимда-ким султонга итоат қилишдан бирор қарич ташқарига чиқса, жоҳилият ўлимида ўлади", деганлар. Имом эса сиёсат ишларига аралашмасдан илм ва зикр билан машғул бўлиб, тақво асосида диний ишларни бошқариши керак. Катта издиҳом бўлган жума ва ҳайит намозларини амирнинг ўзи бошқармоқчи бўлса, ҳаққи бор. Унинг камчилик, нуқсонлари бор, деб унга иқтидо қилишдан бош тортилмайди. Чунки Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

من أطاعنى فقد أطاع الله و من عصانى فقد عصى الله و من يطيع الأمير فقد أطاعنى و من يعصى الأمير فقد عصانى

"Ким менга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади ва кимки менга осий бўлса, Аллоҳга осий бўлади. Кимки амирга итоат қилса, менга итоат қилган бўлади ва кимки амирга осий бўлса, менга осий бўлади", деганлар.

Бундан кўзланган асосий мақсад мусулмонларнинг иттифоқлигини таъминлашдир.

Ўтган асрнинг бошларида айрим мусулмон раҳбарлари орасида манманлик, амалпарастлик авж олиб, миллат ғами йўқолиб, диннинг моҳиятини яхши тушунмаслик, сиёсий ғўрлик натижасида келишмовчилик, ихтилофлар пайдо бўлди. Оқибатда юртимиз ғайридинларга мустамлака бўлиб қолди. Исломда бирлик, иноқлик, иттифоқлик олий мақсад саналади.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 103-оятида:

وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءَ فَأَلْفَ بَيْنٍ فُلُو بَعْضُكُم مِّنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُم مِّنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ

«Ҳаммангиз Аллоҳнинг "аркони" (Қуръонни) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ва ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини туфайли биродарларга айландингиз. Дўзаҳ чоҳи ёқасида турганингизда сизларни ундан қутқарди. Шояд ҳақ йўлни топгайсизлар, деб, Аллоҳ Ўз оятларини сизларга шундай баён қилади», деб марҳамат қилган.

10-масала

Имон Аллоҳнинг бандаларга берган бебаҳо, улуғ неъматини эканлиги ҳақида

Шундай демоқ тўғри ва ҳақ эътиқоддир. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтганларидек: «Имон Аллоҳ таолонинг асосидир, уни Ўз фазлу карами ҳамда эҳсонин билан бандасига лутф айлаган».

Аллоҳ таоло Жумъа сурасининг 4-оятда:

ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ

«Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ улуғ фазл соҳибидир», деган. Бу мазмундаги оятлар Қуръонда кўп келтирилган. Оятларнинг мазмунидан Аллоҳ таоло имонни ўз фазли карами билан бандаларига истаганича бериши маълум бўлади. Шундай экан, мўмин банда Аллоҳга беҳисоб шукр қилиши лозимдир. Имон калимаси бўлган "Ла илаҳа иллаллоҳ"ни тил билан айтиб, қалб билан тасдиқламоқ банданинг феъли бўлгани учун махлуқдир, яъни, яратилгандир. Имонга тавфиқни, яъни, бандага иқрор бўлиш қобилиятини берган Аллоҳдир. Бу эса, яъни, иқрор қилиш қобилиятининг берилиши махлуқ эмас.

Аллоҳ таолонинг сифатлари махлуқ эмас, бандаларининг сифатлари эса махлуқдир. Маърифат, яъни, танимоқ бандадан, таъриф, яъни, танитиш эса Аллоҳдандир. Банда Қуръонни ўқиши махлуқ, яъни, ўқиши билан сўзлар ва жумлалар яратилмоқда. Қуръоннинг ўзи эса махлуқ эмас, Аллоҳнинг улуғ мўъжизасидир. Шу мисоллардан бандаларнинг бутун сифатлари махлуқ эканлигини, Аллоҳ барча сифатлари махлуқ эмаслигини билиб оламиз. Аҳли суннат валжамоат эътиқоди шундай, бундан бошқа эътиқодга ўтмаймиз.

11-масала

Банданинг бутун қиладиган ишлари махлуқлиги, Аллоҳ таолонинг афъол ва сифатлари махлуқ эмас, яъни, Аллоҳ ўз зоти билан қоимлиги ҳақида

Шундай эътиқод қилмоқ мўъминга муносибдир, чунки бандаларнинг ҳаракати доимий эмас, боқий ҳам, қадимий ҳам эмас, бугун бор бўлса, эртага йўқ, унга бу қувват ва ҳаракатни берган Аллоҳ таолодир.

Аллоҳ таоло Ас-саффот сурасининг 96-оятда:

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

«Ҳолбуки, сизларни ҳам (қилган, қиладиган, қиладиган) амалларингизни ҳам Аллоҳ яратгандир», деб марҳамат қилган. Шундан намоз, рўза, закот, ҳаж, бандаларнинг феъли, лекин уни бажармоқ,

адо этмоқ қудратини Аллоҳ берганлиги маълум бўлади.

Оғзини ёпмасдан, лабларини бир-бирига бирлаштирмасдан ҳатто битта "мим" ҳарфини айтиш ҳам банданинг қўлидан келмайди. Бу банда ўз феъланинг холиқи эмаслигига далилдир.

12-масала

Аллоҳ таолонинг каломи бўлмиш Қуръони карим махлуқ эмаслиги ҳақида

Қуръони карим каломуллоҳ - Аллоҳ таолонинг сифатидир. Аллоҳ таолонинг сифатлари махлуқ эмасдир, кейинчалик бўлган эмас, азалийдир, абадийдир. Бизнинг ўқишимиз эса махлуқдир. Қуръонни махлуқ деганларни Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ кофир деб ҳукм қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар: "Қуръони каримни махлуқ деган қавмга дуч келсангиз, улар билан ўтирманглар, мужодада ҳам қилманглар. Чунки улар Аллоҳу азимуш-шаънга кофирдирлар. Улар жаннатдан бенасиб бўлиб, ҳатто унинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайдилар. Уларнинг мисоли насоролар Исо алайҳиссаломнинг ўликларни тирилтирганини кўриб, ул зотни худо деганларига ўхшайди. Ваҳоланки, бу тирилтириш аслида Аллоҳ таолонинг ишидир", деганлар.

Одам алайҳиссаломдан бери туширилган илоҳий китобларнинг юзтаси саҳифа, тўрттаси яхлит китобдир. Ўн саҳифа Одам алайҳиссаломга, эллик саҳифа Шис алайҳиссаломга, ўттиз саҳифа Идрис алайҳиссаломга, ўн саҳифа Иброҳим алайҳиссаломга нозил қилинган.

Таврот - Мусо алайҳиссаломга, Забур Довуд алайҳиссаломга, Инжил- Исо алайҳиссаломга, Қуръон эса Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган бўлиб, Аллоҳ уни қиёматгача ўзгартирмасдан сақлашни ўз зиммасига олганлигини билдириб, Ҳижр сурасининг тўққизинчи оятида:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

«Биз ўз қудратимиз билан зикрни, яъни, Қуръонни нозил қилдик ва уни ўзимиз муҳофаза қиламиз», деб марҳамат қилган.

13-масала

Қабр азоби ҳақлиги борасида

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда:

فسألت قالت عائشة ان يهودية دخلت عليها فذكرت عذاب القبر فقالت لها أعاذك الله من عذاب القبر. بعد القبر فقال " نعم ،عذاب القبر حق" قالت عائشة فما رأيت رسول الله ص رسول الله ص عن عذاب ب صلي صلوة الا تعود بالله من عذاب القبر.

«Бир яҳудий хотин Оиша онамизнинг ҳузурларига кирди. Қабр азоби тўғрисида гапириб, Аллоҳ сени қабр азобидан асрасин, деди. Оиша онамиз Расулуллоҳга яҳудий хотиндан қабр азоби тўғрисида эшитганларини айтиб, унинг гапи тўғрими, деб сўрадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам: "Ҳа, қабр азоби ҳақдир", дедилар. Оиша онамиз: "Шундан кейин Расулуллоҳ қачон намоз ўқиганларини кўрсам, "қабр азобидан асра" деб, Аллоҳдан паноҳ тилар эдилар", деб айтдилар.

Аҳмад ибн Ҳанбал Убай ибн Абдуллоҳдан қабр азоби тўғрисида сўрадилар. У киши қабр азоби тўғрисида Расулуллоҳдан кўплаб саҳиҳ ҳадислар ривоят қилган. Биз уларга ишониб, қабр азоби деб эътиқод қиламиз, агар ишонмасак, Аллоҳ ва расулининг сўзларини рад қилган бўламиз. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ҳашр сурасининг 7-оятда:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

«Пайғамбар сизга келтирган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар», деб марҳамат қилган, деб жавоб бердилар.

Шундан сўнг Имом Аҳмаддан қабр азоби тўғрисида сўрашганда, "Қабр азоби ҳақдир, уни инкор қилганлар адашган гумроҳлар бўлиб, бошқаларни ҳам адаштиради", деб жавоб берар эдилар.

Имом Термизий Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

انما القبر روضة من رياض الجنة أو حفرة من حفر النار

"Албатта қабр кимгадир жаннат боғларидан бир боғ, кимгадир дўзах чоҳларидан бир чоҳдир", деганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Тоҳо сурасининг 124-оятда:

وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى

«Ким менинг зикримдан (эслатмамдан) юз ўгирса, бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш бўлиши муқаррар ва биз уни қиёмат кунида кўр ҳолатда тирилтирамиз», деб марҳамат қилган.

Уламолар "танг турмуш" иборасини қабр азоби деб тафсир қилишган. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қуръонда ўттиз оятдан иборат бир сура борки, уни нажот берувчи сура дейилади. У Мулк сураси бўлиб, умматларимдан қайси бири уни ҳар кеча хуфтон намозидан кейин ўқиса, қабр азобидан сақланади", деганлар. Бу зикр қилинган ояту ҳадислардан қабр азоби ҳақ эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун аҳли суннат валжамоат уламолари қабр азоби ҳақ эканлигига иттифоқ қилишган.

14-масала

Қабрда Мункар ва Накирларнинг сўроқ қилиши ҳақлиги ҳақида

Имом Термизий Абу Ҳурайрадан ва Имом Аҳмад ва Имом Абу Довудлар Барро ибн Озибдан ривоят қилган ҳадисларда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

إذا قبر الميت أتاه ملكان أسودان أزرقان يقال لأحدهما منكر و للآخر نكير فيجلسانه فيقولان له من ربك؟ فيقول ربي الله. فيقولان له ما دينك؟ فيقول ديني الإسلام، فيقولان ما هذا الرجل الذي بعث فيكم؟ فيقول قرأت كتاب الله فأمنت به و صدقت فذلك قوله تعالى: له و ما يدريك؟ فيقول هو رسول الله فيقولان "يُنَبِّئُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ" سورة إبراهيم، ٢٧ آية. قال: فينادى مناد من السماء: أن صدق عبدي فأفرشوه من الجنة و ألبسوه من الجنة و افتحوا له بابا الى الجنة و يفتح في قال و يعاد روحه و اما الكافر فذكر موته مد بصره. قال فيأتيه من روحها و طيبها و يفسح له في قبره له ما دينك؟ فيقول هاه جسدك و يأتيه ملكان فيجلسانه فيقولان من ربك؟ فيقول هاه هاه لا أدري: فيقولان فيقول هاه هاه لا أدري: فينادى مناد من السماء: أن هاه لا أدري: فيقولان ما هذا الرجل الذي بعث فيكم؟ كذب عبدي فأفرشوه من النار و ألبسوه من النار و افتحوا له بابا الى النار قال فيأتيه من حرها و سمومها قال و يضيق عليه قبره حتى يختلف فيه أضلاعه ثم يقيض له أعمى أصم معه مرزبة من حديد لو ضرب بها جبل لصار ترابا فيضربه بمضاربه يسمعها ما بين المشرق و المغرب الا الثقلين فيصير ترابا ثم يعاد "فيه الروح"

«Майит қабрга дафн қилигандан кейин унинг олдига Мункар ва Накир исмли иккита қора, кўк кўзли фаришта келиб, уни ўтқазиб қўйишади. Сўнгра Раббинг ким?», дейишади. У, Раббим Аллоҳ, дейди. Сўнг дининг қайси, деб сўрашади. У, диним ислом дейди. Кейин пайғамбаримизнинг суратларини кўрсатиб, "Сизларга юборилган бу киши ким?», дейишади. У, "Бу киши расулуллоҳ", дейди. Кейин, қандай танидинг (билдинг) дейилади. У, "Аллоҳнинг китоби Қуръонни ўқидим, унга ишондим ва пайғамбарни тасдиқладим", дейди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг "Аллоҳ имон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устивор сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур", деган сўзи шундан иборатдир" дедилар. Шундан сўнг осмондан "Бандам тўғри айтди! Унинг остига гиламлардан солингллар, ўзига жаннат либосларидан кийдирилгллар, жаннатдан дарча очингллар", дейилган нидо келади. Жаннатдан дарча очилиб, айтилган топшириқлар бажарилади. Қабри кенгайтирилиб, жаннат хушбўйларининг ҳиди келиб туради.

Аммо майит кофир ёки мунофиқ бўлса, Мункар ва Накирларнинг ҳар бир берган саволига жавоб айтолмай ғулдур-ғулдур қилиб, билмайман, дейди. Шунда осмондан: "Бандам ёлғончи, унинг остига дўзах оташидан гилам ёзингллар, ўзига оташ либосидан либос кийдирилгллар, дўзахдан дарча очингллар", дейилган нидо келади. Айтилган топшириқлар бажарилиб, дўзах ҳарорати ва заҳарлари кела бошлайди. Қабри торайтирилиб қовурғалари қовурғаларининг ичига кириб кетади, сўнгра кўзи кўр, қулоғи гаранг қилинади. Мункар ва Накир қўлида тоғни урса тупроққа айлантирадиган темирдан қилинган гурзи билан уради. Унинг чинқириғини инсу жинсдан бошқа ҳамма эшитилади. Талқон бўлиб кетганидан кейин бошқатдан тирилтириб, яна урилади. Қиёмат куни бўлгунча шу азоб билан қийналади.

Аллоҳнинг топшириқларини бажармаган, расулуллоҳнинг суннатларига эргашмаган, Қуръон карим ҳукмларига амал қилмаган, динни ҳурмат қилмаган, қиблага юзланмаган, имконияти бўла туриб уни зиёрат қилмаган кофиру-мунофиқларнинг қабрдаги азоби шу бўлса, охиратдаги азобини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Аллоҳ мўъминларга Мункар ва Накир саволларидан нажот топишни насиб этсин.

Ҳақ йўлидан адашган қадария мазҳаби ва унинг тарафдорлари Мункар ва Накир саволларини

инкор этишади.

15-масала

Марҳумлар тирикларнинг қилган тиловатлари, дуолари, хайри эҳсон ва садақаларидан баҳра олишлари ҳақида

Имом Байҳақий "Шуъабил имон" китобларида ибни Аббосдан ривоят қилган ҳадисларида пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

شبه الغريق المتغوث ينتظر دعوة تلحقه من أب أو أم أو ولد أو صديق ثقة فإذا ما الميت في قبره إلا لحقته كانت أحب إليه من الدنيا و ما فيها و ان الله ليدخل على اهل القبور من دعاء اهل الارض أمثال الجبال و ان هدية الاحياء الى الاموات الاستغفار لهم

"Қабрдаги ўлик сувга ғарқ бўлиб, ёрдам сўраётган кишига ўхшайди. Дунёдаги орқасидан қолган отаси ёки онасидан, ёки фарзанди ёки чин дўстидан дуо кутади. Орқадан қолган кишилар унинг ҳаққига тиловати Қуръон, хайри эҳсон, садақа ва савобли ишлардан қайси бир тури бўлса ҳам қилиб, савобини унга ҳадя қилишса, унга савоби етиб, дунё ва унинг ичидаги ҳамма нарсаларни бергандан ҳам маҳбуброқ бўлади. Аллоҳ таоло қабрдагиларга ер юзидаги бандаларнинг дуоларидан тоғлар баробарича савобларни киргизади. Тирикларнинг ўликларга қилган ҳадялари улар учун истиғфорга ўтади", деганлар.

Имом Табароний "Авсат" китобларида ва Имом Байҳақий "Сунан" китобларида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

لك ان الله ليرفع الدرجة للعبد الصالح في الجنة فيقول : يا رب اني لي هذه؟ فيقول باستغفار ولدك

"Албатта, Аллоҳ таоло бир солиҳ банданинг жаннатдаги даражасини кўтаради. Банда ҳайрон бўлиб, "Ё Парвардигор! Бу даража менга қардан келди", дейди. Шунда Аллоҳ "Бу даражага фарзандингнинг дуо истиғфорлари билан эришдинг", дейди.

Ибн Абдунё Суфёни Саврийдан ривоят қилиб: "Ўликлар дуога, тириклар таом, ичимликка муҳтож бўлганларидан ҳам муҳтожроқдирлар", деганлар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ҳашр сурасининг 10 оятида:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًا
لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَؤُوفٌ رَحِيمٌ

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: "Эй Раббимиз, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари имон билан ўтганларни мағфират қилгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй, Раббимиз, албатта, Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан!», деб марҳамат қилган. Аллоҳ бу ояти билан имон билан ўтган қариндош-уруғ, ёру биродарлар ва барча мўминларни дуо қилишга буюрган. Ҳадиси шарифда Саъд ибн Убода айтадилар:

جاءت امرأة الى النبي فقالت يا رسول الله ان فريضة الله على عباده في الحج ادركت ابي شيخا كبيرا

لا يستطيع ان يثبت على الرحلة أفاحج عنه؟ قال أرايت لو كان على أبيك دين أكنت قاضيته؟ قالت نعم قال : فدين الله أحق أن يقضي

"Бир хотин расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: Ё Расулуллоҳ, бандаларнинг зиммасига Аллоҳнинг байтини ҳаж қилиш фарз қилинган. Отам кексалигидан уловга минишга ҳам қудрати етмайди. Отам учун ҳаж қилсам бўладими?" деб сўради. Расулуллоҳ: "Менга айтгинчи агар отангни қарзи бўлса, уни адо этармидинг?", деди. Аёл, «Ҳа», деди. Ундай бўлса, Аллоҳнинг қарзини адо этилмоғи ҳақлироқдир, дедилар.

"و قال للذي سأله "إن امي ماتت عليها صوم شهر أفصوم عنها قال نعم

"Онам бир ойлик рамазон рўзасини тута олмай вафот этди. У учун рўза тутсам бўладими?", деб сўраган хотинга, «Ҳа» деб жавоб бердилар.

أفينفعا ان تصدقت عنها قال نعم " رواه ا و سأل رجل النبي ص فقال يا رسول الله " ان امي ماتت (ابو داود

"Бир киши расулуллоҳдан, "Онам вафот этди, онам учун садақа қилсам унга фойдаси тегадими?", деб сўраганида, «Ҳа», деб жавоб бердилар». Зикр қилинган ҳадисларнинг ҳаммаси ҳам саҳиҳ бўлиб, уларнинг мазмунидан вафот этган марҳумлар учун намоз ўқиса, рўза тутса, ҳаж, хайри эҳсон, садақа, зикр, тиловати Қуръон қилса ва шунга ўхшаш ҳар қандай яхши амалларни бажариб, савобини ҳада қилса, марҳумнинг руҳига етиши маълум бўлди.

Мўътазила мазҳаби ва унинг тарафдори бўлганлар Нажм сурасидаги:

وَأَنْ لَيْسَ لِإِنْسَانٍ إِلَّا مَا سَعَى

«Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатгина (мансуб) бўлур» дейилган 39-оятни ўзларига далил қилиб, "Вафот этган киши учун қилинган тиловоглар, намози рўзалар ва бошқа ибодатларнинг савоби тегмайди", дейишади.

Саҳобаи киромлардан Шохул муфассирин унвонига эга бўлган Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бу оят Тур сурасининг 21- оятидаги:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَاتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُمْ بِإِيمَانٍ أَلْحَقْنَا بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَا أَلَتْنَاهُمْ مِّنْ عَمَلِهِمْ مِّنْ شَيْءٍ كُلُّ امْرِئٍ بِمَا كَسَبَ رَهِيْنٌ

«Ўзлари имон келтириб, зурриётлари ҳам уларга имон билан эргашган зотларга (ўша) зурриётларини ҳам қўшамиз. Уларга қилган амалларидан бирор нарсани камайтирмаймиз. Ҳар бир кимса ўзи қилган иши билан гаровлангандир», ояти билан мансуб бўлган деганлар.

Дарҳақиқат, бу оятнинг мазмунидан оталарнинг амаллари амали кам бўлган фарзандларга манфаат берилиши билдирилмоқда. Фарзанддан олдин ўтган отанинг савоби ўзидан кейин келган фарзандига манфаат бераркану, орқасидан қолган фарзанд отаси учун Қуръон ўқиса, бошқа яхши

амалларни қилса савоби тегмас эканми? Қолаверса Нажм сурасининг 39-оятида:

وَأَنْ لَّيْسَ لِإِنْسَانٍ إِلَّا مَا سَعَى

«Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур», дейилган. Биздан олдинги шариат бўлган Мусо ва Иброҳим алайҳиссаломларнинг қавмларига хос, аммо уммати Муҳаммадга эмас.

Аллома Абдулҳақ Ишбайлий " Ал -Оқибат" китобида:

قد يستقلّ ما يهدي لان الحيّ و اعلم ان الميت كالحى فيما يعطاه و يهدي اليه بل الميت اكثر و اكثر اليه و يستحقره ما يتحف به و الميت لا يستحقّر شيئاً من ذلك و لو كان مقدار جناح بعوضة او وزن مثقال ذرة لانه يعلم قيمته قد كان يقدر عليه فضيعة

"Билгинки, бериладиган ва ҳадя қилинадиган нарсада маййит тирик кабидир. Балким, тириқдан ҳам муҳтожроқдир. Уки тирик банда гоҳо ўзига ҳадя ва тухфа қилинган нарсаларни менсимасдан оз санайди. Аммо маййит ўзига ҳадя қилинган нарса чивиннинг қанотичалик ёки заррачалик бўлса ҳам, унинг қадрига етиб, кам санамайди. Чунки ҳаёт даврида унинг қадрига етмасдан, зое қилинган эди".

"Исҳофул муслимина вал муслимоти бижавозил қироати ва вусули савобиҳо илал амвот" номли китобда:

أهل السنة يصل ثوابها لهم عند جمهور فقهاء الاسلام ان قراءة القران على الاموات جائزة

"Ўликларга тиловати Қуръон қилмоқлик жоиздир. Аҳли суннат бўлган ислом фуқоҳолари наздида савоби уларга етади", дейилиб кўпгина ояту ҳадислардан далил келтирилган. Оятларнинг зикри юқорида айтиб ўтилганлиги учун фақат баъзи ҳадисларнигина мисол тариқасида келтирамиз. Абу Муҳаммад ас- Самарқандий «Мишкотул масобиҳ» китобида ва имом Ад-Дороқтуний «Тарих» асарида ҳазрати Али разиаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам :

أجرها للأموات أعطي من من مر على المقابر و قرأ "قل هو الله احد" إحدى عشرة مرة ثم وهب الاموات الأجر بعدد

«Кимда ким қабристондан ўтаётиб Ихлос сурасини ўн бир марта ўқиб, савобини қабристонда ётган ўликларга ҳадя қилса, савоби уларнинг ҳаммасига етиб, ўқиган кишига ҳам қабристондаги ўликлар ададича (сонича) савоб берилади», деганлар.

Имоми Аҳмаддан ривоят қилинган ҳадисда эса :

آية الكرسي و ثلاث مرات "قل هو الله احد" ثم قل اللهم ان فضله لاهل اذا دخلتم المقابر فاقروا المقابر

«Қачон қабристонга кирсангиз Оятал курсини ва Ихлос сурасини уч марта ўқиб, сўнгра, эй

Парвардигор, ўқиганларимнинг фазлу савобини шу аҳли қабрларга етказгин», десин», дейилган.

Имом Аҳмад "Муснад"ларида ва Абу Довуд ван-Насоий ва Ибни Ҳиббон "Саҳиҳ"ларида расулуллоҳдан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **اقرأوا يس على موتاكم**

Ёсин сурасини ўликларга ўқинглар», деганлар. Бир ёш йигит халқ орасида авлиё деб танилган, ўша замондаги машҳур олим эса уни тан олмас экан. Иттифоқо бир катта маросимда олим ёш авлиёга рўбару бўлибди. Олим юқорида, ёш авлиё қуйида ўтирган пайтда йиғилган халққа ош тортилиб, бисмиллоҳ деб ошга қўл узатилиши билан ёш авлиё бирдан ҳўнграб йиғлай бошлади. Шунда олим, нима бўлди, деб сўради. Ёш авлиё: «Тақсир, ошга қўл чўзишим билан онамни дўзахда ёниб ётганлигини кўрдим, йиғламай иложим борми?», дебди.

Олим ёш авлиёнинг ҳақ-ноҳақлигини синаш пайти келганлигини сезиб, ҳеч кимга билдирмасдан, кўнглидан етмиш мингта айтган таҳлилни, яъни, "Ла илаҳа иллаллоҳ"нинг савобини фи сабилиллоҳ боланинг онасига ҳадя қилибди. Шу пайт йиғлаб турган ёш авлиё бирданига кулиб юборади. Олим: «Нима бўлди, жиннимисан?», дейди. Ёш авлиё: «Йўқ, тақсир. Сиз фи сабилиллоҳ ҳадя қилган етмиш минг таҳлилнинг савоби онамга етиб, дўзахдан қутилиб, жаннатга кирди, шунинг учун кулдим», дейди. Шундан бошлаб таҳлилнинг савоби тегса, Қуръоннинг савоби авло батарақий тегишлиги маълум бўлиб, марҳумга хатми қуръон қилиш одат тусига кирган. Биз аҳли суннат валжамоат аҳллари Қуръон савоби марҳумнинг руҳига тегишлигини ҳақ деб эътиқод қиламиз. Мўътазила ва баъзи уларнинг фикрларини маъқуллаган фирқалар, марҳумга Қуръон савоби тегишини инкор қилишади. Аллоҳ мўъминларни бундай бидъатларга эргашишдан асрасин.

16-масала Шафоат ҳақлиги борасида

Севиқли пайғамбаримиз: **حلت شفاعتى لاهل الكبائر**

"Менинг шафоатим гуноҳи кабиралар (катта гуноҳлар) қилиб қўйган кишилар учундир", деганлар.

Мана шу ҳадиснинг ўзиёқ шафоатни инкор қилувчи бидъатчи фирқаларнинг эътиқодлари ботил эканлигини исботлайди. Улар, "Биз фақат Қуръону ҳадис билан юрамиз", деб даъво қилсалар ҳам, Қуръону ҳадисни яхши тушуна олмайдиган чаласавод, калтафаҳм эканликларини зикр қилинган ҳадиснинг ўзи исботлайди. Бақара сурасининг 255-оятда битилган:

مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ

«Унинг изнисиз, унинг ҳузурида ким шафоат қила олади?», ояти каримаси уларнинг калтафаҳм эканликларини исботлайди. Дарҳақиқат, Унинг изнисиз ҳеч ким ҳеч кимни шафоат қила олмайди, аммо Аллоҳ "Илла бизниҳи" деб, изни билан шафоат қилиши мумкинлигини ошкора айтмоқда. Яна Зуҳро сурасининг 5-оятда:

وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ فَتَرْضَىٰ

«Эй ҳабибим! Яқинда парвардигорингиз сизга ато этгайки, сиз рози бўлгайсиз», дейилган. Жаноби пайғамбаримизга у зотни рози қиладиган нарса, Аллоҳ ато этадиган умматларининг шафоати эмасми?

Умматнинг омонлиги, дўзахдан қутилиб қолишидан ортиқ бахт борми? Оиша онамиздан ривоят қилинадиган ҳадис ҳам уларнинг жоҳиллигини исботлайди. Оиша онамиз: "Бир кеча расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда рукуъ ҳолда туриб, «Ё Раббий! Умматий, умматий», деганларини эшитдим. Саждада ҳам «Ё Раббий! Умматий, умматий», дедилар. Намоз ўқиб бўлганларидан кейин ҳам «Ё Раббий! Умматий, умматий», дедилар. Ва Оиша онамизга қараб, «Ё Оиша бунга таажжуб қилдингми? Мен токи дунёда тирик бор эканман, "Ё Раббий! Умматий, умматий» дегайдирман. Қабрда ҳам ётиб шундоқ умматий, умматий дегайман. Ҳатто сур чалингунча, сур чалинган вақтда ҳам яна: «Умматий, умматий», дегайман. Бутун пайғамбарлар: «Нафсий» (ўзим) деган. У кунда ҳам мен: "Умматий, умматий" дегайман. Жаноб ҳақ таоло: "Сенга ва умматингга ҳамда менинг ваҳдониятим ва сенинг пайғамбарлигингни тасдиқ этганларга сени шафоатчи қилдим!" деб марҳамат этгай", деганларини ривоят қиладилар. Аллоҳ нозил қилган асл, ҳақиқий Тавротда: "Уммати Муҳаммад жаннатга уч фирқа бўлиб киргайдир. Бир қисми ҳисоб кўрмасдан тўғридан-тўғри, бир қисми енгил бир ҳисоб билан, учинчи қисми эса дўзахга тушгандан кейин пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоати билан қутилиб, жаннатга киргай", деб ёзилган.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қиёмат куни менинг шафоатимга эришадиган инсонларнинг энг саодатлиси ихлос билан, самимий қалбидан "Ла илаҳа иллаллоҳ", деганлар", деб марҳамат қилганлар.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: "Саҳобалардан бири ё Расулуллоҳ Аллоҳ Исро сурасининг 79-оятда:

وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ نَافِلَةً لَّكَ عَسَىٰ أَنْ يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا مَّحْمُودًا

«Парвардигорингиз Сизни (қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтирса», деган. У қандай мақом деб сўраганида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

هو المقام الذي أشفع لأمتي فيه

"У шундай мақомки, (ўша) мақомда умматимни шафоат қиламан", деганлар. Келтирилган ояту ҳадисларнинг мазмуни шафоат ҳақ эканлигига далил бўлади. Улардан ташқари бир қанча оятлар ва ҳадислар ҳам борки, улар шафоат ҳақ эканлигини тасдиқлайди. Уларни тушуниш учун инсонда фаҳм бўлиши керак.

Имом Термизий Абу Саид разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

ان من امتي من يشفع للفئام و منهم من يشفع للقبيلة و منهم من يشفع للعصبة و منهم من يشفع للرجل

حتي يدخلوا الجنة

«Умматларимдан шундай кишилар борки, улардан баъзиси катта бир жамоат, баъзилари бир қабилани, яна бошқаси бир тўда инсонларни, баъзилари эса фақат бир кишини шафоат қилади ва уларни жаннатга киритади», деганлар

Демак, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларидан ташқари, у зотнинг умматлари ҳисобланган авлиёлар, уламолар, шаҳидлар ва солиҳ бандалар ҳам шафоат қилишлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам биз аҳли суннат вал жамоат фирқалари шафоатни ҳақ, деб биламиз.

17-масала Ал-Исро ва Меърож ҳақлиги тўғрисида

Ражаб ойининг 27-кечаси Исро ва Меърож кечасидир. Шу кеча пайғамбаримиз саллалллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг кудрати билан фаришталар ёрдамида Маккадан Қуддусдаги Масжид-ул Ақсога борганлар. Сўнгра Аллоҳ таолонинг ҳузурига, осмонга кўтарилиб, "Сидратул мунтаҳо"га етиб бордилар.

Шарҳ. Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Маъсуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича «Сидратул мунтаҳо» еттинчи осмондаги Нилуфар исмли дарахт бўлиб, унинг шохлари дуру ёқут ва забаржадлардан иборатдир. Ердан нимаики кўтарилиб чиқса интиҳоси унга етади ва юқоридан нимаики тушса, интиҳоси унга етади. Шунинг учун ҳам «Мунтаҳо» яъни, интиҳосига бориб етадиган жой деб аталади. Ибн Касир тафсири III жилд

Бу Аллоҳ таолонинг пайғамбаримиз саллалллоҳу алайҳи ва салламга кўрсатган улуғ мўъжизаларидан биридир. Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва салламнинг Масжид ул-Ҳаромдан Масжид ул-Ақсога қилган тунги сайрлари Исро ва Меърож қуръон билан собит бўлган:

سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى الَّذِي بَارَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنَ
آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

«Ўз бандаси (Муҳаммадни), унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун тунда, Масжид ул-Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ул-Ақсога сайр қилдирган зот покдир. Дарҳақиқат у эшитувчи ва кўрувчидир». (Ал-Исро сураси 1-оят).

У ердан осмонларга кўтарилишлари - Меърождир. Ушбу воқеа ҳижратдан бир йилдан олдин, ражаб ойининг 27-кечаси содир бўлган.

Меърож ва ундаги баъзи воқеалар Нажм сурасининг 13-18-оятларида шундай баён қилинган:

مَا زَاغَ الْبَصَرُ إِذْ يَعْتَشَى السُّدْرَةَ مَا يَعْتَشَى. عِنْدَهَا جَنَّةُ الْمَأْوَى عِنْدَ سِدْرَةِ الْمُنتَهَى. وَلَقَدْ رَأَاهُ نَزْلَةً أُخْرَى.
لَقَدْ رَأَى مِنْ آيَاتِ رَبِّهِ الْكُبْرَى وَمَا طَعَى.

«Қасамки, (Муҳаммад саллалллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил фариштани ўзининг аслий

суратида) иккинчи бор жаннат чеккасидаги Нилуфарни ўраган нарса (Аллоҳ таолонинг файзи илоҳийси) ўраб олган эди. (Пайғамбарнинг) кўзи (ўнгу сўлга) оғани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ. Дарҳақиқат, у (ўша соатда) Парвардигорининг буюк аломатларини (У зотнинг қудрати илоҳийсига далолат қиладиган жуда кўп аломатларни) кўрди».

Ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ: "Кимки Исро ва Меърож воқеалари тўғрисидаги оятларни рад этса, шак-шубҳасиз кофир бўлади", деганлар.

"Бир кеча Масжид ул-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил (а.с.) Буроқ исмли отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик. Бу ердаги Масжид ул-Ақсода икки ракъаат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб, Жаброил алайҳиссалом билан осмонга йўл олдик. Меърожда содир бўлган нарсаларнинг баъзилари юқоридаги оятларда зикр қилинди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Меърож кечасида Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган аломатларни, жумладан, Жаннат, Дўзах, Байтул Маъмурни, ўтган пайғамбарлар, фаришталар, Жаброил фариштанинг аслий кўринишларини ва бошқа нарсаларни кўрдилар. Ўша Меърож кечаси уммати Муҳаммадияга беш вақт намоз фарз қилинди. Бақара сурасининг охириги икки ояти ва қуйидаги 12 та ҳукм берилди, яъни:

1. Аллоҳга ширк келтирмаслик.
2. Ота-онага итоат қилиш.
3. Қариндош ва муҳтожларга ёрдам бериш.
4. Молни беҳуда сарф қилмаслик.
5. Болаларни ўлдирмаслик.
6. Зинога яқинлашмаслик.
7. Етимларга яхши муомалада бўлиш.
8. Ноҳақ одам ўлдирмаслик.
9. Аҳдига вафо қилиш.
10. Ўлчовда тўғри, адолатли бўлиш.
11. Билмасдан бировларнинг илми ёки айтганларига эргашмаслик.
12. Ер юзида кибр ва ғурур билан юрмаслик.

Расулуллоҳ Меърождан қайтишларида Иброҳим Халилуллоҳни кўрганлар. У зот, биз умматларга ўз саломларини йўллаб: "Эй Муҳаммад, умматларингизга жаннат жуда ҳам гўзал жой эканлигини айтинг. Шу гўзал жойга эришмоқ учун ибодат ва хайрли ишларни мунтазам давом этдиришиб, Аллоҳнинг розилигини топишсин", деб насиҳат қилганлар.

18-масала

Қиёмат кунида ҳар бир инсоннинг номаи аъмоллари берилиши ҳақлиги тўғрисида

Аллоҳ таоло Ас-Исро 13-14 оятларида :

اقْرَأْ كِتَابَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ وَكُلِّ إِنسَانٍ أَلزَمْنَاهُ طَائِرَهُ فِي عُنُقِهِ وَنُخْرِجُ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كِتَابًا يَلْقَاهُ مَنشُورًا. " الْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا. "

«Ҳар инсоннинг дунёдаги амалларини "бўйнига осиб қўйгандирмиз. Қиёмат куни унга очик

ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни (номаи аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз ва номаи аъмолларингни ўқи! Бу кун ўз нафсинг ўзинга қарши етарли ҳисобчидир», дейилур», деган.

Исро сурасининг 71-оятда:

يَوْمَ نَدْعُو كُلَّ أَنَسٍ بِإِمَامِهِمْ فَمَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ فَأُولَئِكَ يَقْرَءُونَ كِتَابَهُمْ وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا

«Биз ҳар бир инсон синфларини (гуруҳини) ўз имомлари (раҳбарлари) билан чорлайдиган қиёмат кунини эсланг. Бас, кимгаки ўз китоби- аъмолномаси ўнг қўлидан берилса, ана ўша кишилар ўзларига заррача зулм қилинмаган ҳолда, номаи аъмолларини ўқурлар», дейилади. Бу ояти карималар қиёмат кунда ҳар бир инсоннинг ҳаёт даврида қилган амаллари китоб шаклида қўлига берилишига далил бўлади. Кимнинг китоби ўнг қўлидан берилса, нажот топади. Худо кўрсатмасин, чап томонидан берилса, ҳолига вой.

Бас, шундай экан, ҳар бир имонли банда бу оятлардан ўзи учун ибрат олиб, қиладиган амалларини билиб бажариши, қиёмат куни шарманда-ю шармисор бўлиб, номаи аъмоллари орқа томонидан берилишидан ўзини асраши, адашганлар, алданганлар эътиқодини ислоҳ қилиши керак. Мадомики банда тирик экан, фурсатни ғанимат билиб, жаҳаннамдан ўзини қутқариб, нажот топишига имконият бор, ғафлатда қолманг!

19-масала Ҳисоб бериш ҳақлиги борасида

Қиёмат куни инсонлар ҳаёт давларида қилган амалларидан ҳисоб беришлари ҳақ. Бу ҳақда оятлар ворид бўлган. Буни инкор қилганлар кофирдир. Иншиқоқ сурасининг 7-15-оятларида:

فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا وَيَنْقَلِبُ إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا وَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ
وَرَاءَ ظَهْرِهِ فَسَوْفَ يَدْعُو ثُبُورًا وَيَصَلَّىٰ سَعِيرًا إِنَّهُ كَانَ فِي أَهْلِهِ مَسْرُورًا إِنَّهُ ظَنَّ أَن لَّنْ يَحُورَ بَلَىٰ إِنَّ رَبَّهُ
كَانَ بِهِ بَصِيرًا

«Бас, кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса, бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли (оиласи)га шоду-хуррам ҳолда қайтажак. Аммо, кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса, бас, (ўзига) ўлим тилаб қолажак ва дўзахда тобланажак. Дарвоқе, (дунёдалик) пайтида у аҳли оиласида шоду-хуррам эди, ўзини ҳеч қачон (Парвардигор ҳузурига) қайтмасман, деб ўйлар эди. Йўқ! Парвардигори уни шубҳасиз, кўриб турувчи эди», дейилган.

Ҳисоб-китоб қилингандан кейин инсонларнинг йўли иккига ажралади, бири абадий фароғатда бўладиган жаннатга, иккинчиси дунёдаги лаззатларини бурнидан чиқариб юборадиган абадий хору-зорлиқда бўладиган дўзахга.

Фотиҳа сурасидаги **يَوْمَ الدِّينِ** (Молики явмиддин) "У жазо кунининг эгасидир" ояти каримаси ҳам ҳисоб-китоб куни ҳақ эканлигини исботлайди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: "Ҳалолга ҳисоб, ҳаромга эса азоб бордур", деган ҳадислари ҳам ҳисоб ҳақ эканлигига далил бўлади.

Ҳисоб куни ҳолимиз хароб бўлиб, юзимиз қорайиб қолмаслиги учун Абу Бакр Сиддиқнинг:

عليكم بالاستغفار و لا اله الا الله

"Ўзларингга истиғфорни ва ла илаҳа иллаллоҳни лозим тутиб маҳкам ушланглар", деган насиҳатларини қулоққа олишимиз керак.

Айниқса, истиғфорларнинг саййидини ўқисак, янада яхшироқ бўлади, чунки бу истиғфор инсон гуноҳларини ювиш билан бирга, дунёдаги ҳар турли қийинчиликлардан сақлаб, инсоннинг ризқи мўл-кўл бўлишига сабаб бўлади.

Имом Бухорий Шаддод ибн Авсдан ривоят қилган ҳадисда расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам

«Саййидул истиғфор»

وعدك ما سيد الاستغفار ان تقول : اللهم انت ربي لا اله الا انت خلقتني و انا عبدك و انا على عهدك استطعت اعوذبك من شر ما صنعتُضنعت ابوء لك بنعمتك علىّ و ابوء بذنبي فاغفر لي فانه لا يغفر الذنوب الا انت قال و من قالها من النهار موقنا بها فمات من يومه قبل ان يمسي فهو من اهل الجنة، و من قالها من الليل و هو موقن بها فمات قبل ان يصبح فهو من اهل الجنة

"Парвардигор! Сен менинг раббимсан, сендан ўзга ҳеч илоҳ йўқ. Сен мени яратдинг ва мен Сенинг бандангман ва сенга берган аҳду паймон ва ваъдамга тоқатим етганича турибман. Мен қилган ёмонликларимдан Ўзинг паноҳ беришингни сўраб илтижо қилурман. Менга берган неъматларингга ва қайта гуноҳ қилмасликка қайтдим. Ўзинг гуноҳларимни мағфират эт. Зеро, сендан ўзга гуноҳларни кечирувчи зот йўқдир", деб айтмоқлигингдир.

Расулуллоҳ унинг фазлини баён қилиб, "Кимки саййидул истиғфорнинг мазмунига жазман ишониб, эрталаб айтса, шу куни қоронғу тушмасдан олдин вафот этса, у аҳли жаннатлардандир ва кимки кечаси айтса, шу кеча тонг отмасдан олдин вафот этса, у аҳли жаннатлардандир", деб айтдилар.

Танбех: Шу ўринда бир мулоҳаза юритишимиз лозим бўлади. Агар биз:

اعوذ بك من شر ما صنعتُ

«Аузу бика мин шарри мо санату», деб ўқисак, "Ўзим қилган ёмонликларимдан паноҳ тилаб, сенга илтижо қиламан", маъноси чиқади. Агар биз

اعوذ بك من شر ما صنعتَ

«Аузу бика мин шарри мо саната», деб ўқисак, "Сен тақдиримга ёзган ёмонликлардан паноҳ тилаб, ўзингга илтижо қиламан", маъноси чиқади. Бу ҳолатда маъно чуқурроқ, мазмунлироқ ҳамда ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки биз бандаларнинг қилган ёмонликларимиз Аллоҳнинг раҳмати ва

мағфирати олдида ҳеч гап эмас. Зеро, Аллоҳ таоло Фалақ сурасининг 1-2-оятларида:

(قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ

«Эй Муҳаммад, умматларингизга айтинг, «Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, яратган нарсалари ёвузлигидан», деган.

Агар Аллоҳ бандасига ёмонликни раво кўрса, бундан оғирроқ ва ёмонроқ нарса йўқ. Уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қутқара олмайди. Шунинг учун ҳам «Аузу бика мин шарри мо саната», деб ўқишимиз яхшироқ, ҳақиқатга яқинроқдир.

20-масала

Сирот кўприги ҳақлиги тўғрисида

Ҳар бир мўъмин сирот кўпригини ҳақ деб эътиқод қилиши лозим. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Марям сурасининг 71-72-оятларида:

(وَإِنْ مِنْكُمْ إِلَّا وَارِدُهَا كَانَ عَلَى رَبِّكَ حَتْمًا مَقْضِيًّا ثُمَّ نُنَجِّي الَّذِينَ اتَّقَوْا وَنَذَرُ الظَّالِمِينَ فِيهَا جِثْيًا

«Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) учрагайдирсиз. Бу Парвардигорингиз (амрига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир! Сўнг тақводор бўлган зотларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз», деб марҳамат қилган. Шу оятнинг тафсирида Имом Бухорий ва Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Сирот жаҳаннам устидаги кўприк бўлиб, қилич тиғидан ўткир. Ундан инсонлар қилган яхши амаллари даражасига қараб ўтишади. Савобли амаллари қанчалик кўп бўлса, ўтиш тезлиги шунчалик ошади. Савоби кўплиги жиҳатидан биринчи табақадагилар жамоаси чақмоқдек тезликда ўтишади. Иккинчи табақадагилар шамолдек тезликда, учинчи табақадагилар жамоаси учқур одек тезликда, тўртинчи табақадагилар жамоаси тез юрар туялардек тезликда, бешинчи табақадагилар жамоаси югурувчи одам тезлигида, кейинги табақалар жамоаси эса оддий юриш тезлигида ўтишади. Пилсирот кўпригининг икки томонида эса фаришталар:

اللهم سلم، اللهم سلم

"Аллоҳумма саллим, аллоҳумма саллим", "Парвардигор саломат қилгин, ўзинг саломат қилгин", деб дуо қилиб туришади», дейилган.

Азиз биродар! Бу дунёда яшаб, қанчадан-қанча кенг ва узун кўприкларнинг гувоҳи бўлганмиз, кўрган кўприкларимиз бор йўғи бир шаҳар халқининг ўтмоғи учун мўлжалланган. Энди ҳазрат Одам алайҳиссаломдан бошлаб, қиёматгача келадиган триллион-триллион бандаларни сиғдирадиган илоҳий кўприк қанчалик улкан бўлишини чуқур ўйлаб, бир тасаввур қилиб кўрайлик-а?! У сирот кўпригининг кўтарилиш қисми минг йиллик йўл, тўғри юриш қисми минг йиллик йўл, пастга тушиш қисми яна минг йиллик йўл бўлиб, етти бўлимдан иборатдир. Бу кўприк ниҳоятда кенг бўлса ҳам, кофиру мунофиқлар учун қилдан ингичка, қиличдан ўткир ва зулумот қоронғуликдир. Дунёда, имтихонда яшаш пайтида Аллоҳдан кўрқиб, амалларни ихлос билан

бажарган муттақий солиҳ бандалар учун равон йўлдир. Охирида жаннат, остида жаҳаннам жойлашган.

Одам алайҳиссаломдан қиёматгача қанча инсон дунёга келган бўлса, уларнинг барчаси шу кўприқдан ўтишади. Ўтиш пайтида ҳар бир банда тўхтатилиб, сўроқ қилинади. Саволларга жавоб берган бандалар эсон-омон ўтиб, жавоб бера олмаганларнинг ҳолига вой бўлади. Кўприқнинг биринчи бўлимида имондан сўралади. Имонсизларнинг ҳолига вой. Кўприқнинг иккинчи қисмида намоздан, учинчи бўлимида закотдан, тўртинчи бўлимида рўзадан, бешинчи бўлимида ҳаждан, олтинчи бўлимида жанобатдан покланиш йўриғидан, еттинчи бўлимида ота-она ҳақларидан сўралади. Барча саволларга жавоб берганлар эсон-омон жаннатга киришса, саволларга жавоб бера олмаганлар дўзахга тушадилар. Барча мўъминларга Аллоҳнинг ўзи нажот берсин.

21-масала Жаннат ҳам, дўзах ҳам ҳақлиги тўғрисида

Жаннат ҳам, дўзах ҳам борлиги, тайёр ҳолда турганлиги Қуръон оятлари билан собит бўлган. Буни инкор қилганлар кофирдир. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 35-36-оятларида:

وَقُلْنَا يَا آدَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ
الظَّالِمِينَ فَأَزَلَّهُمَا الشَّيْطَانُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِ وَقُلْنَا اهْبِطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ وَلَكُمْ فِي
الْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتَاعٌ إِلَى حِينٍ

«Биз яна айтдик: «Эй Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда яшангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан (неъматларидан) бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангиз, (акс ҳолда) золимлардан бўлиб қолурсиз». Бас, шайтон иккисини (васваса билан) ундан тойдириб, турган жойларидан (жаннатдан) чиқарди. Биз (уларга) айтдик: «Бир-бирингизга» (келажак зурриётингиз билан ўзаро) душман бўлиб, (Ерга) тушингиз! Маълум вақтгача (ажал етгунча) сизлар учун ерда барқарорлик ва (ундан) фойдаланиш (бордир)», деб марҳамат қилган.

Бу оятнинг мазмунидан жаннат яратилганлиги, Одам алайҳиссалом у ерда яшаб, Аллоҳга осий бўлиб, вақтинчалик ер юзига имтиҳон учун юборилганлиги маълум бўлади. Имтиҳондан муваффақият билан ўтганлар яна жаннатга қайтишлиги ва имтиҳондан ўта олмаганлар дўзахга кириши, дўзах ҳам, жаннат ҳам яратилганлигига катта далил бўлади.

Жаноб пайғамбаримиз меърож кечасида жаннатни ва ундаги олий қасрлар, ҳуру филмонлар, турли нозу неъматларни, дўзах ва ундаги турли азобларни ўз кўзлари билан кўрганликларини айтганлар.

Имом Термизий, Абу Довуд ва Насоийлар Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло жаннатни яратиб Жаброилга: «Эй Жаброил, бориб жаннатни кўргин», деди. Жаброил бориб жаннат ва унинг аҳиллари, яъни, жаннатийлар учун яратилган неъматларни кўриб қайтиб келди ва «Эй раббим, улуғлигинг номи билан қасам ичаманки, кимки унинг таърифини эшитса, кирмасдан қўймайди», деди.

Аллоҳ уни инсонларнинг кўнгли хоҳламайдиган нарсалар билан ўраб, кейин Жаброилга: «Эй, Жаброил, энди бориб кўргин», деди. Жаброил бориб кўриб қайтгач, «Эй, раббим улуғлигингга

қасамки, унга ҳеч ким кира олмаса керак», деб қўрқаман деди. Аллоҳ дўзахни яратиб, Жаброилга: «Эй, Жаброил, бориб, дўзахни кўргин», деб амр қилди. Жаброил бориб, уни кўриб, қайтиб келди ва: «Эй, раббим, улуғлигинга қасам ичаманки, кимки унинг таърифини эшитса, асло унга кирмайди», деди. Аллоҳ уни инсонларнинг кўнгли истайдиган (тортадиган) нарсалар билан ўраб, сўнг Жаброилга: «Эй Жаброил, энди бориб кўр», деди. Жаброил бориб, кўриб қайтгач, «Эй, раббим, улуғлигинга қасамки, унга кирмайдиган кимса қолмаса керак деб қўрқаман», деди.

Бу ҳадисдан жаннат ҳам, дўзах ҳам тайёр яратилган ҳолда, ҳар қайсиси ўз аҳлини интизорлик билан кутаётганлиги аниқ, равшан маълум бўлди.

Бу ояту ҳадисларни инкор қилганлар ботил бўлган Жуҳамия фирқалари йўлидан юрган бўлиб, кофирлардан саналадилар.

Биз аҳли суннат вал жамоат фирқалари ҳозир жаннат ҳам, дўзах ҳам мавжуд, яратиб қўйилган икки манзил эканлигига ишонамиз.

22-масала Қиёматда ҳисоб-китоб қилувчи ёлғиз Аллоҳнинг ўзи эканлиги ҳақида

Қиёмат кунининг эгаси, подшоси, қозиси бўлган Аллоҳ таоло бандаларининг умр бўйи қилган ишлари ҳақида сўрайди. Бандалар жавоб беришади.

Бу тўғрисида Аллоҳ таоло Иброҳим сурасининг 51-оятида шундай деб марҳамат қилади:

لَيَجْزِي اللَّهُ كُلَّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ

«Аллоҳ ҳар бир жонга қилмишига яраша жазо бериш учун (шундай қилур, яъни, жинойатчиларнинг кийимларини қора мумдан қилур). Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчидир».

Луқмон сурасининг 28-оятида:

" مَا خَلَقَكُمْ وَلَا يَعْزُبُ عَنْكُمْ إِلَّا كُنُفُسٌ وَاحِدَةٌ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ "

«(Эй, инсонлар) сизларни яратиш ҳам, қайта тирилтириш ҳам худди бир жонни (яратиш ва қайта тирилтиришнинг) ўзгинасидир (осондир, қийинчилик жойи йўқ). Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир», деб ай тган.

Андозаси, қолипи йўқ инсонни яратиш қанча оғир бўлса ҳам, уни қийналмасдан яратган. Ўлгандан кейин тирилтириш яратишга нисбатан анча осон, чунки У асли бор бўлган нарсани тирилтиради. Энди шундай оғир ишларни қилган Зот, бир зумда ҳисоб-китоб қилишга қийналиб қолармиди? Бу иш унинг учун ҳеч гап эмас. Ҳижр сурасининг 92-93 ояти карималари ҳам бевосита ҳисоб-китоб қилувчи ёлғиз Ўзи эканлигини тасдиқлайди:

(عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ فَوَرَبِّكَ لَنَسْأَلَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ

«Парвардигорингиз номига қасамки, албатта, уларнинг барчасини қилган ишлари тўғрисида

сўроқ қилгайман».

Каҳф сурасининг 49-оятида:

وَوَضَعَ الْكِتَابَ فَنَرَى الْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يَا وَيْلَتَنَا مَا لَ هَذَا الْكِتَابِ لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً " وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا وَلَا يَظِلُّمُ رَبُّكَ أَحَدًا

«(Сўнг ҳар бир кишининг) номаи аъмоли (ўз қўлига) қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: "Ҳолимизга вой! Бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди», дейишларини кўрурсиз. (Улар) қилган (барча) амалларини нақд ҳолда топурлар. Раббингиз ҳеч кимга зулм қилмас", деб марҳамат қилган.

Фуссилат сурасининг 21-оятида:

وَقَالُوا لَجُودِهِمْ لِمَ شَهِدْتُمْ عَلَيْنَا قَالُوا أَنْطَقْنَا اللَّهُ الَّذِي أَنْطَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ خَلَقَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

«Улар териларига: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердинглар?» дейишганида, (терилари): «Бизларни, барча нарсани сўзлатган зот - Аллоҳ сўзлатди. Сизларни илк бор У яратган ва сизлар яна Унинг Ўзигагина қайтарилурсизлар», дейдилар».

Имом Бухорий ва Имом Муслим саҳоба Адий ибн Хотамдан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам "Тез кунларда (фурсатда) сизлардан: парвардигори билан таржимонсиз, ҳеч қандай тўсиқларсиз, юзма-юз, яккама-якка туриб, гаплашмайдиган кимса қолмайди. Шунда банда нажот топармиканман, деб ўнг томонига қарайди ва ҳаёти давомида қилган барча амалларини кўради. Шундан сўнг чап томонига қарайди ва умр давомида қилган барча амалларини кўради. Кейин олдига қарайди ва рўбарўсида жаҳаннам турганини кўради. Бас, аҳвол шундай бўлар экан, гарчи яримта хурмони садақа қилиш билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинг", деганлар. Демак, оятларнинг мазмуни ҳам, ҳадиснинг мазмуни ҳам ҳисоб қилувчи ёлғиз Аллоҳнинг ўзи эканлигини тасдиқлайди.

У ниҳоятда даҳшатли кундир. Ўша кунда Аллоҳ ҳаммамизга мададкор, меҳрибон бўлсин. Банда сўроқларнинг жавобидан қочиш йўлини топа олмайди, ҳамма қилмишларини бир-бир эътироф этади, ҳатто оғизлари муҳрланиб, қўллари сўзлайди, оёқлари қилган ишлари ҳақида гувоҳлик беради. Довдираб қолган инсон, ўз аъзоларига: нега менга қарши гувоҳлик бераяпсизлар? Бу қилмишларинг ўзимизга қарши эмасми? Сизлар учун жон куйдираяпманку?», деб танқид қилганида, аъзолари: «Нима қилайлик, қўлимиздан бирон иш келмаса, ўз ихтиёримиз билан гапирганимиз йўқ. Бизни, барча нарсани гапиртиришга қудрати етадиган Холиқимиз қодир Аллоҳ гапиртирди», дейишади. У кунда яширадиган ҳеч нарса қолмайди.

23-масала

Ашараи мубашшара, яъни, жаннати бўлиши башорат қилинган ўн саҳобаларни жаннати деб эътиқод қилиш лозимлиги ҳақида

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шахсан ўзлари саҳобалардан ўнтасини ҳаётлик пайтларидаёқ жаннати деб ҳукм қилганлар. Уларнинг Исломдаги хизматлари бениҳоя катта бўлиб, жонларини ҳам, мол-мулкларини ҳам дин учун, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун фидо қилганлар. Аллоҳ улардан рози бўлиб, қилган меҳнатлари, чеккан заҳматлари эвазига жаннатни раво кўрди. Мисол учун ҳазрат Алини олайлик. Расулуллоҳни ўлдиришга қасд қилган, ўткир қиличлар билан қуролланган юздан ортиқ Макка мушриклари пайғамбаримиз уйларини қамал қилишди. Улар саҳарда Каъбатуллоҳга чиқиши лозим бўлган пайғамбарга бараварига ҳамла қилиб, уни чопиб ташлашлари керак эди. Жаброил алайҳиссалом мушрикларнинг макрларидан Расулуллоҳни хабардор қилдилар. Шунда Расулуллоҳ ўринларига ҳазрати Алини ётқизиб, ўзлари ҳижратга чиқиб кетдилар. Имонсиз юзта мушрик жаҳл устида ҳазрати Алини бурдалаб ташлашлари мумкин эди. Шундай нозик, қалтис вазиятда ҳазрати Али ўлимдан кўрқмасдан, азиз жонларини фидо қилишга тайёр эдилар. Бу каби ҳодисалар ислом тарихида жуда кўп бўлган.

Уҳуд жангида душман лашкарлари бутун кучлари билан расулуллоҳга қарши ёпирилган пайтда, ҳазрати Талҳа ибн Убайдуллоҳ пайғамбаримизнинг олдиларида туриб, уларни жон-жаҳди билан мудофаа қилди. Шундай ҳужум ва ўқ-бўрон ичида қолган бир пайтда, ўзининг борлигини унутиб, бутун вужуди билан Расулуллоҳни ҳимоя қилди. Ҳимоя пайтида, саксон жойидан жароҳат олганлиги китобларда битилган.

Бир куни ўз боғидаги гўзал манзарага маҳлиё бўлиб, пешин намозига кеч қолгани учун ўша боғни дарҳол ислом учун вақф қилиб юборган эди.

Бу ўнта жаннати саҳобанинг қилган хизматларини тўлиқ баён этишга ожизмиз. Мақсадимиз уларни жаннати деб эътиқод қилиш ва улардан усвату ҳасана, яъни, яхши ибрат, намуна олишдан иборат. Оқилга ишора кифоя дейилганидек, шу икки зотнинг исломдаги хизматларидан бир шингил ҳикоя қилдик.

Кимда-ким улардан биронтасини ёқтирмаса ёки таъна қилса, адашган бидъатчилар қаторида бўлур. Қандай бидъатчи бўлмасинлар? Ахир Аллоҳ таоло Қуръони карим Баййина сурасининг 8-оятда улар ҳақида:

...رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ...

«Аллоҳ улардан рози бўлур, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлурлар», деб қўйган бўлса. Уларни севиб, эҳтиром кўрсатайлик. Аллоҳ уларнинг шафоатларини барча мўъминларга насиб айласин.

Бу муборак жаннати шахслар қуйидагилардир:

1. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ.
2. Ҳазрати Умар ибн Хаттоб.
3. Ҳазрати Усмон ибн Аффон.
4. Ҳазрати Али ибн Абу Толиб.
5. Ҳазрати Талҳа ибн Убайдуллоҳ.
6. Ҳазрати Зубайр ибн Аввом.
7. Ҳазрати Саъд ибн Абу Ваққос.
8. Ҳазрати Саид ибн Зайд.
9. Ҳазрати Абураҳмон ибн Авф.

10. Ҳазрати Абу Убайда ибн Жарроҳ разияллоҳу анҳум ажмаъин.

24-масала

Абу Бакр Сиддиқ Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин умматнинг энг афзали эканлиги ҳақида

Абу Бакр Сиддиқ умматнинг энг афзали эканлигига далолат қиладиган оятлар ҳам, ҳадислар ҳам етарлича бор. Жумладан, Лайл сурасининг 17-21 оятлари Абу Бакр Сиддиқ тўғрисида нозил қилинганига жумҳур муфассирлар иттифоқ қилишган:

(وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتْقَى الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى

إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى وَلَسَوْفَ يَرْضَى

«Ўзи покдамон бўлиб, мол-давлатини яхшилик йўлида сарф қиладиган тақводор зот у дўзахдан йироқ қилинур. У тақводор зот ҳузурида - зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир, яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўтказиб қўйган яхшилигини қайтариш учун хайр-саховат кўрсатмайди. У фақат энг олий зот бўлмиш парвардигорининг розилигини истаб (мол-давлатини сарф) қилур. Ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот-жаннат неъматларидан) рози бўлур».

Тавба сурасининг 40-оятида:

إِلَّا تَنْصُرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيًا إِثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيَّدَهُ بِجُنُودٍ لَمْ تَرَوْهَا وَجَعَلَ كَلِمَةَ الَّذِينَ كَفَرُوا السُّفْلَى وَكَلِمَةُ اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

«Агар сизлар унга (Муҳаммадга) ёрдам қилмасангиз (Аллоҳнинг ўзи унга ёрдам қилур). Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолда (бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқарганларида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», дер экан, Аллоҳ унинг устига хотиржамлик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар (яъни, фаришталар) билан қўллаб-қувватлади. Ҳамда кофир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди. Аллоҳнинг сўзигина юксак сўздир. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир».

Абу Бакр Сиддиқ шундай хавф-хатарли ҳижратда Расулуллоҳни ёлғиз қолдирмасдан ҳамроҳ бўлишлигининг ўзи, у зотнинг Аллоҳга бўлган ишонч-имони нақадар кучли эканлигига ва расулуллоҳдан кейинги даражадаги улуғ инсон эканлигига далил бўлади.

Имом Термизий ва Абу Довуд ҳазрат Умардан ривоят қилган ҳадисда: «Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам садақа қилишга буюрдилар. Шунда менинг қўлимда бир мунча мол-дунё йиғилиб қолган эди. Ўзимга ўзим бугун Абу Бакрдан ўзиб кетадиган куним келди, деб хурсанд бўлиб, мол-мулкимнинг ярмини келтирдим. Расулуллоҳ: "Аҳлингга қанчасини қолдирдинг?", деб сўрадилар. Ярмини қолдирдим деб жавоб қилдим. Шу пайтда Абу Бакр ҳам бироз мол-дунё олиб келдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бола-

чақангга нима қолдирдинг?", деб сўрадилар. Абу Бакр: «Аҳлимга Аллоҳ ва унинг Расулидан бошқа нарса қолдирмадим», дедилар. Шунда: "Абадий ҳеч нарсада ундан ўзиб кетолмас эканман", дедим». Шунинг учун бўлса керак, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: «Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу: "Абу Бакр бизнинг саййидимиз, бизнинг энг яхшимиз, Расулуллоҳга энг севиклигимиздир", деганлар.

Абу Бакр: "Эй, Парвардигор! Менинг жасадимни шундай катта қилгинки, бутун дўзахни эгаллаб олсину, уммати Муҳаммадиянинг биронтаси ҳам сиғмасин", деб дуо қилганлари тасаввуф китобларида ривоят қилинади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ: «Бутун дунё мусулмонларининг имонлари тарозунинг бир палласига, Абу Бакрнинг имони иккинчи паллага қўйилса, Абу Бакр имони оғирлик қилади», деб айтганлар. Шу ояту ҳадислар мазмунидан ҳам Абу Бакр Сиддик уммати Муҳаммадиянинг афзали эканлигини биламиз.

25-масала

Ҳазрати Умарул Форуқ Абу Бакр Сиддикдан кейинги умматнинг афзали экани ҳақида

Бу зот ҳазрат Абу Бакрдан кейинги мартабадаги фазилатли инсон бўлганлигидан иккинчи халифа қилиб сайландилар. Инсонларнинг афзалларидан эканликларига Қуръон ва ҳадисдан далиллар бор. Анфол сурасининг 64-оятида:

"يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ حَسْبُكَ اللَّهُ وَمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ"

«Эй пайғамбар, сизга ва сизга эргашган мўъминларга Аллоҳ кифоядир!» оятида Ҳазрат Умар назарда тутилган, деб тафсир қилинган. Имом Аҳмад ва Термизийлар Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда:

قال النبيص "اللهم أعز الاسلام بأبي جهل بن هشام اوبعمر بن الخطاب" فأصبح عمر فغدا على النبيص فأسلم ثم صلي في المسجد ظاهرا

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Парвардигор! Ислом динини Абу Жаҳл ёки Умар билан қувватлантиргин", деб дуо қилдилар. Дуонинг шарофатидан тонг отиши билан Умар уйғониб, эрталабданоқ пайғамбар ҳузурига борди. Аллоҳга қалбини очиб мусулмон бўлди. Шундан сўнг Масжиди ҳарамга бориб, мусулмон бўлганлигини билдириш учун намозни ошкора ўқиди», дейилган.

Ўша пайтда Умар исломни қабул қилмаган бўлиб, мушриклар қаторида пайғамбаримизга ва мусулмонларга озор берар эди. Пайғамбаримизнинг дуолари ижобат бўлиб, Аллоҳ Умарни имон нури билан мушарраф қилди. Ҳазрати Умар эрталаб пайғамбаримизни ўлдириш пайида уйдан чиқиб, йўли синглисаникига бурилди. Синглиси мусулмон бўлиб, Тоҳа сурасини тиловат қилаётган эди. У зот Қуръон оятларини биринчи марта эшитаётган бўлса ҳам унинг теран маънолари қалбига бориб етди. У уйдан шиддат билан чиқиб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига борди. Расулуллоҳ уни яхши қаршилаб кучоқлаб олдилар. Шу билан унинг қалбини эгаллаб олган залолат куфри кетиб, унинг ўрнини имон нури эгаллаб олди. Шунда мусулмонлар ҳаммаси бўлиб 35 нафар эркак ва 4 нафар аёлдан иборат эди. Қирқинчи бўлиб Ҳазрати Умар мусулмон бўлдилар.

Шу кунгача мусулмонлар уйда яширинча ибодат қилишарди. Ҳазрат Умар мусулмон бўлишлари билан «Эй, Расулуллоҳ! Динимиз ҳақ бўлса, нега яширинча ибодат қиламиз? Бугундан бошлаб ҳеч кимдан қўрқмасдан ошкора ибодат қиламиз», деб Байтуллоҳга бориб, ошкора ибодат қилдилар, намоз ўқидилар. Мусулмонлар ҳам шу кундан бошлаб Каъбатуллоҳга бориб, ошкора намоз ўқий бошлашди. Бу воқеадан Ҳазрати Умарнинг нақадар ботир ва шижоатли зот эканлиги маълум бўлди.

Мушриклар мусулмонларга тинимсиз озор бераверганидан кейин пайғамбаримиз уларни Мадина шаҳрига ҳижрат қилишга буюрдилар. Мусулмонлар яширинча бир - иккита бўлиб, Мадинаи мунавварага кета бошлашади. Фақат Ҳазрати Умар ҳеч кимдан қўрқмасдан, ошкора: «Мен эртага ҳижратга чиқаман, кимки болаларини етим, хотинини бева қолдирмоқчи бўлса, йўлимга чиқсин», деб ҳижратга чиқишларини эълон қиладилар. Мушриклардан ҳеч ким у зотнинг йўлларини тўса олмайди. Шундай қилиб, очиқчасига юриб, эсон омон Мадинага Пайғамбаримизнинг олдиларига етиб келадилар. Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

لقد كان فيما قبلكم من الامم محدثون فان يك في امتي احد فانه عمر

«Батаҳқиқ сизлардан один ўтган умматларда Аллоҳ томонидан илҳом берилганлар бўлган. Менинг умматимдан бирор киши ўшалардан бўладиган бўлса, у ҳам Умардир», деб Ҳазрати Умарнинг фазилатли инсонлардан бири эканлиги хабарини берганлар. Дарҳақиқат, йигирма беш нарсада Ҳазрати Умарнинг сўзлари Аллоҳнинг сўзига тўғри келган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Менинг осмонда ва ерда иккитадан вазири бордир. Осмондагилари Жаброил ва Микоил, ердагилари Абу Бакр ва Умардир", деб марҳамат қилганлар. У зот Умар Одил номи билан машҳур бўлиб, кечалари давлат ишларини бошқаришда, давлат шамъини, ўз ишлари учун эса ўз шамъларини ёққанлар. Халифа бўла туриб ҳам кийимлари эскириб йиртилиб кетган бўлса ҳам, давлат мулкидан олмасдан йиртигини ямаб кияверганлар.

26-масала

Ҳазрати Усмон Ҳазрати Абу Бакр ва Умар Одиллардан кейинги умматнинг афзали экани ҳақида

Ҳазрати Усмон пайғамбаримизнинг учинчи халифалари бўлиб, Расулуллоҳ қизларининг жуфти ҳалоли эди. Биринчи қизлари вафот этгач, иккинчи қизларини никоҳлаб берганлар. Шунинг учун зуннурани-икки нур эгаси лақабига сазовор бўлганлар.

Пайғамбаримиз: "Эй Усмон, мени пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ ҳаққи, сен менинг дунё ва охиратлик дўстимсан", деб марҳамат қилганлар.

Табук жанги иссиқ кунларга тўғри келиб, мусулмонлар озиқ-овқат ва минадиган уловларга муҳтож бўлиб турганда, Расулуллоҳ, имкони борлар озиқ-овқат ва минадиган улов билан ёрдам берсин, деганларида Ҳазрати Усмон Аллоҳ йўлида уч юзта туяни эгар жабдуғлари ва ёпинчиқлари билан ҳадя қилдилар. Пайғамбаримиз Ҳазрати Усмоннинг фидокорлигига жавобан: "Бундан кейин Усмонга ҳеч бир нарса зарар бера олмас!", деб марҳамат қилганлар.

Мадина аҳлининг ичадиган суви йўқ бўлиб, бир яҳудий қудуғидан сув олишар эди. У сувни

қимматга сотганлиги учун ҳамма ҳам унинг сўраган пулини бера олмас эди. Ҳазрат Усмон шу кудуқни яҳудийдан ниҳоятда қиммат пулга сотиб олиб, мусулмонларга ҳадя қилганлар. Ҳазрати Усмоннинг ислом динига қилган хизматлари ниҳоятда катта бўлиб, Расулulloҳ у зот ҳақида: "Усмон ибн Аффон умматимнинг гуноҳкор ва жаҳаннамга киришга мустаҳиқ бўлганларидан етмиш мингтасини шафоат қилгай", деганлар.

У зотнинг 13 йиллик халифалик даврида футуҳотлар кўп бўлиб, ислом давлати ҳудуди кенгайди. Ҳазрати Усмоннинг Қуръони каримни китоб ҳолига келтиришлари, унинг йўқолиб кетишининг олди олинишига ва Ҳазратнинг «Жомиъу каламиллаҳ» унвонига сазовор бўлишларига сабаб бўлди. Ниҳоят, бу муборак зот ўз хоналарида шаҳид қилиндилар ва муборак қонлари ўзлари ўқиб турган мусҳафи шарифнинг "фаса якфика ҳумуллоҳ" оятининг устига тўкилди. Аллоҳнинг марҳамати билан ўша муқаддас, муборак Қуръон она диёримизда, мусулмонлар идораси кутубхонасида сақланмоқда.

27-масала

Ҳазрати Али Абу Бакр Сиддиқ, Умар Одил, Усмон Зуннуринлардан кейин умматнинг афзали экани ҳақида

Бу зот чаҳорёрларнинг тўртинчисидир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мендан кейин халифалик ўттиз йилдир", деганлар. Бу муддат хулафои рошидинларнинг тўртинчиси ҳазрати Али даврида тугади.

Имом Бухорий ва Муслимлар Саъд ибн Абу Ваққосдан қилган ривоятларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Эй Али! Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга қандоқ бўлса, сен ҳам менга ўшандоқсан, лекин мендан кейин пайғамбарлик йўқ", деб марҳамат қилганлар.

Имом Термизий ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда: "Пайғамбаримиз Мадинага борганларидан кейин саҳобалардан ҳар иккитасини бир-бирига биродар қилдилар. Биродар бўлмаган ҳеч ким қолмади. Ҳазрати Али пайғамбаримиз олдиларига йиғлаган ҳолда келиб, «Ё Расулulloҳ! Асҳобалардан ҳаммасини бир-бирига биродар қилдингиз, мени эса ҳеч кимга биродар қилмадингиз», дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сен менинг дунёдаги ва охирадаги биродаримсан", деб Алини ўзларига биродар қилдилар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: Хайбар қабиласини фатҳ этишда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мен эртага байроқни бир кишининг қўлига бераман. Аллоҳ унинг қўлида Хайбарни фатҳ қилади. Аллоҳ ва унинг расули уни яхши кўради, у ҳам Аллоҳ ва унинг расулини яхши кўради", дедилар. Тонг отиши билан ҳаммалари Расулulloҳнинг ҳузурларига йиғилишди ва ҳаммалари ҳам байроқни ўзларига берилишини умид қиларди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Али ибн Абу Толиб қани?», деб сўрадилар. Унинг кўзи оғриган, дейишди. Расулulloҳ уни келтиришни буюрдилар. Бориб у зотни олиб келишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак тупукларини Алининг кўзига сурдилар. Шу онда Алининг кўзлари гуёки ҳеч нарса бўлмагандек соғайди. Байроқни унинг қўлига бердилар. Ҳазрат Али: «Ё Расулulloҳ, улар ўзимиздек мусулмон бўлгунларича курашаман», деб ваъда бердилар. Расулulloҳ: "Уларни юмшоқлик билан Исломга даъват қил ва уларнинг зиммасида бўладиган Аллоҳнинг ҳаққини тушунтир. Аллоҳ номига қасамки, сенинг қўлингда бир кишининг ҳидоят топгани олтин -кумушлардан яхшироқдир", деб марҳамат қилдилар.

Шу ҳадислар мазмуни ҳазрати Алининг Аллоҳ ва унинг расули ҳузурида мартабаси юқори эканлигини кўрсатади.

Ҳазрати Алининг ўзлари Аллоҳнинг бандаси эканликлари билан фахрланиб:

كفي بي عزا ان تكون لي ربا
و كفي بي فخرا ان اكون لك عبدا

"Менга шул иззат кифоядирки, сен менинг Раббимсан. Ва менга шул фахр кифоядирки, мен сенинг қулингдирман", деганлар. У зотнинг ҳикматли сўзлари кўп бўлиб, жумладан: "Хоҳлаганингча едирғил, сен унинг амири бўлурсан. Кимга муҳтож бўлсанг, сен унинг асири бўлурсан!";

"Илмсиз ибодатда ҳам, фаҳмсиз илмда ҳам ва тафаккурсиз қироатда ҳам яхшилик йўқдир", деганлар.

Халифа бўла туриб, фақирликдан қишда совқотар эканлар. "Байтул молдан бирон кийим олсангиз-чи?», дейишса, "Мен мусулмонларнинг мулкани камайтиришни хоҳламайман", дер эканлар. Олтмиш уч ёшга етганларида, шаҳид бўлган ҳолда, Аллоҳнинг ҳузурига равона бўлдилар.

28-Масала

Асҳоби киромларни севмоқ имондан экани ҳақида

Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Саид Ал-Худрийдан қилган ривоятда расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Саҳобаларимни сўкманглар (ҳақоратламанглар). Гарчи сизлардан биронтангиз Ухуд тоғичалик олтинни Аллоҳ йўлида инфоқ қилса (садақа қилса) ҳам, уларга, ҳатто уларнинг ярмига ҳам ета олмайсизлар", деганлар. Чунки Аллоҳ юборган динни қабул қилиб, пайғамбар ва Ислому учун жонларини, мол-мулкларини фидо қилдилар. Улар жонбозлик кўрсатмаганларида дин бизгача етиб келмасди. Шунинг учун уларнинг қадрига етиб, эҳтиромда бўлишимиз керак. Бандачилик қилиб, ораларида ихтилофлар пайдо бўлган бўлса, бунинг учун уларни сўкиб, ҳурматларини кеткизишдан тилимизни тийишимиз лозим. Зеро, ўша ихтилофлар шахсий ғараз учун эмас, балки бирор масалани ечишдаги ижтиҳоддан келиб чиққан мунозаралар бўлиб, ҳатто хато қилган тақдирда ҳам уларга бир савоб берилади. Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам :

رَأَيْتُ مَنْ رَأَى مُسْلِمًا رَأَى نَارًا لَا تَمَسُّ

"Мени кўрган мусулмонни ёки мени кўрган (кишини) кўрган мусулмонни дўзах ўти ушламайди, яъни, ёндирмайди", деб марҳамат қилган. (Имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳнинг бу ваъдалари уларнинг фазилатли улуғ инсонлар эканлигини исботлашга кифоя қилади. Қандай кифоя қилмасин, ахир Аллоҳ субҳанаҳу таоло улар шаънига Тавба сурасининг 100-оятда:

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تُؤْمِنَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَجْعَلُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар-Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўладилар. Яъни, Аллоҳ улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйибди», деб марҳамат қилган бўлса. Имом Разин Умар ибн Хаттобдан ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: "Мен раббимдан, асхобларим мендан кейин қиладиган ихтилофлари тўғрисида сўрадим. Аллоҳ менга ваҳий қилиб :Эй Муҳаммад! Асхобларинг менинг назаримда осмондаги баъзиси баъзисидан қувватли бўлган юлдузларга ўхшайди-ки, уларнинг ҳар бирининг нури бор. Умматларингдан қайси бири уларнинг ихтилофига қарамасдан ушласа, у ҳидоят йўлида бўлур", деди. Шунинг учун ҳам расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам:

اصحابي كالنجوم بأيهم اقتديتم اهتديتم

"Менинг саҳобаларим юлдузлар кабидирлар. Уларнинг қайси бирига иқтидо қилсангиз (эргашсангиз) ҳидоятга етгайдирсиз", деганлар. Аллоҳ ва унинг расули юқори баҳо берган зотлар шаънига ножўя гаплар айтишдан барча мўъминларни Аллоҳнинг ўзи асрасин. Зеро, пайғамбаримизнинг ўзлари:

من ابغض اصحابي فهو منافق

"Кимки саҳобаларимга душманлик қилса, ул мунофиқдир" деб асҳоби киромларни ёқтирмайдиганларнинг ҳукмини чиқариб қўйганлар.

29-масала

Аллоҳ таолонинг ризоси ҳам, ғазаби ҳам бор

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо сурасининг 93-оятда:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

«Кимда-ким қасддан бир мўъминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай», деб марҳамат қилган.

Бу ояти кариманинг мазмунидан кимда-ким Аллоҳнинг топшириқларини бажармасдан гуноҳ ишларни қилиб, жиноятга қўл урса, ундай бандага Аллоҳнинг ғазаби келишлиги баён этилди. Бу мазмундаги оятлар кўп бўлгани учун биттасининг шарҳи ҳам кифоя деб ўйлайман.

Моида сурасининг 119-оятда:

قَالَ اللَّهُ هَذَا يَوْمٌ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

«Аллоҳ деди: "Бу кун содиқ (мўмин)ларга содиқлиги фойда берадиган кундир. Улар учун остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари бордир. Улар у ерда абадий бўлурлар. Улардан Аллоҳ рози ва улар Аллоҳдан рози бўлурлар. Бу буюк ютуқ (бахт)дир».

Тавба сурасининг 72-оятда эса:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَمَسَاكِنَ طَيِّبَةً فِي جَنَّاتٍ
عَدْنٍ وَرِضْوَانٌ مِّنَ اللَّهِ أَكْبَرُ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

«Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшайдиган жаннатдаги пок масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсдан улуғроқдир. Мана шу ҳақиқий буюк (бахтдир) ютуқдир», деб марҳамат қилган.

Бу ояти карималарда яхши амаллари билан Аллоҳни рози қилганлар улуғ бахтга эришишлари уқтирилмоқда. Юқорида келтирилган оятларнинг мазмунидан Аллоҳнинг ғазаби ҳам, розилиги ҳам борлигини билдик.

Биз инсонлар эса махлуқмиз, ғазаблансак, дарҳол ҳолимиз ўзгаради, ғазабимизни жиловлаб олмай, катта хатоларга йўл қўямиз. Ризомиз ҳам шундай, рози бўлган томонимизга оғиб кетамиз. Аммо Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ғазаби ҳам, ризоси ҳам Унинг ҳолига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Ҳар қандай бир ҳолга ўзгаришлик махлуқ бўлган биз бандаларга хосдир. Холиқда бу нарса тасаввур қилинмайди. Чунки холиқнинг сифати ҳам Ўзи каби қадим ва ўзгармасдир. Шунинг учун жаннат холиқнинг ризо уйдир, у ерга Ўзи рози бўлган бандаларни киритади. Шундоқ экан, унинг розилигини топиш учун бутун тани жонимиз билан ҳаракат қилмоғимиз лозим. Жаҳаннам эса ғазаб уйдир. У ерга амрига итоат қилмай, осий бўлган бахтсиз бандаларни киргизади. Бахтсизлар қаторига тушиб қолмаслик учун гуноҳ бўладиган ишлардан четланишимиз зарурдир.

30-масала

Жаннатда мўминлар Аллоҳ таолони кўришлари ҳақлиги тўғрисида

Бу дунё Аллоҳнинг наздида қадрсиз нарса, шунинг учун ҳам уни фоний-йўқ бўлувчи қилиб яратган. Фоний дунёга ҳирс қўйганлар эса, Аллоҳнинг наздида фоний каби қадрсиз инсонлар саналади.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Дунё - мўминнинг зиндонидир", деган ҳадислари ҳам бу дунё қадрсиз, ғам-ташвишларга тўла, вақтинчалик бир макон эканлигини тасдиқлайди. Мўминнинг ҳақиқий жойи жаннат. Ана шу ҳақиқий жойга етиш учун мўмин дунёда яхшилик уруғини экиши керак. Зеро, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам "Дунё охираат экинзори", деб марҳамат қилганлар. Банда экинзорининг ҳосилини иншааллоҳ жаннатда кўрур. Жаннатнинг нозу неъматлари абадий бўлиши билан бирга, ундаги неъматнинг энг аълоси Аллоҳ таолонинг жамолини кўришдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қиёмат сурасининг 22-23-оятларида:

إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ۖ وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ

«Ул кунда мўъминларнинг юзлари яшнаб, Парвардигорига боқиб тургувчидир!», деб мўъминлар Аллоҳ таолони жаннатда кўришлари ҳақ эканлигини билдирмоқда.

Имом Бухорий Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда: "Биз саҳобалар тўлиной ўн тўрт кунлик бўлган кунда расулуллоҳнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ойга қараб, сизлар тез кунда раббиларингизни мана шу ойни кўргандек кўрасизлар", дедилар. Имом Муслим Суҳайб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا دخل أهل الجنة الجنة يقول الله تعالى: تريدون شيئا أزيدكم؟ فيقولون ألم تبيض وجوهنا؟ ألم تدخلنا الجنة و تتجنا من النار؟ قال: "فيرفع الحجاب فينظرون إلى وجه الله فما أعطوا شيئا أحب إليهم من النظر إلى ربهم" ثم تلا للذين أحسنوا الحسنى و زيادة

"Аҳли жаннатлар жаннатга кирганларидан кейин Аллоҳ таоло: «Бундан ҳам зиёдароқ нарсани хоҳлайсизми?», дейди. Жаннатилар: «Юзимизни ёруғ қилдинг, жаннатингга киргиздинг, дўзахдан қутқардинг (нажот бердинг) бундан ортиқроқ нарса бўладими?», дейишганда, ҳижоб кўтарилиб, Аллоҳнинг (жамолига) юзига қарайдилар ва раббиларига қарашдан кўра махбуброқ нарса берилмаганлигини биладилар", деб ўз сўзларига далил бўлиши учун Юнус сурасидаги 26-оятни ўқидилар:

...لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ

«Эзгу иш қилганларга (яъни, Аллоҳни якка билиб, солиҳ амаллар қилганларга) чиройли (савоб-жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўришлик) бордир».

Ояту ҳадисларнинг мазмунидан мўъминлар Аллоҳнинг дийдорини кўришлари ҳақ эканлиги маълум бўлди.

31-масала

Пайғамбарларнинг (мартаба) даражалари авлиёлар даражаларидан юқорилиги ҳақида

Кимки авлиёларнинг кароматларига алданиб, уларнинг мартабаси пайғамбарларнинг мартабасидан юқори деса, бидъатчилар қаторига қўшилиб, аҳли суннат жамоасидан ташқарига чиққан бўлади. Шунини билиб қўйишимиз керакки, авлиёлардан қанчалик кароматлар зуҳурга келмасин, ҳеч бир авлиё пайғамбарлик мартабасига эриша олмайди. Авлиёлар ўз даврларининг пайғамбарларига тобеъдирлар. Зеро, пайғамбарларга итоат қилмоқ, Аллоҳ томонидан буюрилган тоатдир ва пайғамбарга итоат қилган банд Аллоҳга итоат қилган кабидир.

Нисо сурасининг 13-оятида:

...وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

«Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ҳаёт бахш этар ва бу катта зафардир», деб марҳамат қилган.

Яна шу Нисо сурасининг 69-оятда:

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ
وَحَسُنَ أُولَئِكَ رَفِيقًا

«Кимда-ким Аллоҳга ва пайғамбарга итоат этса, ана ўша Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар-пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар (яхши амал қилиб ўтган кишилар) билан бирга бўлурлар. Улар эса энг яхши ҳамроҳлардир», деб пайғамбарларга итоат қилганларни Аллоҳга итоат этганлар билан тенг қилди.

Бу оятлардан Аллоҳга ва пайғамбарларга итоат қилмоқликнинг мукофоти жаннат эканлигини билдик. Биронта ҳам оятда авлиёларнинг зикри ўтмади. Бинобарин, авлиёлар пайғамбарларга қиёс қилинмайди. Авлиёнинг авлиё бўлиши ўз даври пайғамбарига эргашиши натижасидир. Авлиёлар хатоларга йўл қўйиши ва авлиёлик мартабасидан маҳрум бўлиши мумкин. Пайғамбарлар эса хатога йўл қўймадилар. Аллоҳ уларни хатодан асраган. Шунинг учун ҳам уларга эргашиш вожиб. Пайғамбарлар хатога йўл қўйганларида, уларга эргашиш вожиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло уларга итоатли бўлишга буюрди.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

من اطاعني فقد اطاع الله و من عصاني فقد عصي الله و من اطاع الامير فقد اطاعني و من عصي الامير فقد عصاني

"Кимки менга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади ва кимки менга осий бўлса, Аллоҳга осий бўлади. Кимки амирга итоат этса, менга итоат қилган бўлади ва кимки амирга осий бўлса, менга осий бўлади", деб марҳамат қилганлар.

32-масала

Авлиёларнинг кароматлари ҳақлиги борасида

Уни инкор қилмоқлик адашган бидъатчиларнинг ишидир. Қуръони каримда авлиёларнинг кароматлари зикр қилинган. Жумладан, Юнус сурасининг 62-64 оятларида:

لَهُمُ الْبُشْرَى فِي الْحَيَاةِ أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ. الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ.
(الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ لَا تَبْدِيلَ لِكَلِمَاتِ اللَّهِ ذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ .

«Огоҳ бўлингки, албатта, Аллоҳнинг валий (дўст)ларига (охиратда) хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар. Улар имон келтирган ва тақволи бўлганлардир. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам башорат (хушxabар) бордир. Аллоҳнинг сўзларида ўзгартириш йўқдир. Ана шу буюк ютуқдир», деб марҳамат қилинган. Бу ояти каримада Аллоҳ ўз дўстлари бўлган авлиёларни севиши ва охиратда уларни хавф-хатардан озод қилиши айтилмоқда.

Оли Имрон сурасининг 37-оятида:

كُلَّمَا دَخَلَ عَلَيْهَا زَكَرِيَّا الْمِحْرَابَ وَجَدَ عِنْدَهَا رِزْقًا قَالَ يَا مَرْيَمُ أَنَّى لَكِ هَذَا قَالَتْ هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ

«Ҳар гал Закариё (Марямнинг) олдига-меҳробга кирганида, олдига ризқ (муҳайё) турганини кўрар эди. У: «Эй, Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?», деб сўраса, (Марям): «Булар Аллоҳ ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур», деб жавоб берар эди», дейилган.

Имом Бухорий Анас (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Усайд ибн Ҳузайр ва Уббод ибн Бишр хуфтон намозидан кейин пайғамбаримизнинг ҳузурларида ўз ҳожатлари тўғрисида суҳбатлашиб, анча ўтириб қолишди. Суҳбат тугагач, зим-зиё қоронғу кечада иккаласи йўлга тушишди. Иккаласининг ҳам қўлларида кичик асо (ҳасса)лари бор эди. Бирининг қўлидаги асодан ёруғлик-нур чиқиб, уларнинг йўллари эритиб борди. Йўллари бўлинган жойга етганда, иккинчисининг ҳам асосидан нур чиқиб, уйларига етгунча эритиб борди», дейилган.

Имом Байҳақий «Далоилун-нубувват» китобларида Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда:

ان عمر بن الخطاب بعث جيشا و امر عليهم رجلا يدعي سارية فيينا عمر يخطب فجعل يصيح يا ساري الجبل فقدم رسول من الجيش فقال يا امير المؤمنين لقينا عدونا فهزمونا فاذا بصائح يصيح يا ساري الجبل فاسندنا ظهورنا الي الجبل فهزمهم الله تعالى

«Ҳазрати Умар халифалик даврларида футуҳот учун лашкар юбориб, унга Сория исмли кишини амир қилиб тайинладилар. Жумъа намозида хутба қилиб турганларида, бирданига «Эй, Сория, тоғ томонига ўт», деб қичқирдилар. Бир қанча кундан кейин Сория лашкарларидан вакил қилиб, вазиятдан хабар берди ва «Ё, амирал-мўъминин! Душман билан бўлган жангда аҳволимиз танг бўлиб қолди, шунда, эй, Сория, тоғ томонига ўт, деган қичқириқ эшитилди. Шундан кейин орқамизни тоққа қилган эдик, душманамиз енгилди», дебди».

Аллоҳ таоло Намл сурасида Сулаймон (а.с.) билан Яман мамлакатининг Сабаъ шаҳри маликаси Билқис ўртасида бўлиб ўтган воқеани баён қилади.

Сулаймон (а.с.) Билқисни Ислом динига даъват қилиб нома юбордилар. Билқис фаросатли, зукко аёл эди. Номани ўқиб кўриб, Сулаймон (а.с.)ни ҳақиқий пайғамбарми ёки мол-дунёга қизиқувчи оддий босқинчи подшоҳми эканлигини билиш учун ҳадя юборди. Қилаётган тадбири тўғрисида халқига маълум қилиб, агар қимматбаҳо ҳадяларни олса, мол-дунёга ҳирс қўйган оддий босқинчи подшоҳ бўлади, унда биз унга қарши лашкар йиғиб, жанг қиламиз. Агар ҳадяни қабул қилмаса, ҳақиқий пайғамбар бўлади. У ҳолда биз сўзсиз таслим бўламиз, деди.

Сулаймон (а.с.) юборилган қимматбаҳо ҳадяларни қабул қилмаганларидан кейин у зотнинг ҳақиқий пайғамбар эканликларини билди. Ислом динини қабул қилиш учун аркони давлат арбоблари ҳамда ўн икки минг одам билан йўлга чиқди ва бораётганлиги хабарини бериш учун чопар юборди. Чопар келгач, Сулаймон (а.с.) ўзларини ҳақ пайғамбар эканликларини исботлаш учун бир мўъжиза кўрсатишлари керак эди. Сулаймон (а.с.) Аллоҳга дуо қилиб, мўъжиза кўрсатишлари мумкин бўлса ҳам, ўз қавмлари ичида етук инсонлар борлигини билиш учун, уларга

мурожаат қилиб: «Эй, одамлар, улар менинг ҳузуримга бўйсунган ҳолларида келишларидан илгари қайси бирингиз менга Билқиснинг тахтини келтира олурсиз», дедилар. Шунда жинлардан бир паҳлавони: «Мен уни сен ўрнингдан туришингдан олдин келтираман», деди. Сулаймон (а.с.): «Ундан ҳам тезроқ келтира оладиган борми?», дедилар. Шунда Сулаймон (а.с.)нинг вазирлари Осиф ибн Барҳаё: «Мен уни кўз очиб-юмгунингизча келтираман», деди. Бу тўғрисида Намл сурасининг 40-оятида:

قَالَ الَّذِي عِنْدَهُ عِلْمٌ مِّنَ الْكِتَابِ أَنَا آتِيكَ بِهِ قَبْلَ أَنْ يَرْتَدَّ إِلَيْكَ طَرْفُكَ

«Китоб (исми аъзам)дан илми бор зот эса: «Мен кўз очиб-юмгунимча уни сенга келтирурман», деди», дейилган.

Дарҳақиқат, Осиф ибн Барҳаёнинг дуоси билан малика Билқиснинг тахти кўз очиб-юмгунча, Сулаймон (а.с.)нинг ҳузурини муҳайё бўлди.

Зикр қилинган ояту ҳадислардан авлиёларнинг кароматлари ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Чунки, кароматлари Қуръонда зикр қилинган Биби Марям ҳам, Осиф ибн Барҳаё ҳам пайғамбар эмас, фақат сидқидилдан Аллоҳга ибодат қилишлари натижасида авлиёлик даражасига етган комил бандалардир. Авлиёларнинг кароматлари Қуръон билан исбот қилинганидан кейин уларни инкор этган киши кофир саналади. Бир авлиё бомдод суннатини уйда ўқиб, фарзини Маккада ўқиркан дейилса, эшитган киши уни инкор этса, у ҳам кофир, деб ҳукм қилинади. Чунки, кофирларнинг раиси Шайтон алайҳи лаънаҳ бир зумда мағрибдан машриққа бориб келади-ю, Аллоҳнинг дўсти Маккага бориб кела олмас эканми?

33-Масала

Аллоҳ таоло хоҳлаган ишини қилиши ҳақида

Аллоҳнинг хоҳиши барча хоҳишлардан устундир, Ҳақ таоло Ўзи хоҳлаган ишни қилур, хоҳлаганини ҳукм қилур. Ҳеч кимни Ўз ишига аралаштирмас.

Ҳаж сурасининг 14-оятида:

إِنَّ اللَّهَ يُدْخِلُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ إِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ

«Албатта, Аллоҳ имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилур. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган ишини қилур»;

Буруж сурасининг 16-оятида:

فَعَالٌ لِّمَا يُرِيدُ

«У истаган нарсасини амалга оширувчидир»;

Раъд сурасининг 41-оятида:

لَا مُعَقَّبَ لِحُكْمِهِ وَهُوَ سَرِيعُ الْحِسَابِ

«Аллоҳ ҳукм қилур-Унинг ҳукмини таъқиб этувчи (текширувчи) бўлмас. У тез ҳисоб-китоб қилувчидир»;

Бақара сурасининг 142-оятида:

قُلْ لِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

«Айтинг,эй Муҳаммад! Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга бошлайди»;

Раъд сурасининг 39-оятида:

يَمْحُو اللَّهُ مَا يَشَاءُ وَيُثَبِّتُ وَعِنْدَهُ أُمُّ الْكِتَابِ

«Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни, ҳукми) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган ҳукми) барқарор қилур. Китоблар онаси (Лавҳул-Маҳфуз, яъни барча нарсаларнинг билими битилган китоб) Унинг ҳузуридадир», деб марҳамат қилган.

Бу оятларнинг ҳаммаси ҳукм Аллоҳнинг қўлида эканини, У хоҳлаган ҳукмини, хоҳлаган ишини қилиши мумкинлигини исботлайди. Банда эса Аллоҳнинг яратган нарсаси, Унинг мулкидир. Қўлидан ҳеч нарса келмайди, ҳеч бир ишнинг охирини, оқибатини билмайди. Шунинг учун ўз иродаси, хоҳишига эмас, Аллоҳнинг иродасига таслим бўлмоғи лозим ва бундан гўзалроқ нарса йўқ. Чунки, инсон бугун бор бўлса, эртага борми-йўқми билмайди. Шундай экан, ҳатто бугунги кунига ҳам таянолмайди.

Инсонлар бу дунёда бойдир ёки фақир, шоҳдир ёки гадо, олимдир ёки жоҳил, ҳеч қайсиси боқий эмас. Кечаги бой, бугун фақир, бугунги фақир эртага бой. Бугунги сўфи эртага нима бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Тариқат илми ривожланган даврда пирга инобат қилган бир мурид дарвеш бор экан. Каромат билан «Лавҳул-Маҳфуз»да ўз пирининг номи дўзахилар қаторида турганини кўрибди. Аммо, буни пирга айтишга журъат этолмабди. Иттифоқо, бир куни фурсат етиб, кўрганини пирига чиройли равишда айтибди. Пири бўлса, «Эй фарзанд! Мен бу ёзувни қирқ йилдан бери кўрмоқдаман! Менинг вазифам Аллоҳ таолонинг топшириқларини бажариб, чиройли қуллик қилишдан иборатдир. Аллоҳнинг ишига аралашиш банданинг қўлидан келмайди. У мени жаннатга киритадими, дўзахига соладими, Унинг иши. Фақат мендан рози бўлса, бўлгани», деб жавоб берибди.

Шу суҳбатдан кейин, эртасига пир ҳам, мурид ҳам қарашса, «Лавҳул-Маҳфуз»даги ёзув ўзгариб, пир аҳли жаннатилар қаторига ёзилибди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Раъд сурасининг 39-оятида Узининг ҳоқими мутлақ эканлигини билдириб:

«Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни, ҳукми) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган ҳукми) собит қилур», деб марҳамат қилган. Биз бандалар ҳазрат Умар (р.а.) «Ё, Парвардигор! Агар менинг исмимни бахтсизлар девонига ёзган бўлсанг, ул ёзувни у ердан саодатли бандалар девонига кўчир», деб

дуо қилганларидек, дуо қилишимиз лозимдирки, шунда Аллоҳ биздан рози бўлади.

34-Масала

Пайғамбарлар ва мўъминлар ақли кофирлар ақли билан бир хил эмаслиги ҳақида

Кимки кофирлар билан мўъминларнинг ақли тенг деса, бидъатчи саналади.

Қуръони каримда кофирларнинг ақли ноқис, заиф эканлигини билдирувчи оятлар кўп. Жумладан, Бақара сурасининг 171-оятида:

وَمَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمَثَلِ الَّذِي يَنْعِقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءَ وَنِدَاءَ صُمُّ بُكُمْ عَمِيَ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ

«Куфр йўлидаги кимсаларнинг мисоли худди фақат овози ва чақириқни эшитадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир. Улар кар, соқов, кўрдирларки, гапни англашмайдилар»;

Юнус сурасининг 100-оятида:

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تُؤْمِنَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَجْعَلُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ

«Аллоҳнинг изни-иродасисиз ҳеч бир жон имон келтира олмас. Азобни эса Аллоҳ ақл юритмайдиган кимсаларга раво кўрур»;

Анфол сурасининг 22-оятида:

إِنَّ شَرَّ الدَّوَابِّ عِنْدَ اللَّهِ الصُّمُّ الْبُكْمُ الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ

«Албатта, кар ва соқов бўлиб олган ақлсиз кимсалар Аллоҳнинг наздида энг ёмон ҳайвонлардир»;

Мулк сурасининг 10-оятида:

وَقَالُوا لَوْ كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ

«Улар (кофирлар): «Агар бизлар Пайғамбар сўзларини тинглаб, ақл юритганимизда дўзах аҳлидан бўлмас эдик», дерлар», дейилган.

Бу оятларда кофирларнинг ақли ноқислигидан Яратган эгасини танимасдан кар, соқов, кўрларга ўхшаб, тўғри йўлдан адашиб, жаҳаннам азобига мустаҳиқ бўлишлари баён қилинмоқда.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ўзи ақлсиз деб таърифлаган кофирларни ким муслмонга тенг қила олади?

Инсонларга берилган ақл беш хил эканлигини унутмайлик:

1. Ақли ғаризий, яъни туғма, табиий ақл.

2. Ақли такаллуфий.
3. Ақли атоий.
4. Ақли нубувват.
5. Ақли шараф.

Ақли ғаризий-яъни туғма. Табиий ақлда кофирлар ҳам, мусулмонлар ҳам тенгдир. Бу ақл билан ҳамма инсон Аллоҳни, яъни ўз Холиқини таниши керак. Аммо бу ақлнинг ўзи комил бўлмагани учун кофирлар яратган Холиқини таний олмайдилар.

Ақли такаллуфий-кўп ғайрату машаққатлар билан риёзатлар чекиб, уламо ва ҳукамолар суҳбатида бўлиб, уларнинг таъсирида ақлни ўстириб, комилликка интилишдир.

Ақли атоий-Аллоҳ берган бир ақлдирки, бундан кофирлар бенасибдирлар. Бу ақлда Пайғамбарлар ва мўминлар баробардирлар.

Ақли нубувват-Пайғамбар бўлганлиги учун берилган ақл бўлиб, бу ақл фақат Саййидул-мурсалин, хойрул-башар бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га берилгандирки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қалам сурасининг 4-оятида:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ

«Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!», деб Пайғамбаримизнинг улуғ хулқ эгаси эканликларини билдирмоқда. Улуғ хулққа эга бўлиш учун эса, албатта, улуғ ақл соҳиби бўлиш шартдир.

Ақли шараф-шараф жиҳатидан берилган ақл бўлиб, Аллоҳ таоло бу ақлни инсонларга ҳам, фаришталарга ҳам бермасдан, фақат биргина ҳабиби бўлган Муҳаммад (а.с.)га насиб этган.

Ваҳб ибн Мунаббах: «Мен 91та китобни ўқиб чиқдим ва уларнинг ҳаммасида ҳам дунёнинг аввалидан охиригача, бутун махлуқотнинг ақли тўплансаю, Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.)нинг ақллари ёнига қўйилса, ҳаммасининг ақли Пайғамбаримиз ақллари олдида худди саҳро кум тепалари олдидаги бир дона қушга ўхшаб қолар экан», деганлар.

35-Масала

Аллоҳ таоло махлуқотни яратишдан аввал-ҳам Холиқ эди

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳоли ҳеч вақт ўзгармас, У доимо Холиқдир. Чунки Аллоҳ таолонинг улуҳияти азалийдир. Яратувчи бўлган Аллоҳнинг бутун сифатлари ҳеч нарсани яратмай туриб ҳам бор бўлган. Оламни яратгандан кейин Яратувчи-Холиқ номини олган эмас. Буни инкор этиш инсонни куфрга олиб боради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг Холиқлигини Ҳижр сурасининг 86-оятида:

إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ

«Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзигина Яратувчи, Билгувчидир», деб сифатлаган. Раъд сурасининг 16-оятида эса:

قُلِ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ

«Айтинг, эй ҳабибим: Аллоҳ барча нарсаларнинг Яратувчисидир ва У танҳо ғолибдир», деб сифатлаганидек, имон келтирамиз.

36-Масала Аллоҳ таоло ўз Зоти билан Олим ва Қодирдир

Холиқи зул-жалолнинг халқни яратиши азалий бўлиши билан бирга илми ва қудрати ҳам азалийдир. Ҳақиқий олим ҳам, ҳақиқий қодир Аллоҳнинг Ўзидир.

Мулк сурасининг 1-оятда Аллоҳ жалла аъло ўзининг ҳамма нарсага қодир эканлигини билдириб:

تَبَارَكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

«(Барча оламлар) мулки-подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган Зот-Аллоҳ баракатли-буюқдир. Ва У ҳар нарсага қодирдир», деган бўлса, Раъд сурасининг 9-оятда:

عَالِمِ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ الْكَبِيرِ الْمُتَعَالِ

«У махфий ва ошкора бўлган барча нарсани билгувчи буюк ва юксак Зотдир», деб ўзининг олими беқиёслигини билдиради.

Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг олиму қодирлигига ишора қилиб, Мулк сурасининг 3-4-оятларида:

الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ طِبَاقًا مَّا تَرَى فِي خَلْقِ الرَّحْمَنِ مِنْ تَفَوتٍ فَارْجِعِ الْبَصَرَ هَلْ تَرَى مِنْ
(ثُمَّ ارْجِعِ الْبَصَرَ كَرَّتَيْنِ يَنْقَلِبْ إِلَيْكَ الْبَصَرُ خَاسِئًا وَهُوَ حَسِيرٌ 3.فُطُور.

«(У) етти осмонни устма-уст қилиб яратган зотдирки, сиз у Раҳмоннинг (меҳрибон Зотнинг) яратишида бирор тафовут-нуқсонни кўрмайсиз. Энди кўзингизни яна самога қайтаринг-чи, (унда) бирор ёриқни (дарз кетганликни) кўрармикансиз? Сўнгра кўзингизни қайта-қайта самога қаратинг, кўзингиз сизга (осмонлардан бирор айб топа олмасдан) хор ва толиққан ҳолда қайтур», деб олиму қодирлигидан бепоён осмонларни бенуқсон қилиб яратганлигини эслатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг олиму қодирлигига Қуръони каримда оятлар ниҳоятда кўп бўлса ҳам, оқилга ишора кифоя бўлганлиги учун шу озгинаси билан қаноатландик.

Инсон ўйлаб кўрсин, тафаккур қилсин, деб ҳеч бир жонзотга бермаган ақлини одамга берди. Аканг инсон деб, гердаиб юривермасдан, хотирини жамлаб, еру осмонларнинг тузилишига, шулар оралиғидаги ойу қуёшларнинг интизом билан сайр қилишига боқиб, тафаккур юритса, Аллоҳ зул-жалолнинг олиму қодир Зот эканлигига тан бермасдан иложи йўқ.

Биргина Қуёшни олинг. Шунча буюклиги ва ҳаракатининг юқори бўлиши билан сўзсиз

Холиқнинг амрига итоат қилиб, белгилаб қўйган йўлидан оғишмай сайр қилади.

Фалак бўйлаб қиладиган сайрида бир сантиметр нари ҳам, бери ҳам силжимади. Шунингдек, ойни ҳам ҳилолдан бошланиб, ҳар куни бир шакл олиб, ўн беш кунда тўлиқ бўлиши, яна секин-секин кичрайиб, эгилган новдага ўхшаб қолиши Аллоҳнинг олиму қодир Зотлигига далил эмасми?

Илми бўлмаса, қудрати бўлмаса, шундоқ ижодни қила олармиди?

Олимлиги, қодирлиги, комиллигидан шундай буюк оламини яратдики, бу буюк олам ўзидан ҳам хилқат жиҳатидан буюкроқ бўлган одамзотга хизмат қилади.

Буюклигини тушунган инсон ўз қадрини билиши ва ўзи учун яратилган нарсаларга қул бўлиб қолмасдан, яратган эгасига беадад шукрлар қилиб, унинг топшириқларини бажариши лозимдир.

37-Масала Дунёдаги инсонлар беш хил бўлиши ҳақида

1. Аллоҳни якка-ю ягона деб билиб, унинг амрларига сўзсиз итоат қилувчи мўъминлар;
2. Гуноҳ қилиб қўйиб, гуноҳларига тавба қиладиган мусулмонлар;
3. Мусулмонлик даъвосида бўлиб, гуноҳдан қайтмайдиган, тавба ҳам қилмайдиган кимсалар;
4. Мунофиқлар (кўриниши, сирти мусулмон, аммо ичи ва қалби билан кофирлар);
5. Мушриклар. Аллоҳнинг ёлғизлигини инкор қилиб, унинг хотини, ўғли, шериги бор, деб эътиқод қилувчилар.

Мушриклик энг катта гуноҳлардан бўлиб, Аллоҳ таоло уни кечирмаслигини Нисо сурасининг 48-оятда хабарини бериб:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا

«Аллоҳ таоло Ўзига (бирор нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандаларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди», дейди.

Мунофиқун сурасининг 1-оятда:

وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَكَاذِبُونَ

«Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатдан ёлғончи эканликларига гувоҳлик берур», деган бўлса, Нисо сурасининг 142-оятда:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَادِعُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كَسَالَىٰ يُرَأَوْنَ لِلنَّاسِ وَلَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا

«Дарҳақиқат, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб қўйгувчидир». Намозга турсалар ҳам дангасалик билан одамлар кўрсинга турадилар ва Аллоҳни

жуда кам эсга оладилар», деб улар ҳақиқий мусулмон эмас, балким шайтонсифат кишилар эканлигини билдиради. Шу суранинг 145-оятисида эса:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида бўлурлар. Уларга бирор ёрдамчи топилмас», деб мунофиқларнинг жойлари ҳатто дўзахнинг ўзи ҳам ҳазар қиладиган тубан жойида эканлигини билдиради. Бу икки тоифа, яъни мушриклар ва мунофиқлар абадий жаҳаннамий бўлишга ҳақлидирларки, улар ҳақида ана шу суранинг 140-оятисида:

جَامِعُ الْمُنَافِقِينَ وَالْكَافِرِينَ فِي جَهَنَّمَ جَمِيعًا

«Албатта, Аллоҳ барча кофирлар ва мунофиқларни жаҳаннамга жам қилувчидир», деб уларнинг ҳукмини қатъий қилиб қўйгандир.

Аллоҳдан қўрқиб, топшириқларини бажариб, наҳийларидан тийилган муттақий бандалар жаннатга киришлари Ҳижр сурасининг 45-46-оятларида:

ادْخُلُوهَا بِسَلَامٍ آمِنِينَ. إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ.

«Тақводорлар эса, албатта боғлар ва чашмалардадирлар. У ерга тинчлик билан соғ-омон киришлар», дейилур. Бақара сурасининг 82-оятисида:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

«Имон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар эса, айнан улар жаннат аҳлидирлар ва улар у ерда абадий қолувчилардир», деб хабар берилган бўлса, билмасдан гуноҳ қилиб, тезлик билан қилган гуноҳларига пушаймон бўлиб, тавба қилган бандалар ҳам Аллоҳнинг марҳаматига эришиб, жаннатга киришлари эса Наҳл сурасининг 119-оятисида:

ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ عَمِلُوا السُّوءَ بِجَهَالَةٍ ثُمَّ تَابُوا مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا إِنَّ رَبَّكَ مِنْ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَحِيمٌ

«Сўнгра, (билинки), албатта, Раббингиз, билмаган ҳолда гуноҳ қилиб қўйиб, кейин тавба қилган ва ўзларини тuzатган кишилар учун шубҳасиз, ўша (тавбалари)дан сўнг, Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир». Ва Аъроф сурасининг 153-оятисида:

وَالَّذِينَ عَمِلُوا السَّيِّئَاتِ ثُمَّ تَابُوا مِنْ بَعْدِهَا وَآمَنُوا إِنَّ رَبَّكَ مِنْ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَحِيمٌ

«Гуноҳларни қилиб, сўнгра улардан кейин тавба қилган ва имон келтирган кишилар учун, шулардан кейин (ҳам) Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир», деб зикр қилинган.

Имом ибн Можжа ва Имом Табаронийлар Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.):

التائب من الذنب كمن لا ذنب له

«Гуноҳидан тавба қилувчи, гўёки гуноҳи йўқ кишидекдир», деб тавба қилувчи кишилар ҳам гуноҳсизлар қаторида жаннатга киришларини марҳамат қилганлар.

Бу икки тоифа мусулмонларнинг жаннатга киришлари ҳақлиги тўғрисида ниҳоятда кўп ояту ҳадислар бўлса-да, биз юқоридаги икки ояту бир ҳадис билан кифояландик.

Энди, бешинчи хил инсонлар борки, улар мусулмончиликни даъво қилиб, гуноҳдан қайтмайдиган, тавба ҳам қилмайдиган кимсалардир. Бундайлар тўғрисида Нисо сурасининг 18-оятида:

وَلَيْسَتِ التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ حَتَّىٰ إِذَا حَضَرَ أَحَدَهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تُبْتُ الْآنَ وَلَا الَّذِينَ يَمُوتُونَ
وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَٰئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

«Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки, бирорталарига ўлим келганида, «Энди тавба қилдим», дейдиган, шунингдек, кофирлигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмагай. Ана ўшалар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганмиз», деб улар жаннатдан бенасиб эканликларининг хабари берилган.

38-масала

Аллоҳ таоло хоҳлаган ишини қилиши ва ҳеч ким Унга монелик қила олмаслиги ҳақида

Аллоҳ хоҳлаган ишини қилади, хоҳлаган ҳукмини чиқаради. Хоҳлаган кишисига ҳидоят беради, хоҳлаганини адаштиради. Чунки, бутун мавжудот Унинг мулкидир. Мулкани қандай тасарруф қилиш ҳам Ўз ихтиёридадир.

Анбиё сурасининг 23-оятида:

لَا يُسْأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْأَلُونَ

«У ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (бандалар қиладиган ҳар бир ишларидан) масъулдирлар», деб марҳамат қилган. Кимки шу тасарруф туфайли Аллоҳни золимликка нисбат берса, наъзу биллаҳи кофир бўлур. Зеро, бутун ишлар Унинг қудрат қўлидадир. Хоҳлаган ишини Ўзи хоҳлаганидек қилур. Гоҳо биз инсонларга дастлаб хуш келмайдиган, хунук туюладиган нарсалар борки, қарасак, кейин унинг яхшиликларга тўла эканлиги билиниб қолади.

Гоҳо бунинг акси бўлиб, яхши деб ўйлаган нарсаларимизнинг ортидан зарарлар ва фалокатлар келиб чиқади.

Бақара сурасининг 216-оятида:

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كَرْهٌ لَّكُمْ وَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَعَسَىٰ أَنْ تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ
لَّكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

«Сизларга ёқмаса-да, (ватан ва дин ҳимояси учун) жанг қилишингиз фарз қилинди. Эҳтимол, сизлар ёқтирмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши, ёқтирган нарсаларингиз эса «аслида» ёмондир. Албатта, Аллоҳ билур, сизлар эса билмассизлар», деб бу билан ҳар нарсанинг ҳақиқатини, моҳиятини ёлғиз ўзигина билишини билдирмоқда.

Шу сабабли биз мўъминлар Ундан келган ҳар нарсага рози бўлиб, Унинг ишига аралашмасак, ҳақиқий иймонли бандалардан бўламиз.

39-Масала

Мусҳафлар ва ундан кўчириб олиб ёзилган (китоб) оятлар аслий Қуръондир

Мўъминлар уни ихлос билан ўқийди, ёзувчилар керакли сура ва оятларни кўчириб олади. Ёзувчилар томонидан кўчирилган бўлса ҳам барибир, у Қуръондир. Ёзувчиларимиз ҳам, қоғозларимиз ҳам, ёзаётган қаламларимиз ҳам, ёзилган хатимиз ҳам махлуқдир. Аммо, Жаброил (а.с.) Пайғамбаримизга Аллоҳдан келтириб, ваҳий қилиб ўқиган Қуръон махлуқ эмас.

У Холиқи Зул жалол бўлган Аллоҳнинг каломидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло у ҳақда Фурқон сурасининг 1-оятида:

تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا

«Барча оламларни (охират азобидан) қутқарувчи бўлсин, деб ўз бандаси (Муҳаммад (а.с.)га Фурқон-Қуръон нозил қилган Зот-Аллоҳ баракотли-Буюқдир)» деган бўлса, Шуаро сурасининг 192-оятида:

وَإِنَّهُ لَتَنْزِيلُ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Албатта, (бу Қуръон) оламлар Парвардигорининг нозил қилган (китоб)идир».

Воқеа сурасининг 80-оятида:

تَنْزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ

«У оламлар Парвардигори (томони)дан нозил қилингандир» деб марҳамат қилган. Қуръон Аллоҳнинг Ўзи нозил қилган муқаддас китоби эканлигини тасдиқловчи оятлар Қуръонда ниҳоятда кўпдир.

Қуръони каримни Аллоҳнинг каломи эмас, деганлар, шунингдек, унга шубҳа билан қараганлар ҳам кофир саналади. Қуръон Аллоҳнинг сўзи бўлмасдан инсоннинг сўзи бўлганида ҳозиргача етиб келмаган, таг-туғи билан йўқолиб кетган ёки ўзгаришлар киритилган бўларди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинким, Қуръон нозил қилинганида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай; бирор ҳарф кўпаймасдан ва на бирор ҳарф камаймасдан асли ҳолича турибди. Бу ҳам Қуръони карим улуғ бир мўъжиза эканлигига ва Аллоҳ жалла ва аъла ўз мўъжизасини Қиёматгача ўзгаришлардан сақлаган ҳолда ҳимоясига олганлигининг исботидир. Бу ҳақда Ҳижр сурасининг 9-оятида:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

«Албатта, бу зикрни (Қуръонни) биз ўзимиз нозил қилдик ва уни ўзимиз асрагувчимиз!», деб марҳамат қилади.

Аллоҳнинг каломи мўъжиза бўлганлиги учун ёш ҳофизлар уни қалбларига жойлаб, рамазон ойида хатми Қуръон қилиб, халқимизнинг қалбларини мунаввар этишади. Биз мусулмонлар уни тиловат қилиб, маъноларига амал қилишга буюрилганмиз. У Аллоҳ таолонинг бутун Ер юзига юборган дастурул амалидирки, унга амал қилганлар тўғри йўлдан адашмай, ҳидоятга эришиб, дўзахдан қутулиб, жаннат билан мукофотланадилар. Қуръони каримни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло улуғ фариштаси Жаброил (а.с.)га ҳарфсиз ва товушсиз билдирган. Жаброил (а.с.) эса қироатли овозли ва ҳарфли қилиб, Аллоҳнинг ҳузуридан Пайғамбаримизга ваҳий орқали сўзма-сўз етказган.

Қуръони карим Аллоҳнинг каломи (сўзи) бўлганлиги сабабли ҳам уни таҳоратсиз ушламоқ қатъиян ман қилинган.

Воқеа сурасининг 77-79-оятларида:

(لَا يَمَسُّهُ إِلَّا الْمُطَهَّرُونَ. فِي كِتَابٍ مَّكْنُونٍ. إِنَّهُ لَقُرْآنٌ كَرِيمٌ)

«Албатта, у яширин Китобдаги (Аллоҳнинг ҳузуридаги Лавҳул-Маҳфуздаги) Қуръони каримдир. Уни фақат таҳоратли-пок кишиларгина ушларлар», деб марҳамат қилинган. Шундай экан, Қуръонни ушламасдан ёддан ўқилганда ҳам иложи борича таҳоратли бўлиш Ислом одобига мос келади.

Қуръони карим Аллоҳнинг каломи бўлгани учун ҳам у азалий ва абадийдир. Кимки, унинг бирор сўзига, бирор ҳукмига эътироз билдирса, диндан чиққан, кофир саналади. Шу сабабли тилимизга эҳтиёт бўлиб, уни эъзозлаб, ихлосу муҳаббат билан ўқишимиз лозим.

40-Масала

Мўъмин мажозий эмас, ҳақиқий имонли бўлиши шартлиги ҳақида

Мажозий билан ҳақиқийнинг фарқини англаш учун шуни билишимиз керакки, ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий бўлади. Ишқи ҳақиқий фақат Яратган Зотга нисбатан бўлган муҳаббат. Ишқи мажозий эса дунёдаги мавжуд кимса ёки нарсага нисбатан бўлган муҳаббатдир. Ишқи мажозий вақтинчалик бўлиб, севгилисининг висолига етишиш билан одатда аста-секин сўна бошлайди. Шу сабабли баъзан севиб уйланган йигит ва қиз қандайдир келишмовчиликлар сабабли ажралиб кетишлари ҳам мумкин, лекин ишқи мажозий сўнса ҳам, эру хотин ёки фарзандларини ўйлаб, ёки қариндошчилик ёки мол-дунё ёки амаллари, ёки мурсою мадора ва шунга ўхшаш муносабатлар оқибатида умрининг охиригача бирга яшашлари мумкин. Аммо ишқи ҳақиқий бўлса, абадий сўнмайди, аксинча, висолга етган сари гуркираб ривожланади. Натижаси эса олий мукофот, жаннатга кириб, Яратган Зотнинг жамолига мушарраф бўлишдан иборатдир.

Имон ҳам ҳақиқий ёки мажозий бўлади. Мажозий имон мажозий ошиққа ўхшаган бўлиб, мусулмонларнинг поклиги, меҳру оқибатлиги, саховати, саҳар туриши, беш вақт намоз ўқиши,

қийин пайтларида кўмақдош бўлишлари ва шунга ўхшаш ишларни ёқтириб мусулмон бўлади. Ҳақиқий имон соҳиби эса сидқидилдан Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, охираат куни, тақдир ва ўлгандан кейин қайта тирилиб, ҳисоб-китоб беришига, дўзах, жаннатга ишониб, сўзсиз Аллоҳга итоат қилади, Аллоҳнинг топшириқларини бажариб, наҳийларидан тийилади.

Шуни ҳам билишимиз лозимки, инсонлар бу дунёда имон-эътиқодига кўра уч тоифага бўлинади. Биринчиси мўъмин, иккинчиси кофир, учинчиси мунофиқдир. Мўъмин ҳақиқий имон соҳиби бўлиб, барча ақидавий масалаларга имон келтиради. Кофир мўъминнинг акси бўлиб, барча имон келтириши лозим бўлган нарсаларни инкор этади. Мунофиқ эса, ўзини зоҳиран мўмин қилиб кўрсатади, аммо, қалбида ишонмайди. Бир мўъмин Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни истеъмол қилса, у фақат гуноҳкор бўлади, лекин имонсиз дейилмайди. Кимки унинг имонини имони мажозий деса, бидъатчи бўлади. Кимки, мўъмин бўлатуриб, Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ўзига хуш келгани, ёққани учун, турли-туман сабаблар кўрсатиб, ҳалол деса, кофир бўлади. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.):

من استحل محارم الله فقد كفر

«Кимки, Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол санаса (деса) батаҳқиқ у кофир бўлди», деганлар.

Шунингдек, бир кофир имон келтирмасдан, ҳар қанча солиҳ амаллар қилса ҳам, у мажозий кофир эмас, ҳақиқий кофирдир. Бинобарин, бир мўъмин қанчалик гуноҳкор бўлмасин, бу уни ҳақиқий имондан чиқармайди. Фақат гуноҳкор, гуноҳ устига гуноҳ қилавериб, қалби қорайиб кетади, шундан кейин имон билан куфрнинг фарқига бормай, куфрга шўнғиб кетиши ҳеч гап эмас.

Модомики, шундай экан, мўъмин банда гуноҳдан худди шердан қочгандек қочиши лозим. Мунофиқ эса кофирлардан эканлигини юқорида эслаб ўтдик.

41-Масала

Мўъмин банда душманларига ҳам зулм қилмаслиги ҳақида

Кимки бу дунёда бировларга зулм қилса, Қиёматда Аллоҳ ўз адли билан мазлумнинг ҳаққини олиб беради. Зулмнинг тури кўп: бировдан қарз олиб, бермасдан тониб кетиш, ноҳақ алдов йўллари билан бировнинг мол-мулкани олиш, ўғирлик, йўл тўсарлик, босқинчилик, зўравонлик йўллари зулмдир. Зўрлик билан номусга тегиш, ғийбат қилиш, чақимчилик ҳам зулм. Зулмкор киши бу дунёда қанчалик зўравонлик қилмасин, барибир унинг ҳоли хароб бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Иброҳим сурасининг 42-оятда Расулulloҳга тасалли бериб:

وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَافِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ

«(Эй, Муҳаммад) сиз зинҳор зolim кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларнинг (жасосини) кўзлар даҳшатдан қотиб қоладиган (кўрқинчли) қиёмат кунига қолдирмоқда, холос», деб марҳамат қилган.

Даҳшатли қиёмат куни Аллоҳ таоло Ўзи қози бўлиб, адолат билан ҳукм чиқаради. Шунда

зўравон золимлардан мазлумларнинг ҳаққини олиб беради. У ерда ҳаққини берай деса, берадиган мол-дунёси йўқ. Шу боис, бу дунёда қилган савобларини мазлумларга беради. Савоблари қолмаганидан кейин эса мазлумларнинг гуноҳини олади. Шундай қилиб, бу дунёдаги зўравон золим қилган савобларидан маҳрум бўлиб, жаннат ўрнига дўзахга равона этилади. Шунинг учун мўъмин ҳеч кимга зулм қилмаслиги керак. Ҳатто душманлик қилувчи рақибларини ҳам кечириши фазилатдир. Бандачилик билан кимгадир зулм ўтказган бўлса, тезда тавба қилса, Аллоҳ тавбасини қабул этишлиги Моида сурасининг 39-оятда баён қилинган:

فَمَنْ تَابَ مِنْ بَعْدِ ظُلْمِهِ وَأَصْلَحَ فَإِنَّ اللَّهَ يَتُوبُ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَحِيمٌ

«Кимки, (бу) зулмидан кейин тавба қилса ва ўзини тузатса албатта, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва марҳаматлидир».

Баъзилар ҳеч кимга ёмонлик қилмаганман, мен покман, деб мағрурланиб юради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эса Нажм сурасининг 32-оятда:

فَلَا تُزَكُّوا أَنْفُسَكُمْ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقَى

«Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар! У тақводор бўлган кишиларни жуда яхши билувчидир», деган. Банда ўзини мақташи, мен гуноҳсиз, покман дейиши гумроҳликдир. Беайб ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи. Шундай бўлгач, инсон ўзининг банда эканлигига иқрор бўлиб, ўзини хокисор тутиб, билиб-билмай қилган хатоларига истиғфор айтиб, Яратганга тавбаю тазаррулар қилиши ва ҳар қандай инсонга яхши муомалада бўлиши лозимдир.

42-Масала

Аллоҳ таолонинг тавфиқи қилинган иш билан бирлиги ҳақида

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тавфиқи бўлмагунча, ҳеч бир феъл ҳосил бўлмайди. Бунга Худ сурасидаги 88-оятда Шуайб (а.с.) нинг айтган сўзлари мисол бўла олади:

إِنْ أُرِيدُ إِلَّا الْإِصْلَاحَ مَا اسْتَطَعْتُ وَمَا تَوْفِيقِي إِلَّا بِاللَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ

«Мен фақат имконим борича ислоҳ қилишни истайман, холос. Ва бунга ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффақ бўлурман. Ўзига суяндим ва Ўзига илтижо қилурман». Бу оятдан тавфиқ берувчи Аллоҳнинг Ўзи эканлиги маълум бўлмоқда. Аллоҳ тавфиқ бермас экан, банданинг кўлидан ҳеч нарса келмайди. Аввал иш, кейин тавфиқ бўлмайди. Ва бунинг акси. Тавфиқ аввалдан бўлиб, кейин иш бўлмайди. Аҳли суннат эътиқодича, тавфиқи илоҳий билан қилинган феъл (иш) тенгдир, баробардир, биргадир. Бу ўринда Қадария мазҳаби билан Жабария мазҳаблари икки хил бир-бирига қарама-қарши фикрни айтиб, тўғри йўлдан адашишган. «Қадарийлар: Бу ишни мен қилдим, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам мендандир, Аллоҳ бу ишга аралашмайди», деб ўзини қилинган ишга эга қилади-ю, аммо, оғзини юммасдан биргина «мим» ҳарфини ҳам айта олмайди. «Б» ҳарфини айтмоқ учун ҳам лабларини бир-бирига ёпиштириши лозим. Ваҳоланки, Аллоҳ тавфиқ бермаса, шу оддий ишга ҳам қодир эмас. Қани, ҳамма ишни ўзи қилгани? Қадарийлар бу гаплари билан ўзларини маъбуд қилиб қўйишади.

Жабарийлар эса: «Ҳамма иш Аллоҳдандир», деб кофирларни ҳам маъзур, деб билади. Улар

бу гаплари билан қулликни Аллоҳга изофа қилишади. Бу иккала мазҳаб ҳам ботилдир. Улар бу ботил эътиқодлари билан бидъатчи саналишади. Маълумки, бидъатчининг ҳеч қандай амаллари ҳам, фарзи ҳам, нафилари ҳам мақбул эмас.

Ҳақиқат эса аҳли суннат айтганидекдир: Бир инсоннинг мақсади, муроди Аллоҳга тоат қилиб, Унинг ризосига эришмоқ бўлса, шу феълнинг вужудга келмоғи учун Жаноб Ҳақ таоло Ўз тавфиқини эҳсон этади. Шу иш вужудга келади. Аллоҳ таоло ҳам рози бўлади. Агар Аллоҳ рози бўлмайдиган бир иш бўлса, у ҳам Аллоҳнинг тавфиқи билан вужудга келади. Аммо Ҳақ таолонинг ризоси бўлмаган ҳолда майдонга келади. Шунда инсон разил ва расво бўлиб, паст даражага тушиб, ёрдамсиз, нажотсиз қолади.

43-Масала

Имон тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлашдан иборатлиги борасида

Имон Аллоҳ таолонинг бирлиги ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Аллоҳ томонидан келтирган барча хабарларини тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлашдир. Қалбдаги имон тилда изҳор этиш билан ҳақиқий бўлмайди.

Кимда-ким тили билан гапириб, «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса-ю, дили билан тасдиқ этмаса, у мунофиқдир. Мунофиқнинг кофирдан ҳам ёмонлиги Нисо сурасининг 145-оятда ўз тасдиғини топган:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا

«Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида бўлурлар. Уларга (ўшанда бирор) ёрдамчи топмайсиз».

Қалби билан Аллоҳни билиб, тили билан иқрор қилмаса, қалбидагини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунинг учун унинг мусулмонлиги билинмайди. Шаърият эса зоҳирига қараб ҳукм қилади. Шундан келиб чиқиб, «Имон тил билан иқрор, дил билан тасдиқдан иборат», дейилади.

44-Масала

Аллоҳ таолони дили билан билиб, тили билан тан олмаган киши кофир дейилиши ҳақида

Аллоҳ таоло Муҳаммад сурасининг 19-оятда:

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Бас, (эй, Муҳаммад) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканлигини билинг», деган.

Уламолар шу оятга асосланиб: «Аллоҳни дили билан билиб, тили билан тасдиқлаш лозим, деган хулосага келишган. Аммо, тили билан иқрор қилиб, дили билан билмаса, у мунофиқ, дейилади. Юқорида баён этилганидек, имон тил билан иқрор ва дил билан тасдиқлашдан иборатдир.

45-Масала Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсага ўхшамаслиги ҳақида

Аллоҳ Субҳанаҳу ва таоло Шўро сурасининг 11-оятда:

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

«Бирор нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У эшитувчи ва кўргувчидир», деб ўзини ҳеч нарсага ўхшаш эмаслигини биз бандаларига билдирмоқда. Дарҳақиқат, на ерда, на осмонда унга ўхшаш бирор нарса йўқдир. У эшитади, кўради ҳамда билади. У биз кўрадиган ва кўрмайдиган барча нарсаларнинг Холиқидир. Шубҳасиз, Холиқ махлуққа ўхшамас. Инсон бирор нарсани ихтиро қилса, ясага, қилган, ясаган нарсасига ўхшамайди. Аллоҳ эса Холиқдир (Яратувчидир), ҳеч қачон яратган нарсасига ўхшамайди. Аллоҳни билмоқ учун Ихлос сураси ўқилса, кифоядир: «(Эй Муҳаммад) айтинг: У-Аллоҳ ягонадир. (Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). Аллоҳ беҳожатдир, лекин ҳожатбарордир. У туғмаган ва туғилмагандир, (яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий Зотдир) Ва ҳеч ким У Зотга тенг эмасдир».

46-Масала Аллоҳ таоло макондан бориб-келмоқ ва махлуқотларнинг сифатларига ўхшамоқдан ҳам поклиги ҳақида

Аллоҳни яккаю ягона, ёлғиз, ўхшаши йўқ деб, эътиқод қилишга буюрилганмиз. Аммо, у қандай, қанақа экан, деб кайфиятини билишга интилишимиз жоиз эмас. Аллоҳни Раззоқ, яъни ҳамма жони бор нарсаларнинг ризқини берувчи, деб имон келтирамиз. Аммо, ризқни қандай тарқатар экан, деб ўйлай олмаймиз.

Аллоҳ таоло ломакон, маконга муҳтож эмас. Макон йўқ пайтда ҳам бор эди. Арш Аллоҳ таолонинг қудрати билан қоим турур. Арш йўқ пайтда ҳам бор эди. Аршни У ўз қудратини намоён қилиш учун яратган, холос. Аллоҳ бориб-келмоққа ҳожати йўқ Зотдир. Аллоҳ таолони махлуқотнинг феълларига ўхшатмоқ куфрдир. Ояти муташобихот билан зинҳор машғул бўлма. Зеро, Аллоҳ Қуръони каримида, Оли Имрон сураси, 7-оят.

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٌ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِّنْ عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ

«У сизга Китоб (Қуръон)ни нозил қилган Зотдир. Унда шу китобнинг «Онаси» саналмиш маъноси аниқ оятлар ва шу билан бирга бошқа муташобих (маъноси Ўзидан ўзгага номаълум) оятлар ҳам бор. Аммо, дилларида Ҳақ йўлидан оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобих оятларига эргашадилар. Ҳолбуки, ундай оятлар таъвили (асл маъноси)ни фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур. Илмда мустаҳкам (ҳаққоний олим)лар эса, «Унга имон келтирдик. Ҳамма (оятлари) Парвардигоримиз ҳузуридандир», дейдилар. (Бундан) фақат ақл эгаларигина панду насиҳат

олурлар», деган. Шундай экан, Аллоҳ қайтарган нарсага уриниб, ўзингизни ҳалокатга ташламанг, унинг таъвилини Аллоҳга ҳавола қилинг, шунда ҳақ йўлни тутган бўласиз.

47-Масала Касби кор билан тирикчилик қилиш фарзлиги ҳақида

Ислом дини бандаларни тарки дунё қилишдан қайтарган. Инсон бир марта бериладиган қисқа умрини тарки дунё қилмасдан, бу дунёсини ҳам, охиратини ҳам обод қилиши лозим. Дунёсини обод қилиши учун уйланиши, бола-чақа орттириши ва ҳалол касби-кор билан шуғулланиши керак бўлади. Ризқ азалий мақсум (тақсимланган) деб, касби-корни инкор қилмоқ, бидъат саналади. Тирикчилик учун топиш-тутишни инкор қилганларни Карамийлар дейилади. Ризқни касб-кордан кўрмоқ куфрга сабаб бўлади. Бундай киши мушрик дейилади, яъни, мен ўзим ишлаб топдим, деб ўзини Раззоқ (ризқ берувчи) Аллоҳга шерик қилиб қўяди. Зеро, Аллоҳ субҳанаху ва таоло Рум сурасининг 40-оятда:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ

«Аллоҳ-сизларни яратган, сўнгра сизларни ризқлантирган, сўнгра вафот эттирадиган, сўнгра (қиёматда) тирилтирадиган Зотдир!», деб марҳамат қилган. Шуни ҳам яхши билишимиз керакки, касб-кор ҳеч қачон ризқни орттирмайди. Касб-корни тарк этган билан банданинг ризқи ҳам камаймайди. Аллоҳ фазли карами билан гуноҳкорнинг ризқини сиқиб ҳам қўймайди. Яхши одамникини ҳам зиёда қилиб қўймайди. Чунки Аллоҳ ўз адли билан ризқни ҳам ўз вақтида тақдир қилиб қўйган.

Ризқни ҳалолдан топмоқ ҳар бир мўъминга фарздир. Меҳнат қилмаганни Аллоҳ ҳам, Расул ҳам, инсонлар ҳам севмайди. Ишлаган, меҳнат қилганни Аллоҳ ҳам, Пайғамбар ҳам, бошқа инсонлар ҳам севади ва уларга моддий ва маънавий ёрдамлар ҳам бўлади. Ишламоқ, меҳнат қилмоқ бандадан, барака ва тавфиқ эса Аллоҳдандир.

Инсоннинг томоғидан ўтган нарса ризқдир. Тўпланган, жамланган нарсалар ризққа кирмайди. Расули Акрам (с.а.в.) тиланчилик қилиб юрган кишини кўриб, унинг ишидан хафа бўлганлар. Унга бир болта билан битта арқон бериб, тоғдан ўтин кесиб сотишни тавсия қилганлар. Тез фурсатда ўша инсон бой ҳам бўлган. Бой бўлиш яхши, аммо пул топаман, деб, ҳозирги айрим одамларга ўхшаб, ҳаром нарсаларни сотиш, ёлғон гапириш, ёлғон қасамлар ичиш, маҳсулотини ўта қиммат нархларда сотиш, чирик ва айниган-бузилган нарсаларни билдирмасдан сотилаётган нарсаларга қўшиб юбориш, одамларни алдаш, қаллоблик қилиш, қимордан бойлик топиш, қарз олиб бермаслик, зўрлик билан мажбурлаб олиб-сотиш, вақтли чиқиб кетиб, ярим кечагача бозорларда ва бошқа ерларда қолиб кетиш, мол-дунёга ҳирс қўймоқ, пишмаган меваларни димлаб сотиш, фирибгарлик йўли билан чорваларни сотиш ва шунга ўхшаш ножоиз йўллар билан мол-дунё топиш дуруст эмас.

Ейиладиган нарса-ризқ ҳалол бўлиши билан бирга пок ҳам бўлишлиги Моида сурасининг 88-ояти билан буюрилган:

وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَنْتُمْ بِهِ مُؤْمِنُونَ

«Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингизлар ва ўзларингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқингизлар», деб марҳамат қилган.

48-Масала **Имон бошқа, амал бошқалиги ҳақида**

Имон ва амал алоҳида-алоҳида бўлмаганида Буруж сураси 11-оятда бу ҳақида:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ

«Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларга остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар бордир. Бу эса катта ютуқдир», деб ёзилмаган бўларди.

«Имон келтирган» жумласи билан «солиҳ амалларни қилган» жумласи «ва» билан боғланмасди. «Ва» билан боғланишидан имон бошқа, амал бошқа эканлигини тасдиқ этади.

Шу мазмундаги оятлар Қуръонда жуда кўп.

Маълумки, барча тоат ҳам имон эмас, имонсиз киши қанчалик амали солиҳлар қилса ҳам имони бўлмаса, қилган яхши амаллари мақбул эмас. Шундан ҳам имон бошқа, амал бошқа эканлиги маълум бўлади.

Куфр гуноҳдир, лекин гуноҳ куфр эмас. Жамики пайғамбарларнинг имонлари бирдир, лекин шариатлари хилма-хил.

Имон қалбнинг тасдиғи, тилнинг эса иқроридир. Амал тана аъзоларимиз билан қилинадиган ҳаракатларимиздир. Бировнинг имони кўп, бировники оз, дейиш жоиз эмас. Имон доимийдир. Намоз, рўза, закот каби ишлар эса фақат ўз пайтида қилинадиган амаллардир. Ҳамма вақт ҳам бажарилган иш амал бўлавермайди. Масалан, рўза фақат рамазон ойида, ҳаж зулҳижжа ойининг ўн кунида, шунингдек, намоз ҳам ўз пайтида ўқилса амал. Ўз пайтидан олдин ёки кейин бажарилса бу амал эмас. Аммо имон доимийдир, у кечаси ҳам, кундузи ҳам ўз соҳибидан ажралмайди. Бироқ амаллар бўлмаса, имон кийимсиз, яланғоч инсонга ўхшаб қолади. Имон амалдан олдин келади. Шунинг учун имонсизларга амали солиҳ қилиш таклиф қилинмайди. Фақат имонга келганидан кейингина, унга амали солиҳлар қилиши лозимлиги айтилади. Фараз қилайлик, бир аёл калима келтириб, имонга келди ва ҳайз кўриб қолди. Бирон ҳафтагача намоз ҳам ўқий олмади, рўза ҳам тута олмади. Унинг имонига бирон нуқсон етиб қолдими? Албатта йўқ! Демак, имон ҳамиша имондир ҳамда нуқсонсиздир.

Жаннатда эса мўъминларга имонларидан бошқа ҳеч нарса таклиф этилмайди. Имон билан Ислом бир-биридан ажралмасдир. Луғавий маъноси жиҳатидан эса улар алоҳида. Лекин иккиси бирлашса унинг лаззатига тўйиб бўлмайди! Имоннинг камоли фақатгина шунда билинади. Имоннинг заифлиги ва қуввати амалга кўра бўлади, комил бўлмаган имон қувватли имон бўла олмайди. Қилинаётган гуноҳлар, айб ишлар имон заифлигидан эмасми?

Ҳар бир мўъмин имони заифлашиб қолмаслиги учун ибодатларга аҳамият бериб, уни ихлосу муҳаббат билан узлуксиз бажармоғи ҳамда иложи борича гуноҳлардан узоқлашмоғи лозим. Зеро,

пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): «Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқишдадир», деганлар. Аллоҳдан қўрққан киши ҳеч ҳам гуноҳ қилмайди.

49-Масала Яхшиларнинг ҳам, ёмонларнинг ҳам имони бирлиги ҳақида

Фаришталарнинг имони билан жами пайғамбарларнинг имони баробардир. Ёмонларнинг имони яхшиларнинг имонидан ноқис деган кимса ёлғон гапирган бўлади. Зеро, фаришталарнинг имони билан мўъминларнинг имони орасида фарқ йўқ. Мўъминлар ишонган Аллоҳга улар ҳам ишонади. Улар ишонган Аллоҳга мўъминлар ҳам ишонишади. Зотан, фарқ бўлса, имон саҳиҳ бўлмайди.

Фаришталарнинг мўъминлардан устунлиги амаллари ва феълларидандир. Шу боис, Аллоҳ уларни Таҳрим сурасининг 6-оятда:

لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ

«Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишларни қиладиганлар», деб мақтаган. Дарҳақиқат, улар гуноҳ қилмасликлари ва буюрилган нарсаларни сўзсиз бажаришлари билан мўъминлардан устун турадилар. Аммо имон жиҳатидан эмас. Чунки имон бирдир. Улар ҳам, мўъминлар ҳам Аллоҳга ишонадилар. Бир банда:

«Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ» деса, фаришта ҳам худди шу тарзда айтса, имонда фарқ бўладими? Албатта, йўқ. Шундай экан, Аллоҳга ва унинг амрларига, Муҳаммад (а.с.)га ҳамда нозил қилинган илоҳий китобларга ишонса, у барҳақ мўъминдир. Агарда турли гуноҳларни қилса ҳам мўъминлигича қолади. Унинг имони, фаришталарнинг имони, пайғамбарларнинг имони баробардир. Бундан бошқа нарсани даъво қилганлар бидъатчи дейилади.

50-Масала Ўлгандан кейин қайта тирилмоқ ҳақлиги тўғрисида

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Тоҳа сурасининг 55-оятда:

مِنْهَا خَلَقْنَاكُمْ وَفِيهَا نُعِيدُكُمْ وَمِنْهَا نُخْرِجُكُمْ تَارَةً أُخْرَى

«Биз сизларни ундан (ердан) яратдик, унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна қайтадан ундан чиқарурмиз», деб инсоннинг қиёмат кунида қайта тирилтиришини билдирмоқда.

Абаса сурасининг 33-37-оятларида ҳам:

وَأُمَّهُ وَآبِيهِ وَصَاحِبَتِهِ وَبَنِيهِ لِكُلِّ أَمْرٍ مِّنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ (يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ إِذَا جَاءَتِ الصَّاعَةَ يُغْنِيهِ)

«Бас, қачонки (қулоқларни) қар қилувчи (даҳшатли қичқириқ) келганда (яъни сур иккинчи марта чалиниб, барча халойиққа қайтадан жон ато этилган кунда), киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола чақасидан ҳам қочур. (Чунки) у кунда ҳар бир инсонни ўзига етарли ташвиши бўлур», деб у қайта тирилган қиёмат кунининг даҳшатидан ҳамма ўзи билан бўлиб қолиши таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло Қуръонида хабар берган нарсани тасдиқ қилмасдан инкор этганлар кофирдирлар.

Мутаффифун сурасининг 4-6-оятларида:

(يَوْمَ يَفْعُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ أَلَا يَظُنُّ أُولَئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ لِيَوْمٍ عَظِيمٍ)

«Одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб ҳисоб-китоб берадиган улуғ кун (қиёмат)да қайта тирилувчи эканликларини ўйламайдиларми?», деб таъкидланган.

Зикр қилинган оятларнинг ҳаммаси ҳам инсоннинг қиёмат куни қайта тирилиши ҳақ эканини баён қилмоқда.

Қайта тирилишни инкор қилувчиларнинг ашаддий раҳнамоларидан бири Убай ибн Халаф алайҳи лаънаҳ бир чириган суякни олиб, уни қўли билан уқалаб, шу уқаланиб кетаётган суякни Аллоҳ қайтадан тирилтира оладими, деб қайта тирилишга ишонмаганида, Аллоҳ унга жавобан Ёсин сурасининг 77-79 оятларида:

أَوَلَمْ يَرَ الْإِنْسَانُ أَنَّا خَلَقْنَاهُ مِنْ نُطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُبِينٌ. وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِيَ خَلْقَهُ قَالَ مَنْ يُحْيِيهِمْ فَلْيُحْيِيهَا الَّذِي أَنْشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ الْعِظَامَ وَهِيَ رَمِيمٌ.

«Инсон, Биз уни нутфадан (бир томчи шаҳват сувидан) яратганимизни (унутиб), энди эса, у бирданига (Ўзимизга) ошкора душманчилик қилувчи бўлиб қолганини кўрмадимми?! У Бизга: «Чириб кетган суякларни ким ҳам тирилтира олур?», деб мисол келтиради-ю, (аммо) ўзининг (қандай) яралганини унутиб қўяди. (Эй, Муҳаммад), айтинг: «У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи шаҳват сувидан) пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча халқни билгувчидир», деган.

Инсон енгил-елпи ўйламасдан, чуқур бир тафаккур билан ўзининг яратилишига назар солса, ҳали ҳеч нарса йўқ пайтда бутун коинотни, унинг ичидаги ҳамма мавжудотларни яратган зот қудратини ўйласа, қолипи, андозаси йўқ пайтда ижод қилиб яратган зот, асли бор бўлиб, кейин йўқолиб, чириб кетган нарсани қайта тирилтиришга қудрати етмасмиди? Бу масала инсонни ўйлантирадиган нарса эмасми?

Ўлгандан кейин қайта тирилмоқликка ишонмоқ имоннинг еттита шартларидан биридирки, мўъмин киши:

من الله تعالى و البعث بعد أمنت بالله و ملائكته و كتبه و رسوله و اليوم الآخر و القدر خيره و شره الموت

«Аллоҳнинг бирлиги унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, охират кунига, тақдирдаги яхшилигу ёмонлик Аллоҳдан эканлиги ва ундан кейин қайта тирилишга ишондим», деб

имон келтиради. Шулардан биронтасига ишонмаган киши кофир саналади. Баъзи ривоятларда имоннинг еттита шарти ўрнига олтита шарти бор дейилган. Бу фикр эгалари «Охират кунига ишондим», дейилганда қайта тирилиш ҳам шунинг ичига киради, дейишган. Бизга ота-боболаримиз ёшлигимизданоқ имонда еттита фарз бор, деб таълим берганлар. Халқимиз ҳам шундай деб билади, демак, бу фикрни ўзгартириш мўъминларни чалғитиш билан тенгдир.

Аллоҳнинг ўзи бандасини имон билан мушарраф этиб, басират кўзини, яъни қалб кўзини очмаса, ҳеч ким уни тўғри йўлга сола олмайди.

51-Масала

Витр намози бир салом билан тугалладиган, уч ракъатдан иборат бўлган вожиб намоз экани ҳақида

Витр намозининг уч ракъат ва бир саломдан иборат эканлиги ҳақдир.

Имом Термизий ва Имом Абу Довудлар саҳоба Хорижа ибни Хузофа (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда:

خرج علينا رسول الله ص و قال: ان الله امدكم بصلوة هي خير لكم من حمر النعم: الوتر جعله الله لكم فيما بين صلوة العشاء الى ان يطلع الفجر

«Пайғамбаримиз бизларнинг олдимизга чиқдилар ва «Аллоҳ таоло сизларни бир намоз билан қўллади, у намоз сизларга қизил туя берилганидан ҳам яхшироқдир. У витр намози бўлиб, хуфтон намози билан субҳи содиқ оралиғида ўқилади», дедилар».

Имом Абу Довуд Бурайда (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда эса Расулulloҳ (с.а.в.):

الوتر حق فمن لم يوتر فليس منا. الوتر حق فمن لم يوتر فليس منا.

«Витр намозини ўқимоқ ҳар бир мўъминнинг гарданидаги ҳақдир. Бас, шундай экан, кимда-ким витрни ўқимаса, биздан эмасдир», деб уч марта такрорладилар. Шу ҳадислар витр намози Аллоҳ томонидан вожиб эканлигини билдирмоқда ва ҳар бир мўъмин буни ихлос билан бажариши керак. Зеро, уни ўқимаганларни Расулulloҳ (с.а.в.) таъкид билан умматим эмас, деганлар.

Имом Термизий, Имом Абу Довуд ва Имом Насойилар Ҳазрат Али (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда:

ان الله وتر يحب الوتر فواتروا يا اهل القران

«Албатта, Аллоҳ тоқдир, тоқни яхши кўрур, эй, Қуръон аҳиллари, намозларингиз охирини тоқ қилинглар», деганлар. Баъзи чаламуллалар «тоқ» сўзини чуқур тушуна олмасдан Аллоҳ тоқдир, яъни биттадир, шунинг учун витр намози бир ракъат ўқилади, дейишади. Уларнинг бу ташбеҳ-ўхшатишлари ғоят хатарлидир. Зеро, Аллоҳнинг битталиги мислсиз, тенги-ўхшаши йўқ, туғилмаган, Ўз зоти билан қоим, биру бор, ибтидосиз азалий, интиҳосиз абадий эканлиги билан яккаю ягона зотдир. Аллоҳ таоло «тоқ»ни яхши кўриши аниқ ва равшан. Шу сабабли ҳам кундузи

намозларини, яъни бомдодни икки рақъат, пешинни тўрт рақъат, асрни тўрт рақъат, жуфт-жуфт қилиб, куннинг охирида ўқиладиган шом намозини уч рақъат, тоқ қилди. Демак, кун бўйи ўқиган намозимиз тоқ билан, яъни, Аллоҳга маҳбуб бўлиб тугайди.

Энди кечаси ўқиладиган хуфтон намози тўрт рақъат - жуфт, ундан кейин ўқиладиган суннат ҳам икки рақъат - жуфт, суннатдан кейин ўқиладиган нафл намозлар ҳам, таҳажжуд намозлари ҳам жуфт-икки рақъатдан ўқилади. Расулulloҳ (с.а.в.):

صلوة الليل مثنى مثنى

«Кечаси ўқиладиган намоз икки-икки рақъатдандир», деганлар.

Ана энди кечаси ўқиган намозларимиз ҳам Аллоҳга маҳбуб бўлиши учун Расулulloҳ (с.а.в.) витр намози Аллоҳ томонидан буюрилишидан олдин ўз ихтиёрлари билан уч, беш, етти, тўққиз, ўн бир, ўн уч рақъат қилиб ўқиганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло витр намозини буюргандан кейин уни доимий уч рақъат қилиб ўқидилар ва юқорида зикр қилинган биринчи ва иккинчи ҳадисни айтдилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) витрни уч рақъат ўқиганларини Имом Абу Довуд Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисларидан биламиз. Унда:

رسول الله ص يوتر بأربع و ثلاث، و ست و ثلاث، و ثمان و ثلاث، و عشر و ثلاث و لم يكن كان يوتر بانقص من سبع و لا باكثر من ثلاث عشرة

«Оиша онамиз айтдилар: «Расулulloҳ (с.а.в.) ўз ҳолатларига қараб, баъзида (гоҳо) тўрт рақъат таҳажжуд ва уч рақъат витр, гоҳо олти рақъат таҳажжуд ва уч рақъат витр, гоҳо ўн рақъат таҳажжуд ва уч рақъат витр ўқирдилар. Ва ўқиган намозлари етти рақъатдан кам, ўн уч рақъатдан кўп бўлмасди», деганлар.

Бу ҳадисдан Расулulloҳнинг таҳажжуд намозлари ҳолларига қараб, 4 дан 10 гача бўлган бўлса ҳам витрлари бир хил 3 рақъат эканлиги аниқ ва равшан айтилган.

Имом Термизийнинг Ҳазрат Алидан қилган ривоятлари ҳам фикримизни қувватлайди:

قال علي رضي الله عنه كان رسول الله ص يوتر بثلاث

«Ҳазрати Али: «Расулulloҳ (с.а.в.) витрни 3 рақъат ўқирдилар», деганлар. Имом Муслим Жобир (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда:

من خاف أن لا يقوم من آخر الليل فليوتر أوله، و من طمع أن يقوم آخره فليوتر آخر الليل فان صلوة آخر الليل مشهودة و ذلك أفضل

«Кимки кеча охирида туролмаслигидан кўрқса, аввалидан, яъни хуфтондан кейин витр ўқисин ва кимки кечаси охирида туришдан умиди бўлса, кеча охирида витр ўқисин, чунки кеча охиридаги намозга фаришталар гувоҳ бўладилар ва у афзалроқдир», деганлар. Витрни саҳарда ўқишлик

афзаллигини билгандан кейин шуни ҳам англашимиз керакки, бир мўъмин саҳарга яқин туриб, таҳажжуд ўқирди ва витрни таҳажжуддан кейин ўқишни ўзига одат қилган эди. Энди тасодифан соати тўхтаб қолди ёки ҳаво қоронғилигидан ҳали субҳ бўлмади, деб ўйлади ёки ухлаб қолди, уйғонса, субҳга яқинлашиб қолган бўлса, тезда таҳорат олиб витрни бир ракъат ўқиши мумкин. Чунки, Имом Бухорий ва Имом Муслим иттифоқ бўлиб, ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда:

قال رسول صلوۃ الليل مثنى مثنى فاذا خشي أحكم الصبح صلي ركعة و احدة توتر له ما قدصلي

«Расулulloҳ (с.а.в.): «Кечасининг намози икки-икки ракъатдандир, сизлардан бирортангиз кеча охирида намоз ўқиб туриб, субҳ бўлиб қолдимиз, деб витр вақти ўтиб кетишидан қўрқса, бир ракъат витр ўқийди, шунда ўқиган намозлари тоқ бўлиб тугайди», деганлар». Бу ҳадисдан витр намози бир ракъат ўқилишининг сабаби аниқ ва равшан баён қилинган. Кишилар билиб-билмай ўзларича ҳадисда бир ракъат дейилган, Расулulloҳ бир ракъат ўқиганлар, деса бидъатчи саналади. Уламолар ундай кишининг орқасидан намоз ўқиш жоиз эмас, деган фикрда.

Витрнинг уч ракъат эканлигини таъкидлаганлар сафида саҳобаларнинг улуғларидан бўлган ашараи мубашшаралар ҳам, Абдуллоҳ ибн Аббос, Ибни Масъуд, Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнлар, Муоз ибн Жибал, Салмони Форсий, Билоли Ҳабаший, Абу Аййуб ал-Ансорий, Абу Умома ал-Бахлий, Ойша, Ҳафса, Маймуна оналаримиз, Фотимат-уз-Захро ва бошқа кўпгина саҳобаи киромлар ҳам бордирларки, Аллоҳ улардан рози бўлсин. Имом Термизий ва Имом Абу Довудлар Абдулазиз ибн Журайждан ривоят қилган ҳадисларида:

قال سألنا عائشة رضي الله عنها بأى شئ كان يوتر رسول الله صلي الله عليه وسلم قالت: كان يقرأ في الأولى بصبح (اسم ربك الأعلى و في الثانية بقل يا أيها الكافرون و في الثالثة بقل هو الله احد

«Оиша онамиздан, Расулulloҳ (с.а.в.) витрда қайси сураларни ўқирдилар, деб сўрадик. Оиша онамиз «Биринчи ракъатда «Саббиҳ исма роббикал аъла» сурасини, иккинчи ракъатда «Қул я айюҳол кафирун», учинчи ракъатда «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сурасини зам қилардилар», дедилар.

Имом Абу Довуд ва Имом Насоийлар Убай ибн Каъбдан ривоят қилган ҳадисда:

آخر هن كان رسول الله صلي الله عليه وسلم اذا سلم في الوتر قال "سبحان الملك القدوس ثلاث مرات يطيل في

«Расулulloҳ (с.а.в.) витр намозини ўқиб бўлиб, салом берганларидан кейин уч марта «субҳанал маликил қуддус» деб учинчи мартасида овозларини чўзардилар», дейилган. Имом Термизий Зайд ибн Аслам (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.):

من نام عن و تره فليصل اذا اصبح

«Кимки витр намозини ўқимасдан ухлаб қолса, тонг отгандан кейин ўқисин», деганлар. Бу ҳадиси шарифдан витр намозининг қазоси борлиги маълум бўлади. Бир мўъмин киши витр намозини саҳарда туриб, таҳажжуд намозини ўқигандан кейин ўқишни одат қилган бўлса-ю, тасодифан унутиб, ёки чарчаб қолиб, саҳарда туролмай ухлаб қолса, тонг отгандан кейин ўқиб олиши керак бўлади.

Имом Термизий, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа ва Доримийлар ҳазрати имом Ҳасан ибн Али

(р.а)дан қилган ривоятларида айтилишича:

قال: علمني رسول الله ص كلمات اقولهن في قنوت الوتر "اللهم اهدني فيمن هديت و عافني فيمن عليك عافيت و تولني فيمن توليت و بارك لي فيما اعطيت و قني شرا ما قضيت فانك تقضي و لا يقضي انه لا يذل من واليت و لا يعز من عاديت تباركت ربنا و تعاليت

«Расулulloҳ (с.а.в.) витр намозининг қунутида ўқилиши лозим бўлган калималардан таълим бердилар.

«Эй, Парвардигор! Тўғри йўлга солган бандаларинг қаторида мени ҳам тўғри йўлга солгин. Саломатлик берган бандаларинг қаторида менга ҳам саломатлик бергин. Ўзингга яқин тутган бандаларинг қатори мени ҳам Ўзингга яқин тутгин. Менга берган нарсаларингни баракали қилгин. Ҳукм қилган ёмонлигингдан Ўзинг сақлагин, чунки сен ҳукм қилгувчисан. Сенга ҳукм қилинмайди. Ва албатта Сен ўзингга дўст тутган хор бўлмайди. Сен ўзингга душман тутган кишилар азиз бўлмайди. Сенинг номинг баракотли ва баланд бўлди».

Бундан ташқари, иккинчи дуои қунут ҳам борки, у ҳақида ҳазрат Умар (р.а) шундай таълим берганлар:

اللهم انا نستعينك و نستغفرك و نؤمن بك و نتوكل عليك و نثني عليك الخير نشكرك و لا نكفرك و نخلع و نترك من يفجرك. اللهم اياك نعبد و لك نصلي و نسجد و اليك نسعي و نحفد نرجو رحمتك و نخشى عذابك ان عذابك بالكفار ملحق

«Эй, Парвардигор! Албатта, биз Ўзингдангина ёрдам сўраймиз, гуноҳларимизни мағфират этишингни илтимос қиламиз. Ёлғиз Сенгагина имон келтирамиз ва Сенга таваккал қилиб, барча ишларимизни ҳавола этамиз. Ёлғиз Сени мақтаймиз ва Сенга шукр қиламиз. Кофирлик қилмаймиз ва Сенга гуноҳ қиладиганлардан воз кечамиз. Эй, Парвардигор, биз фақат Сенга ибодат қиламиз. Сен учун намоз ўқиймиз ва Сенга сажда қиламиз. Ибодат қилиб Сенга яқин бўлишга ҳаракат қиламиз. Раҳматингдан умидвормиз, азобингдан қўрқамиз. Албатта, Сенинг азобинг кофир ва имонсизларга қаратилгандир».

Мўъмин банда бу икки қунут дуосидан хоҳлаганини ўқиши мумкин. Витр намозини Расулulloҳ (с.а.в.) ўзлари таълим бериб ўқиб кўрсатганларидек ўқиймиз.

52-Масала

Имомнинг намози бузилганда жамоатнинг намози ҳам бузилиши ҳақида

Имомнинг намози бузилганда жамоатнинг намози ҳам бузилади. Расулulloҳ (с.а.в.):

من ام قوما ثم ظهر انه كان محدثا او جنبا اعاد صلوته و أعادوا

«Кимки, бир жамоатга имомлик қилса, сўнг таҳоратсизлиги ёки жунублиги зоҳир бўлса, ўзи ҳам жамоат ҳам намозини қайта ўқийди», деганлар.

Уламолар шу ҳадисни далил қилиб, имомнинг намози бузилса, қавмнинг намози ҳам бузилади, дейишган.

«Ҳидоя» китобида:

من اقتدى بامام ثم علم ان امامه محدث اعاد

«Кимки, бир имомга иқтидо қилса, сўнг ушбу имомнинг таҳорати кетганини билса, намозини қайта ўқийди», дейилган. Шунингдек, хотин кишига ва динсиз одамга иқтидо қилганларнинг намозлари намоз бўлмайди. Динсиз киши Қуръонни яхши ўқиб, намознинг арконларини тўғри бажарса ҳам, имони йўқлиги, ақидаси бузуқлиги учун унинг имомлиги жоиз эмас. Аммо, имомнинг хатоси, яъни қилган гуноҳлари жамоатга зарар етказди деювчиларнинг сўзлари хато эканлигини Имом Абу Довуд Абу Ҳурайрадан қилинган ривоятлар исботлайди:

و قال رسول الله ص الجهاد واجب عليكم مع كل امير برا كان او فاجرا و ان عمل الكبائر. و الصلوة خلف كل مسلم برا كان او فاجرا و ان عمل الكبائر. و الصلوة و اجبة على كل مسلم برا كان اجبة عليكم او فاجرا و ان عمل الكبائر.

«Пайғамбаримиз: «Сизларга ҳар бир амир билан жиҳод қилмоқ вожибдир. Агар у амир яхши бўлса ҳам, фожир бўлса ҳам ва кабира гуноҳларни қилса ҳам. Ва сизларга ҳар бир мусулмоннинг орқасидан намоз ўқимоқ вожибдир, агар у мусулмон яхши бўлса ҳам, фожир бўлса ҳам ва у кабира гуноҳлар қилса ҳам. Ва шунингдек, ҳар бир мусулмонга жаноза ўқимоқлик вожибдир, агарда у мусулмон яхши бўлса ҳам, фожир бўлса ҳам ва кабира гуноҳлар қилган бўлса ҳам», деганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу ҳадислари билан агарда имом яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам, жиноятчи, гуноҳкор бўлса ҳам мусулмонлар жамоатдан қолмаслигини таъкидламоқдалар. Имом қилган фужурию, гуноҳларига ўзи жавоб беради. У қилган гуноҳларнинг жамоатга таъсири йўқ, чунки, у олим, намознинг ҳамма арконларини тўғри бажаради. Агар таҳорати бўлмаса, ёки намозларнинг арконларини бузса, унда унинг ўқиган намозини саҳиҳ бўлди, дея олмаймиз. Шунинг учун у билан бирга ҳамма жамоатнинг ҳам намози бузилади.

53-Масала

Ҳовуздаги оз ва чуқурларда йиғилиб қолган турғун сувлардан таҳорат олмоқ жоиз эмаслиги ҳақида

Шариат мезони (ўлчови)га биноан, чуқурда тўпланган сувнинг бир тарафидан чайқатилса, сув тўлқини иккинчи тарафига етмаса, у сув билан таҳорат олмоқ жоиз. Аммо бир томонидан чайқатилган пайтда нариги томони ҳам тўлқинланса, бу сув билан таҳорат олмоқ жоиз бўлмайди. Нариги томонига тўлқин етмаслиги учун шариат буюрган ҳовуз «ашара фи ашара», яъни, ўн газга ўн газ бўлиши керак (бир газ 70 см). Шунда у ҳовуздаги сувдан ичса ҳам таҳорат олса ҳам бўлади. Агар сув оқса, оз бўлса ҳам, нажосат асари кўринмаса, таҳорат олмоқ жоиздир. Бунга эътибор бермай, бепарволик билан турғун ва оз миқдордаги сувдан таҳорат олганларнинг орқасида иқтидо қилиб, намоз ўқимоқ жоиз эмас. Чунки, у сув пок эмаслиги учун, унинг олган таҳорати таҳорат саналмайди. Шуни унутмаслик керакки, бу ҳукм ислом мамлакатларига хосдир. Ислом мамлақати бўлмаган баъзи жойларда бу қоида тўғри келмайди, чунки ғайридинлар ҳовуз сувларини, ҳаттоки, катта анҳорларни ҳам нажосатхонага айлантириб юборган.

54-Масала Ўлдирилган киши ҳам ўз ажали билан ўлган бўлиши ҳақида

Ўлдирилган кишининг ўлими тасодифий ҳол эмас. «Ўлдирилмаса, яшар эди», дейиш мумкин эмас. Ўлим ҳеч қачон ажалдан олдин кела олмайди. Зеро, Аллоҳ таоло Мунофиқун сурасининг 11-оятида:

وَلَنْ يُؤَخِّرَ اللَّهُ نَفْسًا إِذَا جَاءَ أَجْلُهَا وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ

«Аллоҳ бирор жонни ажали келганида кечга қолдирмас. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир», деб ҳар инсонни ажали ўз пайтида, Аллоҳ тақдир қилганидек, келишини билдирмоқда. Аллоҳ ҳар бир инсонга маълум ризқ, маълум умр берган бўлиб, умри қайси йўл билан тугаши ҳам ёзилган. Кимнингдир умри беморлик, кимнингдир умри машина босиши, кимнингдир умри сувда чўкиш, кимнингдир умри ўлдирилиш билан тугаши тақдир этилган. Ҳеч ким тақдирдан қочиб қутулолмайди. Кунлардан бир куни ўлим фариштаси Азроил (а.с) Сулаймон (а.с)нинг ҳузурига кирди. Сулаймон (а.с.) давлат арбоби билан бирга эдилар. Азроил (а.с) чиқиб кетгандан кейин ҳалиги арбоб: «Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари, чиқиб кетган киши ким эди?», деб сўради. Сулаймон (а.с.): «У Ўлим фариштаси Азроил (а.с) эди» деб жавоб бердилар. Шунда, арбоб: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, у менга узоқ тикилганидан менинг жонимни олмоқчимикин, деб кўрқдим. Сиздан илтимос мени унинг қўлидан қутқарсангиз», деди. Сулаймон (а.с.): «Қандай қилиб сени ундан қутқараман», дедилар. У: «Шамолга буюрсангиз мени Ҳиндистон ерига олиб борса, шоядки у мени тополмай адашиб қолса», дея ёлворди.

Сулаймон (а.с.) шамолга, шул лаҳзанинг ўзида уни Ҳиндистоннинг узоқ бир ўлкасига олиб бориб ташлашни буюрдилар. Шамол уни Ҳиндистонга кўтариб кетди, бориб тушиши билан Азроил унинг руҳини олди. Азроил Сулаймон (а.с.)нинг олдига қайтиб келганда, ундан нима учун у арбобга тикилиб қараганлиги сабабини сўрадилар. Шунда Азроил: «Унинг жонини Ҳиндистонда олишга буюрилган эдим, у эса Ҳиндистондан анча узоқ бўлган сизнинг ҳузурингизда турар эди. Шунинг учун унга таажжубланиб тикилган эдим. Иттифоқо, Аллоҳ тақдир қилганидек шамол уни жон таслим қиладиган маконига олиб борди ва мен уни ўша буюрилган ерда жонини олдим», деди. Шунинг учун Расулulloҳ (с.а.в.)

إذا قضى الله بعبده ان يموت بارض جعل له اليه حاجة

«Қачонки, Аллоҳ бир бандасини ер юзининг бир ерида ўлишини ҳукм қилган бўлса, ўша ерга унинг ҳожатини тушириб қўяди», деганлар.

55-Масала Имон зиёда ҳам, кам ҳам бўлмаслиги ҳақида

Имон асл жавҳар бўлиб, у зиёда ҳам, кам ҳам бўлмайди. Имон кўпаяди ва камаяди деганлар хатога йўл қўйган бўладилар. Зеро, имон махлуқ эмас, кўпайиш, камайиш эса махлуққа ва феълларга хосдир. Қуръони карим Фатҳ сурасининг 4-оятида:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لِيَزْدَادُوا إِيمَانًا مَعَ إِيمَانِهِمْ وَاللَّهُ جُنُودُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ
وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا

«У (Аллоҳ) Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун мўъминларни дилларига таскин туширган зотдир. Осмонлар ва Ер қўшинлари (фаришталари) фақат Аллоҳникидир. Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир», деб марҳамат қилган.

«Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун қўшилиш-зиёда лафзини муфассирлар «яқин», яъни шубҳасиз собит имон, жазман имон деб тафсир қилишган. Бу исломнинг аввалги даврига хос бўлган ишдир. Чунки, Қуръон оятлари битта-биттадан нозил бўлар эди ва ҳаммасига алоҳида-алоҳида ишонилар эди. Шунинг учун ҳам ҳар кимнинг имони ортишда, зиёда бўлишда давом этмоқда эди. Аммо, эндиликда Қуръондан янги нозил бўладиган ҳеч нарса қолмади. Қуръон мукамал бўлди. Энди имонда ортадиган ҳеч нарса қолмагани учун мўъминларнинг «яқин»и - имонда собитлиги, жазманлиги ортди. «Яқин ортгани сари имоннинг ҳам қуввати ошди, нури зиёда бўлди. Ҳанафий уламоларидан ҳеч ким имон ортади ёки камайди, деган эмас.

Қуръон махлуқ эмаски, баъзан ортса, баъзан камайса. Имон ҳам худди шунинг ўзи.

Бинобарин, Қуръондаги оятларни ўз раъйи хоҳиши билан тафсир қилганлар ҳалокатга учрайдилар. Зеро, Расули акрам (с.а.в.):

من فسر القرآن برأيه فليتبوء مقعده من النار

«Ким Қуръонни ўз раъйи билан тафсир қилса, жойини жаҳаннамдан тайёрласин», деганлар. Имон «Ла илаҳа иллаллоҳ»дан иборатдир. Бу эса ўзгармас қонундир. Шунинг учун ҳам имон ортади ёки камайди, дейиш жоиз эмас. Кимдир имон махлуқдир, деса у кофирдир.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинишича: Бир гуруҳ кишилар келиб, Расулulloҳ (с.а.в.)дан имоннинг ортиши ва камайиши ҳақида сўрадилар. Шунда Расули акрам (с.а.в.) ҳазратлари: «Ортмоқ ва камаймоқ куфрдир. Имон зиёда бўлмайди ва озаймайди ҳам», дедилар.

Умавия халифаларидан «хулафои рошидин»лар қаторига кирган Умар ибн Абдулазиз ҳазратлари жумъа мавъизасида:

«Агар имон ортса ёки камайса эди, жаноб Пайғамбаримиз меърож кечасида умматига амр қилинган эллик вақт намозни беш вақтга енгиллатишни истамас эдилар. Олти ойлик рўзани бир ой бўлсин, демас эдилар», деганлар. Бинобарин имон ортмайди ва озаймайди.

56-Масала

Инсоннинг вужудидан чиққан қон, йиринг каби нарсалар таҳоратни бузиши ҳақида

Инсоннинг олди ва орқа йўлидан чиққан нарса таҳоратини синдиради. Ҳатто ел чиқса ҳам таҳорат кетади. Имом Термизий Али ибн Талҳадан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.):

إذا فسا احدكم فليتوضأ

«Қачонки биронтангиз ел чиқарсангиз, таҳорат олинг», деганлар.

Яна Имом Термизий ва Имом Абу Довудлар ибни Аббосдан ривоят қилган ҳадисларида расулуллоҳ (с.а.в.):

ان الوضوء على من نام مضطجعا فانه اذا اضطجع استرخت مفاصله

«Ёнбошлаб ётган кишига таҳорат вожиб бўлади. Чунки киши ёнбошлаганда бўғинлари бўшашади», деганлар.

Агар киши бирон нарсага суянмасдан ўтирган ҳолда ухласа, таҳорати синмайди. Шунингдек, қорни қулдираса-ю, бирон ҳид ёки овоз чиқмаса ҳам таҳорат бузилмайди.

Рўзадорнинг ичига бирон нарса кирса рўзаси бузилгани каби инсоннинг бирон аъзосидан қон, йиринг ёки нажосат чиқса, таҳорати кетади. Шундай ҳолларда таҳорат олмаган кишининг орқасидан намоз ўқиб бўлмайди, чунки у таҳоратсиздир.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Абу Хурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.):

لا تقبل صلاة من احدث حتى يتوضا

«Таҳорати синган кишининг намози токи таҳорат олмагунча қабул қилинмайди», деганлар. Қон таҳоратни синдирмайди, дейилган ҳадислар эса уруш вақтларига хосдир. У пайтда:

الضرورات تبيح المحظورات

«Зарур бошад, раво бошад», яъни заруратлар манъ қилинган нарсаларни мубоҳ (рухсат, жоиз) қилур, қоидасига амал қилинади.

57-Масала

Иблис алайҳи лаънаҳ Аллоҳга ибодат қилган пайтда Аллоҳ ва фаришталарнинг наздида мўъмин бўлгани ҳақида

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Ибни Масъуддан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, эркакнинг шаҳват суви (онанинг) аёлнинг бачадонига (раҳмига) жойлашгач, Аллоҳ раҳмга вакил қилинган фариштага аёлнинг бачадонидаги боланинг тақдирига 4 нарсани, яъни умри, ризқи, қиладиган амаллари ва бахтли ёки бахтсизлигини ёзиб қўйишликни буюради. Шу ёзиб қўйилган нарса шак-шубҳасиз амалгашиб, ҳеч ким ундан қочиб қутула олмайди.

Яна Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Саҳл ибн Саъддан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.):

عمل اهل النار و انه من اهل الجنة و يعمل عمل اهل الجنة و انه من اهل النار و انما ان العبد ليعمل

الاعمال بالخواتيم

«Албатта, бир банда дўзахилар амалини қилади, ваҳоланки у аҳли жаннатлардандир. Ва яна бир банда жаннатилар амалини қилади, ваҳоланки, у аҳли дўзахилардандир. Албатта, амаллар хотимаси, яъни умрининг охирида қилган амаллари билан эътиборга олинади», деганлар.

Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) кўпинча:

اللهم مصرف القلوب ثبت قلوبنا على دينك و طاعتك

«Эй, Парвардигоро! Сен қалбларни тасарруф этгувчи зотсан. Қалбларимизни ўз динингга ва тоатингга собитқадам (мустаҳкам) қилгин», деб дуо қилар эдилар.

Иблиснинг тақдирида бахтсиз бўлиш ёзилган экан. Ҳаётининг аввалида тоаткор бўлгани учун мўъмин эди. Вақт-соати етиб, Одам (а.с.)га сажда қилмагани учун тақдиридаги ёзув амалгашиб, кофирга айланди.

(فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ إِلَّا إِبْلِيسَ اسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ)

«Бас, фаришталарнинг барчалари жам бўлиб, (Одам учун) сажда қилдилар. Фақат Иблисгина кибрланиб, кофирлардан бўлди». (Сод сураси 73-74-оятлар).

Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умар (р.а.) ҳам бутларга сиғинган пайтларида Аллоҳ ва фаришталарнинг наздида мўъмин эмас эдилар. Имон келтирганларидан кейин мўъминга айландилар. Биз мўъминлар аҳамият бериб, диққат қилишимиз лозим бўлган машҳур ҳадиси шарифда: «Инсон фарзанди кофир оилада туғилгай, кофир бўлиб яшагай, мўъмин бўлиб ўлгай», деб ёзилган. Табиийки, баъзан бунинг аксини ҳам кўриш мумкин. Мўъмин ҳолда туғилади, мўъмин бўлиб яшайди, кофир бўлиб ўлади (Аллоҳ бу ҳолатдан Ўзи асрасин).

Улуғлар шақий (бахтсиз) бўлгани ва аксинча, шақийлар саъийд (бахтли) бўлгани тарихда учраб турадиган ҳодисадир. Жаноб Ҳақ таоло хоҳлаган ишини қилур. Ҳеч ким ундан нега ундай қилдинг, дея олмас, ҳикматини ёлғиз Ўзи билур.

58-Масала

Ҳеч бир севги, ҳатто ишқуллоҳ, муҳаббатуллоҳ ҳам Аллоҳ таолонинг амрларини соқит қила олмаслиги ҳақида

Дин душманлари, ботил эътиқодли кишилар, Рифозийлар, қизил бошлик ва шуларга ўхшаган гумроҳ фирқалар «Кимнинг кўнглида муҳаббатуллоҳ, яъни Аллоҳнинг ишқи ҳосил бўлса, бундай кишига намоз, рўза, тоату ибодатларини қилмаса ҳам зиёни йўқ, шунингдек, гуноҳлар ҳам унга зарар етказмайди. Чунки, Қуёш чиқса, юлдузлар ғойиб бўлади», дейди. Улар бу ярамас, беҳуда сўзлари билан мусулмонларни лақиллатмоқчи бўлади. Ҳеч бир мусулмон бундай номақбул сўзга ишонмайди. Зеро, Аллоҳ субҳанаху ва таоло Аҳзоб сурасининг 21-оятда:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

«(Эй, имон келтирганлар) сизлар учун Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг Пайғамбариди гўзал намуна бордир», деб марҳамат қилган.

Шунинг учун мусулмонлар ҳар қандай диний ишларида Расулulloҳ (с.а.в.)дан намуна олишлари керак. Муҳаббатulloҳда Расулulloҳ (с.а.в.)нинг олдига тушадиган инсон бўлган эмас, бўлмади ҳам. Аллоҳга қанча яқин, қанча ошиқ бўлмасинлар, ибодатни ҳеч ҳам камайтирмадилар, аксинча, ибодатлари зиёда бўлиб, кечаси намозни кўп ўқиганларидан оёқлари қавариб кетар эди. Саҳобалар: «Эй, Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳ сизнинг ўтган ва келажақда қиладиган гуноҳларингизни кечирган бўлса, нега бунча жонингизни қийнайсиз», деб сўрашганида: «Оё, шукр қилувчи бандалардан бўлмайинми?», деганлар. Бизнинг йўлимиз шу, Расулulloҳдан намуна олиш, ундан бошқасига юрмаймиз. Ошиқликни, муҳаббатulloҳни иддао қилган киши ушбу тўрт нарсани унутмаслиги керак:

1. Ҳақ таолонинг ҳеч бир амрида нуқсонга йўл қўймаслик;
2. Ҳақ таолонинг барча наҳийларидан-қайтарганларидан тийилиш;
3. Ҳақ таолонинг ҳамма ҳукмларига рози бўлиш;
4. Ҳақ таолонинг жамиъ махлуқотига нисбатан раҳм-шафқатли бўлиш.

Шу тўртта тамойилга амал қилмаган кимса, ошиқлик иддаосини қилса, у ёлғончидир.

Зеро, саҳобаи киромлар ҳам, жамиъ авлиёлар ҳам Аллоҳнинг амрларини мукамал бажариб, наҳийларидан тийилиб, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатларига эргашиб, Аллоҳнинг ризосига эришганлар.

59-масала

Ҳар бир мўъмин сўнгги нафасдаги ҳолидан кўрқмоғи кераклиги ҳақида

Аллоҳ таоло Анфол сурасининг 24-оятида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ

«Эй мўъминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглари ва билинглари, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар», деб марҳамат қилган.

Бу ояти карима билан Аллоҳ мўъминларни абадий ҳаёт берадиган Ислом дини даъватларини сўзсиз қабул этиш, унга оғишмай амал қилишга, Расулунинг суннатларидан ташқарига чиқмасликка чорламоқда. Шу билан бирга, ҳеч бир мўъмин, агар бой бўлса, мол-дунёси билан мағрурланмасликка, мансабдор бўлса, мансаби билан фахрланмасликка, қори бўлса, қорилиги билан гердаямасликка, мулла бўлса, илми билан мақтанмасликка, насаби олий бўлса, насаби билан кеккаймасликка, аҳли тариқат бўлса, аҳли тариқатман, деб ўзини юқори олмасликка, агар аҳли Қуръон бўлса, мен аҳли Қуръонман, меники тўғри, деб бошқаларни гумроҳ санамасликка ва

шунга ўхшаш манманлигу гердайишлардан огоҳлантормоқда. Зеро, Имом Аҳмад ҳазрат Анас (р.а)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.):

اللهم مقلب القلوب ثبت قلوبنا على دينك و طاعتك

«Ё Аллоҳим! Сен қалбларни ўзгартириб турувчидирсан. Қалбларимизни ўз динингга ва тоатингга собит (мустаҳкам) қилгин», дуосини кўп ўқирдилар. Шунда биз саҳобалар «Ё Расулulloҳ! Биз сизга ва сиз келтирган шариатингизга имон келтирдик. Бу дуони кўп қилишингизга қараганда бизларни диндан чиқиб кетади, деб қўрқасизми?», дедик.

Расулulloҳ, «Ҳа, қалблар Аллоҳнинг икки панжаси орасида, хоҳласа адаштириб қўяди, хоҳласа тўғри йўлга мустаҳкам қилиб қўяди», деганлар.

Модомики, шундай экан, ҳеч бир мўмин агарда унинг қадами жаннатга етай деган бўлса ҳам, қилаётган амали солиҳлари билан мағрурланмасин, чунки охирги ҳоли қандай бўлиши, хотимаси нима билан тугашини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунинг учун доим хавфу ражода бўлиш керакки, Аллоҳдан кўрққанларни Аллоҳнинг ўзи севиб, унга нажот беришини Нозиот сурасининг 40-41-оятларида хабар бериб:

وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهَوَىٰ فَيَنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَىٰ

«Аммо, кимки Парвардигорининг (ҳузурда) туриши ва (ҳисобот бериши)дан кўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина (унга) жой бўлур», деган.

Зумар сурасининг 53-оятда эса:

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْعَفُورُ الرَّحِيمُ

«(Эй, Муҳаммад) ўз жонларига зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳ раҳматидан ноумид бўлманглар, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи мағфиратли ва раҳмлидир», деб Унинг раҳматидан умидвор бўлишимизга буюрмоқда.

Пайғамбаримиз бу тўғрисида ўз муборак ҳадислари билан тушунча бериб: «Аллоҳ таоло бир бандасида икки кўрқув ва икки амниятни жамъ қилмаган. Дунёда кўрққанлар охиратда амниятда бўлурлар, ва билъакс, дунёда амният ичида бўлганлар эса охиратда кўрқув ичрадилар», деганлар. Шундай экан, биз мўминлар ғафлатда қолганларга ўхшаб, Аллоҳ таолонинг макридан эмин-хотиржам бўлмаслигимиз лозимдир ва Пайғамбаримиз юқорида таълим берган дуоларни қанда қилмасдан доим ўқиб юришимиз керак бўлади. Зеро, ҳазрати имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳам «Бандадан имоннинг олинмоғи аксар ҳолда хотимасидан кўрқмаслигидандир», деганлар.

Кимки хотимаси ёмон тугаб, имондан ажралиб қолишдан кўрқмаса, у аҳли суннатлардан эмас. Мусулмонлар хотималари хайрли бўлиб, имон билан кетишлари учун Аллоҳнинг амрига бўйсунуши билан биргаликда суннати санияга ихлосу муҳаббат билан қаттиқ ёпишишлари ҳамда бугунги ҳолларига ишониб қолмасдан сўнги хотимадан кўрқиб, Ҳақ таолога тазарру дуолар қилишлари мақсадга мувофиқдир. Кетар пайтимизда Аллоҳ барчамизнинг имонимизни саломат

қилсин.

60-Масала

Ҳар бир мўъмин Аллоҳнинг раҳматидан умид узмаслиги ҳақида

Мўъминлар сўнгги хотимадан кўрқишлари билан биргаликда Аллоҳнинг раҳматидан ҳам умидларини узмасинлар. Зеро, фақат кофирларгина Аллоҳнинг раҳматидан бенасибдирлар. Аллоҳ Қаҳҳор, Шадидул ʼақоб бўлиши билан бирга Ғофур, Раҳийм, Каримлигини ҳам унутмаслик керак. Банда қанчалик гуноҳкор бўлмасин, тавба-ю истиғфорлар айтса, Аллоҳ кечиради. Ғофир сурасининг 3-оятда:

غَافِرِ الدَّنْبِ وَقَابِلِ التَّوْبِ شَدِيدِ الْعِقَابِ ذِي الطُّوْلِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ إِلَيْهِ الْمَصِيرُ

«(У) гуноҳни мағфират, тавба-тазарруни қабул қилувчи, азоби қаттиқ ва эҳсон эгасидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Фақат Унинг Ўзига қайтилуру», деб тавбаю тазарру қилувчиларнинг гуноҳларини авф этишлигини билдирмоқда.

Биттагина шу оят эмас, бундан бошқа оятларда ҳам шундай хушхабарлар бор. Жумладан, Оли Имрон сурасининг 135-оятда:

وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَاحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرُ اللَّهُ فَقَدْ أَفْرَحَ اللَّهُ بِهِمْ إِنَّ اللَّهَ يَهْدِي الْقَوْمَ الْقَائِلِينَ

«Улар бирор фаҳш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳ мағфират этар. Яна била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир»;

Нисо сурасининг 110-оятда:

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا

«Кимда-ким бирор ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади»;

Нисо сурасининг 116-оятда:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا

«Албатта, Аллоҳ Унга (бирор нарса) шерик қилинишини кечирмайди. Бундан ўзга (гуноҳлар)ни (Ўзи) хоҳлаган кишилар учун кечиргай. Кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у (йўлдан) жуда узоққа адашибди», деб марҳамат қилган.

Юқорида зикр қилинган оятлар, айниқса, охирги оят, кечирилмайдиган гуноҳ фақат ширк ва куфрдан иборат бўлиб, ундан бошқа гуноҳлар кечирилиши мумкин эканлигини аниқ қилиб айтмоқда. Демак, Аллоҳнинг ўзи хоҳлаган бандамнинг гуноҳини кечишим мумкин, деб ваъда

қилганидан кейин, мўмин киши Аллоҳнинг раҳматидан, мағфиратидан умидвор бўлиши лозим. Шунинг учун биз аҳли суннат вал жамоатнинг эътиқодимизга кўра, мусулмон одам каттами, кичикми гуноҳ қилса, кофир бўлмайди, балки гуноҳкор бўлади. Гуноҳни эса кечириш ёки кечирмаслик Аллоҳнинг ихтиёридадир.

Шу оятларга асосланган ҳолда гуноҳкор мўминни кофир деганларнинг ўзлари кофир, дея оламиз. Шунингдек, қилган гуноҳларига тавба қилмаган мўминлар ҳам абадий жаҳаннамда қолади, деса у ҳам кофирдир. Яна кимдир: «Имонли киши гуноҳ қилса унга қилган гуноҳи зарар бермайди», деса у тўғри йўлдан тойган бидъатчидир.

Бундай нотўғри эътиқодни тўғри йўлдан адашган, аҳли суннат вал жамоатга қарши бўлган Хорижийлар ва Мўътазилийлар қилиши мумкин. Бундай эътиқоди бузуқларнинг йўлидан юришдан Аллоҳ барча мўминларни асрасин.

Аллоҳ таоло ҳақида билиш вожиб бўлган нарсалар

Аллоҳ жалла жалалуҳунинг азалий, абадий, сармадий ва зоти билан қоим бўлган сифатлари борки, уларни билиш ҳар бир мўъминга шартдир. Бу сифатлар на Аллоҳнинг ўзидир, на Аллоҳдан бошқадир.

Сармадий-ибтидосиз қадим ва интиҳосиз доим. Аллоҳ таоло сифатларининг шарҳи:

1. Танзиҳий сифатлар (салбий сифатлар ҳам дейилади).
2. Субутий сифатлар (зоти сифатлар ҳам дейилади).
3. Феълий сифатлар (изофий сифатлар ҳам дейилади. Раҳмат ва ғазаб сингари).
4. Маънавий сифатлар (лозимий сифатлар ҳам дейилади).
5. Аллоҳ жалла жалалуҳу ҳақида муқобили (зидди) мумкин бўлмаган сифатлар. Масалан, вужуд (мавжудлик, борлик) сифатининг муқобили бўлган адам (йўқлик) Аллоҳ учун мумкин эмас, муҳолдир.
6. Аллоҳнинг илмий сифатлари ҳам бор (Алийм каби).
7. Аллоҳнинг иродий сифатлари ҳам бор (Вадуд каби).
8. Аллоҳнинг каломий сифатлари ҳам бор (Хабир каби).
9. Аллоҳнинг мураккаб сифатлари ҳам бор (Мурид каби), чунки Мурид махлуқотга ҳам изофа этилади. Шу сабабдан мураккаб дейилади.

Зикр қилинган бу сифатларнинг барчаси Зотий сифатлар ҳам деб аталади-Аллоҳнинг сифатлари ва исмлари бордир. Азалий ва абадийдир.

Аллоҳнинг сифатлари айнан Ўзи эмас, шунингдек, Ўзидан бошқаси ҳам эмас. Аллоҳнинг сифатлари Ўзидир, десак унда иккита илоҳ бўлиб қолади.

Биттаси-сифати илоҳий, иккинчиси -зоти илоҳийки, бу Аллоҳ таоло ҳақида мумкин бўлмаган нарсадир. Мавжудот икки қисмга бўлинади. Биринчиси-Қадийм. Иккинчиси-Ҳодис.

Қадийм Аллоҳдир. Ҳодис эса махлуқот.

Қадийм-ҳар қандай нарсдан олдин пайдо бўлган, деган маънода келади. Аллоҳ таоло ҳақидаги қадимийлик бошланиши-аввали ва охири бўлмаган бир қадимийликдир. Буни инсон ақли идрок эта олмайди.

Аллоҳнинг танзиҳий сифатлари

Аллоҳ таоло бирдир, зотида, сифатларида, исмларида, феълларида ва мулкида шериги йўқ. Аллоҳ жалла жалалуҳу жисм эмас ва жавҳар эмас.

Шарҳ. «Аллоҳ жисмдир», дейишнинг қандай бир сақланиладиган, қўрқилладиган жиҳати бор? Маълумки, жисм турли нарсалардан вужудга келган нарсадир. Аҳвол шундай бўлгач, Аллоҳга Унинг борлигида бўлиниш иснод этилган бўлади. У тақдирда:

وَالْهُكْمُ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

«Илоҳингиз ягона илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У меҳрибон ва раҳмлидир», дейилган Бақара сурасининг 163-ояти инкор этилган бўлади, бу эса куфрдир. Расулulloҳ (с.а.в.): «Меърожда Аллоҳ таолони «Энг гўзал суратда кўрдим», деганлар. Бу эса «Ажойиб бир ҳолатда кўрдим», деганларидир. Расулulloҳнинг бу сўзларидан ҳам «Аллоҳнинг жисми бор» деган гап англашилмайди.

Шарҳ. Ҳеч бир башарга насиб этмаган энг улуғ неъмат - Аллоҳ таолонинг олий даргоҳига чиқиш ва Аллоҳ таолони кўриш неъматини «Ҳотамул анбиё» бўлган Пайғамбаримиз (с.а.в.)га ражаб ойининг 27-кечасида насиб этди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. умматларига «Аллоҳ дийдорини ўлгандан кейин кўрасизлар», - деб башорат берганлар.

Бу ҳадис бутун инсониятга тегишли бўлса ҳам аксар уламоларимиз Пайғамбаримиз (с.а.в.) Меърож кечасида Аллоҳ дийдорини ҳадсиз ва кайфиятсиз ҳолда кўрганликлари ҳақида иттифоқ қилганлар. Баъзилар Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳни қалб кўзи билан кўрган дейишса, айрим тоифа олимлар эса ҳам қалб кўзи билан, ҳам кўз билан кўрганликларини ёзишган, яъни, бутун вужудлари кўзга айланган эди.

Оиша р.а. онамиздан ривоят қилинадики, «Ҳар кишики, он ҳазрат алайҳис салоту вассалам Парвардигорини бош кўзи билан кўрган деб айтса, шак-шубҳасиз у кимса улкан ёлғонни тўқибдур (тўқиб чиқарди). Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳни кўз билан кўрмадилар, балки муборак баданларини соч фарқидан то қадамларигача ҳар зарраси кўз бўлган эди. Ҳамма аъзолари билан кўрдилар (Шайх Акбарободийнинг «Наводирул меърож туркий» китоби, «Азия» нашриёти, Тошкент-1329 ҳижрий-қамарий, 289-292 бетлар).

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»да Расули акрамнинг «Маҳбуби ҳақиқий васлиға» етганлигини қуйидаги байтлар орқали таърифлаган:

*Ҳам кўриб жонон жамолин кўз била,
Васлидан ҳам баҳра топиб сўз била,*

*Айлабон идрок тўқсон минг калом,
Лек асносида юз минг эҳтиром.*

*Оси(й) умматнинг гуноҳин истабон,
Барча аҳволин табоҳин истабон.*

*Ҳар не истаб Ҳайи Мутлақдин топиб,
Ҳақ тилаб, Ҳақдан тилаб, Ҳақдан топиб.*

(Алишер Навоий, «Лисон ут-тайр», Тошкент, 1991, 26-бет)

Алишер Навоий мазкур мисраларни қуйидаги ҳадисга асосланиб ёзганлар. Имом Муслим ибн Аббос (р.а)дан ривоят қилади:

مسلم مرتين رواه ربه بفؤاده عليه و سلم محمد صلى الله قال ابن عباس رأى

Ибн Аббос (р.а) айтдилар: «Муҳаммад (с.а.в) Роббисини қалби билан икки марта кўрдилар».

Имом Термизий Шаъбий (р.а)дан ривоят қилади.

عباس: ابن فقال الجبال جاوبته حتى فكبره عن شيء فسأله بعرفة كعبا عنه رضى الله عباس قال لقي ابن مرتين محمد راه و مرتين موسى فكلم موسى و محمد بين و كلامه رؤيته قسم الله إن كعب: فقال بنو هاشم إنا

«Ибн Аббос (р.а) Арофатда Каъбул аҳборга йўлиқиб, ундан бир нарса тўғрисида сўради. Каъбул аҳбор таажжубланиб такбир айтди. Тоғлар ҳам унинг такбирига садо билан жавоб беришди. Шунда ибн Аббос, биз Бани Ҳошим қабиласиданмиз, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳни кўрган ёки кўрмаганликларини билишга ҳақлимиз деди. Каъбул аҳбор: «Аллоҳ таоло Ўзини кўришлик ва каломини эшитишни Муҳаммад алайҳи салом билан Муса алайҳи салом ораларида тақсимлади. Мусо алайҳи саломга икки марта каломини эшиттирди ва Муҳаммад алайҳи салом эса, уни икки марта кўрдилар», деди. (Ибн Касир тафсири, III жилд, Нажм сураси.)

Аллоҳ жалла жалалуҳу «жавҳар ҳам эмас», яъни коинотга қарасак, уни жавҳар эканини кўрамиз (жавҳар-парчаланишни қабул этмайдиган бир парчадир, бошқа жисмлар у жавҳардан вужудга келади) ва ёки коинот ароз (ароз аслида ўз-ўзича бор бўлмай, фақат бошқа нарса билан бирикканда бор бўладиган нарса) ранг, таъм, ҳид, товуш ва бошқа шу каби нарсалардир. Аллоҳ таоло бу иккисидан ҳам, яъни жавҳару аъроздан ҳам муназзаҳдир. Аллоҳ таоло булардан муназзаҳ эканига биноан жисм эмас, жасад эмас, жавҳар эмас, сурат эмас, жузь эмас, мураккаб эмас ва араз ҳам эмас. Аллоҳ ҳеч ҳам биз билган нарсаларга ўхшамас.

Аллоҳ шакл, ҳудуд, ўлчов, санок ва бўлинишни қабул этмайди. Ҳар қандай бир маконни ишғол этмаганидек, мураккаб ҳам эмас (яъни, нарсалардан таркиб топган эмас) ва охири бўлган бир борлиқ ҳам эмас. Ўлчовда ва тақсимда бошқа борлиқларга ўхшамас. Аллоҳ ҳар қандай бир нарсага ҳулул этмаганидек, Аллоҳга ҳам бирор нарса ҳулул этмайди.

Шарҳ. Ҳулул-бирор нарсанинг ичига кириб ўрнашмоқ.

Араз ҳам эмас ва аразлардан ҳолидир.

Шарҳ. Араз-бирор нарсанинг аслида бор бўлмай, кейин пайдо бўлган вақтинча сифати ёки бинафсиҳа (ўз-ўзича) қоим бўлмасдан, қоим бўлишлиги бошқа нарсага муҳтож бўлган нарса.

На Ўзи мавжудотга ўхшайди, на мавжудот Унга ўхшайди. Унга ўхшаган нарса йўқ. У ҳам бошқа нарсага ўхшамайди.

Шарҳ. Аллоҳ таоло камол сифатлари билан сифатлангандир. Нуқсон ва заволдан муназзаҳдир. Сифатлари Ўз зоти билан қоимдир. Ҳеч бир жиҳати билан яратган нарсаларининг сифатларига ўхшамайди. Йўқ бўлмоқ ва бор бўлмоқ каби аразлардан муназзаҳдир. Зоти ва исмлари каби сифатлари ҳам азалийдир, аввали йўқ, охири йўқ абадийдир.

Ўлчовга сиғмайди. На ҳар қандай кайфият, жинсият, ҳол, аҳвол, кулмоқ, қайғурмоқ, табассум, хурсандлик, қадар, секинч, ҳузн маҳзунлик, изтироб чекмоқ ва аччиқланмоқ сингари нарсалар билан сифатланмайди.

Шарҳ. Алам, нашъа (ҳузур-ҳаловат) ва лаззат ҳис қилиш мураккаб (нарсалардан таркиб

топган) жисмининг сифатидир. Жисм эса нуқсонли бўлиш ва зиёда бўлишликни қабул қилади. Аллоҳ эса бундан муназзаҳдир.

Келмоқ, кетмоқ, олдинга ёки орқага бормоқ каби сифатлар махлуқотга оиддир. Аллоҳ таоло ҳақида жоиз эмас.

Иброҳим (а.с.) осмонда бир юлдузнинг бир жойдан бошқа бир жойга кўчганини кўргач, «Бу менинг раббим бўла олмайди» дедилар. Анъом сурасининг 76-оятида шу воқеа келтирилган.

فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ اللَّيْلُ رَأَى كَوْكَبًا قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَا أُحِبُّ الْآفِلِينَ

«Тун зулмати уни қоплаганда, юлдузни кўриб: «Мана шу Раббим», деди. У ботиб кетганда эса, «Ботиб кетгувчиларни ёқтирмайман», деди».

Вал-фажр сурасининг 22-оятида:

وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا

«Важа'а»-«келди» сўзидан (ёки лафзидан) мақсад Аллоҳ эмас, Аллоҳнинг ҳукми келди. Оятнинг маъноси «Раббинг ҳукми ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда», дейилмоқда.

Ҳашр сурасининг 2-ояти:

فَأَتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُوا

«Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди», дейилган.

فَأَتَاهُمُ اللَّهُ «Аллоҳ келди» Аллоҳнинг азоби келди, маъносида ишлатилади.

Наҳл сурасининг 26-оятида:

قَدْ مَكَرَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَتَى اللَّهُ بُنْيَانَهُمْ مِنَ الْقَوَاعِدِ فَخَرَّ عَلَيْهِمُ السَّقْفُ مِنْ فَوْقِهِمْ وَأَتَاهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ

«فَأَتَى اللَّهُ» «Аллоҳ келди» бу ўринда ҳалокат маъносини англатади.

«Шунда Аллоҳ улар (қурган) биноларни пойдевори (таг-туги) билан ағдариб ташлади, бас уларнинг томи ўз устиларига қулади ва уларга азоб-ҳалокат ўзлари пайқаманган тарафдан келди». Бу ояти карима золим подшоҳ Намруд ҳақида нозил бўлган. Бунга ўхшаш оятлар Қуръонда кўп учрайди. Ҳазрат Алидан ривоят қилинган ҳадисда ҳам: «Аллоҳ таоло ҳар Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси осмондан ерга тушади ва: «Тавба қиладиган киши бормикин, Мен тавбасини қабул этсам», дейди.

Ҳадисдаги «ерга тушади» сўзи Аллоҳ бандаларининг ҳолларидан хабардор, огоҳ бўлиб, уларга раҳмат назари билан қарайди маъносида келган.

Тегмоқ, туташмоқ, айрилмоқ, тўпланмоқ ва тарқалмоқ каби нарсалар билан Уни тавсиф этиб бўлмайди. Тушмоқ, чиқмоқ, бир жойда қарор топмоқ, ўтирмоқ, турмоқ, ҳаракат қилмоқ, сокин турмоқ, ортмоқ, камаймоқ, каттармоқ, кичраймоқ каби феъллар билан ҳам Аллоҳни сифатлаб бўлмайди.

Унутмоқ, хато қилмоқ, даҳшатга тушмоқ, бирор иллат ёки касалликка чалинмоқ, заифлик, мусибат, машаққат, футур (иш қилмоқ истагининг йўқ бўлмоғи), зиллат, сабрсизлик, қўрқув каби ҳоллар Аллоҳга асло тўғри келмайди.

Ўжарлик (қайсарлик), тубанлик, бекорлик, шошқалоқлик, қўполлик, гуноҳ қилишга мойиллик, жаҳолат, зехн пастлик, бир нарсани яширишлик, хасислик, таъмагирлик, хирсга берилмоқлик сингари башарий сифатлардан Аллоҳ жалла жалалуху муназзаҳдир. Кўпаймоқ, чўзилмоқ, саналмоқ, бўлинмоқ, аъзога эга бўлмоқ, турли моддалардан вужудга келган бўлмоқ. Бор бўлиш учун ҳар қандай бир унсурга муҳтож бўлмоқ Аллоҳ жалла жалалуху ҳақида тасаввур қилинмайди.

Шарҳ. Аъзога эга бўлмоқ. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, Аллоҳ таоло ҳақида зикр этилган юз, қўл, оёқ, нафс, бармоқ, сурат, ён, ўнг, ўтирмоқ, итаво, ҳовуч, истехзо, кулмоқ, севинмоқ, сафо, унутмоқ, тушмоқ, яқинлик, узоқлик каби сифатларнинг аслига имон келтирамиз, аммо кайфияти (қандайлиги) ҳақида фикр юритмаймиз. Оятлар муташобих бўлганлиги учун, залолатда бўлган мазҳаблар сингари, зоҳирий маънолар билан ҳукм қилолмаймиз.

Сажия, хулқ-атвор.

Шарҳ (сажия, хулқ-атвор). Аллоҳ жисм бўлмаганидек, баъзи моддаларнинг қўшиливидан вужудга келган эмас. У мижоз-сажияга, феъл-атворга эга бўлмоқдан ҳам муназзаҳдир. Айрим бидъат эгалари Аллоҳни жисм деб иддао қилганлар. Кераксиз ихтилоф ва изоҳларга киришганлар. Ҳолбуки, Аллоҳнинг жисм эмаслиги очиқ-ошкордир. Аллоҳ жисм бўлса эди, бир жой ишғол этмоғи ва турли нарсалардан вужудга келган бўлмоғи ҳамда бир қанча шаклларга кирмоғи мумкин бўлардики, Аллоҳ бундай ҳоллардан муназзаҳдир.

Узаймоқ, қисқармоқ, тораймоқ, кенгаймоқ, чуқурлик каби нарсалардан ҳам йироқдир. Бирор нарсани ичига олмоқ ёки бирор нарсанинг ичига кирмоқ, бирор нарсага ҳулул қилмоқ ёки бирикмоқ Аллоҳ таолога иснод этилмайди.

Шарҳ. Бирор нарсага ҳулул қилмоқ, кириб ўрнашмоқ. Аллоҳ таоло бошқа нарса билан бирикмоқдан ва бошқа бир нарсага ҳулул қилмоқдан муназзаҳдир.

1. Бир нарсага ҳулул этмоқ, дейилганда ўша нарсага тобеъ этмоқ тушунилади. Бу Аллоҳнинг қоим бинафсиҳи (Ўз Зоти билан қоим) сифатига зиддир.

2. Ҳулул қилган нарса ҳулул этилган нарсага эҳтиёж сезгани учун ҳулул қилади. Бу ҳам Аллоҳнинг қоим бинафсиҳи сифатига зиддир. Айниқса, ҳулул қилинган нарса ҳулул этилган нарсдан олдин бор бўлиши лозим бўладикки, бу эса Аллоҳнинг қадим сифатига зиддир. Ҳулул қилинган нарса бўлинишни қабул этадиган бир нарсадирки, у ҳолда ҳулул этилган нарса ҳам бўлинишни қабул этиши керак бўлади. Бу эса Аллоҳ таоло ҳақида ботил таърифдир. Ёки ҳулул этилган нарса бўлинишни қабул этмайдиган бир нарсага ҳулул қиладики, у эса модданинг энг кичик бўлагидир (зарралар ёки атомлар сингари). Бундай бир заррага Аллоҳнинг ҳулул этмоғини

тасаввур қилиш мумкин эмас.

Моддий яқинлик ва узоқлик, парда орқасида бўлмоқ, учмоқ, тирнамоқ, ҳавода ёки бирор ашё ичида бўлмоқ, оламнинг ичида ёки ташида жойлашмоқ, оламни кезади, айланади, деб қабул қилмоқ ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳақида мумкин эмас.

Аллоҳ таоло ҳақида мағлуб бўлишлик ва бирор нарсага асир бўлишлик, ёрдамчи сақлаш, маслаҳат берадиган бирортасига эҳтиёж сезиш каби нарсаларни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай бир нарса билан унсият пайдо қилишга эҳтиёжи йўқ. Нуқсон, ҳайратланиш ва ҳасрат, афсус-надомат чекиш каби нарсалардан йироқдир.

Хотираларга ва ҳофизага (эсда сақлаш қувватига) эҳтиёжи йўқ. Ваҳмлар ва шубҳалар, гумонлар, тушунчалар, хаёллар ва орзулар Аллоҳга иснод этилмайди.

Бошланиш, тугаш, ғоя, вақт, йўқлик, ўзгариш, шаклланиш, ҳар қандай бирор нарсага ўхшашлик, ранг олмоқ, вадга (ҳаяжонга келмоқ), завқланмоқ унинг ҳақида мумкин бўлмаган нарсадир.

Куня (ота-она ёки фарзанд исми билан атамоқ). Лақаб, зиддият, бир ишни инсонга хос бир тарзда бажармоқ ва ҳал этмоқ Аллоҳ таоло ҳақида тасаввур этилмайди.

У туғдирмади ва бошқасидан туғилмади. Унинг тенги ва ўхшашлиги йўқ.

Шарҳ. У туғдирмади ва туғилмади, Унинг тенги ва ўхшаши йўқ. Ихлос сурасидаги «ҳува» («У») лафзи Аллоҳнинг борлигига ишорат қилади. Бу эса «Ботиний» мазҳабининг фикрини бекор қилади. «Аҳад» лафзи эса Аллоҳнинг бирлигига далолат этадики, бу билан мушрикларни рад этади. «Самад» лафзи эса Мушаббиха мазҳабининг фикрларини рад этиб, ҳамма Унга муҳтож бўлгани ҳолда, Унинг Ўзи ҳеч нарсага муҳтож эмас, деган маънони ифода этади. «У туғдирмади ва туғилмади» маъносидаги ояти карима эса Мажусийларнинг эътиқодини рад қилади.

Берганига биров монелик қила олмайди. Бермаганига эса биров бердира олмайди. Ҳеч ким Унинг белгилаган тақдирини рад этолмайди, қудратини табдил этолмайди, ҳукмига қарши боролмайди. У зулм, алдаш ва жафодан муназзаҳдир. Ёмон ва хунук феъллардан ҳам азият бермоқдан муназзаҳдир.

Зоти бошқа борлиқнинг зотига ўхшамайди, шунингдек, сифатлари ҳам бошқа борлиқларнинг сифатларига ўхшамайди.

Шарҳ. Аллоҳнинг Зоти бошқа борлиқларнинг Зотига ўхшамайди. Муқаддимийн (илгари ўтган) олимлардан баъзи каломчиларнинг фикрларига кўра, зотия тушунчаси изофа этилмоғи эътибори билан Аллоҳ билан бошқа сўзлар орасида бир ўхшашлик мавжуд, аммо Аллоҳ бошқа зотлардан 4 жиҳати билан фарқланади:

1. Вужуб, яъни ўз зоти мавжуд бўлишини тақозо қилиш. У Зотга адам (йўқлик) етмайди.
2. Ҳаёт.
3. Том илм.
4. Том қудрат.

Мотуридия, яъни бизнинг эътиқодимизча, Аллоҳнинг Зоти Ўзига хос бир зотдир ва бошқа

зотларга ўхшамайди. Исми ўхшашлиги эса бирор маънони ифода этмайди.

У Арш узра ўзи баён қилган ва ўзи мурод этгандек муставийдир.

Шарҳ. «У» (Аллоҳ) Арш узра Ўзи баён қилган ва Ўзи хоҳлагандек муставийдир. Тоҳо сурасининг 5-оятдаги

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى

«Раҳмон Аршни истиво этди» иборасидаги «истиво» сўзига Каромий мазҳаби тарафдорлари «истикрор», яъни «Арш» устига чиқиб ўрнашди, деган маънони беришади.

Бизларнинг (Аҳли суннат вал жамоатнинг) фикримизча, бу ўриндаги «истиво» истило, яъни Аллоҳ қувват билан Аршни истило этди, деган маънодадир). Каромий мазҳабини рад этадиган бошқа далиллар ҳам бор:

1. Анас ибн Молик (р.а.): «Истиво»нинг маъноси маълум, кайфиятини билишга ақлнинг кучи етмайди. Ана шундай имон келтирмоқ вожиб. Савол сўрамоқ эса хатодир», дейдилар.

2. Аллоҳ таоло Аршни яратмасдан олдин бор эди. «Аршни яратгандан кейин унга интиқол этди (кўчиб ўтди)», дейиш жоиз эмас. Чунки, интиқол этиш махлуқнинг сифатидир. Аллоҳ эса яратган нарсаларининг сифатидан муназзаҳдир.

3. Агар Аллоҳ таоло Арш устида истикрор этса эди (қарор тутса эди), унда: «Аллоҳ таоло Аршнинг катталигида» дейиш ёки Аллоҳ Аршдан катта дейиш мумкин бўларди. Ҳолбуки, ҳар икки фикр ҳам куфрдир.

4. Ҳазрати Али (к.в.)дан: «Аллоҳ таоло Аршни яратишдан олдин қаерда эди?», деб сўралганида шундай жавоб берганлар: «Қаерда?» деган сўз маконни ифода этади, Аллоҳ таоло макондан муназзаҳдир».

Жаъфари Содик (р.а.): «Аллоҳни билмоқ уч калима билан бўлади», деб бу калималарни баён қилганлар:

А) Аллоҳ бирор нарсдан яратилмади;

Б) У бир нарсанинг ичида ҳам эмас;

В) У зот бирор нарсанинг устида ҳам эмас.

Чунки, бу сифатлар бандаларнинг сифатларидир.

Аршнинг яратилиши сабаби ҳақида турли ихтилофлар бор. Баъзиларига кўра, (Арш) фаришталарнинг дуо қилиш қибласидир. Улар дуо қилганларида, Аршга қараб юзланадилар. Баъзиларга кўра эса, (Арш) фаришталарнинг ойнасидир. Унда бутун осмонларни ва Ерни кўрадилар.

Шу билан бирга, бунда жисмоний бир шаклда ўрнашмоқ, қарор топмоқ ва кезмоқ (айланмоқ) каби нарсаларни тасаввур қилиш мумкин эмас. У, Арш, Ер, Осмон-ҳамма нарсдан Олийдир. Бу олий-юқори бўлиш Уни Арш ва Осмон устига яқинлаштириб, ердан узоқлаштириш маъносида эмас. Шу билан бирга, У ҳамма борлиққа яқиндир. Чунки Қуръони каримда бундай деб марҳамат қилган:

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

«Биз унга (инсонга) жон томиридан ҳам кўра яқинмиз». Қоф сураси 16-оят).

Шарҳ: (У (Аллоҳ) Арш, Ер, Осмон-ҳамма нарсадан олийдир-юқоридир...)

Исм мусамманинг, яъни номланувчининг айна ўзими ёки ўзгасими, деган масала ихтилофлидир. Бу ихтилоф исм сўзини вужудга келтирган ҳарфларда эмас, балки бу сўз далолат этган маънодадир.

Исм зотнинг айна ўзими ёки ўзгасими, деган масалада Абул-Ҳасан ал-Ашъарийнинг фикр-қараши бундай:

1. Исм баъзан мусамманинг (номланувчининг) айна ўзидир, яъни тўғридан-тўғри зотга далолат қилади. Чунончи, «Аллоҳ» лафзи шундай.

2. Исм зотнинг ғайрисидир (ўзгасидир). Аллоҳнинг Холиқ ва Розик сифатларида бўлганидек. Бу сифат бошқаларга ҳам нисбат берилиши мумкин.

3. Исм зотнинг на ўзидир, на ғайрисидир. Алим ва Қодир сифатларида бўлгани каби. Бу сифатлар Аллоҳнинг ҳақиқий сифатларидир. Зоти билан қоимдир, аммо зотнинг ўзи ҳам эмас, ғайриси ҳам эмас.

Аллоҳ ҳақидаги исмлар тавфиқийдир. Яъни Аллоҳ таолонинг гўзал исмларига бир исм қўшиш учун изн бўлиши керак. Мотуридий эътиқоидида қози Абу Бакр айтадилар: «Бир лафзки, Аллоҳ таоло ҳақида бир маънога далолат қилса-ю, Аллоҳнинг зот сифатларига халал етказмаса, ана шу лафз Аллоҳ таолога исм сифатида берилмоғи жоиз».

Аллоҳ таолони Унинг улуғлигига лойиқ бўлмаган ёки шунга ишорат қилган бирор лафз билан номламоқ жоиз эмас. Масалан, ориф, фақиҳ, оқил ва закий сингари номлар. Чунки бу номлар жаҳолат сўнгида ҳосил бўладиган номлардир. Аллоҳга «табиб» деган исм ҳам берилмайди. Чунки тиб баъзи тажрибалар натижасида қўлга киритиладиган бир исмдир. Аллоҳ таоло ҳақида бу исмлар қўлланилмайди.

Аллоҳнинг субутий (сифати субутия) ёки Зотий сифатлари

Бу сифатлар саккизта:

1. Ҳаёт. Бу Аллоҳнинг азалий сифатларидандир. Бу сифат билан сифатланган бўлиш илм эгаси бўлмоқни тақозо этади. Аллоҳнинг ҳаёти азалий ва абадий ўлароқ Ўз зотидандир. Ундан бир зум ҳам ажралмайди. Унинг ҳаёти бошқа нарсалардан фойдаланиб вужудга келган эмас. Этлар, томирлар ва турли моддалардан вужудга келмоқликдан ҳам муназзаҳдир.

2. Қудрат. Қудрат сифати мумкинотга тааллуқлидир, муҳолга (мумкин бўлмаган нарсаларга) тааллуқли эмас. Қудрат сифати азалийдир, мумкинни бор ва йўқ қилмоққа таъсир этади. Аллоҳ Ҳаёт, Қодир, Жаббор ва Қаҳҳордир. Мулк ва Малакут (Подшоҳлик) Уникидир. Иззат ва Жабарут (улуғлик, буюклик) Унга оиддир. Мутлақ қодирлик, қаҳр ва амр қилмоқ ҳам Уникидир! Осмонлар ва Ер ҳамда бутун махлуқот Унинг қудрат қўлидадир. Ҳамма нарсага қодир эканлиги ҳар қандай бир илож ёки санъат йўли билан эмас. У ҳар нарсани қилади, нима учун қилгани сўралмайди.

3. Илм. Бу сифат вожиб, жоиз ва муҳол бўлган нарсаларга тааллуқлидир. Аллоҳнинг азалий

сифатларидандир. Илм сифати тааллуқ этган нарса инкишоф этади-очилади, кашф бўлади. Акси мумкин эмас. Аллоҳ таоло бутун мавжудотни билади. Унинг илмидан зарра миқдорича бўлса ҳам ҳеч нарса йўқ бўлмайди. У қоронғу кечада қора тош устида юрган қора чумолини, ҳавода учаётган заррачаларни, қалбларнинг ич-ичидан кечган нарсаларни, ҳофизаларда (хотирада, хаёлда) жараён этадиган яширин ва энг пинҳон нарсаларни билади.

Унинг илми ҳамма нарсага-хоҳ бутун бўлсин, хоҳ бутундан бир парча бўлсин, хоҳ мавжуд бўлсин, хоҳ мавжуд бўлмасин-ҳаммасига тааллуқлидир.

У махлуқотининг ибтидоси ва интиҳосини-бошланиши ва охирини билади.

У Зот ва сифатларидан ҳамма нарсани азалий ва абадий илми билан билгувчидир.

4. Ирода. Аллоҳ таолонинг ирода сифати бор. Ирода бир нарсанинг ундай бўлиб, бундай бўлмаслиги, била олмоқ ва уни хоҳлаганидек тайин ва хос қилмоқдир. Дунёда нимаики бор бўлса, Аллоҳнинг хоҳиш ва иродаси билан бўлганидир. Мумкин бўлган ҳар бир нарсанинг қай шаклда ва қай вақтда бўлмоғини хоҳлаган бўлса, ўша нарса ўз вақтида ва ўшандоқ бўлади. Ҳамма нарса Унинг иродаси билан бўлади. Аллоҳ таоло иродаси билан ҳодисотни тадвир этади-узлуксиз жараён эттириб туради. Борлиқ оламида оз-кўп, катта-кичик, хайр-шарр (яхшилиқ-ёмонлик), фойда-зарар, имон-куфр, эътироф-инкор, муваффақият-муваффақиятсизлик, кўпайиш-камайиш, итоат-исён Унинг илми, иродаси, тақдири, ҳукми ва хоҳиш истаги билан амалга оширади.

Хоҳлагани бўлади, хоҳламагани бўлмайди. Хоҳлаган ишини албатта қилади. Унинг амрини ва ҳукмини асло ҳеч кимса рад эта олмайди. Инсон фарзанди гуноҳлардан ҳам фақатгина Аллоҳ таоло раҳматининг тажаллиси билан қутула олади. Инсон Аллоҳга лойиқлик билан итоат эта олмоқлиги учун ҳам Унинг тавфиқига муҳтождир. Қутулиш фақат Унга қайтиш билангина мумкиндир. Бандалари фақат Унгагина илтижо эта олади. Бутун инсоният жамланиб, бир заррани ҳаракат қилдирмоққа ва ёки ҳаракат этаётган нарсани тўхтатмоққа уринсалар, Аллоҳнинг ирода сифати тажаллий этмагунича бунга асло кучлари етмайди. Аллоҳ таолонинг ирода сифати азалийдир. У азалдан нарсаларнинг вужудга келишини ирода қилган ва ирода қилган нарсаларини ҳам тақдир, таъхир, табдил ва тағйир этмасдан-олдинга олмасдан, кечиктирмасдан, алмаштирмасдан ва ўзгартирмасдан, вақтида ҳал этган-яратгандир.

Аллоҳ қилинмоғини ирода этган ишларни узлуксиз давом эттириб туришда фикрий тартибга ва вақт белгилашга муҳтож эмас. Шунинг учун ҳам, ҳеч бир иш Унинг бошқа бир ишни қилишига монеъ бўлолмайди.

5, 6. Самиъ, Басир. Булар бутун мавжудотга тааллуқли сифатлардир. Бу сифатлар тажаллий этганида эшитиладиган ва кўриладиган нарсалар инкишоф бўлади-очилади, маълум бўлади. У яширин ёки ўта пинҳон бўлган барча нарсани эшитади, катта ёки кичик бўлган ҳамма нарсани кўради. Унинг эшитмоғига узоқлик, кўрмоғига эса қоронғулик монеъ бўла олмайди. Шак-шубҳасиз, У қоронғуликда юрган чумолини ҳам кўради. Аммо Унинг кўрмоғи кўз билан эмас ва эшитмоғи кулоқ билан эмас. Унинг кўрмоғи ва эшитмоғи ҳеч бир жиҳати билан бизнинг кўриш ва эшитишимизга ўхшамайди. У янги ва эски, жузь ва кулл (бўлак ва бутун)-ҳамма борлиқни эшитади ва кўради.

Аллоҳ таоло азалий зоти ва вужудий сифатлари билан эшитади ва кўради. Товушлар, ҳарфлар, сўзлар, жисмлар, ранглар, ҳаво, шамоллар, тотлар (таъмлар), шакллар, ҳаракат, ҳаракатсизлик, тўпланиш, ажралиш, хотиралар сингари борлиқларнинг саналган бу сифатларини ва зотларини азалий ўлароқ кўради ва эшитади.

7. Калом. Бу сифат аҳкомга-ҳукмларга тааллуқлидир. Бу азалий сифатдир. Ҳарф ва товуш

билан вужудга келмаганидек, сукут қилмоқдан ва каломга-илоҳий сўзга монеъ бўладиган ҳолларга учрамоқдан ҳам холидир.

Аллоҳ таолонинг амри-буйруғи, наҳийи-қайтариғи, ваъдаси-хушхабари ва ваъиди-қўрқитуви зоти билан қоим бўлган азалий каломининг тажаллийси биландирки, бу эса мўъжиза китоби (бандани ожиз қолдирувчи, фасоҳат ва балоғатда энг олий даражадаги сўзи)-Қуръони карим орқали намоён бўлади. Унинг каломи махлуқотнинг каломига ўхшамайди. Аллоҳнинг каломи ҳаво тўлқинларидан ёки зарраларнинг тўқнашувидан вужудга келадиган бир товуш эмас, шунингдек, лабларнинг очилиб-ёпилмоғи ва тилнинг ҳаракат қилмоғи билан ҳосил бўладиган бир ҳарф ҳам эмас.

Аллоҳнинг каломи йўқлик, сукут, баъзият, тақдим, таъхир, ажралиш, ҳулул, интиқол (кўчиш), қоғозларга муҳтож бўлиш каби нарсалардан покдир.

8. Таквин. Бу -Жаноби Ҳақнинг билфеъл яратмоқ сифати. Таквин сифати Ироданинг тақозо этувига кўра, мумкин бўлсагина таъсир ва ижод этади. Бутун бу борлиқларнинг ҳақиқий яратувчиси Аллоҳ таолодир. Аллоҳ таоло оламларнинг зотларини, сифатларини, парчаларини яратган Зотдир. Бутун мукавванот (яратилган, мавжуд нарсалар) ҳодисдир-кейин пайдо бўлгандир. Ҳодис бўлган бу мукавванотнинг энг гўзал, энг мукамал ва энг одил бир шаклда таквин этган-яратган зот Удир. Қилган ишларида ҳикмат эгасидир, ҳукмларида эса одилдир. Инсон, жин, Ер, осмон, малак (фаришта), шайтон, ҳайвон, ўсимлик, жонсиз мавжудот, жавҳар, маъдан, идрок этиладиган ва ҳис қилинадиган нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳодисдир. Жаноби Ҳақ буларни йўқдан бор қилган. Ҳеч бир нарса йўқ пайтда, ёлғиз У бор эди. Кейин мавжудотни яратди. Аллоҳнинг уларни яратмоғи уларга муҳтож бўлганидан эмас, балки раҳмат ва иродасини ҳақиқатан намоён қилмоқ, ҳикмат ва қудратини изҳор этмоқ учундир.

Феълий сифатлар

Бу сифатлар саналмоғи мумкин эмас. Яратмоқ, ризқлантирмоқ, иншо этмоқ (пайдо қилмоқ), мислсиз бир шаклда яратмоқ, бажармоқ, ўлдирмоқ, тирилтирмоқ, йўқ қилмоқ, тугатмоқ, улғайтирмоқ, раҳмат, ғазаб, ашёларни тасвир этмоқ (шакл бермоқ) ва бошқа феълий сифатларнинг намоён бўлиши махлуқотнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Феълий сифатларнинг манбаи Таквин сифатидир.

Шарҳ. (Феълий сифатларнинг манбаи Таквин сифатидир). Ифзол, Инъом, Эҳсон, Иқром, Мағфират ва Ҳидоят (этишлик) Аллоҳнинг азалий ва абадий сифатларидир. Ал-Ашъарий бу сифатларни ҳодис (кейин юзага чиққан), деб билади. У кишининг ақлий далили ушбудир: «Аллоҳ махлуқотни яратмасидан олдин Холиқ эмас эди ва ризқлантирмасидан олдин эса Розик эмас эди», -дейди. Биз (Мотуридийлар)нинг бу фикрга қарши жавобимиз икки нуқтада туташади:

1. Аллоҳ яратмасидан олдин Холиқ эканлиги ғоят табиийдир. Ақлий далил: Бир киши тикишни билгани ҳолда тикиш (чок) тикмаслиги мумкин. Аммо у барибир тикувчи дейилади. Нақлий далил: Қуръони каримда «Фотиҳа» сурасида: «Молики явмид-дийн» яъни«Қиёмат кунининг эгаси», деб марҳамат қилинган. Ҳолбуки, Қиёмат ҳали яратилмаган.

2. Қидам: борлигининг аввали бўлмаган, абадий давом этувчи зотий сифатдир. Абадий бўлмаса эди, ҳодисга ўрин бўлар эди. Бу эса Аллоҳ ҳақида мумкин эмасдир. (Шарҳ тугади).

Маънавий ёки лозимий сифатлар

Бу сифатлар субутий сифатлар билан бирга намоён бўлади. Бу сифатлар 8 та:

1. Ҳай. 2. Қодир. 3. Аълийм. 4. Мурид. 5. Самиъ. 6. Басир. 7. Мутакаллим. 8. Мукаввин.

Зотий сифатлар

Булар зотга далолат этувчи олти сифатдир. 1. Вужуд. 2. Қидам. 3. Бақо. 4. Ваҳдоният. 5. Қиём би нафсиҳи. 6. Мухолафатун лил-ҳаводис.

Шарҳ: («Мухолафатун лил-ҳаводис»). Айрим олимлар Аллоҳнинг бу сифатлардан бошқа зотий сифати йўқ деган фикрни илгари суриб, агар бўлса эди, билишимиз керак бўларди, дейишган.

Мотуридий (эътиқод) мазҳабининг бу фикрга жавоби қуйидагичадир: Аллоҳ Ўзини мукаммал билмоғимизни бизларга ҳавола этган, яъни бандаларига топширган. Ҳар бир мукаллаф бу сифатларни тўла-тўқис била олмайди. Бу сифатларни мукаммал тарзда билмоқ фақатгина пайғамбарларга ва уларга эргашган комил инсонларга хосдир. Баъзи каломчиларнинг (калом илми арбобларининг) фикрича, Аллоҳнинг бошқа сифатлари ҳам бор, улар қуйидагилардир:

1. Бақо: Ўзига йўқлик етмасдан, борлиғи алал-абад давом этувчидир.

2. Қидам: борлигининг аввали бўлмаган, абадий давом этадиган бир зотий сифатдир.

3. Ваҳдоният: зотида, сифатида ва афъолида (феълларида) муқобили, тенги, ўхшаши бўлмаган бир сифатдир.

4. Қиём бинафсиҳи: бирор маконга эҳтиёжи йўқ зотий сифатдир.

5. Мухолафатун лил-ҳаводис: зотида, сифатида, афъолида ўхшаши йўқ.

6. Вужуд: (яъни мавжудлик): йўқликнинг зиддидир. Ашъария (эътиқоди мазҳаби) фикрича, бу фақатгина бир сифат, холос. Уларнинг далили эса: «Аллоҳ мавжуддир деганимизда вужудият (яъни мавжудлик) билан сифатланганини кўрамиз», деган хулосадир. Биз (Мотуридийлар)нинг фикримизча, бу саъз ўйланган қарашдир. Вужуд Зотий бир сифатдир.

7. Истиво: бу хусусдаги ояти жалила ушбудир:

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى

«У Раҳмон (беҳад меҳрибон Аллоҳнинг амри ва ҳукми) Аршни истило этгандир». «Тоҳа» сураси, 5-оят.

Истиво калимасида ихтилоф бор. Баъзиларнинг фикрича, маъноси «истило» бўлиб, қудрат сифатига оиддир. Баъзи бошқаларнинг фикрича эса, «қасд» бўлиб, Ирода сифатига тааллуқдир.

8. Айн (кўз): бу хусус билан боғлиқ ояти жалила ушбудир:

تَجْرِي بِأَعْيُنِنَا جَزَاءَ لِمَن كَانَ كُفِرَ

«У (кема) Бизнинг кўзларимиз ўнгида (ҳифзу ҳимоямизда) сузиб борар эди (Бу ўз қавми томонидан пайғамбарлиги) инкор қилинган Зот (яъни Нуҳ пайғамбар) учун мукофотдир». «Қамар» сураси, 14-оят.

Ал-Ашъарий фикрича, бу сифат ё «зоид» сифат, ёки эса мажозий маънода «муҳофаза» (яъни, «Кема бизнинг ҳифзу ҳимоямизда сузиб борар эди») деган маънодадир. «Кўзлар» деб кўплик шаклида келиши таъзим (улуғлаш) учундир.

9. Важҳ (юз): бу бордаги ояти жалилалар ушбулардир:

وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

«Буюклик ва карам соҳиби бўлган Раббингизнинг юзи (зоти, ўзи)гина боқий қолур». «Раҳмон» сураси, 27-оят.

وَلَا تَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ لَهُ الْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ

«Аллоҳ билан бирга бошқа бирор «илоҳ»га сиғинманг. Унинг юзидан (зотидан, ўзидан) бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм уникидир. Ва сизлар ёлғиз Унгагина қайтарилгайсизлар». «Қасос» сураси, 88-оят.

Ашъарийнинг бу хусусда икки хил қараши бор: 1. Бу субутий сифатлардан бўлиб, зоиддир. 2. Вужуд мавжудлик маъносидадир.

10. Жанб (ён, томон): бу хусусдаги ояти жалила бундай:

أَنْ تَقُولَ نَفْسٌ يَا حَسْرَتَى عَلَى مَا فَرَّطْتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ وَإِن كُنْتُ لَمِنَ السَّآخِرِينَ

«Аллоҳ ёнида (Аллоҳ ҳақида) қилган айбларим учун во ҳасрато! Ҳақиқатан мен (Унинг динини ва Қуръонини) масхара қилувчилардан бўлган эдим! (деб надомат чекиб қоладиган Кундан сақланингизлар!)». «Зумар» сураси, 56-оят. Баъзиларнинг фикрича, бу зоид сифатдир. Бошқа баъзиларнинг фикрича эса, «Аллоҳнинг амри» маъносида келган.

11. Қадам (оёқ): бир ҳадиси шарифда бундай ворид бўлган: «Токи Аллоҳ оёғини қўйгунича (Бас! деб амрини бергунча) Дўзах (ебтўймас бир важоҳат билан) «яна борми?» дейди».

Баъзиларнинг фикрича, Зот борасида бу зоид бир субутий сифатдир. Бошқа баъзиларнинг фикрича, «амр»дир.

12. Исбаъ (бармоқ): бир ҳадиси шарифда бундай деб марҳамат қилинган: «Мўъминларнинг қалблари Аллоҳнинг икки бармоғи орасидаги ягона бир қалб кабидир».

Баъзиларнинг фикрича, бу зоид (зиёда) бир сифат. Баъзиларнинг фикрича, эса мажозий маънода Қудратдир.

13. Яд (қўл): бу хусусдаги ояти жалилалар қуйидагилардир:

يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ

«Аллоҳнинг қўли (қуввати ва ёрдами) уларнинг қўллари устидадир».

«Фатҳ» сураси, 10-оят.

قَالَ يَا إِبْلِيسُ مَا مَنَعَكَ أَنْ تَسْجُدَ لِمَا خَلَقْتُ بِإِيْدِي

«Эй, Иблис! Мен Ўз икки қўлим билан (қудрат қўлим билан) яратган нарсага-Одамга сажда қилишдан сени нима маън этди?». «Сод» сураси, 75-оят.

Бу субутий сифатлардандир. Кўпгина олимлар эса Қудратдан мажоздир, деганлар.

Ояти жалиладаги «икки қўл» комил бир Қудратдан мажоздир, «икки қудрат» дегани эмас. Аллоҳнинг исми «Байтуллоҳ» деб изофа қилинганида қандай Каъбанинг шарафига далолат этса, Аллоҳнинг Қудрати ҳазрати Одам (а.с.)га изофа қилиниши ўшандай у кишининг шарафига далолат этади.

Бу ояти жалиладаги «қўл» «неъмат»дир, деган фикрни баъзилар илгари сурганларки, бу катта хатодир. Чунки, неъмат билан яратмоқни таълиф этиш мумкин эмас. Ҳазрати имом Аъзамнинг фикрларича, Қуръони каримда ўтадиган «қўл», «нафс» каби Аллоҳга изофа этилган номлар кайфиятни қабул этмайдиган сифатлардир. Буларга Қудрат, неъмат каби маъноларни бериш сифатиятига ҳалал етказадик, бу эса Қадария ва Мўътазила мазҳабларининг фикр-қарашлари билан бир хил бўлиб қолади.

14. Ямин (ўнг): бу борадаги ояти жалила бундай:

وَمَا قَدَرُوا اللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِ وَالْأَرْضُ جَمِيعًا قَبْضَتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَالسَّمَاوَاتُ مَطْوِيَّاتٌ بِيَمِينِهِ "

«Улар Аллоҳни ҳаққоний (равишда) қадрламадилар (танимадилар). Бутун Ер қиёмат кунида Унинг бир тутамидир. Осмонлар эса, Унинг ўнг «қўли»га (қудрат қўлига) йиғилгувчидир». «Зумар» сураси 67-оят.

Бу ояти жалиладаги «ямин» мукаммал тўлиқ бир Қудрат маъносини ифода этади.

15. Таквин (яратмоқ): Ҳанафий мазҳабига кўра, етти сифат узра зоиддир. Яратмоқ маъносида келади.

16. Кафф: Меърож ҳақидаги бир ҳадиси шарифларида ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилганлар: «(Меърож кечасида) Аллоҳ таоло каффини икки елкамининг ўртасига қўйди. Салқинлигини қалбимда ҳис этдим».

Баъзиларнинг фикрича, бу ўриндаги «Кафф» сифатдир, «кафт» дегани эмас. Бошқа баъзиларнинг фикрича эса, тадбир маъносидадир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «қалбимда ҳис этдим» деган ифодалари «Сукунат-роҳат-ҳаловатга эришдим» деганларидир.

Азиз китобхон! Аллоҳ таолонинг зоти, сифатлари ҳақида билишимиз вожиб бўлган нарсаларни ўрганганимиздан кейин унинг 99 та исмларини ҳам билишимиз вожиб бўлади. Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Аъроф» сурасининг 180-оятида:

وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا وَذَرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

«Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (исм)лари билан атангизлар! Унинг исмларида ҳаддан оғиб кетувчиларни қўяверингизлар. (Улар) қилмишларига яраша жазоланурлар» деб марҳамат қилган бўлса, «Тоҳо» сурасининг 8, «Ал-Исро» сурасининг 110 ва «Ҳашр» сурасининг 24-оятларида ҳам шу мазмунларни ифода қилувчи оятларни нозил қилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): Аллоҳнинг 99 та исми бор. Кимики уларни санаса (имон келтириб ёд этса, ўқиса) жаннатга киради деганлар.

Демак, Унинг исмларига имон келтириб ихлосу муҳаббат билан ўқисак, жаннатга кирадиган бўлсак, у исмларни ҳам ёдлаб олиб, ўқиб юришимиз лозим бўларкан. Улар қуйидаги исмлар:

1. Аллоҳ сўзи бўлиб, Аллоҳнинг исми зотидир. Бу сўз-ақлларни лол, ҳайрон қолдирувчи маъносини ифода этади. Аллоҳ (ж.ж.)дан бошқа бирор нарса У билан сифатланмайди. Аллоҳ таоло ўзининг зотига шундай исми танлаганки, унинг аввалидан биринчи ҳарфи бўлган «алиф»ни олиб ташласак ҳам «лиллоҳи» қолиб, ҳамма нарса Аллоҳнинг мулки, деган маъно чиқади, иккинчи ҳарфи «лом»ни олиб ташласак ҳам «лаҳу» қолиб, ҳамма мавжудот Уники маъноси чиқади. Учинчи ҳарф бўлган кейинги «лом»ни олиб ташласак ҳам «ҳу» қолиб, ёлғиз У маъносини беради. Дунёдаги бошқа ҳар қандай сўздан биронта ҳарфини камайтирсак, сўз бузилиб, маъно чиқмайди. Биргина исми зотига қўйилган «Аллоҳ» сўзи инсонларни лолу ҳайрон қолдиради;

2. Ар-Роҳману - Дунё ҳаётида махлуқотнинг ҳаммасига марҳамат -меҳрибонлик билан муомала қилувчи;

3. Ар-Раҳийму - Охират ҳаётида фақатгина мўъминларга раҳм қилувчи;

4. Ал-Малику - Мулк (подшоҳлик) Уникидир. Хоҳлаганини азиз (улуғ), хоҳлаганини залил (хор) қилувчи;

5. Ал-Қуддусу - Бутун қусурлардан, айбу-нуқсонлардан холи;

6. Ас-Салому - Зоти, сифатлари ва феъллари бутун нуқсонларидан саломатдир;

7. Ал-Муъмину - Аллоҳ Ўз зотини, Ўзи берган хабарларини, пайғамбарларини тасдиқ этувчи;

8. Ал-Муҳаймину - Ҳамма нарсанинг муҳофаза ва муҳофаза (кузатувчиси, нигоҳбони) этувчиси;

9. Ал-Азизу - Энг устун ва энг шарофатли;

10. Ал-Жаббару - Яратганларининг ишларини ислоҳ қилувчи, нуқсонларини тузатувчи;

11. Ал-Мутакаббиду - Ҳамма нарса Унинг наздида ҳақир (кучсиз, хор);

12-13. Ал-Холику, Ал-Бориу - Бу икки исмнинг маъноси бир-бирининг айна ўзидир: нарсаларни йўқдан бор қилувчи, унга шакл берувчи. Яратишни тақдир қилмоғи Холиқ исмига, яратмоғи Борий исмига, яратилган нарсаларни тасвир ва тазйин қилмоғи (шакл бериб, зийнатламоғи).

14. Ал-Мусаввиру - Яратган ҳамма нарсасига - бутун мавжудоту махлуқотига алоҳида шакл берувчи;

15. Ал-Ғоффару - Азобга мустаҳиқ бўлганларни мағфират қилувчи;

16. Ал-Қаҳҳору - Бутун мавжудотга ғолибдир. Ҳамма нарса Унинг қудрати остидадир. Ҳеч бир нарса Унинг ҳукмидан ташқари чиқа олмайди;

17. Ал-Ваҳҳобу - Бандаларига жавобсиз (муқобилсиз, бадалсиз, эвазсиз) инъом ва эҳсон қилувчи;

18. Ар-Раззоку - Жонли махлуқотнинг ризқини хоҳлаган тарзда ва хоҳлаганича берувчи;

19. Ал-Фаттоҳу - Қийинчиликларни (мушкулларни) осонлаштирувчи ва зафарларни яратувчи, раҳмат ва ризқ эшикларини очувчи;

20. Ал-Аълийму - Унинг илми ҳамма нарсани, жузъий, мумкин, номумкин, яширин, ошкор, мавжуд, номавжуд нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади;

21. Ал-Қобизу - Рухларни қабз қилувчи. Хоҳлаган кишисининг ризқини қабз қилувчи. Қалбларни қабз қилувчи.

22. Ал-Баситу - Рухларни кенгликка қўйиб юборувчи. Хоҳлаган кишисининг ризқини кенг қилиб қўювчи. Қалбларни кенг қилувчи.

23. Ал-Хофизу - Кофирларни залил-хор, тубан қилувчи, мутакаббир кимсаларни дунёда ўзидан узоқлаштириб, охиратда эса уларга жазо бериш билан муқобала қилувчи;

24. Ар-Рофиъу - Мўъминларни Ўзига яқинлаштириб, юксалтирувчи ва уларга олий мартабалар берувчи;

25. Ал-Муъиззу - Истаганига иззат ва қувват берувчи, истаганини илм билан юксалтирувчи;

26. Ал-Музиллу - Ўзи хоҳлаган кимсаларни залил (хор, тубан) қилиб, раҳматидан узоқлаштирувчи;

27. Ас-Самииъу - Яширин, ошкор-ҳамма нарсани эшитувчи;

28. Ал-Басиру - Ёруғлик, қоронғулик, кеча, кундуз, узоқ, яқин, катта, кичик-ҳамма нарса Унинг мушоҳадаси-эътибори, кузатуви остида (яъни ҳамма нарсани кўриб, кузатиб турувчи);

29. Ал-Ҳақаму - Унинг ҳукми рад бўлиши мумкин эмас. Ҳукмларида зулм ва жафо воқеъ бўлмайди;

30. Ал-Адлу - У бор қиладиган ва йўқ қиладиган ҳамма нарсада одилдир (асл адолат соҳибидир);

31. Ал-Латифу - Бандалари билмаган-фарқ этмаган ҳолда, уларга юмшоқлик билан муомала қилувчи;

32. Ал-Хобиру - Нарсаларнинг ҳақиқатини ва яширин жиҳатларини билувчи. Бандаларининг ошқору пинҳон амаллари, феъл ва сўзларидан хабардор;

33. Ал-Ҳалиму - Ғазаби кўзимайдиган ва иқоб қилишга шошилмайдиган.

34. Ал-Азиму - Улуғлик мартабаларининг энг юксак, энг улуғ мартабаси;

35. Ал-Ғофуру - Бандаларининг катта ва кичик гуноҳларини авф этувчи;

36. Аш-Шақуру - Шукрни мукофотловчи, Ўзига қилинган шукрга кўп ажр билан муқобала қилувчи;

37. Ал-Алийу - Зот ва сифатларининг олийлигини-юксаклигини идрок этишдан ақл ожиздир;

38. Ал-Қабиру - Буюкликда Ўзидан ҳам кўра буюк тасаввур қилинмайдиган энг буюк зотдир;

39. Ал-Ҳафийзу - Мавжудотни Ўзи хоҳлаган вақтгача заволга учрашдан асровчи;

40. Ал-Муқийту - Вақтларни яратган Зотдир;

41. Ал-Ҳасийбу - Бандалари қиладиган ҳамма нарсани муҳосибага тобеъ тутувчи-ҳисобга олиб борувчи;

42. Ал-Жалилу - Унинг ҳайбати ақлларни даҳшатда қолдирувчи;

43. Ал-Кариму - Жўмард (сахий, карамли)дир ва жўмардлиги доимийдир;

44. Ар-Роқийбу - Бандаларнинг нафас олиб, нафас чиқаришигача бўлган бутун ҳол ва ҳаракатларни кузатувчи-мувоқабба этувчи;

45. Ал-Мужийбу - Дуо ва тилакларни қабул (мустажоб) этувчи;

46. Ал-Восиъу - Жўмардлиги (саховати) бутун коинотни, илми бутун маълумотни, қудрати бутун қувватларни ихота этувчи-қамровчи;

47. Ал-Ҳақийму - Ҳукм ва ҳикмат соҳибидир, ҳамма нарсани борича билади. Истаганини энг гўзал шаклда бажаради;

48. Ал-Вадуду - Дўстларининг қалбини ишғол этувчи беқиёс бир муҳаббатдир;

49. Ал-Мажийду - Зоти, шарафи, афъоли (ишлари) гўзал, икромли, эҳсони мўл;

50. Ал-Боъису - Пайғамбарларини дўстларига ҳидоят қилиб, душманларига ҳужжат (далил) қилиб юборувчию;

51. Аш-Шаҳийду - Маълум ва номаълум нарсаларнинг шоҳиди;

52. Ал-Ҳаққу - Зоти вожибидир. Мавжудлигининг бошқасига эҳтиёжи йўқдир;

53. Ал-Вакийлу - Махлуқотнинг бутун ишларига кафилдир;
54. Ал-Қавиййу - Куч-қудрати мукамал, тўлиқдир. Унинг ҳақида ожизлик тасаввур қилинмайди;
55. Ал-Матийну - Қудрати сўнгсиз-чексиз;
56. Ал-Валиййу - Бандаларига ёрдам қилиб, уларни асровчи ва ишларини тадвир қилиб-узлуксиз жараён эттириб турувчи;
57. Ал-Ҳамийду - Ҳамдга лойиқ Зотдир;
58. Ал-Муҳсий - Саналадиган ҳамма нарсаларнинг (зарраларидан карраларигача) ҳисобини билувчи;
59. Ал-Мубдиуъ - Мавжудотни, ҳали мисли мисоли бўлмай туриб, илк марта яратган Зотдир (йўқдан бори қилувчи);
60. Ал-Муъиду - Махлуқотни ўлгандан кейин тирилтирувчи;
61. Ал-Муҳийй - Ҳаётни яратган зотдир;
62. Ал-Мумиту - Ўлимни яратган зотдир;
63. Ал-Ҳаййу - Азалий ва абадий тирикдир;
64. Ал-Қаййуму - Бошқа нарсаларни (Осмон, Ер ва ҳамма нарсаларни) тутиб турувчи. Ўзи Ўз Зоти билан қоимдир (ҳеч кимга, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ);
65. Ал-Вожиду - Асло муҳтож бўлмагувчи бой, беҳожат зотдир;
66. Ал-Можиду - Муаззам, мукаррам, олий карамли Зотдир;
67. Ал-Воҳиду - Азалий ва абадий биру ягонадир. Мисли ва қиёси (тенги ва ўхшаши) йўқ;
68. Ас-Сомаду - Ҳамма нарса унга муҳтож. У ҳеч нарсага муҳтож эмас;
69. Ал-Қодир - Қудрат соҳибидир. Хоҳлаган нарсасини қилади, хоҳламаган нарсасини қилмайди;
70. Ал-Муқтадиру - Қудратини изҳор қилувчи (қувват ва қудрат соҳиблари устидан хоҳлагандай тасарруф қилувчи);
71. Ал-Муқаддиму - Ашёларни лойиқ бўлган жойга қўювчи;
72. Ал-Муаххиру - Хоҳлаганини олдига олиб, хоҳламаганини орқага сурувчи;
73. Ал-Аввалу - борлигининг аввали (бошланиши йўқ);
74. Ал-Охиру - Борлигининг охири йўқ;
75. Аз-Зоҳиру - Борлиги қатъий (саноксиз) далиллар билан маълумдир;
76. Ал-Ботину - Пинҳондир, сезги аъзолари билан идрок этиб бўлмайди (ақл, тасаввур ва идрокдан махфийдир);
77. Ал-Волий - Ҳамма нарсанинг якка-ягона Молики (эгаси) ва мутасаррифи-тасарруф этувчиси, бошқариб турувчидир;
78. Ал-Мутаъолий - Шаънига лойиқ бўлмаган сифатлардан покдир;
79. Ал-Барру - Инъом ва эҳсон этувчи;
80. Ат-Таввабу - Бандаларининг тавбасини қабул қилувчи;
81. Ал-Мунтақиму - Динининг душманларидан, зулм қилмасдан, адолат билан интиқом (қасос) олувчи;
82. Ал-Афувву - Гуноҳларни авф этувчи;
83. Ар-Раъуфу - Бандаларига осонликни мурод этувчи. Беҳад раъфатли, шафқатли хайрихоҳдир;
84. Моликул мулки - яратган нарсалари устида хоҳлаганидай тасарруфга моликдир (мулкнинг абадий соҳибидир);
85. Зулжалолу вал икром - жалол ва жамол сифатларининг соҳибидир (ҳам улуғлик, ҳам фазлу карам эгасидир);
86. Ал-Муқситу - Одилдир, мазлумнинг ҳаққини золимдан олувчи (мазлумни рози қилувчи);
87. Ал-Жомиъу - Қиёмат кунида хасмларни (ёвлашган рақибларни) тўплагувчи;

88. Ал-Ғаниййу - Ҳамма унга муҳтож, аммо У ҳеч кимсага муҳтож эмас;
89. Ал-Муғний - Хоҳлаганига бойлик берувчи;
90. Ал-Мониъу - Хоҳлаганининг эса бой бўлишига монеълик қилувчи (хоҳламаган ишларига монеълик қилувчи);
91. Аз-Зорру - Хоҳласа, бандаларига зарар етказди (зарар берувчи нарсаларни яратувчидир);
92. Ан-Нофиъу - Хоҳлаган бандаларига наф етказувчи (яхшилиқ ва манфаат етказувчи нарсаларни яратувчидир);
93. Ан-Нуру - Еру Осмонни (оламларни) ёритувчи, нурли, мунаввар қилувчи. (Ўзи хоҳлаган сиймоларга, зеҳнларга ва кўнгилларга нур ёғдирувчи);
94. Ал-Ҳодий - Мўъминларнинг қалбига ҳидоятни илҳом этувчи (ҳидоятга етказувчи);
95. Ал-Бадиъу - Нрсаларни мислсиз қилиб яратувчи;
96. Ал-Боқий - Бутун махлуқот йўқ бўлганидан кейин ҳам У бордир, боқийдир (борлигининг охири йўқ);
97. Ал-Ворису - Ер ва Ер юзидаги ҳамма нарсанинг ягона ворисидир ва ҳамма нарса Унга қайтгайдир;
98. Ар-Рашиду - Инсонларни хайрли йўлларга иршод этувчи-бошлагувчидир;
99. Ас-Сабуру - ҳилм (ҳалимлик) соҳибидир (кўп сабрлидир). Азоб бермоққа шошилмас. Жазони Ўзи белгилаган вақтгача кечиктиради;

Парвардигоро! Сифатларинг ва исмларинг ҳурматидан бизларни Ўз розилигинга эриштира, сени орифларинг таниганидек танимоғимизни насиб этгин.

Аллоҳ Субҳонаҳу ва таолога нолайиқ бўлган сифатлар

Булар юқорида зикр қилинган сифатларнинг зидди ва акси бўлган сифатлардир. Аллоҳ бирдир. Бу бирлик санок ва озлик билан эмас, Унинг шериги ва ўхшаши йўқлиги биландир. Унинг барча исм ва сифатлари азалий. На исми, на сифатларида кейин пайдо бўлиш деган нарса йўқ. У ҳамма нарсани илми билан билади. Илми эса азалий бир сифатдир. Қудрати билан қодир. Қудрат сифати эса азалий ва Яратмоқлиги билан Холиқ. Яратмоқ эса азалий бир сифатдир. Бутун феъллар-махлуқ (яратилган). Аллоҳнинг феъли эса махлуқ эмас. Унинг сифатлари на ҳодис на кейиндан пайдо бўлган ва на махлуқдир. Кимки буларни ҳодис ва махлуқ деса, инкор этса ва шубҳага борса ёки бетараф қолса, кофир бўлади. Унинг ҳеч бир сифати махлуқотининг сифатларига ўхшамайди.

Унинг билиши бизнинг билишимизга ўхшамайди, кўрмоғи бизнинг кўрмоғимизга, эшитмоғи бизнинг эшитмоғимизга, сўзламоғи бизнинг сўзламоғимизга ўхшамайди. Униг ризоси, ғазаби ва бутун сифатлари кайфият, аъзо, ҳарф ва товуш каби нарсалардан муназзаҳдир. Бизнинг сифатларимиз ҳодисдир. Яъни аъзо, ҳарф, кайфият, ҳол ва товуш каби нарсалардан вужудга келади.

Аллоҳ махлуқотни моддадан яратган. У махлуқотни яратмасидан олдин ҳам Холиқ эди. Махлуқот вужудга келмасидан олдин ҳам уни азалий илми билан билар эди. Дунё ва охирада ҳеч бир нарса Унинг илм, ирода, ҳукм, қазо ва қадаридан ташқари чиқа олмайди. Ҳамма нарса Лавҳул Маҳфузда қайд этиб қўйилган. Йўқ нарсани ҳали йўқлик ҳолича билганидек, унинг қандай вужудга келишини ҳам билади. Бор бўлган нарсани эса борлик ҳолича билганидек, унинг қандай йўқ бўлишини ҳам билади. Куфр келтирадиган кимсанинг куфр ҳолини билади ва унга буғз этади

(уни ёмон кўради). Кейин имон келтирса, унинг мўъмин эканлигини билади ва уни севади.

Шарҳ: Аллоҳ ҳамма нарсани илмида бирор янгилик, ўзгариш ва ихтилоф бўлмасдан билади. Илми битта, маълумоти кўп сонлидир.

Шундай қилиб, бутун оламнинг ҳолини билади.

Шарҳ: Аллоҳ таоло йўқ нарсани ҳали яратмасидан олдинги ҳолича билади.

Жаҳмия мазҳаби бу фикрга қарши. Уларнинг фикрича, бир нарсани яратмасидан олдин Аллоҳ уни билмас эмиш. Бу қараш хато, Аллоҳ йўқ нарсани яратмасидан олдин билади, шунингдек, яратганидан кейин ҳам қандай вужуд топажани (қандай вужудга келажани) билади. Унинг илмида бир ўзгариш бўлмайди, шунингдек, бирор янгилик ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳоллар фақатгина ҳодис (кейин пайдо бўлган) мавжудотда бўлиши мумкин.

Аллоҳ ҳақида жоиз бўлган нарсалар

Аллоҳ таоло ҳар мумкинни қилмоғи (бажармоғи), тарк этмоғи, савоб бермоғи ва азоб қилмоғи, Охиратда жамолини кўрсатмоғи, пайғамбар юбормоғи, махлуқотни ислоҳ этмоғи жоиздир.

Аллоҳ инсонларни куфрга мойил ва имондан юз ўгирадиган қилиб яратмаган. Оқил, болиғ (ақлли, балоғатли) бўлганидан кейин амр ва наҳийларига мухотаб қилган, ундаган. Куфр келтирган шахс ўз иродаси (хоҳиши) билан кофир бўлган, куфр Аллоҳнинг хоҳиши билан юзага келмаган. Имон келтирган киши эса ўз иродаси (хоҳиши) билан ва Аллоҳнинг тавфиқи билан имон келтирган. Аллоҳ ҳеч кимни куфрга ва имонга мажбур қилмаган.

Шарҳ: («Аллоҳ ҳеч кимни куфрга ва имонга мажбур қилмаган»). Жабрийя мазҳабининг фикрича, Аллоҳ кофирни кофир қилиб, мўъминни эса мўъмин қилиб яратган. Пайғамбарлар ваҳий келишидан олдин ҳам пайғамбар эканлар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Умар ислом бўлмасидан олдин имонли бўлган эканлар. Ҳазрати Юсуф (а.с.)нинг акалари гуноҳ қилмасдан олдин ҳам набий эканлар. Уларнинг фикрича, мўъмин тоатга, кофир куфрга жабрий (мажбурий) ихтиёрлари билан мажбур эмишлар. Бизнинг (аҳли суннатнинг) фикримизча, бу гапларнинг ҳаммаси ботил.

Пайғамбарлар ваҳийдан кейин пайғамбар бўлганлар, Иблис сажда қилмагани учун кофир бўлди. Бирор инсон тоатга ёки гуноҳга мажбур қилинмайди. Ихтиёр ўзида, эркин қўйилган.

Куфр ва имон банданинг феъли ва иродаси билан бўлган. Аллоҳ таоло инсон фарзандларини Ҳазрати Одам (а.с.)нинг сулбидан, яъни пушти камаридан чиқарганидан кейин инсон фарзандига ақл берган, амр ва наҳийларни билдирган.

Шарҳ: Аллоҳ таоло Одам фарзандларидан олган мийсоқ (аҳд-паймон) ҳақидаги ояти-карима Аъроф сурасининг 172-оятида келтирилган:

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ

«Раббингиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камари), зурриёдлари (руҳлари)ни олиб,

уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб: «Мен Раббингиз эмасманми?» (деди). (Улар): «Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик», дедилар. Қиёмат куни: «Биз бундан ғофил (бехабар) эдик», деб айтмасликларингиз учундир, деб марҳамат қилган.

Муфассирлар бу ояти кариманинг маъноси ҳақида бундай деганлар: Аллоҳ таоло Одам (а.с.) белининг ўнг томонини силади. Оқ рангли кичик уруғлар чиқди, чап томонини силади, қора рангли кичик уруғлар чиқди ва Аллоҳ таоло: «Эй Одам! Булар сенинг зурриёдларингдир!», деди. Кейин эса ўша уруғлардан: «Мен эмасманми сизларнинг Раббингиз?», деб сўради, улар «Ҳақиқатдан сенсан Раббимиз!», деб жавоб бердилар. Тағин Ҳазрати Одам (а.с.)нинг сулбига қайтдилар.

Бу уруғларнинг яратилиши Одам (а.с.) жаннатдан чиқиб, дунёга келганидан кейин бўлган. Биринчи дунёга келиш жойлари ҳақида ихтилоф бор. Баъзиларнинг фикрича, Арофат тоғининг этагида Нўмон водийсида, бошқа баъзиларнинг фикрича эса, Тоиф билан Макка шаҳри орасидадир. Зурриёдлар дунёга келганидан кейин яна Аллоҳ уларга: «Шуни яхши билинглари, мендан бошқа илоҳ йўқ. Мен сизларнинг Раббингизман. Менга ширк келтирганлардан ва ишонмаган-имон келтирмаганлардан интиқом оламан. Олдиндан берган сўзингизни (мийсоқингизни) эслатмоқ учун сизларга Пайғамбарлар юбораман», деди. Улар эса жавоб бериб, бундай дедилар: «Сен бизларнинг Раббимизсан. Сендан бошқа илоҳ йўқ». Аллоҳ таоло шу йўсин иккинчи мийсоқни (сўз, аҳд) олгандан кейин уларнинг ажалларини, ризқларини, бошларидан кечадиган нарсаларни Лавҳул Маҳфузда қайд этган».

Улар эса Аллоҳ таолонинг рубубиятига (Парвардигор эканлигини) иқрор қилганлар. Бу иқрор имон ҳисобланган ва (улар) ислом фитратида туғилганлар.

Шарҳ: Имом Аҳмад ва Имом Насоийлар Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.):

يَمَجْسَانَهُ أَوْ يَنْصُرَانَهُ أَوْ يَهُودَانَهُ كُلِّ مَوْلُودٍ يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ فَأَبَوَاهُ

«Ҳар бир туғиладиган бола ислом фитратида туғилади. Ота-оналари (кейин) уларни ё яҳудий, ё насоро (христиан) ёки мажусий қилади. Балоғатга етганларида ёки шукр қилувчи мусулмон ёки ношукр кофир бўлиб қоладилар», деганлар. Бу ҳадиси шариф Аллоҳ таолонинг Қуръони каримдаги Инсон сурасининг 3-оятига шарҳ бўлиб тушади:

إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا

«Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилувчи (мусулмон) бўлсин ва хоҳ ношукр (кофир) бўлсин, биз унга тўғри йўлни кўрсатдик», деб марҳамат қилган.

Хулоса шудир: Саҳобаи киромлар, тобеъийнлар ва муфассирлар Одам болаларидан шундай мийсоқ (аҳд-паймон) олингани ҳақида иттифоқ қилганлар.

Мукаллафлик палласига етганларида (улғайганларида) эса куфр келтирган кимсалар бу иқрорни ўзгартирадилар. Имон келтирганлар эса бу иқрорни давом эттирадилар.

Форсча, туркча қилиб Аллоҳ таолонинг сифатларини зикр қилмоқлик жоиз.

Фақат, «Яд», «рижл» сингари узвий сифатларни бошқа тилга ўгириш жоиз эмас.

Шарҳ: Арабча бўлмаган номлар билан Аллоҳни зикр қилмоқ; Аллоҳ таолонинг «ядуллоҳ» ва шунга ўхшаш исмлар билан зикр қилмоқлик кайфият иснод этмасдан жоиздир. Аллоҳни «дасти Худо-Аллоҳнинг қўли» сингари зоҳирида Аллоҳга аъзо иснод қилиб қўйишга ўхшаган арабча бўлмаган таърифлар билан зикр қилиш жоиз эмас.

Аллоҳга узоқлик, яқинлик изофа этилмоғи масофа узоқлиги-яқинлиги эмас. Унинг яқинлиги каромат ва асрорга ноил бўлмоққа далолат этади. Узоқлиги эса зиллат (тубанлик, хорлик) ва исёнга тушадиган бўлишга далолат этади. Итоаткор банда Аллоҳга яқиндир. Осий «итоатсиз» кимса эса ундан узоқдир. Фақат бу узоқлик ва яқинликда кайфият тасаввур қилинмайди. Аллоҳнинг яқин ва узоқ бўлмоғи унинг йўналиши сиррига тааллуқли бўлган масала бўлиб, кайфиятни қабул этмайди. Жаннатда Унга қўшни бўлмоқ ва Унинг ҳузурда турмоқ каби истилоҳлар эса юқорида зикр қилинган маъноларни ифодалайди.

ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

Пайғамбарларга вожиб бўлган сифатлар

Сидқ, амонат, фатонат (ўткир зеҳнлилик, хушфаҳмлиқ), исмат (поклик, бегуноҳлик), назофат (покизаллик), таблиғ (етказиш), ҳифз (ёдда тутиш).

Шарҳ: Тафтазоний, «Мақосид» шарҳида бундай дейди: «Нубувватнинг (пайғамбарлик) шартини ушбулардир: «Эркак киши бўлиши, ақли комил, зако, фикрий қувват эгаси бўлиш, ота-оналари тубан (паст) кимсалардан бўлиши каби нафратни қўзғайдиган ҳоллардан узоқ бўлиш, ғалат (довдирлик, хатокорлик), тўғрини билмаслик, қўполлик, барас (пес) ва мохов каби нафрат қўзғайдиган касалликлардан, йўлда бирор нарса емоқ сингари шахсиятни майдалаштирадиган ҳаракатлардан, пайғамбарлик ҳикматига ҳалал етказадиган ҳоллардан узоқ бўлишдир».

«Тажрид» китобида эса қуйидаги таърифлар баён қилинган: «Унутувчан бўлмаслик, Шайтон ё инсон шарридан (ёмонлигидан) ҳимояланган бўлишлик ва васвасалардан узоқ бўлишлик».

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақларида Моида сурасининг 67-оятда:

وَاللّٰهُ يَعْصِيْكَ مِنَ النَّاسِ

«Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан асрагай», деб марҳамат қилган.

Пайғамбарлар учун ҳам жоиз бўлган ҳолатлар

Беморлик, емоқ-ичмоқлик ва улар тақозо этадиган ҳоллар, уйку, никоҳ, савдо-сотиқ, тижорат, минмоқ, мусофир бўлишлик, жанг қилмоқлик сингари пайғамбарларнинг юксак мартабаларига нуқсон етказмайдиган башарий-инсоний ҳоллардир.

Уларга мусибат, ўзгариш, беморлик, совуқ, иссиқ, очлик ва чанқоқлик етиши мумкин экан. Ғазаб, қайғуриш, чарчоқ, заифлик (ҳолсизлик), қарилик каби ҳоллар ҳам учраши мумкин. Уларга заҳар ҳам, сеҳр (жоду) ҳам таъсир қилиши мумкин.

Чунончи, баъзи Пайғамбарлар ўлдирилмоқ, арраланмоқ, оловга ташланмоқ каби янада каттароқ фалокатларга ҳам учраганлар. Бошқа баъзилари эса муайян вақтларда Аллоҳ томонидан сақланганлар. Бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) эса ҳамиша Аллоҳ таолонинг ҳифзу ҳимоясида бўлганлар.

Сохта пайғамбарлар

Аллоҳ таоло қайси қавмга пайғамбар юбормоқчи бўлса, ўша қавмнинг ичидан насаби пок, қалби мусаффо, ақли расо инсонларнигина танлаб пайғамбар этган. Одам алайҳиссаломдан то Муҳаммад алайҳиссаломга қадар келган пайғамбарларнинг ҳаммалари ҳам айнан ана шундай комил инсон бўлганлар. Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад салаллоҳу алайҳи ва саллам бутун башариятнинг энг улуғ ва комил зоти бўлиб, қиёматга қадар келадиган жами инсонунинг жинларга

пайғамбар қилиб юборилганлар. Аллоҳ субҳанаҳу таоло Сабаъ сурасининг 28-оятида:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَآفَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ

«(Эй Муҳаммад), Биз сизни, ҳақиқатан барча одамларга хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда, (пайғамбар қилиб) юбордик! Лекин, одамларнинг аксарияти (бу ҳақиқатни) билмаслар», деган бўлса, Аъроф сурасининг 158-оятида:

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا

«Айтинг, (Эй, Муҳаммад!) эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси)дирман»,-деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам:

بعثت الى الأسود و الأحمر قال مجاهد يعني الجن و الإنس

«Мен инсонларга ҳам, жинларга ҳам пайғамбар қилиб юборилганман»,-деганлар. Бу ояту ҳадислар пайғамбаримиз бутун инсоният ва жинлар тоифасига пайғамбар эканликларини билдиради.

Аҳзоб сурасининг 40-ояти Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарликни хатм қилгувчиси (тугатувчиси), яъни охиргиси эканликларини билдиради.

مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا

«Муҳаммад сизларнинг эркаларингиздан бирортасининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир».

Аллоҳ таоло бу ояти каримасида пайғамбаримизни бирон кишининг отаси бўлган эмас, лекин у пайғамбарларнинг муҳридир, демоқда. Дарҳақиқат, пайғамбаримизнинг Қосим, Тоййиб, Тоҳир ва Иброҳим исмли тўртта ўғиллари бўлиб, улар гўдаклик чоғида оламдан ўтган эдилар. Бу болалар балоғат ёшига етмаганликлари учун эркак деб аталмайдилар. Пайғамбаримиз фарзандларининг гўдаклик пайтидаёқ оламдан ўтганлигининг ҳам ўзига яраша ҳикматлари бор. Бу алоҳида мавзу бўлгани важҳидан кенгроқ тўхталишнинг имкони йўқ. Арабларда бола балоғат ёшига етгандагина уни (ражул) «киши» дейилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло «Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир», деди.

Биз мавзуимизга алоқадор бўлган «Балки у Аллоҳнинг элчиси пайғамбарларнинг муҳри, (сўнггиси)дир»,-дейилган жумлага эътибор берайлик. Бу сўзни «Асдақус содиқин», яъни, тўғри сўзловчиларнинг энг ростгўйи бўлган Аллоҳ жалла жалалухунинг Ўзи айтмоқда. Бу энг тўғри сўз ва қатъий ҳукмдир. Қуръонда шундай оят айтилганидан кейин кимда ким «Мен пайғамбарман», деб даъво қилса, билинги, у албатта «Акзабул-козибийн»,-яъни ёлғончиларнинг энг ёлғончисидир.

Ибн Ҳиббон ўз саҳиҳларида Савбон (р.а)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в):

بعدي نبى لا النبیین خاتم إني و نبى أنه يزعم كلهم كذابا ثلاثون أمتى في سيكون.

«Тез фурсатда менинг умматим орасида ўттизта каззоблар, яъни пайғамбарликни даъво қилувчи муттаҳамлар пайдо бўлади. Шунини қатъий билинглари, мен пайғамбарларнинг сўнгисиман. Мендан кейин пайғамбар бўлмайди», деганлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ўзларига Аллоҳ томонидан берилган мўъжизалари билан қиёматга қадар ислом умматини чалғитадиган, дунёга ҳирс қўйган сохта пайғамбарлар чиқишидан умматларини огоҳлантирмоқдалар.

Юқоридаги ҳадис Муҳаммад (с.а.в.) ҳақиқий пайғамбар эканликларини яна бир бор исботлайди. Дарҳақиқат, пайғамбаримиздан кейин бир қанча ёлғончи, каззоб, сохта, «пайғамбар»лар пайдо бўлди ва ҳозир ҳам баъзи шайтонсифат кимсалар шунга даъво қилмоқда. Хўш, улар кимлар ва қандай «инсонлар»?

Улар шайтон ва жинларнинг малайлари бўлган, бефаросат, мушрик, нодон инсонлардирки, Аллоҳ уларнинг кимлигини Анъом сурасининг 121-оятда зикр қилган:

وَلَا تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يُذَكَّرْ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ وَإِنَّهُ لَفِسْقٌ وَإِنَّ الشَّيَاطِينَ لَيُوحُونَ إِلَىٰ أَوْلِيَائِهِمْ لِيُجَادِلُوكُمْ وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ

«Аллоҳнинг номи айтилмаган нарсалардан емангизлар! Зеро, у фосиқликдир. Шайтонлар эса ўз дўстлари (мушриклар)ни сизлар билан баҳслашиш учун васваса қилурлар. Агар уларга итоат қилсангизлар, албатта, сизлар ҳам мушрикдирсизлар»,-деб марҳамат қилган.

Бу ояти каримада «Шайтонлар эса ўз дўстлари (мушриклар)ни сизлар билан баҳслашиш учун васваса қилурлар», деб, шайтони алайҳи лаънанинг лашкарлари бўлган кофир жинлар, мусулмонларни алдаб тўғри йўлдан оздириб, фитна фасодлар қўзғаб, жанжаллар чиқариб, жаҳаннамга равона қилиш учун ақли заиф, илмсиз, нодон, мушриксифат кимсаларни танлаб, уларга ўзларини фаришта Жаброилман, сен пайғамбар бўлдинг, сен Қуръоннинг ҳеч ким еча олмаган сирларини кашф қиласан. Қуръондаги Алиф, Лом Мим, Ёсин, Нун, Қоф, Сод ва шунга ўхшаш ҳуруфи муқаттаотларнинг маъноларини ечиб берасан», деб алдашади. Ва яна алданган кимсаларнинг исмлари масалан, Акрам бўлса, «Муҳаммад салаллоҳу алайҳи ва саллам, Расули акрам дейилишининг сабаби ҳам Аллоҳ сени пайғамбар қилиб юбормоқчи эди», шунинг учун Муҳаммад салаллоҳу алайҳи ва салламни Акрам номи билан атади. Ўша Акрам сенсан, дейди. Ва яна Муҳаммад мустафо дейилишининг сабаби ҳам юқорида айтилганидек, бирор сабаб кўрсатган. Ва шунга ўхшаш турли йўллар билан нодон кишини ўзига «пайғамбар» қилиб олади.

Азиз биродарлар! Шунини яхши билинги, пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръоннинг ҳамма сиру асрорларини ҳарфма-ҳарф кашф қилганлар.

Уни қайтадан кашф қилишга ҳеч қандай пайғамбарнинг кераги йўқ. Шайтон алдашга усталигидан одам танлашда адашмайди. У алданишга лойиқ бўлган, ўқимаган, нодон, ақли калта, бефоросат, лақма инсонни танлайди. Алданган у нодон «Мен пайғамбарман, Жаброил менга ваҳий келтирди», деган сўзларга ўзи билмаган ҳолда алданиб йўлдан адаша бошлайди. Ислом мамлакатларида бундай кимсаларни қатл этадилар.

Азизлар, пайғамбарликни даъво қилганларга фаросат билан разм солсангиз, уларнинг динсиз, ароқхўр, қиморбоз, ёлғончи, насаби шубҳали ва бетайин, турқи хунук инсонлар эканлигини кўрасиз. Айнан шундай кишилар шайтонларга қўғирчоқ бўлиб, фитнага сабаб бўладилар. Шу кунга қадар инсоният тарихида бирор бир ҳақиқий олим ёки солиҳ фазилатли киши пайғамбарликни даъво қилган эмас ва қилмайди ҳам. Чунки улар ҳақиқатни биладилар ва шайтоннинг васвасасига учмайдилар. Шундай экан, ақлингизни, фаросатингизни ишга солиб, шайтоннинг малайлари бўлган сохта, каззоб «пайғамбар»ларга эргашманг. Акс ҳолда, шак шубҳасиз мушриклар қаторига қўшилиб, дунё ва охиратингизни барбод қиласиз. Кечирилмайдиган гуноҳ ботқоғига ботиб қоласиз. Зеро, Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 48-оятида:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш(гуноҳи)ни кечирмагай ва лекин ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди», дея марҳамат қилган.

Бинобарин, сиз азизлар асло хушёрликни қўлдан берманг, бирор масалада шубҳалансангиз, дарҳол диний уламолардан сўраб, билиб олинг. Аллоҳ барчамизни ҳидоятга бошласин.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ОЛТИ ДИНИЙ КАЛИМАЛАР

Мусулмончилик даъвосини қилган ҳар бир киши қуйидаги олти калималарни билиши керак. Биринчи калимада Аллоҳнинг бир ва ёлғиз эканини тили билан айтиши лозим. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Муҳаммад сурасининг 19-оятда:

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«(Эй, Муҳаммад) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканлигини билинг», деб пайғамбаримиз (с.а.в)га хитоб қилмоқда. Бу хитоб пайғамбар билан биргаликда у зотнинг умматларига қилинган хитобдир. Шундай экан, ҳар бир банда ўзини мусулмон деб ҳисобласа, (ла илаҳа иллаллоҳ) «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир», деб эътиқод қилиши керак бўлади. «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб эътиқод қилиш Нух алайҳиссалом пайғамбар бўлгандан бошланиб, қиёматгача давом этади. Ҳар бир пайғамбар келганда, у пайғамбарнинг умматлари «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейишлари билан бирга, ўз пайғамбарларини ҳам пайғамбар эканликларини тасдиқлашлари лозим бўлган. Шунинг учун «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасига ўз пайғамбари номларини ҳам қўшиб айтишган. Пайғамбарларининг номини айтишмаса унинг пайғамбарлигини тасдиқламаган бўлади. У ҳолда унинг имони дуруст саналмайди. Масалан, «Ла илаҳа иллаллоҳу Нухун расулуллоҳ», «Ла илаҳа иллаллоҳу Иброҳиму расулуллоҳ», «Ла илаҳа иллаллоҳу Мусо расулуллоҳ», «Ла илаҳа иллаллоҳу Исо расулуллоҳ». Шунингдек, биз уммати Муҳаммадия ҳам «ла илаҳа иллаллоҳ» калимасига севиқли пайғамбаримиз «Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасини қўшмасак, имонимиз дуруст бўлмайди. Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу таоло Фатҳ сурасининг 28-29- оятларида:

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا.

...

«У Ўз Пайғамбари (Муҳаммад)ни ҳидоят ва Ҳақ дин (Ислом) билан, у (дин)ни барча дин(лар)га ғолиб қилиши учун юборган зотдир. Аллоҳнинг Ўзи (бунга) етарли гувоҳдир. Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир», деб марҳамат қилган.

Шунинг учун биз бандалар ўзимизнинг мусулмон эканлигимизни зоҳиран билдиришимиз учун «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ», яъни «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Муҳаммад Аллоҳнинг расули (элчиси)дир», дейишга буюрилганмиз. Бу калиманинг номи «калимаи тоййиба», яъни покиза калима бўлиб, диний олтита калиманинг биринчисидир. Бу калимани айтган киши зоҳиран мусулмон деб ҳукм қилинади. У банданинг жони ва моли ислом ҳимоясига ўтади. Аммо банда «калимаи тоййиба»ни чин қалбдан ишониб айтдимиз ёки тил учида айтдимиз, ҳисоб-китоби Аллоҳга ҳавола. Банда бу калимани самимий қалбидан ихлос билан айтган бўлса, Расулуллоҳ (с.а.в):

«Кимда-ким ихлос билан чин қалбидан, «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ деса жаннатга киради», деб марҳамат қилганлар. Агар банда қандайдир ғаразларни ният қилиб, калимани тил учида айтган бўлса, у мунофиқ бўлади, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо сурасининг 145-оятда:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَنْ تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا

«Албатта мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар. Уларга (бирор) ёрдамчи топмаймиз», деб хабар берганидек, жаҳаннам қаърига равона бўлади.

Иккинчи калимаи шаҳодат деб номланади. Унинг матни қуйидагича:

اشهد ان لا اله الا الله و اشهد ان محمدا عبده و رسوله

«Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳу», яъни «Аллоҳдан ўзга илоҳ (ибодат қилишга лойиқ зот) йўқлигига ва Муҳаммад (алайҳиссалом) унинг бандаси ва (тўғри йўлни кўрсатиш учун юборилган) элчиси эканига гувоҳлик бераман».

Ислом қуйидаги беш нарсага бино қилингандир:

1. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаси ва расули эканлигига қалбидан гувоҳлик бериш;
2. Беш вақт намозни ўқиш;
3. Рамазон рўзасини тутиш.
4. Закотни адо этиш;
5. Ҳажни адо этиш.

Аллоҳнинг бирлигига ва пайғамбарнинг ҳақлигига «Ашҳаду», деб қалбдан гувоҳлик бериш исломнинг биринчи биниси бўлиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари билан собит бўлган. Бунда исломнинг қолган тўртта биносини бажарса, ҳақиқий мусулмон эканлигини ошкора билдирган бўлади.

Калималарнинг учинчиси Тавҳид калимаси бўлиб, у Аллоҳ таоланинг ваҳдонияти, яъни ягоналигига далолат қилади.

لا اله الا الله وحده لا شريك له. له الملك و له الحمد يحيي ويميت و هو حي لا يموت بيده الخير و هو على كل شي قدير.

Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу. Лаҳул-мулку ва лаҳул ҳамду юҳйи ва юмийту ва ҳува ҳайулу ла ямуту биядиҳил-хайру ва ҳува ʼала кулли шайъин қодир.

«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, у зотида ва сифатларида ягонадир, шериги йўқдир. Барча мулк(мутлоқ подшоҳлик) униқидир. Ва барча мақтовлар танҳо унга хосдир. У барчани тирилтиради ва ўлдиради ва ўзи доим тирикдир, ҳеч ўлмайдди. Дунё ва охираат яхшилиги у зот ихтиёридадир. У барча нарсага қодирдир».

«Тавҳид» калимасининг улуғлиги тўғрисида кўп ҳадислар келган. Жумладан Имом Муслим Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳудан) ривоят қилинган ҳадисда. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам:

«Кимки ҳар намоздан кейин 33 марта субҳаналлоҳ, деб тасбиҳ айтса, 33 марта алҳамдулиллаҳ, деб ҳамд айтса, 33 марта Аллоҳу акбар, деб такбир айтса, шуларнинг ҳаммаси

99 марта бўлади, 100 га тўлдириш учун لا اله الا الله وحده деса, у банданинг гуноҳлари кўплигидан денгиз кўпигича бўлса ҳам кечирилади, деб марҳамат қилинган. Имом Табароний ибн Умар (разияллоҳу анҳудан) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки Аллоҳ розилиги учун «Тавҳид» калимасини ўқиса, Аллоҳ уни неъматларга тўла бўлган жаннатларга киргизади», деганлар.

Олтита диний калималарнинг тўртинчиси калимаи «Раддул куфр» (куфрни қайтариш калимаси) бўлиб, у

اللهم اني اعوذبك من ان اشرك بك شيا و انا اعلم و استغفرك لما لا اعلم انك انت علام الغيوب

Аллоҳумма инни аъзу бика ман ан ушрика бика шайан ва ана аъламу ва астағфирука лима ла аъламу иннака анта ʔалламул-ғуюби.

«Эй Парвардигор, билиб туриб бирор нарсада сенга ширк келтириб қуйишдан ўзингдан паноҳ тилайман ва билмай туриб ширк келтириб қўйган ҳолатларим учун ҳам ўзингдан кечирим сўрайман. Албатта, сен барча яширин ишларни билувчи зотсан», деб ўқилади.

Инсон ҳаёт даврида ўз оиласи, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва маҳалладошлари билан биргаликда ҳаёт ўтказади. Маълумки, инсон ғазабланганда, асабийлашганда шу ҳаётдагиларнинг қандайдир ишларидан норози бўлганда, ўзини тута олмасдан оғзидан ножўя сўзлар, алфоз куфрлар чиқиб кетиши мумкин. Ана шунда банда айтган сўзларидан пушаймон қилиб тезлик билан калимаи «Раддул куфрни» айтиши керак. Шунда Аллоҳ бандам шайтон васвасалари билан ножўя сўзларни айтиб қўйган бўлса ҳам мени «ғафурур раҳимлигимни» эсга олиб, калимаи «Раддил куфрни» ўқиди. Албатта мени эсга олувчиларнинг гуноҳини кечираман, деб калима «Раддул куфрни», айтган бандасини кечиради.

Олтита диний калиманинг бешинчиси «Калимаи истиғфор» (кечирим сўраш калимаси) бўлиб, у

استغفر الله، استغفر الله، استغفر الله تعالى من كل ذنب اذنبته عمدا او خطأ سرا او علانية صغيرة او اعلم انك انت علام الغيوب كبيرة و اتوب إليه من الذنب الذي اعلم و من الذنب الذي لا

Астағфируллоҳа, астағфируллоҳа, астағфируллоҳа таъала мин кулли занбин азнабтуху ʔамдан ав хатаъан сирран ав ʔалониятан соғиратан ав кабиратан ва атубу илайҳи мин-аз-занбиллази ʔаламу ва миназанбиллази ла аъламу иннака анта ʔалламул ғуюби. Яъни: «Қасдан адашиб қилган яширин ё ошкора, кичик ё катта гуноҳларимни Аллоҳ таолодан кечиришни сўрайман, афв қилишини тилайман. Билиб-билмай қилган гуноҳларимдан Аллоҳ таолога тавба қиламан. Эй Аллоҳ, албатта Ўзинг ғойиб нарсаларни билувчи зотсан», деб ўқилади.

Гуноҳ икки хил бўлиб, биринчиси банда билан Аллоҳ таоло ўртасидаги гуноҳ. Бу гуноҳдан тавба қилиш учун учта шарт бор.

Биринчиси - гуноҳдан шердан қочгандек қочишлик.

Иккинчиси - қилган гуноҳи учун надомат, пушаймонда бўлиш.

Учинчиси - қилган гуноҳини қайтиб абадий қилмасликка қасд (ният) қилиш.

Шу уччала шартдан бирортаси топилмаса тавбаси саҳиҳ (ҳақиқий) бўлмайди. Гуноҳнинг

иккинчи хили - банда билан банда орасида бўлиб, бу гуноҳдан тавба қилиш учун тўртта шарт бор. Шулардан аввалги учтаси юқоридаги шартлар бўлиб, тўртинчиси қайси банда ҳақида гуноҳкор бўлиб қолган бўлса, шу банданинг розилигини топиши, яъни қандайдир йўллар билан мол-дунёсини олган бўлса, қайтариб бериш, ҳад (дарра) урилиши лозим бўлган бўлса, ҳаққини олмоқликка имконият яратиб бериш ёки афв этилишини сўраш. Ғийбат ёки бўҳтон ёхуд чақимчилик қилиб, обрўсини кетказган бўлса, тухмат қилганлигини инсонларга билдириб, унинг обрўсини қайтадан ўрнига қўйиш. Гуноҳдан тавба қилиш вожиблиги Қуръон, суннат ва ижмоъи уммат билан собит бўлганлигидан уламои киромлар: «Банда ҳар бир гуноҳдан тавба қилмоғи вожибдир», дейишган. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нур сурасининг 31-оятида :

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

«Барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз , эй мўъминлар. Шояд (шунда) иқболли бўлсангизлар», деган бўлса, Нисо сурасининг 110 оятида:

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا

«Кимда-ким бирор ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнг Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг қанчалик кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади».-деб марҳамат қилган.

Аллоҳнинг ягоналигига далолат қилувчи Қуръон оятлари

الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ الرَّحْمَنُ فَاسْأَلْ بِهِ خَبِيرًا

«У осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги (барча) нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра муставий бўлган зотдир. У Раҳмондир. Бас, У Зот ҳақида хабардор (билимдон кишилар)дан сўранг!» (Фурқон сураси, 59-оят).

Муфассирлар Аллоҳ таолонинг «Олти кунда яратди» сўзини «Олти вақтда яратди», деган маънода тафсир қилганлар. У вақтнинг миқдорини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шундай бўлса ҳам, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда у «Олти кундаги ҳар бир куннинг узунлиги минг йилга тенг», дейилган. Ибн Аббос ва Мужоҳидлар ҳам шу фикрни маъқуллашган. Оятда зикр қилинган олти кун: якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума, бу жума кунида Одам алайҳиссалом ҳам яратилиб ҳамма нарса жамъ бўлди. Еттинчи кун бўлган шанбада ҳеч нарса яратилмади. Шунинг учун у кун ишдан тўхташ, дам олиш куни, деб аталди.

Набаъ сурасининг 9-оятида:

وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا

«Уйқуларингизни (бадан, асабларингиз учун иш ҳаракатлардан тўхтаб) ором оладиган қилдик», дейилган. Бу оятдаги «субатан» шанба сўзи ором, яъни дам оладиган маънода келган. (Ибни Касир тафсири)

Аллоҳ таоло еру осмонларни олти кунда яратганлигини Аъроф сурасининг 54, Юнус сурасининг 3, Ҳуд сурасининг 7, Сажда сурасининг 4, Қоф сурасининг 38, Ҳадид сурасининг 4-оятларида ҳам хабар берган.

Аллоҳ таоло ўзининг халифаси, ашрафул махлуқоти (яратилганларнинг энг улуғи) бўлган одамзотнинг ҳаёти учун хизмат қиладиган еру осмонлар ва уларнинг орасидаги нарсаларни биринчи кун яъни, якшанбадан бошлаб, олтинчи кун яъни, жума куни мукамал қилиб тугатди. Одам ҳаёти учун ҳамма нарса мукамал бўлгандан кейин, куннинг охири аср билан шом оралиғида Одам алайҳиссаломни яратди. У ҳамма нарсдан мукаррам бўлгани учун, кўп хилқат ва зийнатлар билан беади. У хилқатлар муаллифнинг «Комил инсонлар йўлидан» китобида муфассал баён қилинган. Жума куни Одам алайҳиссалом ва унга хизмат қиладиган ҳамма нарсалар мукамал яратилиб бўлгани учун, у кун жума куни деб аталди. Еттинчи, яъни шанба куни Аллоҳ таоло яратишдан тўхтаб, ўз қудратини тамошо қилди. Шунинг учун бу кун ишдан тўхташ яъни, дам олиш куни деб аталди. Жума кунида ҳамма нарса мукамал яратилганлигидан Аллоҳ таоло бу кунни кунларнинг саййиди (улуғи) ва мискинларнинг ҳажжи деб атади. Бу кун ниҳоятда фазилатли кун бўлиб, еру осмонлар ва уларнинг орасидаги нарсалар мукамал яратилиши билан биргалиқда, Одам алайҳиссалом ҳам шу кунда яратилдилар ва жаннатга киргизилдилар, шу куни жаннатдан ҳам чиқарилдилар, қиёмат қоим ҳам шу куни бўлади. Шу кунда бир қадрли соат беркитилган бўлиб, шу соатда мўмин банда Аллоҳдан нима яхшилик сўраса, Аллоҳ унинг сўраганини беради. Саҳиҳ ҳадисларда айтилишича, Аллоҳ таоло биздан олдин ўтган умматларга ҳам у кунни улуғ кун сифатида эъзозлашга буюрди. Аммо яҳудийлар Аллоҳ шанба куни ҳеч нарса яратмади, шунинг учун шанба улуғ кун деб, жума кунининг улуғлигини қабул қилишмади. Насронийлар эса Аллоҳ дунёни яратишни якшанба куни бошлаган, шунинг учун у

улуғ кун деб жума кунининг улуғлигини қабул қилишмади. Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳис ва саллам:

نحن الاخرون السابقون يوم القيامة بيد انهم اوتوا الكتاب من قبلنا ثم ان هذا يومهم الذي فرض الله عليهم فاختلّفوا فيه فهدانا الله له فالناس لنا فيه تبع، اليهود غدا والنصارى بعد غد.

«Биз дунёда охир келган бўлсак ҳам, қиёматда аввал ҳисоб-китоб қилинамиз, лекин дунёда китоб уларга бизлардан аввал берилди. Жума кунини Аллоҳ уларга фарз қилди, улар ихтилоф қилишиб, жума кунининг улуғлигини қабул қилишмади. Аллоҳ бизларни ҳидоятга бошларди, биз тўғри йўлда қолдик, бошқа одамлар бизларга тобеъ бўлди, яҳудийлар эртага, насронийлар эса индинга бизга эргашадилар», деганлар.

Аллоҳ таоло еру осмонлар орасида махлуқотларнинг сарвари бўлган одамнинг мартабасини кўтариб, ўзига яқин қилиш учун Ўзини (Аллоҳни) танишга буюрди. Бу улуғ, олий вазифани одамдан бошқа махлуқотларга юкламади, чунки бошқа махлуқотларнинг ҳаммаси одам учун яратилгандир. Бу шарафли вазифани бажариш учун одам умр бўйи изланиш ва саъйи-ҳаракатда бўлади. Ана шундагина Аллоҳ

«Wa laqad karromna bani adama». «Ва лақод карромна бани адама». «Биз батахқиқ одам фарзандини мукаррам қилдик» даражасига кўтарилиб, комил инсон бўлади. У учун инсон аввал ўзининг кимлигини ва нима мақсадда яратилганлигини билиши керак бўлади. Зеро, Расули ақрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

من لم يعرف نفسه لم يعرف الله

«Кимда-ким ўзини танимаса, Аллоҳни ҳам танимади» деганлар. Аллоҳ бандасини севиб, ўзига яқин бўлишини хоҳлагани учун уни таниш йўл-йўриқларидан таълим бериб, бандам узоқни қидириб юрмасдан аввал ўзининг яратилишига назар солсин деб:

وَفِي أَنْفُسِكُمْ أَفَلَا تُبْصِرُونَ

«Эй, инсонлар! Ўзларингизни (яъни вужудларингиздаги ҳар бир аъзойингизда) нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида ва ўз зиммасидаги Аллоҳ буюрган вазифани сўзсиз адо этиб боришида ақлли инсонлар учун Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган аломатлар борлигини кўрмайпсизларми?», деб марҳамат қилган. (Аз зориёт сураси, 21-оят)

Комил қудрат соҳиби бўлган Аллоҳ таоло бир томчи маний сувидан одамни яратди. Аллоҳ жалла жалалуху шу ожиз сувни бачадонга жойлаштириб, босқичма-босқич уч қирқ кунликда, яъни тўрт ойда унинг аъзоларига 444 пора устихон (суяк), 366 томир, 226 пай ва 360 та бўғинларни пайдо қилиб, комил инсон шаклига келтириб, кейинги ўн кунда жон ато этди. Шунинг учун Ислом шариатида қайси бир хотин қорнидаги боласини тўрт ойга етганда олдирса, тирик инсонни ўлдиргандек гуноҳи азимга қолади. Имом Абу Довуд Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ҳар бир инсонда 360 та бўғин бўлиб, ҳар бўғини учун садақа бериши лозим», деганлар. Шунда саҳобалар, эй Расулуллоҳ, унга кимнинг тоқати етади», дейишди. Расулуллоҳ «Икки раъкат Зухо (чошгоҳ) намозини ўқисангиз кифоя

қилади», деганлар.

Илоҳий қудрат билан яратилган одамнинг ҳар бир аъзосини, уларнинг вазифаларини, ишлашини ўйлаб кўрган ҳар бир киши ҳайратда қолади. Лекин инсон ўзидаги сирлардан беҳабар, ўзининг қадрини ўзи билмайди. Мисол учун унинг жисми улуғ бир мўъжиза, қолаверса руҳий ҳолати ички ва ташқи оламлари беҳисоб мўъжизалардан иборат. Юраги ёки ўпкасининг ишлаши, кўзининг кўриши, қулоғининг эшитиши, димоғининг ҳид билиши, миясининг ўйлаши, руҳининг хурсанд ёки хафа бўлиши буларнинг ҳаммаси ақлли инсонларни ҳайратга солмасдан, Аллоҳнинг қудратига қойил қолдирмасдан иложи йўқ.

Тафаккур билан ўз хилқатига бир назар солган ва ҳар бир аъзоларининг ўз ўрнида яратиб, бир-бирига муносиб равишда жойлашганлигини билган инсон, буларни яратган Зотнинг нақадар доно, уста, моҳир ҳақим эканлигига яна бир бор лол қолади.

Шунинг учун ҳам умматга ота-онадан ҳам меҳрибонроқ бўлган суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоху алайҳи ва саллам яратган эгамизни танишимизга кўмак берган бўлиб:

تفكروا في مخلوقات الله و لا تفكروا في الخالق

«Аллоҳни танимоқчи бўлсаларинг Унинг яратган махлуқотлари тўғрисида фикр юритинглар! Холиқ ҳақида эмас» деганлар.

Шунинг учун биз яратган эгамизни танимоқчи бўлсак, унинг яратган нарсаларига диққат назари билан қараб, тафаккур юритсак, Аллоҳнинг чексиз қудрат соҳиби эканлигини билиб оламиз, чунки, Аллоҳ таоло тафаккур қилиб ақлни ишлатадиган, еру осмон ва улар орасидаги нарсалар тузилишидан ибрат оладиган бандаларини ёқтиришини Наҳл сурасининг 10-16-оятларида баён қилган.

Одам алайҳиссаломдан то шу вақтгача қанча китоблар нозил қилиниб ва қанчадан қанча китоблар ёзилган бўлса ҳам, уларнинг энг аълоси ва муқаддаси Қуръони азимуш шаъан бўлиб, Аллоҳ таоло уни қиёматгача ҳар қандай ўзгаришлардан ўз ҳифзу ҳимоясида сақлашини Ҳижр сурасининг 9-оятида:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

«Биз ўз қудратимиз билан зикрни, яъни, Қуръонни нозил қилдик ва уни ўзимиз муҳофаза қиламиз», деб маълум қилган.

Аллоҳ таоло ана шу муқаддас китобида бандаларига меҳрибонлигини намоён қилиб, осмондан ўз раҳмати бўлган ёмғирни ёғдириб берадиган улуғ зот эканлигини маълум қилган. У ёмғир сувидан ариқлар, дарёлар ва кўллар ҳосил бўлиб, бандалару ҳайвонлар у сувдан баҳра оладилар. Экинзору боғларни суғоради. Бу тафаккур қилувчи бандалар учун Аллоҳнинг қудратини билдирувчи аломатдир. Яна Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодирлигини намоён қилиб, ойу қуёшни, юлдузларни инсон хизматига бўйсундириб қўйдик, улар Аллоҳнинг амрига сўзсиз итоат қилиб, белгилаб қўйган чизиғидан заррача ташқарига чиқа олмаслар. Бу Аллоҳнинг биру борлигига, қудратли зотлигига далолат қилмайдими? У беқиёс қудрати билан кўлу денгизларни, бепоён океанларни инсонга бўйсундириб қўйдик, инсон унда қайиғу кемалар билан сузиб юриб турли-

туман сув ҳайвонлари-ю балиқларни, сув ичидаги зебу маржонларни чиқариб олишади. Эй ношукр бандалар! Бу неъматлар яратган эгамизнинг ўз бандаларига кўрсатган лутфу карами эмасми? У яна фазлу карами билан ер чайқалиб сизларни тебратмаслиги учун тоғларни бино қилди. Сизларнинг ичмоқлигингиз учун тоғлардан булоқ ва дарёларни оқизиб қўйди. Дардларингизга шифо бўлсин деб доривор гиёҳларни ундирди. Сизларнинг манфаатларингизни кўзлаб ер ва тоғлар остида турли туман олтин, кумуш, олмос, рангли металллар, пўлат (темир) газ ва нефтга ўхшаш фойдали маъданларни пайдо қилди. Ер остидан чиққан темиру металллар инсонларга фойда ҳам, зарар ҳам келтириши мумкинлигидан бандаларни огоҳлантириб Ҳадид сурасининг 25- оятида:

وَأَنْزَلْنَا الْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنَافِعُ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ وَرَسُولُهُ بِالْغَيْبِ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ

«Яна, Биз темирни туширдик (яратдик, пайдо қилдик) унда катта қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ Ўзига ва пайғамбарларига (Аллоҳ розилиги йўлида жиҳод қилиш билан) ғойибона ёрдам берадиган кишиларни билиш учун ҳам (темирни яратди). Албатта, Аллоҳ кучли ва қудратлидир», деб темир ва металлларда инсонларни қириб, зўравонлик йўли билан ҳоким бўлиб, дунёни хароб қиладиган ажал қуроолларини эмас, балки инсониятнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиб, уларга манфаат берадиган нарсаларни ихтиро қилишга чорламоқда. Қуроол-яроқ яратган тақдирда ҳам босқинчи золимларнинг тажовузларидан дин, ватан ҳимояси учун фойдаланиш тарғиб қилмоқда. Яна инсонлар адашиб кетмасликлари учун равон йўллар пайдо қилди. Мусофирлару карвонлар йўл топишлари учун йўлга юлдузларни белги қилиб қўйди.

Аллоҳнинг қудратига ва яккаю ягона Холиқ эканлигига далолат қиладиган бу аломатлар Наҳл сурасининг 10-16 оятларида ўз ифодасини топган.

Раъд сурасининг 2 оятида:

اللَّهُ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ

«Аллоҳ осмонларни, кўриб турганингиздек, устунсиз кўтариб қўйган, сўнгра Арш узра муставий бўлган, ҳамда қуёш ва ойни (ўз амрига) бўйсундирган Зотдир. Ҳар бири муайян муддатгача (яъни Қиёмат қойим бўлгунича) жараёнда бўлур. (Аллоҳ барча) ишнинг тадбирини қилур ва сизлар (қиёмат кунда) Раббингизга рўбару бўлишга имон келтиришингиз учун оятларни муфассал баён қилур».

(Сўнгра Арш узра муставий бўлган) Аллоҳу таоло бу дунёни имтиҳон дунёси қилиб яратгани учун бандаларини турли-туман йўллар билан имтиҳон қилади. Шунга биноан Аллоҳ таоло Қуръон оятларини ҳам муҳкам (аниқ, равшан) оятлар ва муташобих (аниқ, равшан бўлмаган) оятларга бўлган. Аллоҳ таолонинг ўзи Оли-Имрон сурасининг еттинчи оятида:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخَرُ مُتَشَابِهَاتٌ فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلٌّ مِّنْ عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ

«У сизга китоб (Қуръон)ни нозил қилган зотдир. Унда шу китобнинг «онаси саналмиш (маъноси) аниқ оятлар ва (шу билан бирга) бошқа муташобих (маъноси Ўзидан ўзгага номаълум) оятлар ҳам бор. Аммо, дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобих оятларига эргашадилар. Ҳолбуки, ундай оятлар таъвили (асл маъноси)ни фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур. Илмда мустаҳкам (ҳаққоний олим)лар эса: «Унга имон келтирдик. Ҳамма (оятлари) Раббимиз ҳузуридандир», дейдилар. (Бундан) фақат ақл эгаларигина эслатма олулар», деб марҳамат қилган. Биз тафсирини қилаётган сурасининг Раъд 2 оятидаги

"ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ" «Сўнгра Арш узра муставий бўлди», ояти каримаси ҳам муташобих оятлардан бири бўлгани учун ҳам биз уни, залолатда бўлган гумроҳ фирқалар сингари, зоҳирий-ташқи маъноси билан ҳукм қила олмаймиз. Балки аҳли сунна вал жамоа уламолари тафсир қилганларидек «сўнгра Арш узра Ўзи баён қилган ва Ўзи хоҳлаганидек муставий бўлган маъно берамиз. Аҳли сунна вал жамоа уламоларининг фикрларича, бу ўринда «استَوَىٰ» «истава» сўзи «истело», яъни, Аллоҳ қувват ва ғалабаси билан ҳамма яратган нарсаларининг энг каттаси бўлган Аршни ҳам «истело» қилди, маъносида дейишган. Адашган фирқалар «иставо» сўзига «истикрор» яъни «Арш устига чиқиб ўрнашди» маъносини беришган. Аҳли сунна вал жамоа уламолари бу фикрни рад этишган: Биринчидан, Аллоҳ таоло Аршни яратмасдан олдин ҳам бор эди. Аршни яратгандан кейин унга интиқол қилди (кўчиб ўтди дейиш жоиз эмас, чунки кўчиб ўтиш махлуқотнинг сифатидир. Аллоҳ таоло эса яратган нарсаларнинг сифатларидан муназзаҳдир. Иккинчидан, агар Аллоҳ таоло Арш устида қарор тутса эди, унда: Аллоҳ таоло Аршни катталигида ёки Аршдан катта дейиш мумкин бўларди. Бу иккала фикр ҳам куфрдир.

Ҳазрати Али разияллоҳу анҳудан: «Аллоҳ таоло Аршни яратишдан олдин қаерда эди? деб сўрашганида, бундай жавоб берганлар: «Қаерда?» деган сўз маконни ифода этади, Аллоҳ таоло макондан муназзаҳдир».

Аллоҳ таоло биз тафсирини қилган ояти каримаси билан Ўзининг камоли қудрат эгаси эканлигининг хабарини бермоқда. У ўз қудрати билан етти қават осмонни ҳар бирингиз ўз кўзингиз билан кўриб турганингиздек ердан узоқ бўлган масофага устунсиз кўтариб қўйдики, бу Аллоҳнинг комил қудрат соҳиби эканлигига далолат қилади. Зеро, Одам алайҳиссаломдан бошлаб, шу дамгача ҳеч ким биронта бинони ҳавода муаллақ турадиган қилиб ярата олган эмас.

Биз яшаб турган ер куррамизга яқин бўлган биринчи осмон, бутун дунё ва ундаги ҳамма нарсалар: денгизу океанлардаги сувлари ҳаволари билан ҳамма томондан ўраб олган. Юқори-ю паст, олти томонни қайси тарафидан ўлчанса, ҳамма томони ҳам бир хил беш юз йиллик узоқликни ташкил қилади. Ўз навбатида иккинчи осмон ҳам биринчи осмон ўраб турган нарсаларнинг ҳаммасини ўраб олган. Биринчи осмон билан иккинчи осмон оралиғини қайси томонидан ўлчанса ҳам орасидаги узоқлик беш юз йиллик масофадан иборатдир. Шунингдек, қолган осмонлар ҳам ўзидан пастдагисини ўраб олган бўлиб, ораларидаги узоқлик беш юз йиллик масофани ташкил этади.

Ҳадиси шарифда: «Етти қават осмон ўз ичидаги ҳамма нарсалари билан «Курсий»нинг наздида гўёки саҳрога ташланган узук халқасига ўхшаб қолади» дейилган

. Бақара сурасидаги 255-оят:

وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ

«Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан ҳам кенглик қилур», мазмуни ҳам бу ҳадисни тасдиқлайди.

«Курсий» сўзи-ўриндиқ, тахт, курсий ва шунга ўхшаш маъноларда келган. Аммо курсийдан мурод нима экани ҳақида турли тафсирлар бор. Курсий нима бўлганда ҳам Арш наздида гўёки саҳрога ташланган узук халқасидек бўлиб қолади. Аршнинг катталигини эса Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, дейилган.

Салафи солиҳийларнинг баъзиларидан ривоят қилинишича, Ер билан Арш орасидаги масофанинг узоқлиги эллик минг йиллик йўлни ташкил этади.

Аллоҳ бу осмонларнинг ҳар бирига сайр қилувчи сайёралар жойлаштирган.

Биринчи осмонга Ойни, иккинчи осмонга Аторудни, учинчи осмонга Зухрони, тўртинчи осмонга Қуёшни, бешинчи осмонга Миррихни, олтинчи осмонга Муштарийни, еттинчи осмонга Зухални жойлаштирди. Аллоҳ таоло Ёсин сурасининг 40-оятда уларнинг ҳар бири ҳақида:

وَكُلٌّ فِي فَلَكٍ يَسْبَحُونَ

«Қуёш, ой ва юлдузларнинг ҳар бири ўз фалакида сузадилар» деб хабар берганидек, улар ўзи учун белгиланган фалақда сайр қилиб юришади. Масалан, Зухал ўз фалакини ўттиз йилда бир марта айланиб чиқади. Қуёш ўз фалакини бир йилда бир марта, ой эса ўз фалакини бир ойда бир марта айланиб чиқади. Аллоҳ таоло Юнус сурасининг 5-6 оятларида:

هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسَ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا وَقَدَرَهُ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوا عَدَدَ السِّنِينَ وَالْحِسَابَ مَا خَلَقَ اللَّهُ ذَلِكَ إِنَّ فِي اخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ إِلَّا بِالْحَقِّ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ (آيَاتِ لِقَوْمٍ يَتَّقُونَ)

«У қуёшни зиё таратувчи ва айни нур сочувчи этган ҳолда йилларнинг ададини ва (вақт ўлчовларидаги) ҳисобини билишларингиз учун манзил (бурж)ларга бўлиб, ўлчаб қўйган зотдир. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур. Албатта, тун ва куннинг алмашиб туришида ҳамда осмонлар ва Ердаги Аллоҳ яратиб қўйган нарсаларда Аллоҳдан кўрқадиган қавм учун аломатлар бор».

Аллоҳ таоло қуёшни яратиш учун ўз нурини етмишга бўлиб, ундан бир бўлагини олди. У бўлакни ҳам етмишга бўлиб, заррача нуридан Қуёшни яратди.

Илоҳий нурнинг заррачасидан яратилган қуёш бутун оламга зиё тарқатиши учун уни тўртинчи осмонга жойлаштириб, фазо бўйлаб, ўз фалакида бир йилда бир марта айланиб чиқиш йўллари кўрсатиб, ҳар кунлик юриш йўллари-чизиқларини белгилаб берди.

Қуёш Аллоҳнинг амрига сўзсиз итоат қилиб кўрсатилган чизиқларда қиёматгача сайр қилиб юради. Қуёш Ер куррасининг марказига яқинлашган сари фасллар ўзгариб, аввал баҳор, кейин ёз келади. Ер курраси марказидан узоқлашгани сари куз ва қиш фасли келади. Шундай қилиб, ўз

фалакида сайр қилиб Ер курраси Қуёш атрофини бир йилда бир марта айланиб чиқади. Аллоҳнинг заррача нуридан яратилган қуёшга инсонлар кўзлари билан тик боқа олмайдилар. Тик боқсалар кўзлари қамашиб кетади. Энди инсоф билан чуқур ўйлаб қарасак, маҳзи нур (айни нур) бўлган Аллоҳни бу дунёда кўзимиз билан кўра олмасликка тан беришимиз керак.

Аллоҳ таоло ойни яратиб, биринчи осмонга жойлаштирди. У ўз нурини қуёшдан олиб, зулумат қоронғулик бўлган кечасига нур сочади. Бандалар ой ва йиллар ҳисобини билишлари учун Аллоҳ унга йигирма саккизта манзил белгилаб қўйди. Биринчи манзилда ой ҳилол шаклида бўлиб, иккинчи манзилда ундан каттароқ бўлиб кўринади. Ҳар бир манзилда ундан каттароқ бўлиб кўринади. Ҳар бир манзилда кўриниши зиёда бўлиб бораверади. Ўн тўртинчи манзилга етганда тўлиқ, мукамал шаклда кўринади. Кейин секин-аста кўриниши камайиб, Ёсин сурасининг 39-оятида:

وَالْقَمَرَ قَدَرْنَا مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ كَالْعُرْجُونِ الْقَدِيمِ

«Биз ойни, токи у эски хурмо бутоғидек бўлиб (эгилиб) қолгунича манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз», -деб айтганидек, аввалги кўринишга ўхшаб кичрайиб қолади. Ой йигирма тўққиз кунлик бўлганида бир кеча, ўттиз кунлик бўлганда эса икки кеча кўринмайди.

Аллоҳ таоло «Ёсин» сурасининг 40-оятида айтганидек қуёш ойга ета олмайди ва на кеча кундузни ўзиб кета олмайди. Уларнинг ҳар бири ўз фалакларида қиёмат кунигача сузиб юради. Аммо сайёралар бир-бирлари билан тутилиши мумкин. Ой биринчи энг пастки осмонда бўлганлиги учун ўзидан юқоридаги сайёраларнинг ҳаммаси билан ҳам тутилиши мумкин. Ой кечаси қуёш билан тутилса, ой тутилди дейилади. Кундузи тутилса қуёш тутилди дейилади. Аллоҳ таоло Мулк сурасининг бешинчи оятида юлдузлар ҳақида шундай хабар беради:

وَلَقَدْ زَيَّنَّا السَّمَاءَ الدُّنْيَا بِمَصَابِيحَ وَجَعَلْنَاهَا رُجُومًا لِّلشَّيَاطِينِ وَأَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابَ السَّعِيرِ

«Ҳақиқатан, Биз қуйи осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик». Вас-сафот сурасининг 6-10-оятларининг мазмунига қараганда: Аллоҳ таоло дунё осмонини юлдузлар билан зийнатлаб, кофир жинлар ва шайтонлардан муҳофаза қилганлигини хабарини беради. У осмонларда Аллоҳнинг олий мавжудотлари бўлган фаришталар истиқомат қилишади. Қуръон каримнинг Таҳрим сурасининг 6-оятида улар тўғрисида:

لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ

«Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар туради» дейилган.

Улар, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни сўзсиз бажарадилар. Ҳозирги замон фан олимлари осмонда ҳаво (кислород) йўқлиги учун у ерда ҳаёт йўқ, дейишади. Уларнинг гаплари ҳам тўғри, дарҳақиқат ҳаво ер қатламига яқин жойлашган бўлиб, биринчи осмон билан ўралган, ундан юқорида ҳаво йўқ. Ҳаво билан нафас олиш инсонга хос, шунинг учун осмонда инсоний ҳаёт йўқ. Аммо инсондан бошқа жинс бўлган фаришталарга ҳаёт бор. Чунки улар инсонга ўхшаб емоқ, ичмоқ, эру хотин бўлиш, шунингдек ҳаводан нафас олишга муҳтож эмас. Аллоҳ таоло илоҳий қудрати билан уларни ҳавосиз фазога мос қилиб яратган. Шайтон малайлари бўлган кофир

жинлару шайтонлар осмонга чиқиб фаришталарнинг сўзларини эшитмоқчи бўлсалар, учар юлдузлар уларга отилиб ҳалок қилади. Узоқроқдан туриб баъзи сўзларни илиб олганлари қочиб қутилишга, ердаги малайлари бўлган фолбину башоратчиларга, бир сўзга ўнта ёлғонни кўшиб гапириб беришади. Уларга ва уларнинг йўлларидан юрадиган фолбинларга охиратда абадий, аламли азоблар тайёрлаб қўйилгандир. Анъом сурасининг 97-оятда:

وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ النُّجُومَ لِتَهْتَدُوا بِهَا فِي ظُلُمَاتِ اللَّيْلِ وَالْبَحْرِ قَدْ فَصَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ

«У сизлар учун қуруқлик ва денгиз қоронғуликларида йўл топишларингиз учун юлдузларни яратган зотдир. Биладиган кишилар учун оятларни кенг баён қилдик», деб марҳамат қилади.

Юқорида зикр қилинган оятларнинг мазмунидан юлдузларнинг учта вазифани бажаришлари маълум бўлади.

Ибни Жарир Қатодадан ривоят қилган ҳадисда: «Юлдузлар уч нарса учун яратилган. Биринчиси, дунё осмонига зийнат учун, иккинчиси, шайтонларга отилиш учун, учинчиси адашганлар тўғри йўл топишлиги учун. Кимда ким бошқача таъвил қилса, ўз раъйи (фикри) билан гапирган бўлиб, Аллоҳни ёлғончига чиқаргани учун жаннатдан бенасиб бўлади ва илми бўлмаган ҳолда ортиқча тақаллуфлар қилибди», дейилган. Бу ҳадис ҳам юқоридаги оятларнинг мазмунини тасдиқлайди.

Ояту ҳадисларнинг мазмунидан бошқача эътиқод қилувчилар, юлдуз кўриб фол очиб, инсонларнинг толеъидан, тақдирдан хабар берувчилар далилсиз, исботсиз ғайб илмидан даъво қилган бўлурлар. Шунинг учун ҳам ислом дини мунажжимларни кофир санайди. Зеро, Аллоҳ таоло Намл сурасининг 65- оятида:

قُلْ لَا يَعْلَمُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبْعَثُونَ

«Айтинг, эй ҳабибим: Осмонлар ва Ерда Аллоҳдан бошқа бирор кимса ғайбни билмас», улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар», деб марҳамат қилган. Демак, Аллоҳ нимани яратган бўлса, бир ҳикмат билан яратган бўлиб, у нарсалар инсон учун хизмат қилади, аммо кўп инсонларнинг у ҳикматларга ақллари етмайди. Бундан ташқари Аллоҳ Юсуф сурасининг 105-оятда марҳамат қилганидек, Еру осмонларда ақлларни лол қолдирадиган қанчадан қанча илоҳий қудратлар кўз ўнгларида турибдики, инсонлар ундан ибрат ололмайдилар.

Фақат Аллоҳ басират кўзини очган улуғ мутафаккир инсонларгина Еру осмонлар яратилишидан ибрат олиб яшаганлар. Шунинг учун ҳам халқимиз уларни эъзозлаб, тилларда дoston қилиб келмоқдалар. Шулар жумласидан Лутфий ҳазратларининг шеърлари ханузгача тиллардан тушмайди:

*Аллоҳнинг ҳайратли бу ишига боқ,
Сигиру илонга макондир ўтлоқ,
Шу ўтдан илон ясайди заҳар,
Шу ўтдан сигирчи, оппоқ сут, қаймоқ,*

деб бу дунё ҳаётдан ибрат олиб яшашга чорламоқдалар. Дарҳақиқат бир хил ўтдан икки хил нарсани ҳосил қилиш буюк илоҳий қудрат эмасми? Бундан фақат оқил инсонларгина ибрат

олурлар.

Рум сурасининг 22-оятида:

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْعَالَمِينَ

«Унинг белгиларидан (яна бири)-осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизнинг хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча оламлар учун аломатлар бордир».

Биргина Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаводан инсонларни кўпайтириб, уларни турли рангли, ҳар хил тилли қилиб қўйиши Аллоҳнинг нақадар улуғ зотлигига катта далилдир. Яна тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаган икки инсоннинг бирини доно-иккинчисини нодон, бирини раҳмдил, меҳрибон, ўзини ўйламасдан фақат яхшилик қилувчи, иккинчисини эса раҳмсиз, бағритош, қотил, кўпоровчи, зиёнкор, қаллоб, ўзидан бошқани ўйламайдиган, ўзгаларга фақатгина ёмонликларни раво кўрувчи, фосиқу фожир, нокас қилиб яратиши унинг қудратига далил эмасми?

Аллоҳ Қуръоннинг Наҳл сураси 90-оятида:

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَاءِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُم لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюрар, ҳамда, бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур.(У) эслатма олурсизлар, деб сизларга насиҳат қилур», деб айтган.

Аллоҳ бандаларининг кўпол, дағал, золим ва раҳмсиз бўлишини ёқтирмайди. Шунинг учун уларни адолатга, эзгу ишларга чорлайди ва Аллоҳнинг даъватини қабул қилмайдиганларни ёқтирмаслигини билдириб, яна шу сурасининг 104- оятида:

إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ لَا يَهْدِيهِمُ اللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

«Албатта, Аллоҳнинг оятларига имон келтирмайдиганларни Аллоҳ ҳидоят қилмас. Улар учун аламли азоб бордир», деб ёмонлар жазосиз қолмаслигини билдирмоқда.

Тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаган инсон ҳам яхши, ҳам ёмон бўлишини улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари:

*Одам борки, одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир,
деб ҳаққоний баҳолаган.*

Одамлар яхши ва ёмон тоифаларга бўлинганлиги учун ҳам жаннату дўзах яратилди, бири яхшиларни мукофотлаш жойи бўлса, иккинчиси ёмонларни жазолаш жойидир.

"АЛ-МИЛАЛ ВАН-НИҲАЛ" КИТОБИДАН АҲЛИ СУННАТ ВАЛ-ЖАМОАТ НАЗДИДА КУФРГА САБАБ БЎЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

"Умматим етмиш уч фирқага бўлингайдир. Буларнинг ҳаммаси дўзахдадир. Илло биттаси (нажотдадир).

(Саҳобалар тарафидан) айтилди:

— Улар кимлардир, ё Расулulloҳ?

Расулulloҳ дедилар:

— Менинг ва саҳобаларимнинг йўлини тутганлар".

Бу ҳадиси шариф машҳурдир. Ҳадисни Имоми Термизий, Ибни Можа ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Яҳудий тоифаси 71, насроний тоифаси 72, уммати Муҳаммад эса 73 фирқага бўлинган. Бинобарин, ҳар бир мусулмон, ботил мазҳабларнинг йўлларида сақланмоқ учун, аҳли суннат вал жамоат ақидаларини яхши билмоғи лозим. Юқорида имкон қадар бизнинг мазҳабимиз қарашлари шарҳланган бўлса-да, инсон фарзанди хатодан солим бўлмагани учун, ботил мазҳаб соҳиблари тушган — чиқиб бўлмас ботқоққа уммати Муҳаммаднинг тушмаслиги учун уларнинг куфрга элтадиган эътиқодларини ҳам қўлимиздан келганича тушунтиришга урингаймиз.

Аввало, етмиш икки фирқанинг ўзаги, томири етти фирқадир. Етмиш икки фирқа шуларнинг шуъбаларидир.

Еттитадан биттаси муътазила, иккинчиси шиа, учинчиси хавориж, тўртинчиси муржийа, бешин-чиси нажжорийа, олтинчиси жабрийа, еттинчиси мушаббихадир.

Булар эса ўз ораларида содир бўлган ихтилофлар натижасида ҳар бири 5,10,20 фирқага бўлиниб, 72 фирқа бўлди. Шуниси жуда хавфлидирки, булар бир-бирларини кофирликда айблайдиган даражада "илгари" кетдилар. Буларни ёзишни лозим кўрмадик.

Аллоҳ таолога кўп шукрки, Имоми Аъзамдек ва Имоми Шофийидек ҳазрати имомларни яратиб, Шайх Абу Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур Мотрудий каби олимларни чиқариб, ботил мазҳабларни бекор қилди ва шундай қилиб мусулмонларни уларнинг қўлидан қутқарди. Шунга қарамай, бизнинг замонамизгача келган айрим ботил мазҳаблар ҳамон учрайди. Шийлар, рофизийлар каби.

Бу етти мазҳаб шайтон алайҳи лаънанинг иғвоси ва фитнаси натижасидир. Етмиш иккитага кўпайиб кетиши ҳам шундандир.

Булардан Муътазила 20, Шиа 22, хавориж 20, мурижийа 5, нажжорийа 3, жабрийа 1, мушаббиха ҳам 1 фирқадир. Жаъми 72 фирқа бўлади. Буларнинг эътиқодларининг баъзиси бидъат ва баъзиси эса куфрга боради.

Бинобарин, бадъат икки қисмдир: биттаси амал-да, биттаси эътиқоддадир. Бу бидъат соҳибларининг имомати ҳам макруҳдир. Чунки эътиқод жиҳатидан фосиқдирлар. Эътиқоддаги бидъат, амалдаги бидъатлардан кўра даҳшатлироқдир.

Бидъатчи дегани шундай кимсаларки, уларнинг эътиқоди аҳли суннат вал жамоат эътиқодига муҳолифдир. Эътиқоди куфрга борса, имомати қатъиян жоиз эмас. "Қуръон махлуқдир" деган кимсанинг орқасида иқтидо қилиб намоз ўқимоқ жоиз эмас.

1—Муътазила фирқасики, уни қадариййа ҳам дейдилар, қадарни инкор қиладилар. Шунинг учун булар "бу умматнинг мажусийлари" дейилган. Буларга эргашиб намоз ўқиш жоиз эмас.

Расулulloҳнинг шафоатини инкор қилган, кироман котибинни (гуноҳ ва савобни ёзиб борувчи икки фариштани) инкор қилган ва жаноби Ҳақни охиратда кўришликни инкор қилган кимсаларнинг орқасида эргашиб намоз ўқиш жоиз эмас, зеро булар дини Исломдан чиққандирлар.

2—Мушаббиха тоифаси Холиқи Зул-Жалолга, худди махлуқлардек аъзоларни иснод этадиларки, уларнинг ҳам орқасида эргашиб намоз ўқиш жоиз эмас, Исломиятдан чиққанлар. Жаноби Ҳақнинг сифатларидан битта сифати кейинчалик пайдо бўлган деган кимса ҳам Исломдан ташқаридадир.

Жаноби Ҳаққа макон иснод этган ёки фақат самодадир деган кимса ҳам Исломдан хориждир. Шу билан Ҳақ таолонинг Арш устида қарор топганини қасд этганларни эса куфрга ҳукм қилинади.

Жаноби Ҳаққа уст, ост билан ташбих қилмоқ куфрдир. Шу туфайли мужассима ва ҳулулиййа мазҳаблари куфрга ҳукм қилинган.

Жаннатга киргандан кейин Ҳақ таолони кўрмоқликни инкор қилганлар ҳам куфрга ҳукм этилган.

3—Қадариййа тоифасики, муътазилийлар ҳам шулардандир, булар қул ўз феълининг холиқидир, деган даъволари туфайли кофир қилиндилар ва бу вожибдир. Рофизийлар эса кўпгина хатолар туфайли Исломдан ташқаридадир. Масалан, ўликлар дунёга қайтади, бандаларнинг руҳига киради деганлари ва яна руҳи илоҳ дин имомларига кўчади — аиммага интиқол этади деганлари учун, тагин "вахий Имоми ҳазрати Алига келиши керак эди, Жаброил адашиб ҳазрати Муҳаммадга келтирди" деганлари учун исломдан чиқиб, кофир саналдилар ва буларнинг ҳукмлари муртадлик кабидир.

4—Хавориж тоифаси жамии умматни, ҳатто ҳазрати Усмон, ҳазрати Али, Оиша онамиз, Талҳа ва Зубайир розияллоҳу анҳум ҳазратларини ҳам икфор қиладилар. Шу сабабдан куфрларига ҳукм қилмоқ вожибдир.

5—Зайдиййа тоифаси эса Ажамдан бир пайғамбар келишига ва пайғамбаримизнинг шариатини насх (бекор) қилишига, яъни ҳукмини ўзгартиришига ишонгани учун Исломдан ташқарида қолди, куфри вожиб.

6—Нажжориййа тоифаси эса Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор этганлари ва Қуръони каримни ёзилган ва ўқилган вақтда жисм ва араз (аслида бўлмайд, кейин пайдо бўлган, сифати вақтли) деганлари учун куфрларига ҳукм вожибдир.

Ҳақ таоло бирон нарса халқ этилишидан аввал уни билмайди, деганлар, тагин қадариййа ва муътазила мазҳабидаги кимсалар Исломдан хориждадир, буларнинг қизлари олинмайди ва буларга қиз ҳам берилмайди, жанозаларига ҳам борилмайди.

7—Муржиййа тоифаси. Булар ҳам исломдан хориждадир. Чунки булар: Ҳасанотимиз мақбул, саййиотимиз (гуноҳларимиз) мағфурдир (кечирилган), дейдилар. Намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатларни инкор қиладилар ва дейдиларки, булар фазоил (фазилатлар)дир, қилсанг яхши, қилмасанг ҳам бирор нарса лозим бўлмайди... эмиш. Булар ҳам Исломдан ташқаридадир.

Буларнинг бари такфир қилинур.

"Қибла аҳлидан ҳеч кимни куфрда айблангиз"

Имоми Аъзам ва Имоми Шофийидан содир бўлган бу сўз мутлақ эмас, балки гуноҳларга тегишлидир. Хавориж ва мўътазила тоифасига ўшабу гуноҳ туфайли куфрда айблангиз, демоқчилар. Чунки булар гуноҳи кабира қилганларни Исломдан чиқариб, дўзахда абадий қолади, дейдилар.

Хулоса қилиб айтамикки, кимки заруроти динийадан биронтасини инкор қилса, у Исломдан чиқиб, куфрга тушгандир. Зеро маълум ва машҳур бўлган оятларни ва ҳадисларни инкор қилмоқ пайғамбаримизнинг ҳадисларини ёлғонга чиқарадики, агар тавба қилмаса, қатли ҳам вожибдир. Қатли куфри туфайлидир, ҳаддан эмас. Чунки иймон, шариатни ва пайғамбаримизнинг Аллоҳ томонидан келтирган, билдирилиши зарурий бўлган нарсаларни, аҳкомни тасдиқ қилмоқликдир. Бунинг муқобили (қаршилиги) эса куфрдир. Шариати динийанинг олти асосидан бештасига ишониб, биттасига ишонмаган кимсанинг ҳоли кабидир. Масалан, намоз, рўза ва закотнинг фарз эканлиги, зино ва ичкиликнинг ҳаром эканлиги Ислом динида маълум ва машҳур. Буларга ишонган кишилар мўъмин дейилгани каби, ишонмаган кишилар эса кофир дейилади. Мисол учун, таҳоратда бошнинг тўртдан бир қисмига масҳ тортмоқ Имоми Аъзам наздида фарз бўлса, Имоми Шофийи наздида эса фарз эмас, балки суннатдир. Бу ижтиҳод масаласидир, буни инкор қилган киши кофир бўлмайди.

Танбиҳ (Огоҳлантирув)

Маозаллоҳ (Аллоҳ асрасин), бир кимса Жаноби Ҳақни сўкса, у кофир бўлади ва қатли ҳам ҳалолдир. Шунингдек кимки, Жаноби Ҳақнинг шони улуҳиятига нолайиқ нарсаларни Ҳақ субҳонаху ва таолога изофа қилса, бундайларнинг куфрларида ихтилоф қилинган. Аммо бундай ҳурматсизлар бир ерда тўпланишса, уларга муҳораба этишда ихтилоф қилинмаган. Худди ҳазрати Али жанобимиз қилганларидек.

Пайғамбарлардан биронтасини сўккан ва ёки шони олийларига ярашмаган бир нарсани иснод этган киши эса кофирдир, қатли ҳам ҳалолдир.

Ҳар кимки Ҳақ таолонинг Раб — парвардигор эканлигини рад этса, инкор қилса, унинг ҳам куфри аниқдир.

Ҳақ таолонинг борлиги ва бирлигига ишонса-ю, қадим эмас, Ундан кейин бошқа сонъ бор, деса бундайларнинг ҳаммаси кофирдир, дейдилар.

Жаноби Ҳақ инсонлардан бирига ҳулул қилади — кириб ўрнашиб олади, деб эътиқод қилган ва руҳларнинг таносух бўлишига — кўчиб юришига қойил бўлган ҳамда оламларнинг кейин яратилганига ишонмаган, пайғамбарлардан бирортасининг пайғамбарлигини инкор этган кимсанинг куфрига шубҳа йўқ. Ҳазрати пайғамбаримиздан кейин яна пайғамбар чиқади, пайғамбарлик қалб сафоси, нубувват меҳнат (омад) билан бўлади деб айтганлар ҳам кофирдир.

Осмонларга чиқаман, Жаннатга кириб меваларидан ейман, деган кимса ҳам кофирдир.

Қуръон аҳкомидан умматнинг жамъ қилган (ижмо-и уммат ҳосил этган) маънони зоҳирдан чиқармоқ ҳам куфрдир.

Умматнинг залолатига (адашувига) сабаб бўладиган ҳар қандай сўз, саҳобаи киромни куфрда айблаш ҳам кофирликдир.

Имоми Молик ҳазратлари бир қавлида саҳобаи гузинни куфрда айблаган кимсанинг қатлига ишорат қилган.

Бутга сиғинмоқ, зуннор боғламоқ каби ишларни қилганларни ҳам кофирларга қўшганлар.

Фатво китобларида куфрга мужиб (сабаб) бўладиган алфоз, калималар ва гаплар

Куфрга мужиб (сабаб) бўладиган сўзларни ёзишдан аввал сизга бир қанча насиҳат ёзайин. Булар ўзимизнинг эмас, улуғларимизнинг насиҳатларидир. Етмиш икки фирқанинг аҳволини ёздик. Аммо сиз уларни ундай-бундай кимсалар деб ўйламанг, уларнинг ҳаммаси мусулмонлик иддиосида! Намозларига, тагин Қуръон ўқишларига ҳайратланмаслик мумкин эмас. Сўзда мусулмон, намозлари ҳам бор, ҳатто намоз ўқимаганларни улар кофир ҳам дейдилар. Шунчалик "илгарилаб" кетганларки, Қуръони азимушсан ҳукмларининг баъзиларидан айрилган, юз ўгирганлари ҳамда айрим оятларни ўз истакларига кўра таъвил қилганлари туфайли аҳли суннат вал жамоат уларнинг Исломдан чиққанларига ва куфрга тушганларига қай тарзда ҳукм қилган. Булар бизларга чиройли дарс ва ибрат эмасми?

Аксинча, бугунги кун инсонлари эса уларни йўлда қолдирадиган даражада, ҳатто телбаларча, баъзи ҳолда Аллоҳни бутунлай унутди, ҳатто инсон маймундан тарқалган, дейиш даражасида шуурсиз-лашди. Баъзан Аллоҳни "ота" деб насронийларнинг сўзларига эътиқод қилгани учун қаёққа бораётга-нини ҳам идрок этолмайдиган, баъзан эса эски ботил мазҳабларнинг йўлини тутиб, ҳошо, Аллоҳни осмонда деб ўйлайдиган даражада бачканалашган инсоннинг, ҳа, бугун дунё унга тор келмоқда, осмонларнинг энг юқорисини топишга уринмоқда, фавқуллода саноат ишлари ва маърифатларни майдонга келтирмоқда, ана шу инсоннинг ўзини ва бутун борлигини яратган зотни танимаслиги, билмаслиги ғаройиб ҳолки, тасаввурга ҳам сиғмайди. Хоҳ ўзимиз кўрган, хоҳ ўзимиз ясаб олган замонавий кемалар, тайёралар ва бошқа нарсалар эскидан бор эди деб бирон кимсани ишонтира оламизми? Табиийки, йўқ. Албатта, ҳар ким буларни бир устаси бор, бир ясовчиси бор, бунчалик санъат ва ҳунар ҳеч ўз-ўзидан бўлиб қолармиди, деб ҳайқиради. Шундоқ экан, ахир, бу мавжудотни ва ўзларимизни яратган зотни изламаслик мумкинми?!

Каттакон бир коинотда ҳар турли неъматлар бор, сувни тайёрлаган, тупроғини тайёрлаган, қуёшини, ҳавосини ҳам тайёрлаган маъданларнинг ҳар хилини ҳар томонга ёйган, инсонни ҳам яратган, пайғамбар юборган, мўъжизалар кўрсатган, китоблар юборган, бизларга ўқиб ёзишни ўргатган, дунё билан охиратни кўрсатган ва: "Сизлар мени билгайсиз ва Менга бандалик қилгайсиз, деб яратдим" деган, ҳалол ва ҳаромни билдирган; ана шу Аллоҳни қўйиб, тагин инсон фарзанди йўлдан озади-я! Аллоҳни қўйиб, ўз нафсининг қули бўлган бу инсон Аллоҳни ўрганмоққа ва билмоққа уринмайди, шу билан бирга бутун борлиқларнинг нима эканлигини ҳеч хаёлига ҳам келтирмаётир. Бундан ҳам аянчлироқ нима бор? (Бу ҳол инсон ўз уйида яшаб, ўз отасини танимаган каби эмасми?) Кўриб турганимиз, ҳар куни турли меваларини еяётганимиз, бу дарахтлар бераётган меваларини ўзлари қилиб олдимми? Дарахтнинг бир билими, бир ҳунари, бир санъати борми? Масалан, биргина анорда доналар қанчалик гўзал тузилган, жойлашган,

рангланган! Бу ҳунарни шу дарахт қилдими, ёки бу дарахтга бу ишни қилдирган бир қудрат соҳибининг асарими бу!

Оналаримиз бошларига ўраган жуда оддий бир рўмолки, бир ҳунарманд тўқувчига муҳтож экан, бу улкан коинот табиатнинг ўз асаридир дейиш жуда инсофдан бўлмаса керак. Бундай гапни айтса ҳам, ё тентак айтади ёки девона айтади.

Бу дунёнинг тинимсиз айланишига нима дейсиз? Ҳеч бир борлик, ўз-ўзича шундай айланиб турадими? Ким нима деса ҳам, бари беҳуда. У ҳам ўзини алдайди, ҳам бошқаларни, балки ўз-ўзини кулдираётган бўлса ҳам, ажабмас. Уша сенинг деганинг нима ўзи? Жони борми, шуури, онги борми, билими борми, соғлиги, борлиги, мавжудийяти жойидами? Ёки бу қувватни унга берган бир қувват ва қудрат соҳиби борми?

Қани, бунчалик фабрикаларни, санъатларни, ҳунарларни, учоқ-самолётларни, кемаларни ясаб олган маймун қаерда? Ўзимизнинг "маймунлар" эмасми булар? Уларнинг ҳунари тақлидчилик эмасми? Ажабо, Аллоҳ таоло бизнинг ақлимизни олиб қўйдимики, бундай сафсата ва мантиқсиз гапларга алданамиз. Тағин бу фикрларни маориф — халқ таълимига юклаб, ўз болаларимизга ўқитмоқдамизки, бунчалик лақмалик бўладими? Инсон бундай бир ўзига қараб, бир оз ўйласа, албатта ақли ҳам етади, тўғри йўлни ҳам топади. Бунинг учун, муҳаққақ, диний китобларни кўп ўқимоқ ва кўпроқ ўйламоқ, фикрламоқ керак.

Бу тушунчага, фикрламоққа, ақлни юритмоққа, ўқимоққа бизни ташвиқ этган зот аввало Аллоҳ таоло ҳазратларидир. Аллоҳ Китобининг бир қанча жойларида ерларга, осмонларга қарамоқни буюради. "Таборақ" сурасида бир қараш, яна такрор-такрор қараш тавсия этилади. Қани қарайликчи, бу яратилишда бир қусур, бир айб, бир нуқсон кўра оламизми? Ёки бу хилқатга ҳайрон боқиб, буни яратган ким экан дегаймизми? Ёки онгсиз, шуурсиз бир боқиш билан боқиб, бу тайёра ва бошқа буюм, асбоб, қурол-яроқлар, санъат, ҳунарлар, фабрикалар ҳақида айтиб бўлмайдиган бир гапни айтаемизми? Бу фабрика-ку ўз-ўзича бўлган эмас, дея оласан, аммо бу коинот ва бу инсон ҳақида, яъни ўз-ўзинг ҳақида нима дейсан? Ахир, бу фабрикалар, бу ҳунарлар сенинг олдинда, ушбу коинот олдида ҳеч нарса эмас-ку? Ҳатто отини айтишга ҳам ярамай қолади-ку! Қара, сен қандай жавҳарсан — моддасан, аммо бу коинот сенинг амринга бўйсундириб қўйилган! Қара, яна бир карра қарагин, осмонларга учган, то ойларга қадар чиққан ва яна бошқа ёқларни кўзлаб турган инсоннинг олдида бу фабрикалар нима бўпти! Бас, сен энди бу фабрикани ва у ишлаб чиқарган нарсаларни жуда яхши биласан-у, англайсан-у, идрок этасан-у, нечун ўзингни яратган зотни билмайсан? Нега табиат асаримиз дейсан? Вой, шўринг қурғур инсон! Бир жуҳуднинг сўзига алданиб, Аллоҳни тарк этаяпсан, Аллоҳдан қайтыпсан-а! У зотнинг асмо ва сифатларини ўрганмоқни ҳам истамаяпсан. Ҳамон Китобини ҳам ўқиганинг йўқ. Яхшироқ қара, шу ер юзидаги инсонларнинг саноғига қара: яҳудий, исавий, мусовий, насроний, қанча инсон бўлса, ҳаммаси Аллоҳ дейди. Демак, Аллоҳ бор! Бир миллиард атрофида мусулмон бор, булар ҳам Аллоҳ дейди.

Билмадим, бизга нима бўлди, кўпчиликни қўйиб, маймундан яралганимизга ишониб ўтирибмиз! Жуда ҳайрон қоларли ҳол!...

Хўп, инсон-ку маймундан бўлди, дейлик. Ахир бу улкан коинот, ой ва қуёш, бунча юлдузлар ва саноқсиз махлуқот ҳақида нима дейсан? Хўш муҳтарам жаноб! Сен, қуёшни, ойни ердан кўтарилган, ернинг бир парчасидир, деб бизларни алдамоқчисан. Бугун эса ой бу дунёнинг моддасидан эмаслиги англашилди.

Инсоннинг динсизи жуда ғаройиб махлуқ экан, нима деса ҳам, фақат Аллоҳ дегиси келмайди, ҳамма нарсага бир қулф уришга тиришади. Ҳар қанча тиришмасинлар, "Ойни этак билан ёпиб бўлмас" деган гап бор, ҳақиқат майдондадир. Инсон ўз зеҳнини эсласа кифоя, бир лаҳзада қаёқларга бориб келади, нималарни ўйлайди! Топганини, ўйлаганини кейин сенга йиллар давомида гапирди, хотирлайди, буларни қаерда сақлайди? Бу кичкина кўзлар нималарни кўради, кўрганини унутмайди ҳам, ундан маънолар ҳам чиқаради. Қулоқ қандай ғаройиб нарса, бу қалб эса вужуд машинасининг мунтазам ишлаб туришига энг буюк омилдир. Кейин бу қалб учун нималар кашф бўлмоқда! Ажабо, буларнинг қайси бири қайси ҳайвонда, қайси маймунда бор?

Бу инсонни инсон қилган ақлига не дейсан? Ҳа, буларнинг ҳаммасини лутфу эҳсон қилиб берган ягона Аллоҳдир, ягона Аллоҳ.

Фақат, Аллоҳ бор дейиш осон, аммо уни билмоқ фақатгина Аллоҳга яқинлашмоқ билан, унинг китобини ўқиш, англамоқ билан мумкиндир. Чунки Аллоҳ таоло ўзини Қуръони Каримда чиройлик таърифлаб, ўргатгандир. Шундай бўла туриб, инсон фарзанди Аллоҳ таолони танимабди, йўлдан озиб-озиб, роса етмиш икки парчага бўлинибди, етмиш учинчи фирқа эса аҳли суннат вал жамоат бўлган.

Сиз бу аҳли суннатнинг йўлини яхшироқ ўрганинг, қўлланг, биродарларингизга ўргатинг ва эҳтиёт бўлинг, аҳли суннатнинг йўлидан заррача айрилманг. Тагин фарзандларингизга зинҳор бепарво бўлманг, уларни ҳар ҳолда жомеъга, масжидга ўрга-тинг, одатлантиринг. Қуръон ўқишни яхши ўргатинг ва ўқишда давом этмоғини таъминлашга урининг. Уни фақатгина дунё билимларига ташлаб қўйманг. Айниқса, ҳунар ва тижоратни ҳам ўргатинг. Ўз меҳ-нати билан нонини топиб есин ва ҳалол луқма топишга қаттиқ эътибор қилсин. Ёлғондан, ҳийла-найрангдан, қасамдан, сўзга вафосизликдан, лаф-зида турмасликдан, омонатга риоятсизликдан имкон қадар қўрқиб яшамоқни яхши ўргансин. Ярамас кимсалардан эса, худди арслондан қочгандай қочсин. Иложи бўлса, ҳеч кимни ранжитмасин. Кибрдан, ғурурдан, худбинликдан, шунга ўхшаш чиркин феъл-ҳўйлардан узоқ юришни билсин, жамият ичида эса ҳамиша хайрли ва ғайратли бўлмоққа тиришсин.

Сиз бу гапларни, шубҳасиз, мендан кўра яхшироқ, биласиз. Фақат бир эслатиб қўйиш қабилида ёзмоқдаман, аммо айбга буюрманг.

Азиз биродар, жуда яхши биласизки, асардан муассирга интиқол этилади — ўтилади. Масалан бир изни кўриб, бу ердан нима ўтганини англаймиз. Ўтган жонзотни кўрмасак ҳам, ўша из бизга: бу ердан от ўтди ёки инсон ўтди ва ёки мушук ўтди, кучук ўтди, дейди. Қаердан билдинг? — десангиз, у киши бизга изни кўрсатади, бу из фалон нарсанинг изи дейди, биз эса, албатта дейишга мажбур бўламиз.

Ҳолбуки, бу кун бир миршаб бармоқ изларини шунчалик тадқиқ этадики, ўзи излаган кишининг бармоқ изларидан уни топиб олади. Чунки инсонларнинг бармоқ излари бир-бирига қатъиян ўхшамас экан. Бу фавқулодда воқеалар кўзимиз ўнгида ҳар куни жараён этиб туришига қарамай, биз ҳануз бир ғафлатдан ўзимизни қутқара олмаяпмиз. Биттагина изки, ўз эгасига далолат этар экан, бу улкан коинот ўз эгаси бўлмиш Аллоҳ Жалла ва Аълага далолат этмаслиги ҳеч мумкинми?

Ҳа, бу инсон жуда ғаройиб бир махлуқ. Баъзан шундай уринишлари борки, осмонларга учади, яна ҳам илгарилашга тиришади. Баъзан эса шу қадар тубанлашадики, бу борлиқнинг эгасини ҳатто идрок этишдан ожиз бир аҳволга тушади. Ва маозаллоҳ, Аллоҳ асрасин, коинотнинг эгасини ҳатто инкор этмоққа киришади. Бунга ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Нега инкор этасан? — деб

сўрасак, кўрмаган нарсамга қандоқ ишонаман, дейди.

Жуда соз, ахир сен кўрмаган яна қанча нарсалар бор, уларга ҳам ишонмайсанми? Масалан, ҳар лаҳза нафас олаётганимизда ҳавони кўрасанми? Йўқ, кўрмайман. Ундоқ бўлса, инкор эта оласанми? Йўқ. Нега? Чунки ҳар он нафас олаяпман, кўрмасам ҳам борлигини билаяпман. Чунки яшашим учун шу ҳавога муҳтожман. Жуда яхши, бу ҳавони ўзинг кўрмай туриб борлигига ишонасан-у, Холиқи Зулжалол ҳақида нега ўйламайсан? Сен муҳтож бўлган шу ҳавони яратган зот Аллоҳ эмасми? Ёки бунга ҳам йўқ дейсанми?... Унда бу кимсани тентак демоқдан бошқа чора йўқ.

Кейин доим кўллаётганимиз электр токини ҳеч кўрдингми? Нега бунга ишонасан? Йўқ, кўрмадим, лекин асарини кўряпмиз-ку, мана, чироқларимиз ёнапти, совутгич (холодильник)ларимизда масал-лиқ, овқатларимиз сақланяпти, сувларимиз унинг таъсирида совуяпти. Бир томондан эса печларимизда олов бўлиб, бизларни иситаяпти. Қандай инкор эта оламан! Ундоқ бўлса, бу Ер куррасини ва унинг ичидагиларни халқ этган, яратган Аллоҳ таолони қандоқ инкор этасан? Ҳеч инсофинг йўқми ёки ҳеч ақлинг йўқми?

Даҳрийлар, бечора болакайларга: Аллоҳдан шакар сўранг, кўрайлик-чи, бўлса, беради, дейишади. Болалар ҳам бирдан: Ё Аллоҳимиз, бизга шакар бер, деб бақриришади. Табиийки, ҳеч нарса йўқ. Болалар, энди шакарни фалончидан сўранг-чи, дейди даҳрийлар. Болалар бу гал бирдан жаноби хўжайиндан: бизга шакар беринг, деб сўрашади. Албатта, шакар тайёр, шу заҳоти болаларнинг олдига қўйилади, болалар шакарга ёпишади. Ана, кўрдингизми, болалар, агар Аллоҳ бўлсайди, у бизга хоҳлаган нарсамизни берар эди, деб болаларни гўдаклик чоғидан бошлаб, алдашга, лак,иллатишга уринади. Бу пасткашларга, аҳмоқларга, шўрлик ақлсизларга нима дейиш лозимлигини ўзингиз айтинг. Инсоннинг хилқатини Аллоҳ таоло яратган деган, миллионларча инсонлар бор, сен қандай қилиб, бир жухуднинг гапига алданиб, динингни, ишонч-эътиқодингни, ибодатларингни тарк этиб, кўчада қолган бир бечорадай бўлиб турибсан.

Электр токи бўлмаса, чироғинг ёнмаслигини жуда яхши биласан, Аллоҳ бўлмаса, бунчалик мавжудот ва махлуқот бўлармиди? Кейин инсондаги бу мукамалликни ким ярата олар эди? Биламизки, сен жуда ўқимишли, билагон бир кишисан. Ҳеч бир ашё бормики, ўз-ўзича майдонга келсин, хоҳ бошқа унсур ва бошқа сабабдан бўлсин. Шу сабаб бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бир яратгувчига, бир халқ этгувчига муҳтождир. Чунки ҳар ҳодис тамоман бир муҳдисга муҳтождир. Бу бир қоидаи умумийдир, хилофи жоиз эмас. Шунинг учун ҳар мавжуд, у нима бўлса-бўлсин, катта-кичик, муҳаққақ, бир ижод этувчига муҳтож. Шундоқ экан, бизларни ва биз ичида яшаётганимиз коинотни ҳамда бу коинотдаги биз кўрган-кўрмаган, билган-билмаган ҳамма нарсаларни яратган зот ягона Аллоҳдир, ягона Аллоҳ!

Аллоҳнинг ягона Аллоҳ эканлигини яхши билмоқ учун Қуръон илмига ва фикҳ илмига ўта кучли эҳтиёж бордир. Жоҳил кишилардек, фақат Аллоҳ дебгина қолмасдан, Аллоҳ таолонинг сифатларини жуда яхши ҳамда аҳли суннат эътиқодига мувофиқ бир шаклда ўрганмоқ ҳар мусулмоннинг асосий бурчи, вазифасидир, бу вожибдир, тарк этганлик туфайли масъулияти, жавобгарлиги мужибдир.

Азиз ва муҳтарам биродар! Қаранг, аммо диққат билан қаранг: дунёда шунчалар инсон, миллат, жамият дин ва мазҳаблар бор. Кўряпмизки, ҳар бири Аллоҳ дегани ҳолда, Аллоҳни танимайди, билмайди, ва ҳар бири бир йўлга кирган, йўлдан озган. Бирови ҳайкаллар ясаган, бирови бутлар ясаган, бирови ойга, бирови қуёшга, бирови эса юлдузларга сиғинган, ҳатто

кулгили, уятли аянчли аҳволда ҳайвонларга сиғинаётганлар ҳам бор. Бу бир бемаънилик, бир телбалик, тўғрироғи ошкора бир ақлсизликдир. Булар бари Аллоҳ десалар ҳам, Аллоҳни етарли англамаганлар, оқибатда маъбудлар тутганлар, бу кун музейларимизда уларнинг қолдиқлари ва парчалари топилади. Бир қисмини мен Бурса музейида кўрганман... Аллоҳ таоло хаёлга келган нарсаларнинг ҳаммасидан муназзаҳ, пок, шериги, назир, мисли, тенги, ўхшаши бўлмаган, туғмаган, туғилмаган, ота-она, бола-чақадан муназзаҳ ва мубарро — холи, озод, айбу нуқсондан бутунлай муназзаҳ, нуқсон сифатларидан пок, камол сифатлари билан муттасиф, коинотнинг ва мавжудотнинг ягона соҳиби, Молики ва Раззоқи, ҳаёт берган, кейин эса ўлим билан якунлаган, ҳар ишга кучи етган Қудрати комила соҳиби ва ҳар нарсани жуда яхши билган, илми азалийси билан таниган, ҳамма нарсани ҳали моддаларнинг ҳеч биттаси йўқ пайтида ижод қилиб яратган ва бизларга тўғри йўлни кўрсатмоқ учун Китоб юборган, қилган ишларимизни кўргувчи, эшитгувчи, ҳатто кўнгилларимиздан кечган васваса ва турли ўй-хаёл, тушунчаларимизни билгувчи, кўргувчи, эшитгувчи, ҳамда пайғамбарларига Жаброил воситасида сўзлаган, истаган ишини хоҳлаган пайтида, хоҳлаган шаклда қилган қудрат ва ирода соҳиби, қиладиган ишларида ҳеч кимсанинг маслаҳатига зҳтиёжи бўлмаган, аввали ва охири йўқ, тўқсон тўққиз асмози билан маълум бўлган зотдир. Аллоҳ таоло ва тақаддас ҳазратларининг бу 99 асмосини ҳам ўқиб, ўрганиб, Аллоҳ таолога ёлвориб, "Ё Раб, сени муносиб, энг яхши бир ҳолда танимоқни ва сенга энг яхши бир ҳолда ибодат қилмоқ қуввати, қудрати ва қобилиятини менга эҳсон айлагин!" деб кеча-кундуз унга ёлвормоқни қўлдан бермаслик шарт билан ҳар зум унга яна сиғинмоққа муҳтож эканлигимизни унутмаслик керак. Бу Аллоҳ шундай бир Аллоҳдирки, на аввали бордир ва на охири. Яхши чизилган бир доиранинг бошланган жойини билиш мумкин бўлмаганидек, сўнги нуқтасини ҳам билиш мумкин эмас. Шунинг учун қадим ва бақо сўзлари билан буни ифода қилганлар.

Кейин, Унинг ягоналигига ҳеч шубҳа йўқдир. Ҳолбуки мусулмонлардан бошқа динларнинг соликлари ҳар бири Жаноби Ҳақни бир нарсага ўхшатиб, ҳайқалини ясаб, унга сиғинганлар, ақллари етганча кўпгина илоҳлар ижод этганлар: марҳамат соҳиби бир илоҳ, ғазаб эгаси бошқа бир илоҳ, ёз худоси, қиш худоси, гўзаллик худоси каби. Мусулмонлик буларнинг ҳаммасини рад этади ва Аллоҳ ягонадир, дейди. Зеро икки илоҳ бўлгач, бир-бирлари билан келишувлари мумкин эмас, шунингдек бирлашган тақдирда ҳам, биттаси хоҳлаганини, бошқаси муҳолифат қилиши ожизликдан баттардирки, ожиз нарсанинг илоҳ бўлиши жоиз кўрилмагай. Жаноби Ҳақ эса кўпгина оятларида ягона эканлигини ва ўзидан бошқа илоҳ йўқлигини бизга жуда очиқ равшан билдиргандир. Масалан, "Ихлос" сураси машҳурдир:

Айт: Аллоҳ яккаю ягонадир!

Бошқа оятда эса бундай дейилади:

Ва илоҳингиз ягона илоҳдир.

Кейин ояти кариманинг давомида Ўзидан бошқа бирор маъбуд йўқлигини баён этади, шу билан Раҳмон ва Роҳийм эканлигини бандаларига билдиради. Шу билан бирга Аллоҳ шундай бир Аллоҳдирки, кўринган ва хаёлга келган ҳамма нарсадан узоқдир, ҳеч нарсага ўхшамас ва ўхшатишмас. Чунки:

Оятнинг давомида Ўзининг ҳамма нарсани эшитгувчи ва кўргувчи эканлигини алоҳида билдирадигани, демак, бандалари қиладиган ҳамма нарсани, ҳатто энг пинҳонларини ҳам кўриб, билиб, эшитиб туради, токи бандалар шуни билсинлар ва шунга қараб ҳаракат қилсинлар. Ёппа-ёлғиз бўлсалар, ҳеч кимса кўрмайдиган бир ерда турсалар ҳам, Аллоҳ таоло ўзларини ҳам, қилган ишларини ҳам кўриб туришини ояти жалиласида баён этади.

Тағин Аллоҳ таоло айна вақтда кўнгилларда кечган яширин нарсаларни ҳам жуда яхши

билгувчи эканлигини ояти каримада билдиради.

Бинобарин, бутларга ибодат қилиш ширкнинг энг хунугидир. Чунки Аллоҳ таоло бундай нарсаларга ўхшашликдан муназзаҳдир, ибодат ёлғиз Аллоҳгагина қилингайдир, Аллоҳга хосдир.

Фиръавндек улуғларга ҳам ибодат қилинмайди. Чунки ҳаммаси ўлимга маҳкум бир ожиз махлуқдир. Яна билмоқ вожиб бўлган бир ҳақиқат борки, борлиқлар йўқ бўлган пайтда ҳам Аллоҳ бор эди. Бинобарин, кейин яратган борлиқларининг ҳеч биттасига ўхшамайди, шунингдек бу борлиқларга ҳеч бир эҳтиёжи ҳам йўқдир. Шунинг учун Аллоҳ таолога макон кўрсатмоқ ҳам мумкин эмас. Қиём бинафсиҳи билан сўзни тугатгаймиз, вассалом.

Бу эътиқодлардан ташқарида қолмоқ аҳли суннат ақидасига зид. Эътиқод масаласида ҳаммаси борица баён қилинган.

Аллоҳ жалла жалалалухунинг сифатлари

Аллоҳ иккита дейиш қандоқ ширк бўлса, Аллоҳ осмондадир, аршдадир, дейиш ҳам шундоқ ширк бўлади, дейилган. Бинобарин, Аллоҳ таоло замондан, макондан, ўтириб-турмоқдан, бориб-келмоқдан, ухламоқдан, мудрамоқдан ва ҳар хил айбу нуқсонлардан муназзаҳдир, покдир, вассалом.

1. Ҳаёт, илм, самиъ (эшитиш), басар (кўриш), ирода, қудрат, калом, таквин (пайдо қилмоқ) Жаноби Ҳақнинг сифатларидир. Уз зоти каби бу сифатлари ҳам азалий ва абадийдир. Аллоҳ таоло абадий бир ҳаётга эгадир, билими ҳам шундоқ азалий ва абадийдир, эшитиши ва кўриши ҳам азалий ва абадийдир, фақат бу эшитиши ва кўриши бизникидек эмас. Иродаси, яъни хоҳиши, қудрати, сўзлаши ва ижод этиб яратиши — ана шу саккиз сифатининг ҳаммаси Жаноби Ҳақнинг азалий ва абадий сифатларидандир. Бу борлиқ йўқ пайтида ҳам Жаноби Ҳақ шу сифатлари билан муттасиф эди ва бу борлиқлар йўқ бўлгандан кейин ҳам Жаноби Ҳақнинг бу сифатлари боқийдир.

2. Қидам (қадимийлик), бақо, ваҳдонийят, мухолафат-ун-лил-ҳаводис, қиём би нафсиҳи — булар эса Жаноби Ҳақ зотининг сифатларидир ва ҳар бир мусулмон буларни билиб ёд олмоғи, шундоқ деб ишонмоғи шартдир, шу билан Жаноби Ҳақни таниган бўлур.

Танбиҳ

Энди сизга яна бир нарсани айтайин: Мен кўрмаган нарсамга ишонмайман, деманг. Бу кун ҳар кимнинг уйида радио бор, баъзи уйларда эса телевизор бор. Бу овозлар кўрилмаса ҳам, қулоғимиз билан эшитмасак ҳам, радиомизни бураган пайтимизда қанчалар товуш майдонга чиқади. Энди радиоси бўлмаган киши: бу овозларни мен эшитмаяпман, деб инкор қилиши кулгили эмасми? Ҳар ерда бўлган телевизион тасвирларини кўрмагани учун рад қилиши тўғри бўладими? Унда бу шўрликка кулмайдиларми? Бундан ҳам ғаройиб мисол: бизга бирови:

— Сенинг ақлинг борми? — деса,

— Албатта бор! — деймиз. Шунда у киши:

— Бўлса, кўрсат, қани, кўрайлик, — деса, нима деб жавоб берамиз. Жавобимиз фақат шу бўлади:

"Биродар, ақл кўринмайди, аммо билинади: Мана, шунча асарларни қилган эмасманми, булар менинг ақлим борлигига далил бўлмайдими?. Жуда соз, яшанг, сизнинг ақлингиз борлигига далилдир, аломатдир, жуда тўғри. Энди сен айтгин-чи, кўрайлик: сон-санови бўлмаган бу борлиқлар, ўз эгаси бўлмиш Аллоҳ таолонинг борлигига ва бирлигига далил ва аломат эмасми?"

Бошимиздаги оддий дўппи, бош кийим, оёғимиздаги оддий шиппак, бир пойафзал ҳам ўз-ўзича бўлмаслигини қабул этамиз-у, бу улкан борлиқни қандай қилиб, "табиатнинг асари" деб ўз-ўзимизни боладек алдашга уринамиз? Асардан муассирга интиқол этилишини жуда яхши билган ҳолда, қайсарлик қилиб оёқ тираб олишимиз беҳуда эмасми? Кўзларимизнинг бир кўриш ҳудуди, чегараси бор, шу ҳудуд остидаги ва устидаги, нарёғидаги ва берёғидаги рсаларни кўришимиз мумкин эмас. Буларнинг борлиқларини фақат шу илмлар билан машгул олимлардан эшитиб ишонамиз-у, Аллоҳ таолонинг ва расулунинг айтганларини, фаришталарни кўрмаймиз деб, инкор этишга чоғланмоқ тўғри бўладими?"

Мана, бу кун ижод этилган, ўта кичик нарсаларни катталаштириб кўрсатадиган микроскоп деган асбоб бор. Ундан қараганимизда нималарни кўраётганимизга ўзимиз ҳам ҳайрон қоламиз. Микроб деган жонворни кўриш имконимиз борми? АММО катталаштиргич асбоб билан қарагач, ҳа, бор экан, деймиз. Аллоҳ таолони кўрадиган табиий кўзимиз йўқ бўлса, Уни қандай қилиб инкор этайлик!

Улкан кемалар очиқ денгизда кетар экан, теграмиздаги шаҳарлар, қишлоқлар, тоғлар кўринмайди, аммо буни инкор қилмоқ қандай нодонлик?! Айбга буюрмасангиз, чин инсонга шу гаплар кифоя қилади, деб ўйлайман.

Куфри мужиб сўзлар ва ҳоллар

Энди бир оз куфри мужиб бўлган чиркин сўзларни эслатайин, токи бундан дарс олиб, тилларимизни шундай хунук сўзлардан тияйлик. Зеро бу куфри мужиб сўзлар шу қадар ёмонки, аввало инсонни диндан чиқаради, кейин хотини билан ўрталаридаги никоҳнинг бузилишига сабаб бўлади. Кейин эса ҳаж қилган бўлса, бекор бўлади. Албатта, бу жуда аянчли ва жуда янглиш бир ҳаракатдир. Бинобарин ҳар мўъмини муваҳҳид биродаримиз бу чиркин ва аянчли оқибатдан қутулмоғи учун буларни тушунтириб беришни энг улуғ бурч ва вазифамиз деб билишга уринайлик. Буларнинг бир қисми аввалроқ ёзилган "Мўъминларга ваъзлар" китобида бир мунча ёритилган, аммо бу ўринда ҳам такрор эслатмоқ мажбуриятини ҳис этмоқдаман.

Жаноби Ҳақ ҳаммамизни бу куфри мужиб бўлган, Ҳақдан узоқлашмоғимизга сабаб бўладиган ахлоқсизликлардан, чиркин ва ёмон, катта ва кичик гуноҳлардан Ўзи асрасин. Омин.

1. Ҳар сўз ва ишки, динни истихфоф этишга, яъни камситиб қадрсизлантиришга сабаб бўлса, шу сўзни айтган ёки бу ишни қилган кишининг куфрига ҳукм қилинади. Ва маозаллоҳ, Аллоҳ асрасин, диндан чиқиб муртад бўлишига сабаб бўлади. Хоҳ чиндан, хоҳ азилдан қилган бўлсин. Бу куфри инодийдир. Зеро бу нарса динни камситишга сабабдир. Бу ҳол кўпинча йиғинларда одамларни кулдириш ва завқлантириш учун махсус кишиларда кўп учрайди.

2. Ҳақ таоло ҳазратларини, шони улуҳиятига лойиқ бўлмаган сўзлар билан сифатламоқ, тушунтирмоқ, асмо ва сифатларидан ёки амр ва наҳийларидан (буйруқ ва қайтариқларидан) биронтасига истеҳзо қилиб кулмоқ, ваъда қилган жаннатини ёки ваиди бўлган азоб ва дўзахдан

биронтасини инкор қилмоқ, ёки Ҳаққа жаҳл, ажз, айб, жабр ва зулмни нисбат бермоқ, ёки унга макон иснод этмоқ.

3. Ким бўлса-бўлсин, қасддан таҳоратсиз намоз ўқиса, мутлак, кофир бўлади. Аксарият ҳолларда одамларни ишонтириш учун баъзи манфаатпарастлар шундай қилишади.

4. Билиб туриб Қибладан бошқа тарафга қараб ёки нажосатли кийим кийиб, ёхуд ич кийими билан динни истихфоф этмоқ — камситмоқ учун намоз ўқимоқ.

5. Лозим бўлмаган ўринда белига поплар боғлайдиган "зуннор" деган белбоғни боғламоқ.

6. Кофирларнинг байрамларида улар билан байрам қилмоқ, ва ўша куни уларнинг хоҳишига мувофақат айламоқ, шу куннинг ҳурмати учун сотиб олмаган нарсаларини сотиб олмоқ (ҳиндилардан ва шунга ўхшаганлардан).

7. Кофирларнинг урф-одатларини хуш кўриб, ёқтирса.

8. Инсонни қаршилаб олиш учун, унга атаб жонлиқ сўйса. Бу ҳайвон билиттифоқ ўлиқдир, ейиш жоиз эмас.

9. Ҳаромлардан савоб умид қилмоқ.

10. Аллоҳдан бошқасига сажда қилмоқ.

11. Пайғамбарликлари собит бўлган анбиёдан биронтасининг нубувватини (пайғамбарлигини) инкор қилмоқ.

12. Фаришталардан ва пайғамбарлардан биронтасини истихфоф этмоқ — камситмоқ, аҳамиятсиз кўрмоқ. Хоҳ фақирликларида (камбағалликларида), хоҳ касалликлари туфайли бўлсин.

13. Оиша розиаллоҳу анҳо онамизга лойиқ бўлмаган гапни гапирмоқ.

14. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик, розиаллоҳу анҳунинг суҳбатини, имоматини, халифалигини инкор этмоқ.

15. Ҳазрати Умар-ул-Форуқ розиаллоҳу анҳунинг хилофатини инкор қилса.

16. "Баззозийя" да айтиладики, рофизий ҳазрати Абу Бакр билан Ҳазрати Умарни сабб (ҳақорат) қилса, куфрига ҳукм қилинур.

17. "Жавҳара" дейдики, ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар ва бошқа саҳобаи гузин розиаллоҳу анҳумни сабб (ҳақорат) ва таъна қилса, куфр билан бирга қатлни ҳам вожиб қилади. Бундайларнинг тавбаси қабул қилинишида ихтилоф бор. Лекин тавбаларнинг қабул қилинмаслигига фатво берилган.

18. Бир киши, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қовоқни яхши кўрардилар деса-ю, бошқа бириси, мен яхши кўрмайман деса ва буни ихонат (яъни камситиш) тариқида айтса.

19. Аллоҳ таоло менга буни амр этса эди, қилмас эдим, деса.
20. Қибла бу томонда бўлсайди, намоз ҳам ўқимасдим, деса.
21. Аллоҳ менга Жаннатни берса, сенсиз хоҳламайман ёки кирмаймай, деса.
22. Сен билан ҳатто Жаннатга ҳам кирмайман, деса.
23. Жаннатни хоҳламайман, менинг хоҳлаганим Уни, яъни Аллаҳни кўрмоқдир, деса.
24. Дунёни охират учун тарк қилгин, деган кишига, нақд турган нарсани, яъни дунёни қандай қилиб насия учун, яъни охират учун тарк қиламан, деса.
25. Фарзлардан биронтасини инкор қилса, яъни 32 фарздан бирини инкор этса.
26. Витр намозининг ва қурбоннинг аслини (ҳақиқийлигини) инкор этса.
27. Азони Муҳаммадийни масхара қилиб кулса.
28. Қиёмат ҳолатларидан биронтасини инкор қилса. Масалан, ҳисобни, амалларнинг тарозида тортилишини, сирот кўпригини, Жаннатни, Дўзахни ва бошқа шу кабиларни инкор қилса.
29. Ҳаромлиги далили қатъий билан маълум бўлган ҳаромларни ҳалол деса; шароб каби, чўчқа гўшти емоқ каби нарсаларни. Ҳаромлигини билган ҳолда қилса, фосиқ бўлади.
30. Ояти Қуръонийядан биронтасини инкор қилса.
31. Қуръондан бирон оятни табдил этса — ўзгартирса.
32. Қуръони азимни хор тутса.
33. Қуръони азимни истихфоф этса — камситса.
34. Олот-и лаҳв — ўйин-кулги, томоша, мусиқа асбоби чалинаётганда Қуръон ўқиса.
35. Ҳаром нарсани еяётиб, ичаётиб ёки ҳаром бир ишни қилаётиб "Бисмиллоҳ" деса.
36. Ҳаром ишни қилгандан кейин "алҳамдулиллаҳ" деса. (Бунда ихтилоф бор).
37. Амр қилинадиган (Буюриладиган) жойда, масалан егин, дейиладиган жойда, ичгин, дейиладиган жойда ёки изн сўраган кишига киргин, дейиладиган жойда "бисмиллоҳ" деса. Зеро зиллат (хорлик) мақомида Аллоҳ таолонинг исмини қўлламоқ ихонатдир — таҳқирдир. Аллоҳ таолонинг исмини ихонат қилмоқ — таҳқирламоқ эса куфрдир, бундай сўзлардан иложи борича сақланмоқ керак.
38. Ҳалол луқма егин деган кишига, ҳаром менга ҳалолдан яхшироқдир, деса.

39. Ҳаром бир нарсани, шу ҳалол деса. (Шундай деб эътиқод қилса).
40. Шаробнинг (ароқнинг) ҳаромлиги Қуръон билан собит эмас, деган кимса.
41. Катта ва кичик гуноҳлардан биронтасини ҳалол, деб қабул этган кимса.
42. Аёли бидан унинг ҳайз ҳолида мужоамат қилишни ҳалол деб эътиқод этган киши. Баъзиларнинг фикрича кофир бўлмайди, лекин гуноҳкор бўлади, деганлар.
43. Баччабозликни ҳалол деган кимса.
44. Воиз ва мударрисларга тақлид қилиб, бу тақлидчилигидан кулган кимсалар. Шаръ-и шарифни истихфоф этган, яъни камситганларнинг, мазаҳ қилганларнинг ҳаммасига таждиди иймон (иймонни янгилаш) ва таждиди никоҳ (никоҳни янгилаш) буюрилади. Ҳаж қилган бўлса, қайтадан ҳаж қилмоғи лозим.
45. Илмга ва олимга истихзо қилса, масхаралаб кулса.
46. Бир олимни ёки бир фақиҳни сабабсиз сўккан кимсанинг куфридан қўрқилади.
47. Бир мусулмонни, эй кофир деб чақириб, шу сўз билан шатмни (ҳақоратни) мурод этса ва шу билан унинг куфрига эътиқод қилса (Яъни уни кофир деб эътиқод қилса).
48. Эй кофир ёки эй яҳудий (эй жухуд) деб чақирган кишига лаббай, яъни буюринг, тақсирим, деб жавоб берса.
49. Гуноҳни таҳқир қилган (эътиборсиз кўрган) ва шу гуноҳи уқубатга, яъни азобга сабаб бўлишига ишонмаган кимса.
50. Гуноҳларни, маъсиятларни қабиҳ деб ёмон кўрмаган, ибодат ва тоатни эса хуш кўрмаган кимса.
51. Тоат учун савоб, маъсият учун эса иқоб бўлади, деб эътиқод қилмаган кимса.
52. Мен савоб ва иқобдан берайин, деган кимса.
53. Ўз иймонидан шак-шубҳа қилган кимса.
54. Қуръони Каримни махлуқ деган кимса.
55. Мутлоқ иймон махлуқдир, деса. Иймон қулнинг иқрори ва тасдиқи жиҳатидан махлуқ, Ҳақдан ҳидоят этилиши жиҳатидан ғайри махлуқдир, яъни махлуқ эмасдир.
56. Максни муқотаа (устама) тариқида олган ушрчига, муборак бўлсин, деса. (Макс: ушрчиларнинг ушрни олгандан кейин ортиқча қилиб олган пули макс дейиладики, бу бир турли порадир, ришватдир). Ушр шаръийдир. Ҳосилнинг ўндан бири давлатга ёки фуқарога ва ёхуд

хайрия жойларига берилади, бир тур закотнинг ҳосилдан олинадиган қисми ушр (ўндан бир) дейилади. Ушр тўплаш учун ушрчилар тайинланади. Ҳосил мавсумида қишлоқлардан ва ҳосил эгаларидан олинган миқдор ушр дейиладики, бу машруъдир, ундан ортиғи ҳақсизлик ва зулмдир. Ёки сотилган молдан олинган пулни айтадиларки, у замон "бос" дейилган (бос — хавф, азоб, қаттиқлик маъносида). Ёки моли қийматидан паст баҳода олинадики, бу ҳам бир хил ҳақсизлик ва зулмдир. Ана шундай ҳақсизлик билан олинган пулларни "муборак бўлсин" деса, қимор ва шунга ўхшаш нарсалардан олинган пулни "муборак бўлсин" дейиш билан бир хилдир.

57. Фалон ишни қилган бўлсам ёки фалон ишни қилсам, кофир бўлайин, деса.

58. Ғайбни биламан, деган иддиода бўлган кишини тасдиқ этса.

59. Мен урилган молларни биламан, деса.

60. Менга жинлар хабар беради, деган киши ҳамда унинг бу сўзини тасдиқ этган кишилар. Зеро ғайбни на инс билади ва на жин билади. Аксинча, ёлғиз Жаноби Ҳақ билади.

61. Гувоҳсиз никоҳ қилинса, Аллоҳни ва расулини ва фаришталарни шаҳид тутдим, деса.

62. Қарғанинг қағиллашини эшитиб, йўлидан қайтган кимса; товушқон (қуён) йўлдан кесиб ўтганда ўлидан қолган кишининг куфри ихтилоф қилинган.

63. Бир муддат куфрни қасд этса, бутун умрида кофир бўлади.

64. Бошқа бировга айтиш учун куфрни талқин этган иши дарҳол кофир бўлади. Нариги одам хоҳ айтсин, хоҳ айтмасин.

65. Аллоҳ таоло осмонда бу ишни билади, деса ва Жаноби Ҳаққа макон қасд этса.

66. Ҳақдан холи, бўш бир макон йўқ, Ҳақдан бирон макон холи эмас ва У бир макондан холи эмас, деса.

67. Иншааллоҳ, фалон ишни қиласиз, деган кишига: мен "иншааллоҳ"сиз қиламан, деса.

68. Касал бўлмаган кишини, Ҳақ таоло буни унутибди, деса.

69. Душманига (рақибига): "Мен сен билан ҳукми Худо асосида иш қиламан" деган кишига, мен ҳукми билмайман, ёки бу ерда ҳукм ўтмайди ва ёхуд бунда ҳукм йўқ, деган кимса.

70. Ҳақ таоло менга яхшилик қилади, ярамаслик мендан ўтади, деган кимса. Авом кишилар буни кўп айтади. Ғафлатда қолмаслик керак.

71. Фалон киши ажали билан ўлмайди, деса. Бу ҳам халқ орасида кўп айтилади.

72. Мен худоман, мен пайгамбарман деган кимса.

73. Пайғамбарлар суннатидан бирор суннатни истихфоф этган — камситган кимса. Зеро бу истихфоф (камситиш) суннат соҳиби бўлмиш пайғамбарларга қилингандай бўлади. Масалан, бир

киши бошқа бирига мўйловингни кес, нега кесмайсан, мўйловларни кесиш (қисқартириш) суннатдир деса, у эса жавобан, суннат бўлса ҳам кесмайман, қисқартирмайман, деса. Бошқа суннатлар ва хусусан машҳур суннатлар ҳам шундайдир.

74. Намоз ўқи, токи намознинг тотини билгайсан, деган кишига қараб, сен эса намозни тарк қил, токи бенамозликнинг мазасини биласан, деган кимса.

75. Намоз ўқи, деган кишига қараб, ўқимайман, зеро савоби домламники бўлади, деган кимса.

76. Бир киши маълум бир ой (рамазон) да намоз ўқиб, аммо бошқа вақт ўқимаса. Бундай ҳол кўп учрайди. Чунки ҳар бир намоз етмиш намоз ўрнига қоим бўлади, деган кимса.

77. Намоз ўқимайдиган кишига намоз ўқи, дейилганда, ўқимайман, деса.

78. Закот бермаган бир кишига, закот бер, дейилганда, бермайман, деса. "Жомии асгор" соҳиби дейдики, буни жаҳл (қизиққонлик) ва истихфоф (камситиш) тарзида айтилгани учун. Маълумки, шариат ҳукмларидан биронтасини истихфоф қилиш (камситиш) куфрдир. Бинобарин, суннатларни ҳам истихфоф (енгил) ва ҳақир кўриб, қадрсизлантириш тарзида тарк этмоқ аввалиятдан куфри мужиб эканлигига шубҳа йўқ.

79. Икки киши жанжаллашиб, биттаси "Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи" деса-ю, униси эса, мен "Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллоҳи"ни билмайман, ҳақимни бер, деса. (Тасбиҳ ва таҳлил ҳам шундай).

80. Бир кишининг бировдан оладигани бўлса ва уни сўраса, йўқса, қиёмат кунида сендан оламан, деганида, нариги қарздор киши эса, яна шунча бергин, қиёмат куни икковини баравар оласан, деса. Булар қиёматни ҳақир кўрмоқликдандир. Қиёматни истихфоф этиш — камситиш эса куфрдир.

81. Қиёматда шунчалик гавжумликда сен мени қаердан топасан, деган кишининг куфрида ихтилоф қилинган.

82. Қиёматдан кўрқмайман, деса.

83. Амри маъруфни инкор қилса, чунки амри маъруф фарздир. Фарзни инкор қилганлиги туфайли.

84. Илм тазвир (ҳийладир, тузоқдир) деб ҳийлаи шаръияни инкор қилса. "Ҳийла" "чора" маъносидадир.

85. Бир киши, нечун мажлиси илмга келмайсан, деган кишига қараб, менинг мажлиси илмда нима ишим бор, деса.

86. Менга ейдиган нарса керак, илм етмайди, деса. Бундай гаплар ҳозирги пайтда кўп айтилади, иложи борича сақланмоқ керак.

87. Бир олим бирор масоили динийга ёки ҳадиси шарифни нақл этаётганида эшитаётганлардан биронтаси, бу гап нимага ярайди, бизга пул керак, илм кимнинг ишига ярайди,

деса.

88. Аҳлим ва аёлим маишати — тирикчилиги билан машғул бўлиб, илм мажлисига боришга қодир эмасман, деса. Агар илмни қадрсизлантиришни мурод этган бўлса, катта хавф-хатар бор.

89. Бир хотин олим бўлган эрига, лаънат сенга, деса. Илмдан мурод илми шаръийдир.

90. Шарид ҳикояси, қиссаси илмдан авлодир, деса. Илмни истихфоф этгани — камситгани туфайли.

91. Бир мусулмон, мен мулҳидман, деса. Зеро мулҳид кофирдир. Зеро у қиёматга, ҳисобга, азобга ишонмаган, маслақдан, йўлдан озган, Худодан қайтган кимсадир.

92. Зино, зулм, ноҳақ одам ўлдириш ҳаром бўлмаса эди, деган кимса. Зеро булар ҳеч қачон ҳалол бўлган эмас.

Танбиҳ: Етти нарса барча динларда мубоҳ бўлмаган: зино, риё, ноҳақ одам ўлдириш, мастлик-сархушлик, номусга тажовуз, молга тажовуз ва ёлғон.

93. Кофирларнинг байрам кунларида ҳадяларини, совғаларини олмоқ динга зарардир, сақланмоқ керак.

94. Кичик гуноҳ қилган бир кишига, бунга тавба қил, деса, у эса, нима қилдимки, тавба қиламан, деса. Зеро маъсиятни истихфоф қилиш — енгил кўриш ҳам куфрдир ва ортиқ сақланмоқ керак.

95. Аҳли суннат наздида маъсият кишини иймондан чиқармайди, бу эса маъсиятни ҳалол ва кичкина кўрмоқлик билан муқайяддир (боғлиқдир). Агар гуноҳни ҳалол деса ва истихфоф (енгил кўриш) йўли билан гапирса, куфрида шак йўқдир.

96. Бир хотиннинг эридан чиқиш учун иртидод этмоғини — муртад бўлмоғини буюрган ва фатво берган кимса.

97. Бир мусулмонга, "лаънат сенга ва сенинг мусулмонлигинга", деса.

98. Билжумла калимаи куфр билан, маъносини билган ҳолда қасддан ҳазиллашиб, яъни латифа қилиб, ёки луиб, яъни масхара қилиб, ҳазил-ҳузул билан гапирса, жамии уламо наздида кофир бўлади ва унинг эътиқодига эътибор бўлмайди.

99. Тили билан тавъан (ўз хоҳиши) билан кофир бўлиб, қалбан (дилида) иймонда мутмаъин бўлса ҳам, барибир кофирдир. Дилидаги иймон унга фойда бермайди, Аллоҳ наздида ва одамлар наздида кофирдир.

100. Куфр сўзларни эшитиб кулганлар ҳам кофир бўлади. Замонамиздаги масхарабоз (қизиқчи) деган, кўп гапириб халқни кулдиришга уринган кимсалар ҳам бундай хатарли сўзларни айтмоқдан иложи борица аҳтиёт бўлмоғи керак.

101. Бошқа бировнинг куфрига ризо бўлиш ҳам куфрдир. Ҳар қанча ихтилоф қилганлар бўлган эса-да, куфрларига мутталиъ — огоҳлантириш бўлган.

Куфри мужиб сўз айтганнинг ҳукми

Куфри мужиб бўлган сўзлар кўпгина китобларда узун қилиб ёзилган. Биз эса ўрнида бир миқдорини ёза олдик. Бу куфр сўзни айтган киши, агар карҳан (мажбуран) ёки хатоан эмас, балки ўз ихтиёри билан сўзлаган бўлса, муртад бўлади, яъни диндан қайтган бўлади. Шунда никоҳ ҳам фосид бўлади. Маҳкамага ёки ЗАГС идораларига бориб юришнинг ҳожати йўқ, ўз-ўзидан эридан чиққан бўлади. Шунда таждиди иймон ва таждиди никоҳ (иймонни ва никоҳни янгилаш) лозим бўлади. Аммо таждиди иймонда калимаи шаҳодатни келтириш кифоя эмас, балки у куфри мужиб бўлган нарсадан ружуъ қилмоғи — қайтмоғи лозим.

Шуниси жуда шоёни диққатдирки, таждиди иймон ва таждиди никоҳдан аввал хотини билан қилинган жинсий алоқаси зинодир ва ундан туғилган бола ҳам валади зинодир — ҳаромидир, сўйган нарсаси ҳам ейилмайди. Аллоҳ асрасин.

Ҳолбуки, хоҳ яҳудийларнинг, хоҳ христианларнинг сўйган нарсаларини ейиш мумкинлиги ҳар кимга маълум.

Бундан ташқари, қилган вақфлари ҳам ботилдир, ҳукмсиздир. Ворисларига қолади, такрор иймонга келганидан кейин вақфи ҳам ейилиши мумкин бўлади.

Эркак ёки хотиндан бирови, маозаллоҳ, Аллоҳ асрасин, шу калимаи куфрдан бировини айтишса, яъни муртад бўлишса, зоҳирий ривоятда ораларига дарҳол фурқат, айрилиқ тушади. Яъни никоҳ бутунлай фасҳ (бекор) бўлади, қозининг ёки хокимнинг ҳукмига таваққуф этмайди (кутиб турмайди). Хоҳ уйли-жойли, бола-чақали бўлсинлар, хоҳ ҳали никоҳлик бўлиб, болалари туғилмаган бўлсин, иккаласи ҳам баробардир. Иккаласининг бирдан куфри, табиий равишда айрилиги мусталзим (лозим) бўлади. Бу ўринда тушунтирилишини истаб, хотини ёки эридан бирови иртидод (рад) этган тақдирда ҳам, никоҳнинг фасҳ (бекор) бўлгани тушунтирилади.

Бугун эса кўпгина иймонсиз аёл ва эркакларнинг борлиги ошкор, ана шундай тарзда майдондадир. Бирови ундай, бирови бундай фикрда. Нима бўлса ҳам, Ислом ақоидларига муҳолафат қилган ҳар ким Исломдан ташқарида ҳисобланади ва бирор мусулмон қизини ололмайди, ундай қиз ҳам бир мусулмон эркакка қатъиян никоҳланмайди. Шаръан саҳиҳ эмас. Шунинг учун турмуш ўртоғингни танлаётиб, яхши ўйлаб, шундан сўнг қарор қилгин. Йўқса, маълумотига ёки бойлигига ва ёхуд гўзаллигига, шуҳратига алданиб, кўзининг хоҳишига қараб ўйланмоқ ҳеч бир ақлли кишига ярашмайди. Зеро кейинги пушаймонлик кишига фойда бермаслиги ҳаммага маълум. Бинобарин, ҳар бир мусулмон биродаримга биродарларча бир насиҳат бўлсин деб, ушбу сўзларимни ёзмоқдаман. Сизлардан узр сўраб, бахт-саодат ва саломатингизни Мавлодан тилайман.

Бундан кейин ёзадиганим — иймон ва исломга оид ҳадиси шарифларни ҳам яхши ўқиб, мумкин бўлса, ёдлаб олмоғингизни умид қиламан. Чунки динига фойдаси тегадиган 40 та ҳадиси шарифни ёдлаган киши эртанги қиёмат кунинда уламо сифатида тирилгайдирки, бу не буюк давлат ва шарафдир. Шунинг учун ихмол этмаслигингизни — бепарволик, сусткашлик қилмаслигингизни тавсия этаман. Бу фақир айбу нуқсонли биродарингизни ҳам дуоларингизда унутмаслигингизни

умид этгайман.

Аҳли суннат вал-жамоат имомлари ҳақида

Аҳли суннатнинг икки имоми бор: битталари ҳазрати шайх Абу Мансур Мотурудийдир. Бу кунги Ўзбекистон мамлакатидан, Самарқандга яқин Мотуруд мулкидан бўлган бир туркий (ўзбек) олимдир. Иккинчилари эса ҳазрати шайх Абул-Ҳасан ал-Ашъарийдир. Абу Мансур Мотурудий ҳазрати Имоми Аъзам Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳнинг ақидасига асосланган.

Ҳазрати Абул-Ҳасан ал-Ашъарий ақидасига Имоми Шофиий, Имоми Молик ва Имоми Ҳанбалий мазҳаблари асос бўлган. Бу икки имом орасида муҳим бир ихтилоф, фарқ йўқ. Мавжуд ихтилофларда ҳам куфрни ёки бидъатни ижоб этадиган бирон нарса йўқ, фақат лафзларда хилма-хиллик бор. Бу икки имомнинг ақидалари қуйидагича баён қилинган.

Аҳли суннат вал-жамоат розиаллоҳу анҳум ажмаъин ҳазратларининг эътиқоди будур:

1. Аллоҳ таоло биттадир — ягонадир, қадимдир, араз (кейин бўлган эмас), жисм, жавҳар (модда), мусаввар (тасаввур қилинган), маҳдуд ва маъдуд (чегараланган ва саналадиган) эмас.

2. Қадим, бизнинг таъбиримизча аввали бўлмаган ва охири бўлмайдиган бир зоти жалили аълодир.

3. Моҳият ва кайфият билан васф қилинмас.

4. Бир маконга муҳтож эмас.

5. Ундан (Унинг учун) замон (вақт) ўтмагай.

6. Унга ҳеч нарса ўхшамас.

7. Илмидан ва қудратидан ҳеч нарса камаймас ва кетмас.

8. Унинг зоти билан қоим сифоти азалийяси бор.

9. Сифатлари Унинг на зотининг айни ўзи ва на ғайрисидир. Масалан, ойнага қарасангиз, ўзингизни кўрасиз. Шу ойнада кўргангиз бир қарашда гўёки худди ўзингиздир, бу мен эмасман, дея олмайсиз, шу менман десангиз ҳам бўлмайди. Шунинг учун на айни ўзидир ва на ғайрисидир, деганлар. Бу сифатлар эса қуйидагилардир: ҳаёт, илм, қудрат, ирода, самиъ, басар, калом, таквин.

10. Аллоҳ таолони кўрмоқ ақлан ҳам, нақлан ҳам жоиздир.

11. Коинот, олам жамии ажзоси (барча жузлари, бўлаклари) билан ва сифоти билан муҳдас, яъни йўқдан вужудга келтирилгандир.

12. Уни йўқдан пайдо қилиб, майдонга келтирган Аллоҳ таолодир. Бандаларининг бутун феъллари: куфр, иймон келтириш, тоат ва исён қилиш — ҳаммасининг холиқи Аллоҳ таолодир.

13. Аллоҳдан бошқа Холиқ йўқдир.

14. Бу феълларнинг бандалардан судури — содир бўлиши Ҳақ таоло ҳазратларининг иродаси, хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири биландир.

15. Бандаларининг ишларида ўз ихтиёрлари ҳам бор. Уларга савоб ва иқоб (жазо) бўлгайдир.

16. Тоатда савоб, маъсиятда эса иқоб бордир. Яхши ишларни қилганларни яхши кишилар мақтагайлар, охиратда ҳам улар савобга ноил бўлгайдирлар, буларда Жаноби Ҳақнинг ризоси бор.

17. Хунук ва ёмон нарсаларким, аҳли дунё ҳам хуш кўрмагай, охиратда иқобга (жазога) сабаб бўлгай. Бу Ҳақ ризоси билан эмасдир.

18. Банда кучи (тоқати) етмайдиган бир ишга (нарсага) таклиф қилинмайди.

19. Савоб Жаноби Ҳақнинг фазлидир, азоби эса адолати ижобидир.

20. Мақтул (ўлдирилган киши) ўз ажали билан ўлгандир. Яъни урдилар, шунинг учун ўлди,

демоқ жоиз эмас, ажали етди, ўлди, бу пичоқ ёки ўқ сабаб бўлгандир.

21. Ажал биттадир. (Ўлим).
22. Ҳаром ҳам ризқдир.
23. Ҳар ким ўз ризқини ейди, хоҳ ҳалол бўлсин, хоҳ ҳаром.
24. Ҳеч ким бировнинг ризқини ейишга қодир эмас.
25. Аллоҳ таоло залолат ва ҳидоятини халқ этгандир.
26. Хоҳлаганига залолатини ва хоҳлаганига эса ҳидоятини халқ этар.
27. Банда учун аслаҳ бўлган ишларни қилмоқ Аллоҳ таолога вожиб эмас.
(Изоҳ: Бандага хос, банда учун яхши ҳисобланган, иймон келтириш ва бошқа солиҳ амаллардек аслаҳ бўлган феълларни қилмоқ Аллоҳ таолога вожиб эмас).
28. Ҳазрати Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйғоқлик ҳолларида жисмлари билан (Маккаи Мукаррамадаги) Масжиди Ҳаромдан (Қуддуси шарифдаги) Масжиди Ақсога олиб борилганлари, у ердан самоватга ва ундан эса Ҳақ таоло мурод этган жойга юксалганлари ҳақдир.
29. Малак-ул-мавт (ўлим фариштаси) ҳақдир (ҳақиқатдир).
30. Қабрда барча кофирларнинг ва айрим гуноҳкор мусулмонларнинг азоб тортишлари ҳақдир (ҳақиқатдир).
31. Ибодат ва тоат аҳлининг неъматларга ноил бўлмоғи ҳам ҳақдир (ҳақиқатдир).
32. Мункарайн малакларнинг — икки фариштанing сўроқ қилишлари ҳам ҳақдир.
33. Қиёмат куни қайта тирилмоқ ҳақдир.
34. Амалларнинг тарозуда тортилиши ҳақдир.
35. Китоб (номаи аъмол) ҳақдир, ҳисоб ҳам ҳақдир.
36. Ҳавзи кавсар ҳақдир.
37. Сирот кўприги ҳам ҳақдир.
38. Пайғамбарларнинг, авлиёларнинг, шаҳидларнинг шафоати ҳам ҳақдир.
39. Жаннат ва Дўзах ҳам ҳақдир ва улар ҳозир ҳам мавжуддир, боқийдир.
40. На Жаннат, на Дўзахга ва на уларнинг ичидагиларга — ҳеч бирига йўқлик, фано келмагай.
41. Катта ва кичик гуноҳлар ҳар қанча кўп бўлса ҳам, мўъминни иймондан чиқармас ва куфрга ҳам туширмас.
42. Жаноби Ҳақ, Ўзига қилинган ширкни авф этмагай.
43. Ширқдан ташқари катта ва кичик гуноҳлардан хоҳлаганини мағфират қилгай.
44. Кичик гуноҳларга иқоб (жазо) жоиздир. (Катта гуноҳлардан сақланса ҳам). Катта гуноҳларнинг авф этилиши ҳам жоиздир, тавба қилмаса ҳам.
45. Иймон ҳазрати пайғамбаримиз Аллоҳ тарафидан хабар берган ҳамма нарсани дил билан тасдиқламоқ ва тил билан айтмоқликдир.
46. Амаллар иймон ҳақиқатига дохил эмасдир.
47. Амаллар ўз нафсларида зиёда бўлади. Аммо иймон ҳақиқати на ортади, на камаяди.
48. Амалларнинг ортиши билан иймоннинг самараси ва нурлари ортади.
49. Ҳар бир мўъмин: мен Ҳаққан мўъминман, демоғи керақдир. Аммо "иншаллоҳ, мен мўъминман" демоқ, таъвил билан бўлса-да, тўғри эмас. Шак-шубҳа билан бўлса, айтган киши диндан чиқади деб, иттифоқ қилинган.
50. Иймон тасдиқ ва иқрор эканлигига биноан махлуқдир ва қулнинг касби (иши) дир, меҳнати-фаолиятидир, Ҳақдан ҳидоят эканлигига биноан эса, махлуқ эмас.
51. Муқаллиднинг (тақлидчининг) иймони шак ва шубҳадан холи бўлса, саҳиҳдир, лекин қодир бўлса, далилларни тарк этганидан осийдир.
52. Айрим ҳолда саъид — саодатга эришган киши шақий, яъни дўзах аҳлидан бўлади ва баъзан шақий, яъни дўзахий киши эса саъид, яъни аҳли жаннат бўлади. Яъни мусулмон бўлиб туриб, кофир бўлади ёки кофир бўлиб туриб, мусулмон бўлади. Аммо Аллоҳнинг ҳукмида ўзгариш

бўлмагай. Хоҳ зотида ва хоҳ сифотида бўлсин, тағйир (ўзгариш) жоиз эмас.

53. Пайғамбар юборилишида ва Китоби илоҳийнинг нозил қилинишида ҳикмат ва салоҳ (яхшилиқ) бор.

54. Ҳақ таоло бандаларига башардан (инсондан) пайғамбар юборди. Пайғамбарлар аҳли иймон ва аҳли тоатга Жаннат хушхабарини бериб, аҳли куфр билан осийларни эса Дўзах ва иқоб (жазо) билан танзир этдилар, қўрқитдилар, инсонларга эса дин ва дунёларида муҳтож бўлган нарсаларини ўргатдилар. Аллоҳ уларни мўъжизалар билан қувватлантирди.

55. Биринчи пайғамбар — Одам алайҳиссалом, охириги пайғамбар эса, бизнинг пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Барча пайғамбарларнинг афзали пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

56. Фаришталар эса Аллоҳ таолонинг бандаларидир ва амрларига омилдирлар, маъсиятдан покдирлар. Эркаклик ва аёллик хусусиятлари йўқ, емоқ ва ичмоққа муҳтож эмаслар.

57. Пайғамбарлар фаришталарнинг расулларидан (элчиларидан) афзал, фаришталарнинг расуллари эса башарнинг солиҳларидан, башарнинг солиҳлари эса бутун фаришталардан афзалдир.

58. Каромат ҳақдир ва бу каромат, қайси пайғамбарнинг шариатида бўлса, ўша пайғамбарнинг мўъжизасига дохилдир. Авлиё ўз кароматида мустақил эмас.

59. Авлиёлик пайғамбарлик даражасига восил бўла олмас.

60. Ҳеч бир ҳолда бандадан таклиф (даъват, чақириқ) соқит бўла олмас.

61. Авлиёнинг афзали ҳазрати Абу Бакрдир, ундан кейингиси ҳазрати Умар ал-Форук, ундан кейингиси Усмон Зуннурайдир, ундан кейингиси ҳазрати Али-йул Муртазо ризвонуллоҳи таъало аълайҳим ажмаъин ҳазратларидир. Хилофат шу тартиб асосидадир.

62. Саҳобалардан ҳеч бировини яхшилиқдан бошқа бирон нарса билан ёд этмок, жоиз эмас.

63. Хилофат (халифалик) 30 йилдир. Ундан кейин малик ва амриликдир.

64. Аҳли Исломга бир имом мутлақо лозимдир, мусулмонларни ҳам қўриқламоқ, ҳам ишларини лойиқлик билан кўриб бормоқ, жумъа ва байрам (ҳайит) намозларининг сиҳҳати (соғломлиги) учун керакдир.

65. Фосиқнинг орқасида (иқтидо этиб) намоз ўқимок, жоиздир. Фосиқнинг жаноза намозини ўқимоқ жоиздир.

66. Ҳар қачон маҳсига масҳ тортмоқ жоиздир.

67. Тирикларнинг ўликлар учун қилган дуоси ва садақаларининг марҳумларга фойдаси бордир.

68. (Муайян) вақт ва маконларнинг фазилатлари борлиги ҳақдир: рамазон ойи, ражаб, шаъбон, муҳаррам: арафа куни, байрам (ҳайит) кунлари: Маккаи Мукаррама, Мадинаи мунаввара, Қуддуси шариф ва масжидлар сингари.

69. Илм ақлдан афзалдир. Мушрикларнинг болалари хусусида имомимиз сукут қилганлар.

70. Сеҳр бор нарсадир.

70. Сеҳр бор нарсадир.

71. Кўз тегиши ҳам бор гапдир.

72. Мужтаҳид баъзан исобат (тўғрилик) қилар, баъзан хато қилар.

73. (Мужтаҳид) ўз ижтиҳодида исобат қилса, икки савоб топар, хатоси учун эса бир савоб олур.

74. Қуръони Каримда (зикр қилинган) инсонларнинг мумкин бўлгани қадар зоҳирига ҳамд айтилиши (мақталиши) вожибдир.

75. Умматдан ҳеч бировига жаннатлик деб гувоҳлик бермангиз. Фақат расулуллоҳ шаҳодат берган Ашараи Мубашшара бундан мустасно, улар эса қуйидагилардир: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Саъд, Саид, Абдурраҳмон бин Афв, Абу Убайда бин Ал-Жарроҳ

ризвонуллоҳи таъало

алайҳим ажмаъин.

76. Дажжолнинг чиқиши ҳақиқатдир.

77. Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушиши ҳақдир.

78. Қуёшнинг ғарбдан чиқиши ҳақдир.

79. Даббатул-арзнинг — Ер ҳайвонининг чиқиши ҳақдир.

80. Коҳинга (сеҳргарга), мунажжимга, фолбинга бориб бирон нарсани сўрамок, жоиз эмас.

Биздаги фолбинлар ҳам шунга киради.

81. Уларнинг айтганларига ишонмоқ ҳам жоиз эмас.

82. Жамоат ҳақдир ва савобдир, раҳматдир. Айрилиш азобдир.

83. Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги энг мақбул дин Ислом динидир.

ГУНОҲИ КАБИРАЛАР

Мўмин банда Аллоҳ таолонинг зоти сифатларини мукаммал билиб олиб, Унинг қудратини тан олгач, бу дунё вақтинчалик имтиҳон майдони эканлигини эътироф этади. Охират эса жазо куни бўлиб, яхшига яхши, ёмонга ёмон жазо берилишига ишонгач, Аллоҳ таоло наҳий қилган нарсаларнинг гуноҳ эканлигини эътиқод қилиб, улардан четланса, ундай банда жаннатга киришига Қуръон оятлари далил бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ван-нажм сурасининг 32-оятида:

الَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَائِرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ إِلَّا اللَّمَمَ إِنَّ رَبَّكَ وَاسِعُ الْمَغْفِرَةِ

«Улар (жаннатга сазовор бўлганлар) кичик хатолардан бошқа катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан йироқ бўладиган зотлардир. Албатта Парвардигорингиз марҳамати кенг зотдир», деб марҳамат қилган.

Аллоҳ ваъда қилган нарса ҳақдир. Аллоҳнинг ваъдасига сазовор бўлиб, жаннат соҳиби бўлишимиз учун Аллоҳ қилма деган гуноҳи кабираларни билиб олиб, ундан ваҳший йиртқичдан қочгандай қочишимиз керак.

Бу гуноҳи кабираларни шоҳул муфассирин унвонига сазовор бўлган Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу бирин-кетин баён қилганлар. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Аллоҳга ширк келтириш

Яъни Аллоҳнинг хотини бор, боласи бор, шериги бор дейиш. Аллоҳ билан биргаликда Аллоҳнинг шериги ёки ёрдамчиси деб бутларга, қандайдир муқаддас дарахтларга, ой, қуёш ёки пайғамбарларга, азиз авлиёларга, юлдуз ёки фаришталарга сиғиниш кабилар. Булар ширки акбар (катта ширк) дейилади. Аллоҳ бу гуноҳ кечирилмаслигини билдириб, Нисо сурасининг 48-оятида:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

«Албатта, Аллоҳ Ўзига (бирор нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирур...» деб марҳамат қилган. Зеро, ширк катта зулм ва қабиҳ амалдир. У кимса қилаётган ширк амали билан ҳақиқатни паймол этиб, ҳақ нарсани ўз ўрнидан бошқа ўринга қўйди. У нодон, яратувчи Холиқ билан махлуқни бир ўринга қўйиб, ўзини золимлар қаторига қўшди. Ширк катта зулм эканлиги Луқмон сурасининг 13-ояти билан ўз тасдиғини топади.

إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ

«Албатта, ширк улкан зулмдир».

Бундай улкан зулмни қилган кимса шак-шубҳасиз жаннатдан бенасиб эканлиги Моида сурасининг 72-оятида баён қилинган:

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ

«Албатта, кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур. Унинг борар жойи дўзахдир. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас».

Мазкур оятлар дунёда мушрикдан кўра нодонроқ, золимроқ кимса йўқлигини таъкидлаши билан бирга, уларга ёрдам берадиган ҳеч қандай шафоатчи йўқлигини ҳам билдирмоқда, Аллоҳ барча мўминларни бундай гуноҳдан асрасин. Бундан ташқари ширки асғар (кичик ширк) ҳам бўлиб, у одамларнинг кўриши ёки эшитиши учун қилинган риё амаллардандир. Бу гуноҳ ҳам кечирилмаслиги Каҳф сурасининг 110-оятида келтирилган:

فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا

«Кимки Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда (риёкорлик билан) бирон кимсани (Унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган ҳар қандай амалларини Ёлғиз Аллоҳ ризоси учун қилсин)».

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам:

«Сизлар учун кўрқадиган нарсаларимнинг энг кўрқинчлиси кичик ширкдир» дедилар. Шунда саҳобалар:

«Эй расулulloҳ, кичик ширк деганингиз нима?» деб сўрашди.

Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам:

«Риёкорлик» деб жавоб бердилар.

Риёкор гуёки, одамлар мени пули кўп бой дейишсин деб, ҳамёнини кичик тошлар билан тўлдириб олган кишига ўхшайди. У бозорда ҳамёнини очиб, бирор нарса сотиб олмоқчи бўлса, сотувчи унга ҳеч нарса бермайди. Фақатгина одамларнинг «ҳамёни тўла экан» деган қуруқ гапларидан бошқа нарса ололмайди.

2. Одам ўлдириш

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо сурасининг 93-оятида:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمَّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

«Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолур. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва ланъатига дучор бўлиб, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир», деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар икки мусулмон қиличлари билан тўқнашсалар, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзахда» дедилар. «Эй Расулulloҳ, қотил-ку маълум, бироқ ўлганнинг гуноҳи нима?» деб сўрашди. Шунда у зот: «У ҳам биродарини ўлдиришга иштиёқманд эди», дедилар.

Ривоят қилинишича, «Кимки бир мўминнинг қатл этилишига яримта сўз билан ёрдам берса, у қиёмат куни икки кўзи орасига «Аллоҳ раҳматидан ноумид», деб ёзилган ҳолда Аллоҳга

йўлиқади».

3. Сеҳр жоду (иссиқ-совуқ, илму амал қилиш, фолбинларга бориш ва ҳоказо)

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 102-оятида:

وَلَكِنَّ الشَّيَاطِينَ كَفَرُوا يُعَلِّمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ

«Балки одамларга сеҳр (жоду)ни ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар», деб марҳамат қилганлар.

Шайтон алайҳи лаънанинг одамларга сеҳр-жодуни ўргатишдан кўзлаган мақсади уларни мушрикка айлантиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам амирул мўминин Умар бин Хаттоб (р.а) «Ҳар бир сеҳргарни қаерда топсангиз, ўлдиришлар», деб амр қилганлар.

4. Аллоҳ фарз қилган намозни турли баҳоналар билан ўқимаслик

Аллоҳ жалла жалалуҳу Нисо сурасининг 103-оятида:

فَأَقِمْوْا الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْثُورًا

«Намозни тўқис адо этинг! Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди», деб мўминларга кунда беш вақт намоз ўқишни фарз қилди.

Аллоҳ фарз қилган намозини қасддан ўқимаган кимсаларни гуноҳи оғир эканлигини баён қилиб, пайғамбаримиз (с.а.в.) «Кимда-ким намозини қасддан ўқимаса, батаҳқиқ у кофир бўлибди», деганлар. Аллоҳ таоло Мунофиқун сурасининг 9-оятида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُلْهِكُمْ أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ

«Эй имон келтирганлар, мол-дунёларингиз ва бола-чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчи кимсалардир!», деб марҳамат қилган.

Муфассирлар, «Оятдаги Аллоҳнинг зикридан мурод беш вақт намоздир» дейишган.

Аллоҳ таоло Муддассир сурасининг 42-48 оятларида жаҳаннам соқчилари, дўзахга тушганлардан нима сабабли дўзахга тушганликларини сўрашлигини билдириб:

وَكُنَّا نَخُوضُ مَعَ الْخَائِضِينَ . وَلَمْ نَكُ نُطْعِمُ الْمَسْكِينِ . قَالُوا لَمْ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ . مَا سَلَكُكُمْ فِي سَقَرٍ .
فَمَا تَنْفَعُهُمْ شَفَاعَةُ الشَّافِعِينَ حَتَّىٰ أَتَانَا الْيَقِينُ . وَكُنَّا نُكَذِّبُ بِيَوْمِ الدِّينِ .

«Улар, яъни жаҳаннам соқчилари дўзахдагиларга: «Сизларни нима Сақарга киритди? (деганларида), улар айтурлар: «Бизлар намоз ўқувчилардан бўлмадик. Мискин - бечорага таом

бергувчи ҳам бўлмадик. Бизлар (ботил - беҳуда сўзларга) шўнғувчи кимсалар билан бирга шўнғир эдик (яъни Қуръон ва пайғамбар хусусида тўхмат - ёлғонлар тўқир эдик). То бизларга аниқ (ўлим) келгунича бизлар жазо - қиёмат кунини ёлғон дер эдик». Энди оқловчиларнинг оқлови (қўлловчиларнинг қўллови) уларга фойда бермас!», деб марҳамат қилган.

Ҳикоя қилинишича, илгари ўтган солиҳ бандалардан бирининг синглиси вафот этиб, жанозадан кейин уни лаҳадга қўяди. Шунда пул солинган ҳамёни марҳуманинг қабрига тушиб қолади ва буни ҳеч ким сезмайди. У дафндан кейин ҳамёнини эслаб қабр ичига тушиб қолганлигига ишонч ҳосил қилгач, қайтиб бориб қабрни ковлайди. Қараса, олов алангаланиб турибди, дарҳол қайтадан кўмиб ортига қайтади. Онасининг олдига йиғлаган ҳолда кириб, «Эй онажон, синглим нималар қиларди, менга айтиб беринг», дейди.

Онаси нима эди? - деб сўраганда, «Унинг қабрида олов кўрдим», деб бўлган воқеани айтиб беради. Шунда онаси йиғлаб: «Эй ўғлим, синглинг намозига бепарво эди ва доимо уни кечиктириб ўқирди», деб жавоб беради.

Имом Табароний Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилишларича, «Бандаларнинг қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинадиган нарсаси намоздир. Агар намозлари нуқсонли бўлса, бошқа амаллари ҳам дуруст бўлмайди».

Ибн Ҳазмдан ривоят қилинишича: «Ширқдан кейин намозни вақтидан кечиктириш ва мўминни ноҳақ ўлдиришдан кўра улканроқ гуноҳ йўқ».

5. Мол-дунёси нисобга етса, закот бермаслик

Аллоҳ таоло Қуръони каримида:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ

«Намозни баркамол ўқинг, закот беринг» ояти билан намозни ҳам, закотни ҳам фарз қилган. Бу мазмундаги оятлар Қуръони каримнинг кўп жойларида зикр қилинган. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримининг қайси жойида намоз ўқинг деган бўлса, у билан ёнма-ён қилиб, закот беришни ҳам зикр қилади. Чунки иккаласи ҳам фарз қилинган ибодат бўлиб, инсон намозни танаси, жисми ва етти аъзолари билан бажарса, закотни эса касби кори орқали, пешона тери билан топган ҳалол мол-дунёсидан қирқдан бирини мискин-фақирларга бериш йўли билан бажаради. Шулардан бирортасини бажармаса, гарданидаги фарзни адо этмагани учун гуноҳи кабиралардан бирини қилган бўлади. Мабодо уларнинг фарзлигини инкор этса, кофир бўлади.

Аллоҳ таоло бева-бечораларнинг ҳаққи бўлган закотни адо этмайдиган кимсаларни ёқтирмаслигини билдириб, Фуссилат сурасининг 6-7-оятларида:

الَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ كَافِرُونَ وَوَيْلٌ لِّلْمُشْرِكِينَ .

«Закотни (ҳақдорларга) бермайдиган, ўзлари охиратга кофир бўлган мушрикларга ҳалокат бўлгай!», деб уларни инсонларнинг энг разили бўлган мушриклар қаторига қўшади ва уларнинг қиёмат кундаги ҳолларидан хабар бериб, Оли Имрон сурасининг 180-оятда:

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرًا لَّهُمْ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخُلُوا بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ

«Аллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг (закотини) беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар. Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунида бўйинларига ўралажак!..», дейди.

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ кимга бойлик ато этган бўлса-ю, у закотини бермаса, қиёмат кунида бойлиги икки кокилли аждарга айлантирилади. Сўнг соҳибининг бўйнига ўралади-да, икки лунжидан тутиб: «Мен сенинг молингман, сенинг хазинангман», дейди», деб юқоридаги оятни ўқиб бердилар.

Муҳаммад ибн Юсуф Фарёбий ҳикоя қиладилар: «Мен бир неча дўстларим билан Абу Синонинг зиёратига бордик. У зот ҳузурларига кириб ўтирганимизда: «Қўшнимизнинг акаси қазо қилган. Юринглар, уникага таъзияга чиқамиз», дедилар. Ҳаммамиз азадорникига бордик. У акасининг ўлимидан жуда эзилиб йиғлар эди. Унга таъзия билдириб, тасалли бердик. У таъзияга ҳам, тасаллига ҳам қулоқ солмас эди. Унга: «Ўлим ҳамманинг бошида борлигини билмайсанми?», деб сўрадик, «Биламан, бироқ акам туну-кун азобланаётгани мени қон йиғлатмоқда», деди. «Аллоҳ сенга ғайбни билдирдими?», деб сўраган эдик. «Йўқ, лекин акамнинг юзига тупроқ тортилиб, дафн қилингандан ва одамлар тарқалиб кетгандан сўнг тиз чўқдим, шу пайтда акамнинг қабридан: «Оҳ, мени ўз ҳолимга қўйинглар, мени азобламанглар. Мен намоз ўқирдим, рўза тутардим», деган овоз эшитилди. Бу гапдан мен йиғлаб юбордим ва қабрини кавладим. Лаҳадда олов алангаланиб турар ва унинг бўйнида олов бўйинбоғ бор эди. Укалик меҳрим кўзиб, бўйинбоғини олиш мақсадида қўлимни узатдим. Бармоқларим ва қўлларим куйиб қолди», деди-да, қўлларини кўрсатди. У куйиб қоп-қора бўлиб кетган эди. «Акангиз тириклигида нима амал қилар эди?», деб сўрадик. «Мол-мулкининг закотини бермас эди», деб жавоб берди. Бу воқеа Аллоҳ таолонинг ояти нақадар ҳақ эканлигини тасдиқлайди.

6. Узрсиз рамазон рўзасини тутмаслик

Аллоҳ таоло Бақара» сурасининг 183-184-оятлари билан рўзани мусулмонларга фарз қилганлини билдириб:

أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ فَمَنْ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ
كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ

«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирон киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутаолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутати...», деб марҳамат қилган.

Маълумки, Аллоҳнинг фарзини бажармаслик гуноҳи азимдир. Ибн Ҳиббон Ҳузаймадан ривоят

қилади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар: «Ухлаб ётган эдим. Ёнимга икки киши келиб билаларимдан тутди-да, мени чиқиш қийин бўлган тоғ олдига олиб бориб, унга чиқинг, дейишди. «Тоқатим етмайди», деган эдим. «Сизга чиқишни осон қилиб қўямиз», дейишди. Мен кўтарилиб тоғнинг тепасига - текис жойига етганимда даҳшатли шовқин эшитилди. «Бу қанақа шовқин?» деб сўраган эдим, улар: «Бу дўзахдагиларнинг фарёди», дейишди. Сўнг мени у ердан олиб кетишди. Бир жойда оёқларидан осиб қўйилган, лунжлари йиртилиб, қон оқиб турган қавмга дуч келдим, «Улар кимлар?», деб сўрадим. «Улар рўзалари ниҳоясига етмай туриб, қуёш ботишидан олдин ифтор қилган кимсалардир», дейишди. Демак, қуёш ботишидан олдин шошилиб, оғзини очганларнинг жазоси шундай бўлса, рўза тутмайдиганларнинг жазоси қандайлигини бир ўйлаб кўринг-а!

7. Имкон бўлатуриб ҳажга бормаслик

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Оли Имрон сурасининг 97-оятида:

وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا وَمَنْ كَفَرَ فَاِنَّ اللّٰهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِيْنَ

«Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байт (Каъба)ни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилиб) кофир бўлса, бас, албатта, Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир», деб марҳамат қилган.

Ҳаж амали Исломнинг бешинчи рукни бўлиб, уни имкони бўлатуриб бажармаган кимса, Ҳазрати Умар айтганларидек: «У кимса яхудий бўлиб ўладими ёки насроний бўлибми, фарқи йўқ».

8. Ота-онанинг хизматини қилмасдан оқ бўлиш

Аллоҳ жалла жалалуҳу Луқмон сурасининг 14-15-оятларида:

وَوَصَّيْنَا الْاِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ اُمُّهُ وَهَنًا عَلٰى وَهْنٍ وَفَصَّالَةٌ فِيْ عَامِيْنَ اَنْ اَشْكُرَ لِيْ وَلِوَالِدَيْكَ اِلٰى . وَاِنْ جَاهَدَاكَ عَلٰى اَنْ تُشْرِكَ بِيْ مَا لَيْسَ لَكَ بِهٖ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبٰهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوْفًا الْمَصِيْرُ . وَاَتَّبِعْ سَبِيْلَ مَنْ اَنَابَ اِلَيَّْ ثُمَّ اِلَيَّْ مَرْجِعُكُمْ فَاُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُوْنَ

«Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни кўкрақдан ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва ота-онанга шукр қилгин! Ёлғиз ўзимга қайтажаксан!», «Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (қиёмат кунида) қайтиш Менинг ҳузуримгадир, бас, сизларга (ўшанда) қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман», деб марҳамат қилган.

Ширк ишларда ота-онага итоат қилиш ҳаром қилинганидек, ҳар қандай гуноҳ ишларда ҳам уларга итоат қилиш ҳаромдир. Чунки шариат қоидасида: «Холиққа осий бўладиган ўринларда махлуққа итоат қилиш йўқдир», дейилган.

9. Қариндош-уруғлар билан алоқа қилмаслик

Аллоҳ таоло Муҳаммад сурасининг 22-23-оятларида:

أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتُقَطِّعُوا أَرْحَامَكُمْ .
وَأَعْمَى أَبْصَارَهُمْ

«Агар (имондан) юз ўгирсангизлар, тез фурсатда, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (кулоқларини панд-насихат эшитишдан) кар, кўзларини эса (тўғри йўлни кўраолмайдиган) кўр қилиб қўйгандир», деб марҳамат қилган.

Оятнинг мазмунидан Аллоҳ таоло имонсиз бандаларини ёқтирмаслигини билдирмоқда. Чунки улар яратган эгаларини танимагандан кейин ҳеч қандай гуноҳдан қайтмайдилар. Ер юзида фитна-фасод, бузғунчилик қилиш, фақир қариндош уруғларни менсимасдан улардан алоқани узиш улар учун табиий ҳолга айланиб қолади. Зеро, Аллоҳга ишониш қиёмат кунини ҳақ деб билиш, қариндош уруғларни ҳурмат қилиш, улар билан қариндошлик ришталарини боғлаш имонли мусулмонларнинг сифатларидандир. Қуйидаги ҳадислар ҳам фикримизга далил бўлади.

Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи вассаллам: «Кимки Аллоҳга, охират кунига имон келтирган экан, қариндошлари билан алоқани боғласин», дедилар.

Имом Аҳмад ва Имом Баззорлар Ҳазрати Али (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Кимки умри узун, ризқи кенг бўлиши ва ёмон ўлимдан сақланишни истаса, Аллоҳга тақво қилсин ва қариндошлари билан алоқани боғласин», деганлар.

Имом Термизий Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ гуноҳкорга охират учун ҳозирлаб қўйган жазодан ташқари бу дунёда ҳам тезда жазо берилишига, зўравонлик ва қариндошлар билан алоқани узишдан кўра муносиброқ гуноҳ йўқ», деганлар.

10. Зино қилиш

(Жуфти ҳалолдан бошқа аёл билан ношаръий жинсий алоқада бўлиш). Аллоҳ Субҳанаҳу ва таоло Нур сурасининг 2-оятида:

الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِئَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُمْ بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ
بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَيَشْهَدَنَّ عَذَابَهُمَا طَائِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ

«Зинокор аёл ва зинокор эркак - улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар. Агар сизлар Аллоҳга ва охират кунига имон келтиргувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни, зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!», деб марҳамат қилган.

Зино, яъни ношаръий жинсий алоқа қилиш, авваламбор, инсон насабини бузади. Насаб бузилиб, ҳаром фарзанд туғилса, дунё ларзага келади. Чунки ҳаромдан туғилган бола ҳаром ишларга мойил бўлиб, ҳар қандай жиноятдан тап тортмайди. Ҳаромдан туғилган бола ота-онаси ва қариндош-уруғларига меҳр қўя олмайди. У ҳам ўз навбатида ҳаромга юрадиган, ҳаром ишлар қиладиган бўлади. Натижада зинокорлар кўпайиб, жамият таназзулга юз тутади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло зинокорни бешафқат жазолашга буюрган. Зинокор - уйланмаган йигит ёки қиз бўлса, орқасига юз дарра урилади. Улар оила қурмаганлиги учун насаб бузулмайди, бир инсоннинг жойи булганмайди. Шу сабабдан уларнинг жазоси енгилроқ бўлиб, дарра уриш билан кифояланади.

«Зинокор аёл ва зинокор эркакнинг ҳар бирини юз даррадан уринглар. Уларни дарралашда сизларни раҳм-шафқат тутмасин» ояти каримаси ҳаёт қурмаган йигит-қизлар ҳақида нозил бўлган. Аллоҳ таоло мўминларни зинокор йигит-қизга раҳм-шафқат қилиб, уларни дарралашни енгиллаштириш ёки сонини камайтиришликдан қайтармоқда. Акс ҳолда илоҳий қонун бузилиб, адолат паймол бўлади. Адолат бузилгач, орага кимлардир тушиб, яна бир адолатсизлик бўлган порахўрликка эшик очилади. Аллоҳнинг мақсади эса, жамиятни бузадиган бундай қабоҳатни таг-томири билан кўпориб ташлашликдан иборатдир.

Агар зинокор уйланган, ҳаёт қурган эркак ва хотин бўлса, уларни тошбўрон қилиш йўли билан ўлдириш ҳукмини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилиб берганлар. Шу йўл билан жамиятни булғайдиган жирканч жиноят буткул бартараф этилган.

Бир зинокорнинг баҳридан ўтиш билан бутун бир жамиятни разолатга ботишдан сақлаб қолинган. Зинокор жазоланиши туфайли гуноҳи кечирилган. Жон ширин, ҳамманинг ҳам яшагиси келади. Зинокорга бериладиган жазони ўз кўзи билан кўриб: «Зино қилиб, тошбўронга учраб, хўрланиб ўлиб кетгандан кўра, ўз жуфти ҳалолим билан бўлай, Аллоҳ берган умрни охиригача яшай», деб зинодан сақланади. Ҳозир зинокорлар кўпайиши натижасида ҳар хил таносил касалликлари ва СПИДга ўхшаган ота-боболаримиз кўрмаган, эшитмаган касалликлар пайдо бўлдики, уларнинг чора-тадбири кўрилиб, олди олинмаса, жамиятимиз бошига оғир кулфатлар тушиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун Ислом дини зинога олиб борадиган йўлларнинг энг кичикларига ҳам тўсиқ қўйган. Жумладан, аёлнинг эркак билан қўл бериб кўришиши, очиқ-сочиқ юриши, авратни беркитмаслик, эркакларни ўзига жалб қиладиган ҳатти-ҳаракатлар қилиши ва шунга ўхшаган ишлар. Аёл ўзининг аёл эканлигини унутмаган ҳолда, ҳаёли, иболи бўлиб, ўзини пок сақласа, ҳеч қандай номаҳрам эркак унга яқинлаша олмайди. Ҳаётда нафсонияти бузуқ, зинога моил, мараз қалбли эркаклар ҳам учраб туради. Уларга нишон, ўлжа бўлмаслик учун аёл ўз иффатини сақлаши керак. Шунда аёллик шаънига доғ туширмасдан ўз оиласи билан тинч-тотув яшаб, икки дунё саодатига эришади. Зеро, аёл учун ўз жуфти ҳалоли билан қўша қаришдек бахтдан кўра улуғроқ нарса йўқ.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки зино қилса ёки хамр ичса, худди инсон бошидан кўйлагини ечиб олганидек, Аллоҳ ундан имонни ечиб олади».

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Ҳижр» сураси 44-оятда:

لَهَا سَبْعَةٌ أَبْوَابٍ لِكُلِّ بَابٍ مِّنْهُمْ جُزْءٌ مَّقْسُومٌ

«Унинг еттита дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозасидан уларнинг бир тўдаси кирур», деб марҳамат қилган. Бу оятни Ато (раҳимаҳуллоҳ) шундай тафсир қилганлар: «Бу дарвозаларнинг энг ғам-ташвишлиси, қайғулисиди, энг иссиғи ва энг бадбўйи зино қилган зинкорлар кирадиган дарвозасидир».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий ва Байҳақийлар Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Жаҳаннам оловини ўзларингиз билан баробар деб ўйлайсизларми? Ундай эмас, унинг қоронғилиги қора сақичдан ҳам қорароқ, иссиғилиги эса етмиш баробар зиёдароқдир. Аллоҳ таоло бандаларим оловдан манфаатлансин деб жаҳаннам оловини 70 дан бир бўлагини олиб, уни икки марта денгизга ботириб, совутди. Кейин уни одамларга берди. Аллоҳ ўзи раҳмати билан уни денгизга солиб, совутмаганида ҳеч ким ундан фойдалана олмасди», деганлар.

Анас (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда: Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз ҳузурларига илгари ҳеч ҳам келмаган бир кўринишда ранглари ўзгарган ҳолда келдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Эй Жаброил, сизни бу ҳолатда ҳеч ҳам кўрмаган эдим.» дедилар. Жаброил алайҳиссалом: «Аллоҳ таоло дўзах оловини қиздирувчиларга дўзахни қиздиришлар деб амр қилаётган пайтида келдим. Дўзах ҳақ, қабр азоби ҳақ, Аллоҳ гуноҳкорларга азоб бериши ҳақ деб эътиқод қилувчилар дўзахдан эсон-омон қутулмагунларича кўзлари қувониб, хурсандчилик қилишлари дуруст эмас», дедилар.

Расулulloҳ (с.а.в.): «Эй, Жаброил! Менга дўзахни сифатлаб беринг» дедилар.

Жаброил: «Эй, Муҳаммад! Аллоҳ дўзахни яратиб минг йил олов ёқиб қиздирди. Дўзах қизариб кетди. Кейин яна минг йил қиздирди. Дўзах оқариб кетди. Сўнгра яна минг йил қиздирди. Дўзах қорайиб кетди. Ҳозир у қоронғу кечадек зим-зиё. Унинг чўғи ҳам, алангаси ҳам ўчмайди. Сизни ҳақ йўл билан Пайғамбар қилиб юборган зот номи билан қасам ичаманки, агар дўзахдан игна учичалик тешик очилса бутун дунёни куйдириб юборади ва яна Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, агар дўзахиларга кийдириладиган кийимдан биттасини осмон билан ер орасига осиб қўйилса, унинг ҳидининг сассиқлигидан бутун дунё аҳли ҳалок бўларди.» дедилар.

Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Унинг эшиклари бизнинг эшикларга ўхшаганми? деб сўрадилар.

Жаброил: «Йўқ, унинг эшиклари очиқ бўлиб, бир-бирининг тагидадир. Бир эшиқдан, иккинчи эшик оралиғи етмиш йиллик йўл бўлиб, пастга тушган сари иссиғилиги ортиб бораверади. Пил сирот кўприги остида дўзахнинг биринчи эшиги бўлиб, унинг номи Жаҳаннам, унинг остидаги иккинчиси Лазо, учинчиси Ҳутама, тўртинчиси Саъир, бешинчиси Сақар, олтинчиси Жаҳим ва дўзах қаъридаги еттинчиси Ҳовиядир.

Ҳовияга муновиқлар кирадилар. Олтинчи эшиги Жаҳимдан мушриқлар, бешинчи эшиги Сақардан мажусийлар, тўртинчи эшиги Саъирдан собинлар (фаришталарга сиғинувчилар), учинчи эшиги Ҳутамадан Муҳаммад алайҳис саломга имон келтирмаган насронийлар, иккинчи эшиги Лазодан Муҳаммад алайҳис саломга имон келтирмаган яҳудийлар, биринчи эшиги Жаҳаннамдан гуноҳкор мусулмонлар кирадилар.» дедилар.

Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) ўзларидан кетиб беҳуш йиқилдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) ўзларига келгунча Жаброил алайҳис салом у зотнинг бошларини бағрларига олиб турдилар. Расулulloҳ ўзларига келиб, бу оғир мусибат хафалигимни оширди. Эй, Жаброил, менинг умматим дўзахга

кирадимидеб сўрадилар. Жаброил «Ҳа», умматларингиздан катта гуноҳ қилганлари дўзахга киради деб жавоб бердилар. Расулulloҳ йиғладилар, уларга қўшилиб Жаброил ҳам йиғладилар. Шундан кейин Расулulloҳ уйларига кириб, ҳеч кимни қабул қилмадилар. Фақат фарз намозига чиқиб, намоздан кейин ҳеч ким билан гаплашмасдан уйга кириб кетиб, намоз ўқиб, Аллоҳга тазарруъ қилиб йиғлар эдилар. Уч кун ўтгандан кейин Абу Бакр Сиддиқ Расулulloҳнинг уйларига келиб, киришга рухсат сўрадилар. Ҳеч ким жавоб бермади. Абу Бакр йиғлаган ҳолда қайтиб кетдилар. Абу Бакрдан кейин Умар, Усмон, Салмон ал-Форисийлар ҳам келиб, кира олмасдан ноумид қайтиб кетишди. Ўша пайтда ҳазрат Али сафарда бўлганлиги учун Абу Бакр билан Салмон ал-Форисийлар Фотима онамизнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтишди. Фотима онамиз ҳижобларини кийиб, отамга нима бўлди экан деб қўрққан ҳолда тезлик билан Расулulloҳ ҳузурига борди. Расулulloҳнинг ранглари сарғайган, йиғидан юзлари сўлиб, сажда қилган ҳолда ётганларини кўриб, қаттиқ йиғлаб юбордилар. Бир оздан кейин ўзларига келгач: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, бошингизга қандай мусибат тушди», деб сўрадилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Жаброил алайҳис салом келиб дўзахнинг эшикларини сифатлаб бериб, унинг биринчи эшиги бўлган Жаҳаннамга умматларимнинг катта гуноҳ қилганлари киришлигини айтди. Унинг бу гапи мени шу ҳолатга солиб қўйди», дедилар.

Шундан кейин дўзахда бўладиган азобларнинг ҳаммасини бирин-бирин қизлари Фотимага айтиб бердилар.

Аллоҳ барча мўминларни дўзах азобидан ўзи асрасин.

Ҳар бир дўзахга кирувчилар юқорида тайинлангани айтилди. Бу фақат шу тоифаларни ўзигина киради дегани эмас. Аллоҳ таоло бенамозларни дўзахнинг бешинчиси бўлган Сақарга, етим-есирлар молларини еганларнинг эса Саъирга киришларини ҳам Қуръонда зикр қилган.

Муддассир сурасининг 42-43-оятларида:

قَالُوا لِمَ نَكُ مِنَ الْمُصَلِّينَ مَا سَلَكْنَا فِي سَعْرٍ .

«(Дўзах соқчилари, дўзах аҳллари): «Сизларга Сақарга нима киритди» деганларида, улар: «Бизлар дунёда яшаганимизда намоз ўқимас эдик», деб айтурлар», дейилган бўлса, Нисо сурасининг 10-оятида:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَهُمْ لَا يَبْصُرُونَ سَعِيرًا

«Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва шак-шубҳасиз, Саъирга киргайлар», дейилган.

Ривоят қилишларича, кимки ўзига ҳалол бўлмаган аёлни шаҳват билан ушласа, қиёмат кунда қўли бўйнига боғланган ҳолда келади. Агар ўпса, лаблари оловда қирқилади. Борди-ю зино қилса, қиёмат кунда сонлари тилга киради-да, унинг зарарига гувоҳлик беради: «Мен ҳаром ишни қилдим», дейди. Шунда Аллоҳ таоло унга ғазаб кўзи билан қарайди. Бу қарашдан баданидаги гўштлар эриб тушади. Шунда зинокор: «Мен бу ишни қилмаганман», дейди. Унга қарши тили гувоҳлик бериб: «Мен ҳалол бўлмаган сўзларни айтганман», қўллари эса: «Мен ҳаромни ушлаганман», кўзлари: «Мен ҳаромга назар ташлаганман», оёқлари: «Мен ҳалол бўлмаган ишга юриб борганман», фаржи: «Мен зино қилганман», елкасидаги фаришталардан бири: «Мен

эшитганман», иккинчиси: «Мен ёзганман», дейди. Аллоҳ таоло: «Мен била туриб, уни яширганман», дейди ва фаришталарга: «Уни ушлаб азобланглар. Дарҳақиқат, беҳаё кимсага раҳм-шафқат йўқдир», деб буюради. Қуйидаги «Нур» сурасининг 24-ояти бу фикримизни тасдиқлайди:

يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

«У кунда - қиёматда қилиб ўтган (амаллари) сабабли уларнинг тиллари ҳам, қўл ва оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур».

11. Эркак кишига ливота қилиш (баччабозлик)

Аллоҳ таоло пайғамбари Лут алайҳиссаломнинг қавми билан мунозара қилгани ҳақида «Шуаро» сурасининг 165-166-оятларида:

وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ أَتَأْتُونَ الذُّكْرَانَ مِنَ الْعَالَمِينَ.

«Сизлар бутун оламлардан (ажраб - ҳеч бир жонзот қилмаган ишни қилиб, аёлларга уйланиш ўрнига) эркакларга яқинлашурмисизлар?! Ва Парвардигорингиз сизлар учун яратган жуфти-ҳалолларингизни тарк қилурмисизлар?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошгувчи қавмдирсизлар», деб, Лут қавмини инсоният табиатидан ташқарига чиқиб кетган жирканч амалларини келажак авлодлар қилмасликлари учун панду-насиҳат тариқасида зикр қилди.

Ривоят қилишларича, агар бир эркак бошқа бир эркакнинг устига чиқса, Арш Аллоҳ таолонинг ғазабидан қўрққанидан титраб кетади. Осмонлар ҳам ерга қулаб тушишига бир баҳя қолади. Шунда фаришталар осмоннинг ҳар тарафидан тутиб: «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни охиригача ўқийдилар. Шундагина Аллоҳ азза ва жалланинг ғазаби босилади.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «Одам фарзандига зинодан бўлган насибаси битилган бўлиб, у бу насибасига, шак-шубҳасиз етишгувчидир: икки кўзнинг зиноси - қараш, икки қулоқнинг зиноси - эшитиш, тилнинг зиноси - сўзлаш, қўлнинг зиноси - ушлаш, оёқнинг зиноси - юриб бориш, қалб-хоҳлайди, фарж эса буни тасдиқлайди ёки инкор этади». Шу сабабли ҳам солиҳ зотлар ўспиринларга қараш, улар билан аралашиб юриш ва бирга ўтиришдан қаттиқ сақланганлар.

Айрим уламолар ўспиринларни аёлларга қиёс қилиб, улар билан уй, дўкон ва ҳаммомда холи қолишни ҳаром деб ҳисоблаганлар. Имом Бухорий ва Имом Муслим пайғамбаримиз алайҳис саломдан келтирилган ҳадисда: «Бирортангиз маҳрами ҳозир бўлмаган аёл билан холи қолмангиз», дейилган.

Баччабозларнинг жазоси нима? деб ибн Аббосдан сўралганда у зот: «Баччабозларни Лут қавми жазолангани сингари энг баланд қоя ёки бинодан улоқтириб, кейин устларидан тош ёғдирилади. Баччабозлар бу дунёда жазоланмасдан ёки қилган ишига астойдил тавба қилмасдан ўлса, қабрида тўнғизга айланади» деганлар.

Ривоят қилинишича, Исо алайҳиссалом саёҳат қилиб юрганларида оловда куяётган бир

кишини кўриб қолдилар ва сув олиб оловни ўчирмоқчи бўлганларида ёндириб турган олов болага ва ёниб турган киши эса оловга айланиб қолди. Бундан ҳайратланган Исо алайҳиссалом: «Эй парвардигорим, уларни дунёдаги ҳолларига келтир, нима сабабдан бу жазога мустаҳиқ бўлганларини сўраб олайин» деб дуо қилдилар. Аллоҳ уларни тирилтирди. Улар бир эркак ва бир бола эди. Исо алайҳиссалом улардан: «Сизлар нима қилгансизлар? деб сўрайдилар. Ҳалиги тирилган эркак: «Эй Рухуллоҳ, мен дунёда бу болага ошуқу беқарор бўлганман. Шаҳватим кўзиб, у билан бузуқчилик қилганман. Иккимиз ҳам ўлганимиздан бери бир сафар бола оловга айланиб мени куйдиради, бир сафар мен оловга айланиб болани куйдираман. Қиёмат кунигача биз шундай жазоланамиз», деб жавоб берди. Шунингдек, аёлини орқасига ёқинлик қилиш ҳам баччабозлик ҳисобланиб, Аллоҳ ва расули ҳаром қилган амаллардандир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 223-оятда:

نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأَتُوا حَرْثَكُمْ أَلَىٰ سَيْتِكُمْ

«Хотинларингиз сизлар учун зироатгоҳ (экинзор)дир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиз (томонингиз) дан келавингиз», деб марҳамат қилган.

Эркак ўз хотинидан фарзанд орттириш мақсадида хоҳлаган шаклида яқинлик қилиши мумкин. Қайси томондан келса ҳам, айнан зироатгоҳ қасд қилиниши керак. Орқа эса нажосат ўрнидир. Шунинг учун пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аёлларнинг орқасига яқинлик қиладиган кимсаларни Аллоҳ лаънатласин» деганлар. Табарони ривояти.

12. Судхўрлик (фоиз ёйиш, бировга пул-мол қарз бериб, ундан фоиз олиш)

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасининг 130-оятда:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

«Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб (олиш билан) судхўрлик қилмангиз! Аллоҳдан кўрқингиз! (Шунда) шояд нажот топгайсиз!», деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий Самура ибн Жундуб разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кечқурун (тушимда) икки кишини кўрдим. Улар келиб мени муқаддас ерга олиб чиқишди. Юриб-юриб қонли дарёга дуч келдик. Дарёда бир киши бор эди. Соҳилда бошқа киши харсанг тош ушлаб турарди. Дарёдаги киши сузиб келиб чиқмоқчи бўлган эди, нариги киши тош билан оғзига уриб, келган жойига қайтариб юборди. У қачон сузиб келиб чиқмоқчи бўлса, тош билан оғзига урар ва у яна олдинги жойига қайтиб кетар эди. «Дарёдаги киши ким?», деб сўраган эдим, «Судхўр», дея жавоб беришди.

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар: «Сендан қарздор киши бирор нарса ҳадя қилса, олма. Чунки бу иш судхўрликдир».

Ривоят қилинишича, бир киши Умавия халифаларидан Хулафои Рошидинлар қаторидан ўрин олган Умар ибни Абдулазизга ҳадя берди. У зот ҳадяни қабул қилмадилар. Вазирларидан бири: «Эй амирал мўминийн, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳадя рад қилинмайди»,

деганлар-ку», деди. Шунда халифа: «Расулulloҳга қилинган ҳадялар фақир мискинлар ва дин манфаати учун эди. Ҳозирги пайтда амалдорга қилинган ҳадя бир мансаб ёки манфаатнинг илинжида бўлиб, судхўрликдан бошқа нарса эмас», деб жавоб бердилар.

13. Етимларнинг молини зулм билан ейиш

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасининг 10-оятида:

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلُونَ سَعِيرًا

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз, қоринларига оловни еган бўлурлар. Ва, албатта, дўзахга киражаклар!», деб марҳамат қилган.

«Нисо» сурасининг 6-оятида эса:

وَابْتَلُوا الْيَتَامَىٰ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنْ آنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَنْ يَكْبَرُوا وَمَنْ كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ وَمَنْ كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ

«Етимларни, то балоғат ёшига етгунларига қадар назорат қилиб (вояга етиш вақтини кузатиб) турингиз: вояга етганларини сезсангиз, (қўлингиздаги омонат) мол-мулкларини ўзларига топширинг! Уларни исроф қилиб ва (улғайиб қолмасинлар деб) шошқалоқлик билан еб юбормангиз! Ким бой бўлса, (етимнинг мулкидан ейишдан) сақлансин. Агар камбағал бўлса, яхшиликча (меъёрида олиб) есин», деб марҳамат қилган.

Уламолар: «Яхшиликдан ортиқчасини ейиш ҳаром бўлади», дейишган. Ибн Жавзий ўз тафсирида яхшилик билан ейиш ҳақидаги тўрт хил қарашни келтирганлар:

1. Қарз ҳисобига олиш.
2. Исроф қилмасдан эҳтиёжга яраша олиб ейиш.
3. Етим учун қилган хизматига яраша олиш.
4. Зарур бўлиб қолганда олиб, имкон бўлганда қайтариш, агар имкони бўлмаса, қайтармай қўяверади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етимни қарамоғига олган одам мен билан жаннатда мана бундаймиз», дедилар-да, кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилиб, орасини сал очиб қўйдилар».

Етимни қарамоғига олиш дегани, уни тарбиялаш, едириб ичириш, кийдириш ва агар мол-мулки бўлса, уни кўпайтиришдир. Борди-ю, мол-мулки бўлмаса, унга Аллоҳ таолонинг розилигини истаб, инфоқ-эҳсон қилинади.

14. Аллоҳ ва пайғамбарга ишонмаслик. (Ўзича Аллоҳ ва пайғамбар номидан Аллоҳ ва пайғамбар ундай деган, бундай деган, дейиш)

Аллоҳ Субҳанаҳу ва таоло «Зумар» сурасининг 60-оятида:

وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ نَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ

«Қиёмат кунида Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қора ҳолда кўрурсиз», деб марҳамат қилган.

Улар: «Аллоҳнинг боласи, шериги бор», деб У зот ҳақида мумкин бўлмаган ҳар хил бўҳтон гапларни гапирган кимсалардир. Улар Аллоҳ таоло шаънига ёлғон сўзлаганлари учун шундай машаққат ва қайғуларга дучор бўлдиларки, ранглари ўзгариб, қорайиб кетди.

Шунингдек, пайғамбаримиз шаънларига ҳам ёлғон сўзлаган кимсалар шундай ҳолатга тушириллар.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки: «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон гапирса, ўзига дўзахдан жой ҳозирлаб олаверсин».

Имом Муслим Самура ибн Жундуб разияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Кимки ёлғонлигини билатуриб, менинг номимдан ҳадис айтса, у ёлғончиларнинг биттасидир».

Бу оят ва ҳадисларнинг мазмунидан кимда-ким ўзича, сўзини маъқуллаш учун Аллоҳ ва пайғамбаримиз айтмаган сўзни Аллоҳ ва пайғамбар айтди, деса, ундай кишининг дўзахийлардан бири эканлиги маълум бўлади.

15. Дин ва Ватан ҳимоясидаги урушдан қочиш

Аллоҳ таоло «Анфол» сурасининг 15-16-оятларида

وَمَنْ يُؤَلِّهِمْ يَوْمَئِذٍ دُبُرَهُ إِلَّا مُتَحَرِّفًا يَأْتِيهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا زَحَفًا فَلَا تُؤَلُّوهُمْ الْأَدْبَارَ .
لِقَاتِلٍ أَوْ مُتَحَيِّزًا إِلَىٰ فِتْنَةٍ فَفَدَّ بَاءَ بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَمَأْوَاهُ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ

«Эй мўминлар, кофирларнинг лашкарига дуч келганингизда (душман ададининг кўплигини кўриб) уларга орқа ўгирманглар (яъни, кўрқиб қочманглар). Кимки ўша (уруш) кунида жанг йўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳ (муслмонларга) қўшилишдан ташқари ҳолатларда уларга (кофирларга) орқа ўгириб қочса, бас, у Аллоҳ тарафидан бўлган ғазаб билан кетибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат-а!», деб марҳамат қилган.

Дин ва Ватан ҳимояси ҳар бир муслмон фарзанди гарданидаги бурчдир. У ўз Ватанини ҳимоя қилмаса, юрти мустамлака, дини паймол, хотин бола-чақаси қул, ўзи эса Аллоҳнинг лаънатига қолиб жаҳаннам азобига гирифтор бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ ундай кўрқоқ, имони заиф бандани ёқтирмасдан жаҳаннамга раво кўради.

16. Қўл остидаги тобеларга ва қарамоғидагиларга зулм қилиш ва алдаш

Аллоҳ таоло «Иброҳим» сурасининг 42-43-оятларида:

مُهْطِعِينَ مُقْبِعِي وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَافِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ.
رُءُوسِهِمْ لَا يَرْتَدُّ إِلَيْهِمْ طَرْفُهُمْ وَأَفْتَدْتَهُمْ هَوَاءَ

«(Эй Муҳаммад), Сиз зинҳор: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ улар (нинг жазолари)ни кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (қўрқинчли қиёмат) кунига қолдирмоқда, холос. (У куни) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди (яъни, қўрқувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). Диллари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур», деб марҳамат қилган.

Имом Муслим, Имом Термизий ва Ибн Можалар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда: «Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло айтурки: «Эй бандам, Мен Ўзимга зулмни ҳаром қилганимдек, сизларга ҳам ҳаром қилдим. Бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар».

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаи киромлардан: «Муфлис (ўта мискин, ночор) кимлигини биласизларми?», деб сўрадилар. Саҳобалар: «Бизнинг наздимизда ҳеч вақоси йўқ кимса муфлисдир», дейишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг умматимдаги муфлис шундай кишики, у қиёмат куни намози, рўзаси ва закоти билан келади. Бироқ кимнидир ҳақорат қилган, кимнидир бадном этган, кимнингдир молини еган, кимнингдир қонини тўккан, яна кимнидир урган. Бу қилган зулмлари учун унинг яхши амалларидан улар (мазлумлар)га олиб берилади. Яхшиликлари тугаб қолса, у (мазлум)ларнинг хатоларидан олиниб унга юкланади. Ҳеч вақоси қолмагач дўзахга улоқтирилади».

Бир киши ҳикоя қилади: «Қўли елкасидан кесилган бир кишини кўрдим. У: «Мени кўрган ҳар бир инсон бирор кишига зулм қилмасин», деб ниҳо қиларди. Унга яқинлашиб: «Эй биродар, нима бўлди?», деб сўрадим. У: «Ғаройиб ҳодиса, - деб бошидан ўтганини сўзлаб берди, - Мен золимларнинг ёрдамчиларидан эдим. Бир куни каттакон балиқ тутган балиқчини кўриб қолдим ва унинг олдига келиб, балиғини беришини сўрадим. У эса бу балиқ пулига нафақаи аҳли-аёл қилишини айтиб, бепул бераолмаслигини тушунтирди. Мен эса унга нисбатан куч ишлатиб, балиқни тортиб олдим. Балиқни кўтариб уйга келаётганимда, ҳали жони узилмаган балиқ кўлимни тишлаб олди. Уйимга келиб, балиқни кўйгандан сўнг бармоғим зирқираб оғрий бошлади. Оғриқнинг қаттиқлигидан ухлай олмадим. Қўлим шишиб кетди. Тонг отгач, табибга бориб, оғриқдан шикоят қилдим. У бармоқларимни кўриб: «Бу қорасон касалининг бошланиши. Бармоғингни кесиб ташлаш керак. Акс ҳолда қўлингдан айриласан», деди. Бармоғимни кестириб ташладим. Сўнгра кўлим яна оғрий бошлади. Оғриқнинг зўрлигидан кўзимга уйқу келмади. «Кафтингни кесиб ташла», дейишди. Кафтимни ҳам кестириб ташлашга мажбур бўлдим. Кейин бу дард тирсагимга ўтди, кўриб турганингиздек, тирсагимдан ҳам маҳрум бўлдим. Бунинг сабабини одамлар сўрай бошлашди. Мен балиқ воқеасини ҳикоя қилиб берганимдан сўнг, улар: «Олдинроқ бориб, балиқчини рози қилганингда, эҳтимол бирон-бир аъзоинг кесилмасди, ҳалиям кеч эмас, бориб кечирим сўра, акс ҳолда баданингга ҳам ўтиб кетмасин!», деб маслаҳат беришди. Мен балиқчини излаб топдим. Оёқларига йиқилиб йиғлаб ўпа бошладим. Мени кечиришини сўраб ёлвордим. У: «Сиз кимсиз», деб сўради. «Мен балиғингизни тортиб олган кишиман», деб бошимдан ўтган воқеани айтиб бердим. Қўлимни кўриб йиғлаб юборди. «Эй биродар, бошингизга шундай балолар тушибди. Мингдан-минг розиман», деди. «Мен, эй азиз биродар, Аллоҳ ҳаққи

айтингчи, балиғингизни олиб қўйганимда мени қарғаганмидингиз?», деб сўрадим. ««Ҳа, эй Аллоҳим, бу банданг кучлилиги сабабли менга ризқ қилиб берган нарсангни зўравонлик қилиб тортиб олди. Унга Ўзинг қудратингни кўрсат», деб дуоибад қилган эдим», деди. «Эй биродар, мана Аллоҳ менинг устимда Ўз қудратини кўрсатди. Мен золимларга хизматчи бўлганимдан Аллоҳ таолога тавба қилдим. Тирик эканман зинҳор золимларнинг эшигига қадам босмайман», деди.

17. Такаббурлик қилиб, бошқаларни менсимаслик

Аллоҳ Субҳанаҳу ва таоло «Луқмон» сурасининг 18-оятида:

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ

«Одамлардан (мутакаббирлик билан) юзингни ўғирма ва ерда кибру-ҳаво билан юрма. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас», деб марҳамат қилган.

Имом Насоий ва Имоми Термизийлар Амр ибн Шуъайбнинг бобосидан ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳа ва саллам айтдилар: «Қиёмат кунда мутакаббир кимсалар киши суратидаги чумолиларга ўхшаш ҳолда қайта тириладилар. Уларни ҳар томондан хорлик эгаллаб олади. Улар жаҳаннамдаги «Булис» деб номланадиган зиндонга ҳайдаладилар», дейилган.

Имом Муслим ва Имом Термизийлар Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қалбида зарра оғирлиги кибр бўлган киши жаннатга кирмайди», дедилар. Шунда бир киши: «Бир одам кийими ва пойафзали бежирим бўлишини яхши кўради, шу нарса кибрми?», деб сўради. «Албатта, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни хуш кўради, у кибр эмас. Кибр ҳаққа унамаслик, уни рад этиш ва одамларни масхара қилиш - таҳқирлашдир», дедилар.

Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга дўзахга биринчи бўлиб кирадиган уч тоифа кўрсатилди. Улар золим амир, молидаги Аллоҳ ҳақини адо қилмайдиган бой ва мутакаббир камбағал», дедилар.

Айрим салафи солиҳлар айтганларки, Аллоҳга осийлик қилиб содир этилган биринчи гуноҳ кибрдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Бақара» сурасининг 34-оятида:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَىٰ وَاسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), эсланг, Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимиз билан улар саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб, кофирлардан бўлди», деб марҳамат қилган.

Кимки Иблисга ўхшаб ҳақдан бўйин товлаб кибр қилса, унинг имони бефойдадир.

Демак, илми туфайли такаббурлик қиладиган ва ўзини бошқалардан афзал деб биладиган

кимса энг ёмон мутакаббирдир. Унинг илми ҳам бефойдадир.

18. Ёлғон гапириш

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Наҳл» сурасининг 105-оятда:

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْكَاذِبُونَ

«Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳнинг оятларига имон келтирмайдиган кимсаларгина тўқирлар. Ана ўшалар ёлғончидирлар», деб марҳамат қилган.

Яъни, Аллоҳга ва оятларига имон келтирмаган кимсагина У зот шаънига ёлғон тўқийди. Чунки у азобга дучор бўлишидан қўрқмайди. У ҳақиқий ёлғончидир. Ёлғон гапириш улкан жиноят бўлгани боис, мўмин унга яқинлашмайди.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Термизийлар Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисларида: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ростгўйликни маҳкам тутинглар. Зеро, ростгўйлик эзгуликка йўллайди, эзгулик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапириш ва ростгўйликка интилишда давом этаверади, натижада Аллоҳ ҳузурда ростгўй деб ёзилади. Ёлғончиликдан сақланинглар. Зеро, ёлғончилик фожирликка (гуноҳкорликка), фожирлик эса дўзахга бошлайди. Банда ёлғон гапириш ва ёлғончиликка интилишда давом этаверади, ниҳоят, Аллоҳ ҳузурда ёлғончи деб ёзилади», дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисларида: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимда тўрт хислат бўлса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан бири бўлса, то уни тарк этмагунча унда мунофиқликнинг бир хислати бўлади: омонат қўйилса, хиёнат қилади, гапирса, ёлғон гапиради, аҳд қилса, (аҳдида) турмайди, хусуматлашса (тортишса), фожирлик қилади», дедилар.

Абу Довуд ва Имом Термизийлар келтирган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларни кулдириш учун ёлғон гапирадиган кимсага вайл бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин», дедилар. (Вайл - жаҳаннам қаъридаги чоҳ, қудуқ, чуқурлик бўлиб, Жаҳаннамнинг ўзи ҳам ундан паноҳ тилайди).

19. Маст қилувчи (яъни, наша, кўкнори, героин, кокаин, спиртли ичимликлар, токсикомания билан шуғулланиш, сигарет, носвой чекиш ва шу каби нафратга сабаб бўладиган) нарсаларни истеъмол қилиш

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Моида» сурасининг 90-91-оятларида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رَجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ تَفْلِحُونَ . وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ

«Эй мўминлар, ароқ (маст қилувчи ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (га сиғиниш) ва чўплар (билан фол очиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз, шояд нажот топсангиз! Ароқ, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди холос! Энди тўхтарсизлар!», деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд ва Имом Термизийлар келтирган ҳадисларида бир киши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ичимлик тўғрисида сўради. Расулulloҳ уни бу ишдан қайтардилар. Шунда у, эй Расулulloҳ, мен уни дорилик учун қиламан деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «У даъво эмас, дарддир. Албатта, Аллоҳ ҳаром қилган нарсасида шифо қўйган эмас», дедилар.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадисда айтилишича: «Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)дан, асал, гуруч, буғдой, арпа ва хурмодан ичимлик қилсак бўладими?», деб сўради.

Расулulloҳга Аллоҳ томонидан: «Жавомеуъл калим», яъни кўп нарсаларни ўз ичига оладиган, қисқа сўзлаш хусусияти берилган эди. Шунда: «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва хамр эса харомдир», деб жавоб бердилар.

Хамр - инсонга озгина хуш кайфият пайдо қилиши билан бирга, унинг ақлини ўраб олиб, ўйлаш қобилиятини сусайтирадиган нарса. Расулulloҳ шу қисқагина сўзлари билан бизнинг замонимизда пайдо бўладиган наша, кўкнори, героин, кокаин, спирт, спирт қўшилган нарсалар ва ичимликлар, токсикомания, сигарет, носвойлар ва биздан кейин пайдо бўладиган турли туман инсон ақлига, наслига, соғлиғига, оиласига, умрига ва юртига зиён этказадиган нарсаларни ҳаром қилдилар. Зеро, инсон дунёга бир марта келади. Берилган азиз ва бебаҳо умрини яхши нарсаларга сарф қилиб, икки дунё саодатига эришиши керак бўлади. Пайғамбаримиз бу ҳадислари билан ҳақ пайғамбар эканликларини яна бир бора исботладилар. Қиёматгача пайдо бўладиган турли-туман зиёнкор нарсалардан умматларни қайтариб, уларни ғамларини еяётганликларини тасдиқладилар.

Аҳмад, Абу Яъло ва Табароний Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч тоифа одам жаннатга кирмайди: хамрга муккасидан кетган, қариндош-уруғчилик алоқаларини узган ва сеҳрни тасдиқлаган кимса. Кимки хамрга муккасидан кетган ҳолида вафот этса, Аллоҳ уни «Ғавта» дарёсидан суғоради», дедилар. ««Ғавта» дарёси нима?», деб сўрашган эди, у «Ғоҳишаларнинг фаржларидан оқадиган дарё бўлиб, дўзах аҳлига озор беради», дея жавоб бердилар.

Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисларида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Олдимга Жаброил келиб: «Эй Муҳаммад, албатта Аллоҳ хамрни ҳам, уни сиқтирувчини ҳам, сиқувчини ҳам, ичувчини ҳам, олиб келувчини ҳам, олдириб келтирувчини ҳам, сотувчини ҳам, сотиб олувчини ҳам, қуювчини ҳам ва қуйдирувчини ҳам лаънатлайди», деб айтди», дедилар. Пайғамбаримиз Расулulloҳу (с.а.в.): «Ичкилик ичувчига зинҳор қиз берманглар, бемор бўлса зиёрат қилманглар, ўлса жаноза ўқиманглар. Мени пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, ичкилик ичувчи Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Зобурда ҳам Қуръонда ҳам лаънатлангандир. Кимки ичувчига бир луқма овқат берса, Аллоҳ уни илон-чаёнларга ем қилиб беради. Кимки унинг ичишига ёрдам бериб, ҳожатини чиқарса, бир мўминни ўлдирганига ёрдам берганидек гуноҳга қолади. Кимки, ичувчи билан ўтиришиб улфатлашса, қиёмат кунида кўр

ҳолида тирилади», деганлар.

20. Қимор ўйнаш (ҳар қандай тури)

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Моида» сурасининг 90-91-оятларида ҳаром ичимликлар ва қимор ўйнаш гуноҳда тенг бўлганлиги учун иккаласини бир оятда ёнма-ён зикр қилди. Бу жинойтларнинг бирини қилган киши иккинчисини қилмасдан иложи йўқ.

Аллоҳ таоло бу оятлари билан ҳаром ичимликлар ва қимор ўйновчиларнинг дунёвий ва ухровий фасодларини баён қилиб берган.

Ичкилик ноҳуш кўнгилсизликларни, инсонлар орасида гина-кудуратни келтириб чиқариш билан бирга, биродарлар орасида совуқчиликни келтириб чиқаради. Қимор ҳам айни шунинг ўзи бўлиб, ҳеч нарса қолмагач, ҳовли-жойларини ва охири хотин ва бола-чақаларини ҳам қиморга тикиб, натижада хонавайрон бўлади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бундай ноҳушликларнинг олдини олиш учун «Бақара» сурасининг 188-оятида:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ

«Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ - ҳаром йўллар билан емангиз», деб, ноҳақ, яъни қимор, ўғирлик ва шунга ўхшаш ҳаром йўллар билан бир-бирларига хиёнат қилмасликка бандаларини чорламоқда.

Имом Бухорий келтирган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Айрим кимсалар Аллоҳ бандаларига берган мол-мулкига ноҳақ тажовуз қиладилар. Бу ноҳақ ишлари уларни қиёматда дўзахга етаклайди», деганлар.

Диний фасоди эса ҳамр истеъмол қилувчини ҳам, қиморбозни ҳам Аллоҳга қиладиган ибодатлар ва унинг зикрларидан узоқлаштириб бораверади. Натижада у кимса, маънавий тубанликка тушиб қолганлигини ўзи ҳам сезмасдан қолади.

21. Покиза хотинларга «зинокор», «фоҳиша» деб тухмат қилиш

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Нур» сурасининг 4-оятида:

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

«Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) - уларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон улар томонидан бирон гувоҳликни қабул қилманглар! Улар фосиқ - итоатсиз кимсалардир», деб марҳамат қилган.

Бу оятдан, ҳаромдан сақланган, покиза аёлга кимда-ким «зинокор» ёки «фоҳиша» деб тухмат қилса, унга дунё-ю охиратда лаънат ва улкан азоб бўлишини, бу дунёда эса саксон дарра урилиб, гувоҳлиги қайта қабул қилинмаслиги таъкидланмоқда.

Чунки гувоҳ бўлиш улуғ шараф бўлиб, Ислом ҳамманинг ҳам гувоҳлигини қабул қилавермайди. Фақат тақводор, покиза инсонларгина шу шарафга муносибдирлар. Тухматчи покиза бир аёлга ноҳақ тухмат қилганлигидан бу шарафдан маҳрум этилади.

Зинокорнинг жазоси ўлим. Шундан ҳар қандай инсон тухматнинг қурбони бўлмаслиги учун гувоҳлар сони одатдаги иккитадан тўрттага оширилди. Тўрттала гувоҳ ҳам ҳаром ишни пичоқ қинда турганидек ўз кўзлари билан кўришликлари шарт қилинди. Гувоҳлардан биронтасида заррача шубҳа бўлса, ҳукм ижро этилмасдан тўрттала гувоҳ ҳам тухматчилар қаторида дарраланади. Улар фосиқлар деб эълон қилиниб, уларнинг гувоҳликлари бундан кейин қайта қабул қилинмайди. Чунки мусулмоннинг обрўси ҳар қандай нарсадан устун туради.

22. Давлат мулкини ўғирлаш (қайси йўл билан бўлса ҳам)

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 161-оятида:

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغُلَّ وَمَنْ يَغُلَّ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

Пайғамбар (ўлжа тақсимида) хиёнат қилиши мумкин эмас. Кимда-ким хиёнат қилса, қиёмат куни ўша хиёнати билан бирга (ҳузуримга) келур. Маълумки, илгари замондаги урушларда душман томонидан тушган ўлжалар байтул молга яъни, давлат тасарруфига ўтган. Уни баъзиларини сотиб, пул қилинган. Шу пул ёки нарсаларни давлат раҳбари урушда жонбозлик кўрсатган қаҳрамонларга, шаҳид бўлганлар хонадонига ва етим-есир бечораларга тақсимлаб беришган. Шунинг учун байтул мол, яъни давлат мулки халқ мулки саналади. Уни ўғирлаганлар эса хоинлар ҳисобланади. Аллоҳ жалла жалалуху эса Анфол сурасининг 58-оятида:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِنِينَ

«Албатта, Аллоҳ хоинларни яхши кўрмагай» деб давлат мулкига хиёнат қилганларни дўст тутмаслигини билдирган.

Имом Аҳмаддан: Расуллуллоҳ (с.а.в.) байтул молдан, яъни давлат мулкидан ўғирлаганларни ва ўз жонига қасд қилганларни жанозасини ўқимаганликлари ривоят қилинади.

23. Одамларнинг мулкини ўғирлаш

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 38-оятида:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جِزَاءً بِمَا كَسَبَا نَكَالًا مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

«Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар! (токи бу) уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин, Аллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир», дейди.

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилишларича Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам

айтганлар: «Зинокор зино қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида зино қилади. Ўғри ўғирлик қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида ўғирлик қилади. Ичувчи ичкилик ичаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида ичади (яъни шу жинойтларни қилаётганида имони чиқиб кетади). Бироқ тавба ҳали ҳам таклиф қилингандир». Астойдил тавба қилса гуноҳлари кечиради.

Имом Аҳмад, Муслим ва Насойилар Ойиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилишларича: «Махзум қабиласидан бўлган бир аёл қарзга нарса олиб уни қайтармас, тан олмас эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қўлини кесишни буюрдилар. Аёлнинг қариндош-уруғлари Усома ибн Зайднинг олдига келиб у билан гаплашишди. Усома Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга аёл ҳақида гапирган эди, у зот саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Усома, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳадларидан бирорта ҳад борасида ҳам ўртага тушганингни кўрмайин», дедилар. Сўнг туриб одамларга қарата шундай хитоб қилдилар: «Албатта сизлардан олдин ўтганлар агар ораларида шарафли, обрўли киши ўғирлик қилса авф этиб, заиф киши ўғирлик қилса, қўлини кесганлари сабабли ҳалок бўлганлар. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар ўғри Муҳаммаднинг қизи Фотима бўлганида ҳам, албатта, қўлини кесган бўлардим». (Кейин ўғри аёлнинг қўли кесилди).

Уламолар айтадиларки, ўғирлаган нарсани эгасига қайтармас экан, ўғрининг тавбасидан ҳеч наф йўқ. Агар ҳеч вақоси бўлмаса, молнинг эгасидан розилик олиши шарт.

Халқ манфаати учун ўғрининг қўли кесилади. Унинг қўлини жамоачилик кўрадиган кенг майдонда бошқа ўғриларга ибрат учун кесилади. Бир икки ярамас ўғрини баҳридан ўтиб, унинг қўлини кесиш билан бутун жамоатини мол-мулки ва жони сақланиб қолинади. Натижада раият эмин-эркин, ташвишсиз оромида ҳаёт ўтказди. Бу жинойт таги-томири билан кўпорилиб ташланади.

Имом Бухорий, Муслим ва бошқа муҳаддислар Ойиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Чорак динор ва ундан юқорироқ қийматга эга бўлган нарса учун ўғрини қўлини кесдирганлар. Чорак динордан паст қийматга эга бўлган нарса учун қўл кесилмайди. У пайтда бир динор - ўн икки дирҳам, чорак динор эса - уч дирҳам бўлган. Ҳозир бир динор биздаги ўн сўмлик олтин танга қиймати билан тенгдир.

24.Йўлтўсарлик, қароқчилик қилиш

Аллоҳ таоло Моида сурасининг 33-оятда:

إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِّنْ خِلَافٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ ذَلِكَ لَهُمْ خِزْيٌ فِي الدُّنْيَا وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ

«Албатта, Аллоҳ ва Пайғамбарига қарши урушадиган ва ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиган кимсаларнинг жазоси-ўлдирилиш ё дорга осилиш ёки оёқ-қўллари тескарисига (яъни, ўнг қўл ва чап оёқ ёки чап қўл ва ўнг оёқ) кесилиши ёхуд ўз ерларидан сургун қилинишларидир. Бу жазо улар учун бу дунёда расволик-шармандалик бўлур. Охиратда эса улар учун улуғ азоб бордир».

Мўминларга қарши қўлига қурол олган ҳар бир кимса Аллоҳ ва пайғамбарига қарши

урушувчидир. Ерда бузғунчилик қилиш ҳаракатида юрадиганлар»-одамларни ўлдириб, мол-мулкани талон-тарож қиладиган, ўғирлик қиладиган кимсалардир.

Йўлтўсарлик қилиб, одамлар кўнглига қўрқув солишнинг ўзиёқ гуноҳи кабирадир. Мол-мулкни талон-тарож қилиш, одамларга жароҳат етказиш, қатл этишни айтмаса ҳам бўлаверади.

25. Ёлғондан қасам ичиш

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 77-оятда:

إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ لَا خَلَاقَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

«Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат кунда Аллоҳ уларга гапирмайди, уларга (раҳмат назари билан боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир».

Воҳидий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Мазкур оят Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига ер талашиб келган икки киши хусусида нозил бўлган. Даъвогарлардан бири қасам ичмоқчи бўлганида, Аллоҳ бу оятни нозил қилган ва у қасам ичишдан бош тортиб, шеригининг ҳаққи борлигига иқроп бўлган эди».

Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадисда: «Кимки мусулмон кишининг моли хусусида ноҳақ қасам ичса, Аллоҳга йўлиққанида У зот ундан дарғазаб бўлади», дейилган.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки (ёлғон) қасам ичиб мусулмон кишининг ҳаққини ўзиники қилиб олса, батаҳқиқ, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади», дедилар. «Ё Аллоҳ, арзимаган нарса бўлса ҳамми?», деб сўрашган эди, «Бутанинг бир новдаси бўлса ҳам», деб жавоб бердилар.

26. Зулм қилиш (зулмнинг қайси тури бўлса ҳам)

Зулм бир неча турли бўлади. Ботил йўл билан мол топиш, етим молини ейиш, бандаларни ўлдириш, уриш, жароҳат етказиш, ҳақорат қилиш, лаънатлаш, тухмат қилиш ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло Иброҳим сурасининг 42-45 оятларида:

مُهْطِعِينَ مُقْنِعِي وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَافِلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ . وَأَنْذِرِ النَّاسَ يَوْمَ يَأْتِيهِمُ الْعَذَابُ فَيَقُولُ الَّذِينَ ظَلَمُوا رَبَّنَا رُءُوسِهِمْ لَا يَرْتَدُّ إِلَيْهِمْ طَرْفُهُمْ وَأَفْئِدَتُهُمْ هَوَاءٌ . وَسَكَنتُمْ فِي أَعْرَابِنَا إِلَى أَجْلِ قُرَيْبٍ نُجِيبُ دَعْوَتَكَ وَتَتَّبِعَ الرُّسُلَ أُولَٰئِكَ تَكُونُوا آفَاسَتُمْ مِّن قَبْلُ مَا لَكُمْ مِّن زَوَالٍ . مَسَاكِنَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ وَتَبَيَّنَ لَكُمْ كَيْفَ فَعَلْنَا بِهِمْ وَضَرَبْنَا لَكُمْ الْأَمْثَالَ

«(У куни) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида(чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди (яъни, кўркувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). Диллари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур. (Эй Муҳаммад), одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келар кунда (қиёматда) золим кимсалар: «Парвардигоро, бизларга озгина муҳлат бергин, (яъни, бизларни дунёга қайтариб, озгина ҳаёт бергин, албатта) Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва пайғамбарларингга эргашурмиз», дейдилар. (Шунда уларга жавоб қилинур): Илгари (ҳаёт пайтингизда) ҳеч қачон заволга юз тутмаслигингиз (яъни, ҳеч қачон ўлмаслигингиз ва охират жазосига дучор бўлмаслигингиз) ҳақида қасам ичмаган эдингизларми? Ҳолбуки, сизлар ўзларига зулм қилган кимсаларнинг масканларига (улар заволга юз тутганларидан кейин) жойлашган эдингизлар. Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) мисоллар келтирган эдик (лекин сизлар бу кўрган-билганларингиздан ибрат олмадингизлар, ҳақ йўлга юрмадингизлар)».

Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Мусо разияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ золимга узоқ умр беради. Уни ушлаган вақтда эса, қутула олмайди», дедилар ва Ҳуд сурасининг 102-оятини ўқидилар:

وَكَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرَىٰ وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ

«Парвардигорингиз (аҳли эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир».

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам Муоз разийаллоху анҳуни Йаманга юбораётганларида: «Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл, зеро, унинг дуоси билан Аллоҳнинг орасида парда-тўсиқ йўқдир», деган эдилар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра разийаллоху анҳудан ривоят қиладилар: Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам: «Кимки бир биродарининг номуси ёки бошқа нарчасига зулм қилган бўлса, динору дирҳам бўлмайдиган (кундан илгари қутулиб олсин). Акс ҳолда, унинг яхши амалларидан зулмига ярашаси мазлумга олиб берилади. Борди-ю, яхшиликлари бўлмаса, мазлумнинг ёмонликларидан олиниб, унга юкланади» дедилар.

Муслим ривоят қилишларича, қиёмат куни банда учун ўзини танийдиган кишини учратишдан кўра ёқимсизроқ нарса бўлмайди. Чунки у дунёда қилган зулмига тўлов талаб этишидан хавфсираб туради. Бу хусусда Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам айтганлар: «Қиёмат кунида ҳақлар ҳақдорларга олиб берилади. Ҳатто шохли қўйдан шохсиз қўйнинг ўчи олиб берилади».

Анас разийаллоху анҳудан Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтадилар: «Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам: «Биродарингга золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам бер», дедилар. Шунда бир киши: «Ё Расулуллоҳ, агар мазлум бўлса-ку, ёрдам бераман. Борди-ю, золим бўлса-чи, у ҳолда қандай ёрдам бераман?» деб сўраган эди, у зот: «Уни зулмдан қайтарасан ёки тўхтатасан. Мана шу унга ёрдам беришингдир», дедилар».

27. Турли йўллар билан одамларнинг ҳаққига хиёнат қилиш

Аллоҳ таоло Мутаффиғун сурасининг 1-3 оятларида:

وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ الَّذِينَ إِذَا اكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ . وَيَلُّ لِلْمُطَفِّينَ .

«(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир» дейди.

Бировларнинг ҳақидан уриб қолиш ўғирлик хиёнат ва ҳаром ейишнинг бир кўриниши бўлиб бу ишни қилганларга Аллоҳ «вайл» билан таҳдид солди.

Табароний ривоят қиладилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш иш беш ишга боғлиқ дедилар. Шунда саҳобалар «Ё Расулulloҳ бири иккинчисига боғлиқ бўлган беш иш қайси?»деб сўрашди. «Қайси қавм аҳдини бузса Аллоҳ уларга душманларини ҳукмрон қилиб қўяди. Аллоҳ нозил этган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилса уларда фақирлик ёйилади. Фақш ишлари авж олса Аллоҳ уларга ўлат юборади яъни ўлим кўпаяди. Ўлчов ва тарозидан уриб қолса набототлар ўсмай бир неча йил қурғоқчиликка дучор бўладилар. Закот бермасалар ёмғир ёғмай қўяди» дедилар».

Нофиъ разияллоҳу анҳу айтадилар: «Ибни Умар разияллоҳу анҳумо сотувчининг олдидан ўта туриб: «Аллоҳдан кўрқ, ўлчов ва тарозини тўғри қил. Чунки уриб қолувчилар терлари то қулоқларининг ярмигача кўмиб юбормагунича тўхтатиб туриладилар» дедилар».

28.Шариат ҳаром қилган нарсаларни истеъмол қилиш

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 188-оятларида:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ

«Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз!..» деб, марҳамат қилади.

Ибни Аббос разияллоҳу анҳумо: «Аллоҳ бу ояти орқали ноҳақ ёлғон қасам билан киши биродарининг молини ўзиники қилиб олишдан қайтарди деганлар». Бировнинг ҳақини ейиш икки йўл билан бўлади: биринчиси зулм орқали-тортиб олиш, хиёнат, ўғрилик, ҳазил ва иккинчиси ўйин орқали-қимор ва шунга ўхшаш бекорчи эрмаклар билан.

Имом Муслим Расулulloҳдан ривоят қилган ҳадисда: Бир киши муборак ҳаж сафарига чиқиб, сочи тўзғиб, уст-боши чанг бўлган ҳолда байтуллоҳ рўбарасида қўлларини осмонга чўзиб: «Эй Раббим, эй Раббим» деб, дуо қилса-ю лекин егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ҳаромдан озиқланган бўлса, унинг дуоси қандай ижобат бўлсин» деганлар.

29.Ўз жонига қасд қилиш

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 29-оятларида:

وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ

«Бир-бирларингизни (яъни мўмин-мўминни) ўлдирмангиз», дейди.

Яъни, ҳиндларнинг жоҳилларига ўхшаб, ўзингизни-ўзингиз ўлдирмангиз ёки ўзингизни ҳалокатга ташламангиз.

Айрим уламолар: «Ўзларингиз»дан мурод диндошлардир. Зеро, мўминлар битта жон кабидир, оят бир-бирингизни ўлдирмангиз, деган маънода дейишган.

Имом Бухорий ва Муслимлар Жундаб ибни Абдуллоҳ разийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Сизлардан илгари ўтганлардан бир киши жароҳатланди. Бесабрлик қилиб пичоқ олди-да, қўл(томири)ни кесиб ташлади ва кўп ўтмай, қон йўқотиб вафот этди. Аллоҳ: «Бандам жонига қасд этди, унга жаннатни ҳаром қилдим», деди.

Яна Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки тоғдан ўзини ташлаб, жонига қасд қилса, у жаҳаннам оловида абадул-абад ўзини пастга ташлайди. Кимки заҳар ичиб жонига қасд қилса, у қўлида заҳарини тутиб, жаҳаннам оловида абадул-абад ўзини заҳарлайди. Кимки ўзини темир билан ўлдирса, у қўлида темирини тутиб, жаҳаннам оловида абадул-абад у билан ўзини уради» дедилар.

Бир киши жароҳатининг оғриғига чидолмай, ўлимини тезлатиб, қиличининг тиғи билан ўзини ўлдирди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда: «У дўзах аҳлидандир», дедилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

30. Ёлғон гапга одатланиш (ҳазиллашиб бўлса ҳам)

Аллоҳ таоло Зориёт сурасининг 10-оятида:

قُتِلَ الْخَرَّاصُونَ

«(Ўша) ёлғончиларга ўлим бўлсин» деган бўлса, Фофир сурасининг 28-оятида:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ

«Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошувчи ва ёлғончи кимсаларни ҳидоятга йўллагас» деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ибн Масуддан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) «Тўғри сўзликка одатланинглар. Зеро, тўғри сўзлик эзгуликка йўллайди, эзгулик эса жаннатга бошлайди. Киши тўғри гапириш ва ростгўйликка интилишда давом этаверса, уни Аллоҳ ҳузурда ростгўй деб ёзилади. Ёлғон гапиришдан сақланинглар. Зеро, ёлғончилик фужурга (гуноҳ ишларга), фужур эса дўзахга бошлайди. Банда ёлғон гапириш ва ёлғончиликка интилишда давом этавериб, ниҳоят Аллоҳ ҳузурда ёлғончи деб ёзилади» деганлар.

Имом Термизий ва Абу Довудлар ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ (с.а.в.) «Одамларни кулдириш учун ёлғон гапирадиган кишига вайл азоби бўлсин деб, уч марта такрорладилар». Вайл - жаҳаннам қаъридаги азоби қаттиқ бўлган жой.

Пайғамбаримиздан ривоят қилишларича, «Ёлғон гуноҳга, гуноҳ эса дўзахга йўллайди». Киши ора-сира ёлғон гапирса ҳам Аллоҳнинг ҳузурида каззоб бўлиб ёзилиб қолади. Ўзи кўрмаган нарсани кўрдим дейишда ҳам ёлғончилик намоён бўлиб қолади. Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам «Кимки кўрмаган нарсани кўрдим деб эълон қилса, қиёмат куни иккита қилдан арқон эшишга мажбур қилинади» деган эканлар.

31. Қози, муфтий, судья, прокурор, милиция ходими бўлсин ҳукм чиқаришда пора олиш

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 188-оятда:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُم بَيْنَكُم بِالْبَاطِلِ

«Мол дунёларингизни ораларингизда (пора бериб, пора олиб) ноҳақ - ҳаром йўллар билан емангизлар» деб марҳамат қилган.

Имом Термизий, ибн Ҳибон ва ҳокимлар Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ (с.а.в.) «Ҳукм чиқаришда пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам, ўртадаги воситачини ҳам лаънатладилар» дейилган.

Абу Довуд, Термизий ва ҳокимлар Бурайда (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ (с.а.в.) «Қозилар (ҳукм қилувчилар) уч тоифадир. Бир тоифаси жаннатда, икки тоифаси дўзахдадир. Ҳақиқатни билиб, адолат билан ҳукм чиқарган қози жаннатда. Ҳақиқатни била туриб, пора олгани сабабидан бировга зулм қилган иккинчиси ва ҳақиқатни билмай туриб, ҳукм чиқарган қозилар дўзахдадир» деганлар.

32. Қилган яхшилиги эвазига пора олиш

Аллоҳ таоло Бақара сураси 188-оятда:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُم بَيْنَكُم بِالْبَاطِلِ

«Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз!

(Яъни бир-бирингизнинг ҳақингизни еманг!) Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ-ҳаром йўллар билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!» дейди.

Яъни бошқаларнинг ҳақини сизларга ўзлаштириб беришлари учун ҳокимларга пора берманглар.

Имом Термизий, ибни Ҳиббон ва Ҳокимлар Абу Ҳурайро (р.а)дан ривоят қилган ҳадисда «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳукмда пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам лаънатладилар» дейилган.

Табароний ибни Масъуд разияллоҳудан ривоят қилган ҳадисда: «Ҳукмдаги пора куфрдир. Одамлар орасидаги эса ҳаромдир» дейилган.

Ибн Маъсуд (р.а) «Бир биродарингни ҳожатини раво қилиб, унинг эвазига сенга берилган ҳадяни қабул қилсанг, бу ишинг ҳаромдир» деганлар.

Абу Довуд Абу Умома ал-Боҳилий (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) «Кимки бир биродари учун воситачилик қилса-ю, унинг эвазига ҳадя қабул қилса, батаҳқиқ у судхўрлик (порахўрлик)нинг катта эшикларидан бирига яқинлашибди» деганлар.

33.Хотин кишининг эркакча кийиниши, эркакнинг хотинча кийиниши

Бухорий, Абу Довуд Ибн Аббос (р.а)дан ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ (с.а.в) аёлларга тақлид қилувчи эркакларни ва эркакларга тақлид қилувчи аёлларни лаънатладилар», дейилган.

Расулуллоҳ (с.а.в) аёлсифат эркакларни ва эркакшода аёлларни лаънатлаганлар (Бухорий ривояти).

Кийиниш ва гапиришда эркакларга ўхшайдиган аёлларга эркакшода аёллар дейилади. Бир ривоятда: «Аллоҳ эркакшода аёлларни лаънатлади», дейилади.

Абу Довуд, Насай ва Ҳокимлар Абу Ҳурайра (р.а)дан ривоят қилган ҳадисда: «Расулуллоҳ (с.а.в) аёллар кийимини киядиган эркакни ва эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатладилар», дейилган.

Агар аёл киши эркакларга хос бўлган либосларни кийса, у ўзини эркакларга ўхшатган ҳисобланади ва Аллоҳ ҳамда Расулининг лаънатига дучор бўлади. Эри ҳам агар уни шундай юришига имкон берса (яъни, рози бўлса ва уни қайтармаса) малъундир (лаънатлангандир). Чунки, у аёлини Аллоҳга итоат этишга ундаши ва гуноҳ ишлардан қайтариши лозим. Зеро, Аллоҳ таоло Таҳрим сурасининг 6-оятида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا فُؤَا أُنْفُسِكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни дўзахдан сақлангизки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир», деб марҳамат қилган.

Яъни, уларга одоб ва таълим беринг, Аллоҳга итоат этишга буюриб, гуноҳ ишлардан қайтаринг, ўзингизга ҳам ҳудди шундай муносабатда бўлинг, дейилмоқда.

Имом Бухорий ва Муслимлар Расулуллоҳ (с.а.в)дан ривоят қилган ҳадисда: «Ҳар бирингиз нозир ва ўз раъиятига масъулдир. Эркак киши ўз аҳли-оиласига нозир ва қўл остидагиларга масъулдир» дейилган.

Ҳоким Абу Бакр (р.а)дан ривоят қилган ҳадисда: Расулulloҳ (с.а.в) : «Эркаклар аёлларга итоат этган вақтларида ҳалок бўлдилар», деганлар.

Ҳасан (р.а) айтганлар: «Аллоҳга қасамки, киши хотинига унинг ҳавойи нафси тилаган нарсаларда итоат этса, Аллоҳ таоло уни дўзахга улоқтиради».

Имом Муслим Расулulloҳ (с.а.в) дан ривоят қилинган ҳадисда: «Мен кўрмаган икки тоифа борки, улар дўзах аҳлидандир: Сигир думига ўхшаш қамчилари бўлиб, у билан одамларни урадиган тоифа ҳамда, яланғоч, кийим кийган, йўлдан урувчи, йўлдан озган аёллар. Уларнинг бошлари туянинг ўрқачи каби. Улар жаннатга кирмайдилар, унинг ҳидини ҳам тотмайдилар. Ҳолбуки, унинг ҳиди мунча- мунча йиллик масофадан келиб туради», деганлар.

34. Даюс (ўзи уйда ўтириб, хотинини кўчага чиқариб қўйган, хотинининг бузуқлигини билатуриб, у билан яшаган пасткаш инсонлар)

Аллоҳ таоло Нур сурасининг 3-оятда:

الزَّانِي لَا يَنْكِحُ إِلَّا زَانِيَةً أَوْ مُشْرِكَةً وَالزَّانِيَةُ لَا يَنْكِحُهَا إِلَّا زَانٍ أَوْ مُشْرِكٌ وَحُرْمٌ ذَلِكَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ

«Зинокор эркак фақат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга фақат зинокор эркак ёки мушрик уйланур. Ва бу (яъни зинокор аёлларга уйланиш) мўминларга ҳаром қилингандир» деб марҳамат қилган.

Имом Насоий, Баззор ва Ҳокимлар Абдуллоҳ ибни Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч тоифа одамлар: ота-онасига оқ бўлганлар, даюслар, эркакшода аёллар жаннатга кирмайдилар», деганлар.

Аммор ибни Ёсир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч тоифа одамлар ҳеч қачон жаннатга кирмайдилар: Даюслар, эркакшода аёллар, хамр (маст қилувчи нарса)га муккасидан кетганлар», дедилар. «Ё Расулulloҳ хамрга муккасидан кетгани биламиз. Даюс ким? деб сўрашган эди, у зот саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳлининг ҳузурига ким кираётганига парво қилмайдиган кимса», деб жавоб бердилар».

35. Ҳалола қилувчи ва қилдирувчи, яъни хотинини уч талоқ қўйиб, кимгадир хотин қилиб, яна ўзи хотин қилиб олувчи

Ҳоким ривоят қилишича Ибни Умардан: «Бир киши хотинини уч талоқ қилса, биродари у билан маслаҳатлашмасдан ҳалоллаб бериш мақсадида унинг хотинига уйланса, энди бу хотин биринчисига ҳалол бўладими?», деб сўраган эди, у зот йўқ, фақат рағбат-хоҳиш билан қилинган никоҳгина жоиз. Биз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврида бу ишни фоҳишабозлик деб ҳисоблардик», деганлар.

Асрам ва ибн Мунзирлар ривоят қилишларича Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу : «Ҳалол қилувчи ва ҳалол қилдирувчини ҳузуримга олиб келишса иккаласини ҳам тошбўрон қилган

бўлардим», деганлар.

Балоғат ёшига етган ҳар қандай инсон уйланмоқчи бўлса, ислом шариатида мувофиқ аёлига маҳр бериб, гувоҳлар ҳузурда никоҳ ўқитиб, қўша қарийлик деган ниятда жуфту ҳалол бўлишади.

Тақдир тақозоси билан ораларида келишмовчилик пайдо бўлиб, хотинидан ажралмоқчи бўлса, талоқ деса, кифоя қилади.

Шу билан муроди ҳосил бўлиб, аёли бегонага айланди. Қандайдир сабаблар билан яна яшашмоқчи бўлишса, никоҳ ўқитиб, ярашиши мумкин. Орадан йиллар ўтиб яна талоқ деса, аввалги талоғи билан қўшилиб, икки талоқ бўлади. Бунда ҳам ярашиш имкони бор. Учинчи марта яна талоқ қўйса, энди ярашиш имконияти қолмайди. Бунда битта йўл, у ҳам бўлса хотин бошқага турмушга чиқиб, ундан ҳам ажралса, шундагина аввалги уч марта талоқ қўйган эри билан ярашиши мумкин.

Айтайлик бир нодон кимса хотинини бир лафз билан бирданига уч талоқ деса, бунда ҳам ярашиш имконияти йўқ. Бу ҳолатда ҳам унинг хотини кимгадир турмушга чиқиб, ажралса, шундагина уч талоқ қўйган эри билан ярашиши шаръан тўғри. Буни шариатда ҳалола дейилади. Яъни, бошқа эрга тегиб чиққанлиги сабабидан аввалги эри қайтадан ўз никоҳига олиши мумкин. Бу гуноҳ эмас. Аммо, хотинини уч марта талоқ қилгандан кейин ёки бир лафз билан бирданига уч талоқ қўйгандан кейин ҳийла ишлатиб, хотинини кимгадир бир кечага никоҳлатиб, эртасига талоқ қилганидан кейин ярашиши катта гуноҳлардан саналади. Уч талоқ қўйган ҳам, бир кеча никоҳига олган ҳам, гувоҳлар ҳам, никоҳ ўқиган шахс ҳам Аллоҳнинг лаънатида қолади.

Зеро, Имом Термизий ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳу саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳалол қилувчини ҳам, ҳалол қилдирувчини ҳам Аллоҳ лаънат қилсин», деганлар.

36. Кийимларига сийдик сачратиб, сийдикдан ҳазар қилмайдиганлар

Аллоҳ таоло Муддассир сурасининг 4-оятда:

وَيَا بَاكَ فَطَهْرٌ

«Либосларингизни пок тутинг», деб марҳамат қилган.

Маълумки ҳар бир намозхон намоз ўқишидан олдин таҳорат олиб, пок бўлиши шарт. Шунингдек, унинг кийимлари ҳам пок бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳожатга кирганда кийимларига сийдик сачрашидан сақланиши лозим. Акс ҳолда ўқиган намози қабул бўлмасдан, ўлгандан кейин қабр азобига учрайди. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.): «Қабр азобининг кўпчилиги кийимига сийдик сачраши сабабли бўлади. Бас, шундай экан, сийдик сачрашидан сақланиб пок бўлинглар!» деганлар.

Ибн Аббос разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: «Расулulloҳ (с.а.в.) қабристондан ўтаётганда, икки қабр ёнида тўхтадилар ва сўнгра: «Бу икки қабрдагилар азобланмоқда. Улардан бири чақимчилик қилиб юрарди, иккинчиси эса сийдигидан сақланмасди», дедилар».

37.Риёкор, хўжамкўрсинга иш қилувчилар

Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида хабар бера туриб: «Инсонларга риё қилдилар», дейди. Яъни, уларнинг намоз ўқишдан кўзлаган мақсадлари - Аллоҳнинг жамоли эмас, балки одамлар кўриб, эшитишлари - хўжакўрсин учундир. Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 142-оятида:

إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَادِعُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كَسَالَى يُرَآؤُونَ النَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا

«Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйгувчидир. Ва улар қачон намозга турсалар дангасалик билан, одамлар кўрсин, деб турадилар ва Аллоҳни камдан-кам эслайдилар», деб марҳамат қилган.

Бақара сурасининг 264-оятида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ

«Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охираат кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг,,,», дея огоҳлантиради.

Бу оятда риёкор риё қилгани сабабли инфоқ-эҳсонларини йўққа чиқаргани сингари, сизлар ҳам миннат ва озор билан қилган садақотларингиз ажридан маҳрум бўлиб қолманг, дейилмоқда.

Адий ибн Хотим (р.а.)дан ривоят қилинади: «Бир Тоифа одамларни дўзахдан жаннатга олиб бориш буюрилади. Улар жаннатга яқинлашиб, унинг бўйларини ҳидлаб, ундаги қасрлар ва Аллоҳ жаннат аҳли учун ҳозирлаб қўйган нарсаларни кўришгач, «Уларни жаннатдан буриб юборинглар, у ерда уларга насиба йўқ», деб нидо қилинади. Шунда улар: «Парвардигоро, бизга жаннатингни ва у ерда дўстларинг учун ҳозирлаб қўйган нарсаларингни (ноз-неъматларингни) кўрсатмасдан туриб дўзахга киритганингда, бизга осонроқ бўларди», дейишади, шунда Аллоҳ «Мен сизларга шуни ирода қилдим. Чунки сизлар ёлғиз қолганингизда, улкан қарзлар гуноҳлар билан Менга қарши чиқдингиз ва одамларга йўлиқсангиз, уларга итоаткор - тақводор бўлиб кўриндингиз. Одамлардан кўрқдингиз, Мендан кўрқмадингиз. Одамларни улуғладингиз, Мени улуғламадингиз. Одамларни деб (бирон гуноҳ ишни) тарк этдингиз, Мен учун тарк этмадингиз. Мана бугун сизларни савобдан маҳрум этганимдек, аламли азобга грифтор қиламан», дейди.

Риёкорлар қиёмат кунини тўртта ном билан чақирилади: «Эй риёкор, эй хиёнаткор, эй фожир, эй зиёнкор, бор , ким учун амал қилган бўлсанг, ўшандан ажр-мукофотингни олавер. Бизнинг ҳузуримизда сен учун ажр йўқ», дейилади.

Фузайл ибн Иёз айтганлар: «Одамлар учун бир ишни тарк этиш -риё, одамлар сабабли бир ишни қилиш-ширкдир. Аллоҳ сени шу иккисидан ҳам омон сақлаши эса ихлосдир». Аллоҳ таолодан бизни амалларимиз, сўзларимиз ва барча ҳолатларимизда ихлосли этмоғини сўраймиз.

38.Дунё орттириш учун илм олиш ва бахиллик қилиб, инсонларга ўргатмаслик

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 187-оятида:

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لُبِّيئْتَهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْفُرُونَ فَتُبَّوْهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَاسْتَرَوْا بِهِ تَمَنَّا قَلِيلًا فَيَسَّ مَا يَشْتَرُونَ

«Эсланг, (эй Муҳаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта, у (Китобни) одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматга сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди», деб марҳамат қилган.

Воҳидийнинг айтишича, бу оят Мадина яҳудийлари ҳақида нозил бўлган. Аллоҳ Тавротда улардан Муҳаммад (с.а.в) ҳақ пайғамбар эканлиги, сифатлари ва юборилиш замони-ю, маконини баён қилишга, уни яширмасликка аҳд-паймон олиб: «Уни одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар», деб айтган. Лекин улар ҳасад қилиб, уни халқдан бекитди ва Аллоҳнинг газабига гирифтор бўлди.

Шунинг учун, Пайғамбаримиз (с.а.в): «Кимдан билган нарсаси ҳақида сўралса-ю, уни яширса, қиёмат куни Аллоҳ у кимсанинг оловдан бўлган юган билан юганлаб қўяди», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Усома ибн Зайд (р.а.)дан ривоят қилишларича, у киши Расулulloҳ (с.а.в) шундай деганларини эшитганлар: «Қиёмат кунида бир киши олиб келиниб, дўзахга улоқтирилади. Унинг ичак-чавоқлари осилиб, ёйилиб кетади-да, худди эшак тегирмон атрофида айланганидек, уларга ўралашиб қолади. Дўзах аҳли унинг атрофида тўпланишади ва: «Эй фалончи, сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтармасмидинг?»деб сўрашади. У: «Сизларни яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмасдим. Ёмонликдан қайтарардим-у, ўзим қайтмасдим», дейди».

Аллоҳ таолодан барча балолардан саломат сақланиши ва Ўзи яхши кўрган, рози бўлган нарсаларга муваффақ қилишини сўраймиз.

39.Хиёнат қилувчилар (хиёнатнинг қайси тури бўлса ҳам)

Аллоҳ таоло Анфол сурасининг 27-оятида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمَانَاتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ ва унинг пайғамбарига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга хиёнат қилмангиз», деб марҳамат қилган бўлса, шу суранинг 58-оятида:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِنِينَ

«Албатта, Аллоҳ хиёнаткор кимсаларни севмас», деган.

Расулulloҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло: «Мен қиёмат куни уч кишининг - менинг номимни ўртага қўйиб (бирор нарса) олиб, сўнг хиёнат қилган кишининг, ҳур озод одамни сотиб, сўнгра пулини еган кишининг ва мардикорни ижарага олиб, ишлатиб, ҳаққини бермаган хиёнаткор кишининг душманидирман», деди», деганлар.

Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Ким дўзахдан йироқ бўлиб, жаннатга киришни ёқтирса, Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган ҳолда ўзига берилишини яхши кўрган нарсасини одамларга берсин. Ким бир имомга байъат қилиб, унга қўлининг битимини ва қалбининг мевасини берса, агар қодир бўлса, унга итоат қилсин. Мабодо бошқаси келиб, у билан таллашиб тортишса, ўз имомига хиёнат қилмасдан ўша бошқа кимсанинг бўйнига уришсин», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслим Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилган машҳур ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Мунофиқнинг аломати учтадир. 1. Сўзлашганда ёлғон сўзлайди. 2. Ваъдасига вафо қилмайди. 3. Омонатга хиёнат қилади», деганлар.

40. Қилган яхшилигига миннат қилиш

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 264-оятда:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ

«Эй, иймон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг», деб марҳамат қилган.

Калбий: «Қилган садақасини олган одамга «сенга шундай яхшилик қилдим», деб миннат қилиш Аллоҳга озор бериш билан баробар», деб тафсир этганлар.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ривоят қилишларича: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Маккор-алдамчи, миннатчи ва бахил кимсалар жаннатга кирмайди», деганлар.

41. Тақдирга ишонмаслик

Аллоҳ таоло Қамар сурасининг 49-оятда:

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ

«Албатта, биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик», деб марҳамат қилган.

Имом Муслим ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибни Умар разияллоҳу анҳумо: «Қадар-тақдир йўқ ишлар энди содир бўлади-улар тақдир қилинмаган» деб даъво қиладиган қавм ҳақида: «Агар

уларга йўлиқсанг мен улардан бегоналигимни улар мендан бегона эканликларини уларга айтиб қўй. Мабодо улардан бирининг Уҳудчалик тилласи бўлсаю уни инфоқ қилса то қадарга иймон келтирмагунича Аллоҳ уни қабул қилмайди», дедилар, сўнг Жаброил алайҳиссалом ҳадисини зикр қилдилар. Жаброил алайҳис салом Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Имон нима?» деб сўраганида у зот саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига, яхшилик ва ёмонлик қадардан эканига ишонмоғинг!» дея жавоб берганлар.

Имом Термизий Ибни Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳодисада: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билгинки агар сенга бирор нарсада фойда бериш учун бутун уммат тўпланса ҳам фақат Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган нарсагагина фойда берурлар ва агар бутун уммат сенга ёмонлик қилмоқчи бўлса, фақат Аллоҳ таоло сен учун ёзиб қўйган нарсагагина зарар етказа оладилар», деганлар.

42. Жосуслик қилиб, одамларнинг сирларига қулоқ солиш

Аллоҳ таоло Хужурот сурасининг 12-оятда:

وَلَا تَجَسَّسُوا

«Ўзгалар айбини қидириб жосуслик қилмангиз», деб марҳамат қилган.

Аллоҳ таоло бу ояти карима билан мўминларни жосуслик қилиб бировларни айбини қидиришдан қайтармоқда. Муфассирлар «жосуслик»ни мусулмонларнинг айбу нуқсонларини қидириш деб тафсир қилганлар. Зеро, жосуслик инсонларнинг нафратини келтирадиган хунук амал бўлиб, одамлар орасини бузишдан иборатдир. Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимда-ким одамларнинг гапларига қулоқ солса-ю, улар бу гапни бошқалар эшитишини ёқтирмасалар, у эшитган киши эшитганларини бировларга айтса, жосуслик қилган бўлиб, қиёмат кунда унинг қулоқларига эритилган қўрғошин қуйилади», деганлар. Шунинг учун ҳам шариатда икки киши гаплашиб турган бўлса, учинчи киши уларнинг суҳбатига қулоқ солиши одобсизлик дейилган.

Ибн Масъуд (р.а.) га: «Валид ибн Уқабанинг соқолидан хамр (ичкилик) томиб туради», дейишганда, у зот: «Биз мусулмонлар жосуслик қилишдан қайтарилганмиз. Бироқ ҳақиқатан ҳам унинг ичувчи эканлиги маълум бўлса, уни жазолаймиз», деганлар.

43. Одамларнинг орасини бузиш учун чақимчилик қилиш

Аллоҳ таоло Қалам сураси 10-11 оятларида:

هَمَّازٌ مِّنْأَنفٍ بِنَمِيمٍ وَلَا تُطِغْ كُلَّ حَلَّافٍ مَّهِينٍ .

«(Эй, Муҳаммад) Ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчию гап ташувчи (чақимчи) кимсага итоат этманг!», деб марҳамат қилган.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган бошқа бир ҳадисда айтилишича Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабр ёнидан ўта туриб: «Бу иккиси (яъни қабрдаги майитлар) азобланмоқда. Бироқ катта нарса сабабли азобланаётганлари йўқ. Улардан бири сийдигидан сақланмас эди. Иккинчиси чақимчилик қилиб гап ташиб юрарди» дедилар. Сўнгра бир ҳўл новдани олиб иккига бўлдилар ва ҳар бир қабрга биттадан бўлакни санчиб қўйдилар. «Эй Расулуллоҳ нима учун бундай қилдингиз? деб сўрашганида, у зот саллаллоҳу алайҳи васаллам: Шояд бу новдалар қуригунча улардан азоб енгиллатиб турилса» дея жавоб бердилар.

Абу Довуд ривоят қилишларича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимнинг бу дунёда иккита юзи бўлса, қиёмат кунида унинг оловдан қилинган иккита тили бўлади», деганлар.

Ҳасан Басрий: «Ким сенга бир гапни етказса, билгинки, у сенинг гапингни ҳам бошқаларга етказди», деганлар.

Ҳикоя қилишларича бир одам ёш қул олиш учун бозорга бориб, қулни танлади ва унинг хўжайинидан буни нима айби бор деб сўради. Эгаси: «Унинг чақимчиликдан бошқа айби йўқ», деди.

Харидор қулнинг айбини писанд қилмасдан, сотиб олди. Қул анча пайт хонадон хизматини қилгандан кейин, бир куни хўжайиннинг хотинига: «Хожам сизнинг устингизга бошқа хотин олмоқчи, у сизни яхши кўрмайди. Агар сизга меҳр уйғониб, уйланиш ниятидан қайтармоқчи бўлсангиз, «Хожам ухлаб ётган пайтида устара билан соқолини тагидан бир неча тукини қирқиб олинг, ўзим боплаб сизга иситиб бераман», деди. Қул кейин хожасининг олдига бориб: «Хожам, бекамнинг ўйнаши бор, унга жуда ҳам ўрганиб қолган. Шунинг учун бу кеча сизни ўлдирмоқчи. Гапимга ишонмасангиз ўзингизни ухлаганга солиб ётинг», деди. Хўжайин унга ишонди. Қоронғи тушгач, ўзини ухлаганга солиб ётди. Хотини унинг соқолидан бир неча тукни кесиб олиш учун устарани олиб, эри томон энгашган эди, эри сакраб туриб устарани тортиб олди-да, хотинини сўйиб ташлади. Хотиннинг қариндошлари бу воқеадан хабардор бўлиб, эрни ўлдиришди. Битта нокас ёлғончи, чақимчи қулнинг касофатидан икки уруғ ўртасида қирғинбарот бошланиб кетди.

44. Одамларга лаънат айтувчилар, яъни беҳуда, ноҳақ қарғайдиганлар

Одамларни лаънатлаш ва қарғаш мусулмончиликка тўғри келмайдиган гуноҳ ишлардан бўлганлиги учун Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Одамларни лаънатловчилар қиёмат кунида бировларга ёрдами тегадиган шафоатчи ҳам, гувоҳ ҳам бўла олмайдилар», деганлар.

Чунки, лаънат Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлсин, дегани бўлиб, мусулмон киши ҳеч бир бандани, ҳатто кофирни ҳам Аллоҳнинг раҳматидан бенасиб бўлишини хоҳламайди.

Имом Термизий ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мўмин банда таъна қилувчи, лаънат айтувчи, беодоб, ахлоқсиз ва беҳаё сўзларни айтувчи бўлмайди», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Мўмин бандани лаънатлаш уни ўлдириш билан баробардир», деганлар.

Абу Довуд Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Агар банда бирон кимса ёки нарсани қарғаб лаънатласа, айтилган лаънат осмонга кўтарилади. Ундан чиққан сассиқ ҳидлар туфайли осмон эшиклари ёпилади. Осмон эшикларидан кира олмаган лаънат, ерга қайтади. Ер ҳам уни қабул қилмайди. Кейин ўнгу-сўлга юриб, қўнимгоҳ тополмагач, лаънатланган кимса ёки нарса лаънатга ҳақли бўлса, унга бориб тегади ва агар лаънатга муносиб бўлмаса, айтган одамнинг ўзига бориб тегади», деганлар.

Одамларни ноўрин, беҳуда сўзлар билан қарғаб, лаънат айтиш шунчалик ёмон бўладиган бўлса, мўминлар ундай хунук ишлардан тилларини тийишлари лозим. Аммо муайян бир шахсни номламай, гуноҳкор кимсаларни умумий қилиб лаънатлаш жоиз. Зеро, Аллоҳ таоло Ҳуд сурасининг 18-оятда:

أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ

«Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг лаънати золимларга бўлур», деган.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадисда ҳам Расулulloҳ (с.а.в.): «Умумий қилиб соч уловчи улатувчи қўл ва баданига нақш солувчи ва солдирувчи эркаку аёлларни лаънатлаганлар.»

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда эса Расулulloҳ (с.а.в.): «Ота-онасини сўккан кимса маълундир. Аллоҳдан бошқага атаб жонлиқ сўйган кимса маълундир. Ер чегараларини ўзгартирган кимса маълундир. Ҳайвонга ва эркак кишига яқинлик қилган кимса маълундир», деганлар.

45. Аҳдига, ваъдасига вафо қилмаслик

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 34-оятда:

وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا

«Аҳдга вафо қилингиз! Зеро, аҳд-паймон (қиёмат куни) сўраладиган ишдир», деб марҳамат қилган бўлса, Моида сурасининг 1-оятда:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ

«Эй, иймон келтирганлар! Битимлар (аҳду-паймонлар) га вафо қилингиз!», деб марҳамат қилган.

Аллоҳ таоло бу оятлари билан, эй мўминлар! Менга бандачилик қилишга берган аҳду-паймонларингизга ҳамда ўзаро бир-бирингиз билан келишиб олган битимларингизга ҳам вафо қилинг, деб мўмин банда берган вадасида содиқ туришлигини таъкидламоқда. Ваъдага вафо қилиш инсоннинг қадрини ошириб, яхши хулқ эгаси эканлигини намоён қилади. Ваъдасида турмайдиган, қила олмайдиган ишини қиламан, бажараман деб қуруқ ваъда берувчиларни Аллоҳ ёқтирмасдан Соф сурасининг 2-3- оятларида:

كَبِيرًا مَّقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ .

«Эй, иймон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида катта нафрат боисидир», деб уларни койийди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қилган ваъдасида, аҳду-паймонида турмайдиганларни мунофиқ деб атаганлар. Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган машҳур ҳадисда: «Мунофиқнинг аломати учтадир: 1. Сўзлаганда ёлғон сўзлайди. 2. Ваъдасига вафо қилмайди. 3. Омонатга хиёнат қилади», дейилган.

Пайғамбаримиз бу ҳадислари орқали умматларини ваъдасига бевафоликдан қайтарганлар.

46. Мунажжим (юлдузларга қараб фол кўрувчилар, фолбинларни тасдиқловчилар)

Аллоҳ таоло Ал-Исро сураси 36-оятда:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا

«(Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил-буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур. (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарса учун киши қиёмат кунида жавоб беради)» деб марҳамат қилган.

Бу оятнинг тафсирида Калбий: «Билмаган нарсанг ҳақида гапирма», деган бўлсалар, Қатода: «Эшитмаган нарсангни эшитдим, кўрмаган нарсангни кўрдим ва билмаган нарсангни билдим», дема деганлар.

Уламолар: «Бу ояти карима ҳалол бўлмаган нарсага қараш, ҳаром нарсани эшитиш ва жоиз бўлмаган нарсани ирода қилишдан қайтаришга ҳужжат бўлади», деб айтганлар.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Жин сурасининг 26-27 оятларида:

إِلَّا مَنْ ارْتَضَى مِنْ رَسُولٍ فَإِنَّهُ يَسْلُكُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ عَالِمُ الْغَيْبِ فَلَا يُظْهِرُ عَلَى غَيْبِهِ أَحَدًا .
رَصَدًا

«(У Зот) ғайбни билгувчидир. Бас Ўз ғайбидан бирор кимсани огоҳ қилмас. Фақат Ўзи рози бўлган пайғамбарнигина (Ўзининг ғайбидаги сир-асрорининг айримларидан огоҳ этар)», деб марҳамат қилган.

Мазкур ояти карима юлдузлар ғайбга далолат қилади деб иддао қилган киши кофир бўлишига далилдир.

Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можалар Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки башоратгўй ёки фолбиннинг олдига бориб айтаётган гапини рост деб билса, у шубҳасиз Муҳаммадга тушган нарсага куфр

келтирибди», деганлар.

47. Хотин кишининг эрига вайсақилик, забондарозлик қилиши

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 34-оятида:

وَاللَّاتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَاهْجُرُوهُنَّ فِي الْمَضَاجِعِ وَاضْرِبُوهُنَّ فَإِنْ أَطَعْتَكُمْ فَلَا تَبْغُوا
عَلَيْهِنَّ سَبِيلاً إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيماً كَبِيراً

«Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглари, сўнгра (яъни насиҳатларинг кор қилмаса), уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар, мажруҳ бўлмагудек даражада) уринглари! Аммо сизларга итоат қилсалар уларга қарши бошқа йўл ахтарманглари. Албатта, Аллоҳ энг юксак ва буюк бўлган зотдир», деб марҳамат қилган.

Ато раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «У (яъни итоатсизлик) эри учун ўзига оро бермаслик (хушбўйлик сепмаслик) ўзи билан ҳузурланишига йўл қўймаслик ва илгариги мутеълик ҳолати ўзгариб қолишидир. Ундай хотинларга Аллоҳ Китоби ила «панд-насиҳат қилинглари» Аллоҳ уларга буюрган ишларни эслатинглари».

Ибни Ҳиббон ибн Ҳузайма ривоят қилишларича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уч тоифа одамнинг намози мақбул бўлмайди ва бирорта яхшилиги осмонга кўтарилмайди: қочоқ қулнинг то хўжайинига қайтиб қўлини унинг қўлларига қўймагунча, эрини ғазаблантирган-норози қилган аёлнинг то эри ундан рози бўлмагунча ва мастнинг то ўзига келмагунча», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Аллоҳ таборака ва таоло эрига ношукрлик қиладиган хотинга қарамайди. Ҳолбуки у эридан беҳожат эмас».

Аёл эрини норози қилишдан, ғазаблантиришдан сақланиши ва эри уни хоҳлаган вақтида бош тортмаслиги лозим.

Ҳадиси шарифда: «Қайси бир аёл эрига вайсақилик қилиб осий бўлса, унга Аллоҳнинг, фаришталарининг ва барча инсонларнинг лаънати ёғилади», дейилган.

Шунингдек, қайси аёл эрининг юзига хўмрайиб қараса, токи эрига табассум қилиб, кўнглини олмагунча Аллоҳ ундан норози бўлади.

Оиша онамиз: «Эй аёллар! Агар эрларингизнинг сизларни устингиздаги ҳақларини билганингизда эди, сизлардан ҳар бир аёл эрининг оёқларидаги чангини юзининг ёноқлари билан артиб қўйган бўларди», деганлар.

Ривоят қилинишича: «Эрига итоаткор аёл ҳаққига ҳаводаги қушлар, сувдаги балиқлар, осмондаги фаришталар ҳамда ойу-қуёш ҳам истиғфор айтади» дейилган.

Аёл эрига итоат этишга, розилигини топишга, буюрилганидек, эри ҳам хотинига яхшилик

қилишга, лутф-марҳамат кўрсатишига, унинг айрим ножўя ҳаракатларига сабр қилишга, тинч-тотув, иноқликда яшашга, едириб-ичириш ва кийдиришда бағри кенг бўлишга буюрилган. Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 19-оятида:

وَعَاثِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ

«Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар», деб амр қилган.

48. Одам ва жонзодларнинг бўйи баробар тўлиқ ҳайкалларини яшаш

Аллоҳ таоло Анбиё сурасининг 52-оятида:

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلُ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ

«Ўшанда Иброҳим алайҳис салом отаси ва қавмига: «Сизлар доимо сиғинадиган бу ҳайкаллар нимадир? (Нега инсонлар қўллари билан яратган жонсиз ҳайкалларга сиғинадилар?!» деди.

Тарихдан маълумки, бутпарастлик, яъни, бутга чўқиниш Нуҳ алайҳиссалом замонларидан бошланган. Нуҳ алайҳиссалом қавмларидан Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъуқ ва Наср исмли ибодатга берилган солиҳ бандалар бўлиб, улар оламдан ўтганларидан кейин хотираларини абадийлаштириш, ибрат олиш учун суратларини чизиб, ҳайкалларини яшашди. Бу солиҳ бандаларни кўрганлар улардек бўлишга интилишди. Уларни кўрмаган кейинги авлодлар эса, уларга худо деб сиғина бошлашди. Шундан кейин ер юзиде суратлар ва бутларга сиғиниш одат бўлди.

Имом Бухорий ва Муслимлар Ойиша онамиздан ривоят қилишларида Расулulloху саллаллоху алайҳи ва саллам бемор ётганларида Умму Салама ва Умму Ҳабибалар Ҳабашистонга ҳижрат қилганларида Мория номли маҳобатли черковни кўрганликлари ва у инсонларни ақлини лол қолдирадиган суратлар билан безатилганлигини гапиришди. Шунда бемор ётган Пайғамбаримиз бошларини кўтариб, «Улардан бирон солиҳ банда вафот этса, унинг қабри устига ибодатхона қуриб, унга унинг суратини солишарди. Улар, яъни, сурат солганлар Аллоҳнинг энг ёмон халқларидир», дедилар.

Шунинг учун ҳам Ислом дини сураткашлик ва ҳайкалтарошликка қарши курашди.

Имом Бухорий ва Муслимлар Ойиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулulloх (с.а.в.): «Қиёмат кунда одамларнинг энг қаттиқ азобга учрайдигани Аллоҳнинг яратганига ўхшаб, сурат ва ҳайкал яратганлардир, уларга: «Яратган нарсаларингга жон ато этинглар, дейилади. Уларнинг ҳеч қайси бири яратган сурат ёки ҳайкалига жон бера олмайди», деганлар.

Аммо денгизу қўллар, дову дарахтлар, табиат манзаралари ва руҳи йўқ нарсаларни чизишса зиёни йўқ. Шунинг учун исломда ҳаттотлик ва нақш санъати ривожлангандир.

49. Мусибатхонада ёқаларини йиртиб, сочларини ёйиб, ўзини ташлаб юбориб, турли нағма-ю оҳанглари билан дод солиб йиғлаш

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Юзларига урадиган, ёқаларини йиртадиган ва жоҳилият даъволари билан бақириб-чақирадиган кимсалар биздан эмас», деганлар.

Мусибатхонада дод солиб йиғловчи аёл ва уларга раҳномолик қиладиган гўяндлар (суҳандонлар) яъни, инсон бағрини тирнайдиган ғазалу шеърларни ўқиб йиғлатадиган аёллар, мусибатхона аҳллари бетоқатликка тарғиб қилиб, сабрдан қайтарганлиги туфайли Аллоҳнинг ғазабига учрайдилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 153-ояти билан инсонларни сабрга ва савобга умид қилишга буюриб, бетоқатликдан қайтарган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ

«Эй, мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан мендан мадад сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».

Ривоят қилинишича, мусибатхонада дод солиб, йиғловчилар қиёмат куни жаҳаннамда икки қатор қилиб терилади. Бир қатори ўнг тарафда, иккинчи қатори чап тарафда туриб, дўзах аҳлларига қараб, итлар каби аккиллайдилар, дейилган.

Бошига мусибат тушган инсон ўзини банда эканлигига иқрор бўлиб, «Биз Аллоҳнинг бандаларимиз, ҳаммамиз ҳам бир куни унга қайтамыз», деб дод-фарёд қилмасдан кўз ёши билан овозсиз ёғлашса, Аллоҳнинг раҳматига эришиб, Аллоҳ ундан рози бўлади.

50. Ҳар бир иш ва нарсада ҳаддан ошиб, меъёрни бузиш

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 29-оятида:

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا

«(Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда, маломат ва надоматда қолурсиз», деб марҳамат қилган.

Аллоҳ таоло бу ояти каримаси орқали мўминларни бахилликдан қайтариш билан бирга, сахийликда ҳам ҳаддан ошмасликка, дабдаба қилмасликка чорламоқда. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ишларнинг яхшиси ўртача бўлгандир», деганлар.

Шундан келиб чиқиб, мўмин банда кийинишда ҳам, еб ичишда ҳам, тўй-маъракаларда ҳам, хайру-эҳсонларда ҳам, шунингдек турмушнинг ҳар қандай жабҳаларида ҳам, ибодатларда ҳам ҳаддан ошмасдан, ўрта меъёрда бўлиши лозим.

Имом Бухорий Абдуллаҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Сени икки ҳислат: Бири фахрланиш, иккинчиси исрофгарчилик хатога бошламаса ҳалол нарсалардан хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер», дейилган.

Бундан шариат ҳалол қилган нарсаларни хоҳлаганича еявериш мумкин деган маъно чиқмайди. Меъёридан кўп емоқлик ҳам исроф саналади. Чунки, ислом дини мусулмонларни қорин бандаси бўлишдан қайтарган.

Имом Аҳмад ва Термизийлар Миқдом ибн Маъдикариб (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қорнидир», деганлар.

Исрофнинг охиратдаги жазоси Тоҳо сурасининг 127-ояти билан собит бўлган:

وَكَذَلِكَ نَجْزِي مَنْ أَسْرَفَ وَلَمْ يُؤْمِنِ بِآيَاتِ رَبِّهِ وَلَعَذَابُ الْآخِرَةِ أَشَدُّ وَأَبْقَى

«Исроф қилган (ҳаддан ошган) ва Парвардигорнинг оятларига имон келтирмаганларни мана шундай жазолаймиз. Охират азоби шубҳасиз қаттиқ ва боқийдир.»

Парвардигорнинг зикридан юз ўгирган кимса исроф қилувчиларнинг энг каттасидир. Чунки у ўзига берилган бебаҳо умрни бахт-саодатга олиб борадиган ҳидоят йўлини зое - исроф қилиб, жаҳаннамга олиб борадиган залолат йўлини ўзига ихтиёр қилган бандадир.

51.Ўзининг ортиқлик томонини пеш қилиб, бошқаларни менсимаслик

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 36-оятида:

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَيَالِ الْوَالِدِينَ إِحْسَانًا وَيَذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينَ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю, бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи мусофирга ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг). Албатта Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди», деб марҳамат қилган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло оятидаги кўрсатмаларига амал қилишдан бўйин товлайдиган мутакаббир, ўзини юқори олувчилар ва Парвардигори берган неъматлар сабабли бошқа бандалардан ўзини устун қўювчи мақтанчоқларни севмаслигини билдирмоқда.

Инсон бу дунёда яшар экан, эҳтимол бой, амалдор, серфарзанд, гўзал ёки олий насаб бўлиши мумкин. Бу Аллоҳ таоло томонидан берилган неъмат бўлиб, банда бу неъматлар сабабидан ўзини юқори олиб, бошқаларни менсимаслиги мумкин эмас. Зеро, Аллоҳ таоло Хужурот сурасининг 13-оятида:

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ

«Албатта, Аллоҳнинг наздида сизларни улуғроқларингиз тақводорроқларингиздир», деб улуғ инсон хабарини берган.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда айтилишича, «Очиқ чеҳрали, камтарин, яхши хулқли инсон жаннатидир. Бадқовоқ, мутакаббир, мақтанчоқ, ёмон хулқли инсон дўзахидир», дейилган.

Имом Муслим, Ҳоким ибн Ҳизома (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Дунёда одамларни азоблайдиган кимсаларни Аллоҳ албатта жазолайди», деганлар.

52. Қўшниларга озор бериш

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадисда «Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган экан қўшнисига озор бермасин», дейилган.

Яна Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки мўмин эмас. Аллоҳга қасамки мўмин эмас», дедилар. «Ким, ё Расулуллоҳ» деб сўрашган эди, «Ёмонлигидан қўшниси хотиржам бўлмаган кимса» дея жавоб берганлар.

Абу Довуд, ибн Ҳиббон ва Ҳоким Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилишларича, «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб, қўшнисидан шикоят қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) «Сабр қил», дедилар. Ҳалиги киши яна уч марта келди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) чиройли бир тадбир қўллаб, «Уйингга бориб, кўрпа-ёстиқ ва бор матоҳларингни кўчага чиқариб қўй» дедилар. У киши Пайғамбаримиз айтганидек қилди. Кўчадан ўтган кишилар ундан нима учун бундай қилганини сўрашар, у эса қўшниси ҳақида сўзлаб берар эди. Улар, дилозор қўшниси дуоибад қилишарди. Шунда қўшниси келиб, унга: «Қўшнижон, уйингга қайт, бундан кейин мендан сира ёмонлик кўрмайсан» деди. Азиз китобхонлар! Қўшнилар уч тоифа эканлигини билиб қўйишимиз керак.

Биринчиси, кофир, динсиз қўшни бўлиб, унинг қўшнисига битта қўшничилик ҳаққи бор.

Иккинчиси, мусулмон қўшни, унинг икки ҳаққи бўлиб, бири қўшничилик ҳаққи бўлса, иккинчиси мусулмонлик ҳаққи.

Учинчиси, қариндош қўшни, унинг учта ҳаққи бор. Биринчиси қўшничилик ҳаққи, иккинчиси мусулмонлик ҳаққи ва учинчиси қариндошлик ҳаққидир.

53. Мусулмонларга озор бериш ва ҳақорат қилиш

Аллоҳ таоло Аҳзоб сураси 58-оятда:

وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا كَانَتْ يُؤْذُونَ فَتَدْرَأْهُمْ أَلَيْسَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّبِينٌ

«Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўҳтон ва аниқ гуноҳни ўз устларига олган бўлурлар», деб марҳамат қилган.

Яъни имон аҳлига ҳеч бир гуноҳ қилмасалар-да, озор берадиган кимсалар ўз устларига ёлғон бўҳтон ва улкан гуноҳни юклаб олган бўладилар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонга мусулмоннинг номуси моли ва қони ҳаромдир. Тақво шудир. Мусулмон биродарини ҳақорат қилиши кишининг ёмонлигига етарли далилдир», дедилар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Абдуллоҳ ибни Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилган бир ҳадисда: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, ўлдириш эса куфрдир», деганлар.

Ҳоким Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилишларича Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Фалончи аёл кечалари таҳажжуд намозини ўқиб, кундузлари нафл рўза тутади. Хайру-эҳсонли, қўли очиқ аёл. Аммо битта айби бор. У ҳам бўлса забондарозлик қилиб беҳаёларча кўшниларига озор беради», дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «У хотин дил озорлиги сабабидан ҳамма қилган савобларидан маҳрум бўлиб, дўзахга киради», дедилар.

Абу Довуд Анас (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисдан Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мен меърожга чиққанимда бир қавм ёнидан ўтдим. Уларнинг тирноқлари мисдан бўлиб, ўз юзлари ва кўкракларини тирнар эдилар. «Эй, Жаброил! Улар ким?», деб сўраган эдим, «Улар одамларнинг гўштлирини ейдиган ва номусларига тажоввуз қиладиган ғийбатчилар», деб жавоб берди.

Эру-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил, қўни-қўшни, ёру-биродарлар орасига ифвогарлик қилиб низо соладиган чақимчилар шайтон малайлари бўлиб, энг разил одамлардир. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Чақимчилик қилиб, икки одамнинг орасини бузадиган кимсалар, инсонларнинг энг ёмони, энг ярамасидир», деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Тўйларда, сайилларда, хўроз, қўчқор, бедана, каклик, ит ва бошқа жониворларни уриштириш ҳаромдир. Кимда-ким жониворларни уриштриб, уларга озор берса, Аллоҳ ва Пайғамбарига осий бўлади», деганлар.

Ифвогарлик қилиб, одамларнинг орасини бузиш ўрнига бир-бирига тескари бўлган икки кишининг орасини ислоҳ қилиб тузатса, Аллоҳ унинг ишини ислоҳ қилиб тузатади. Икки кишини яраштириш учун гапирган ҳар бир сўзи эвазига бир қулни озод қилгандек савобга эга бўлиб, ўз уйига ўтган гуноҳлари кечирилган ҳолда қайтади.

54.Аллоҳнинг дўстлари (азиз авлиёлар ва уламолар)га озор бериш

Аллоҳ таоло Аҳзоб сураси 58-оятда:

وَالَّذِينَ يُؤْدُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا كَانَتْ يُؤْدُونَ فَقَدْ احْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا

«Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўхтон ва аниқ гуноҳни ўз устларига олган бўлурлар», деб марҳамат қилган.

Кимда-ким азиз-авлиёларни душман тутса, ёқтирмаса, ҳаёт бўлганларига озор бериб, оламдан ўтганларини ҳақорат қилса, уларнинг шаънига нолайиқ сўзларни айтса, парвона ўзини шамчиноққа уриб, ҳалок бўлганидек, шубҳасиз ҳалокатга учрайди. Зеро, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси қудсийда: «Кимда ким Менинг валий (яқин) бандамга душманчилик қилса, батаҳқиқ,

Мен унга уруш эълон қилдим», дейилган. Бу ҳадиси қудсийнинг мазмунидан азиз авлиёларни, мужтаҳид уламоларни ёқтирмаган кимса Аллоҳнинг душмани эканлиги маълум қилинмоқда.

Турли туман оқим ва фирқалар таъсири остида қолган, илми-ҳикматдан йироқ чаламуллалар азиз авлиёлар шаънига номуносиб гапларни айтиб турли балоларга учраб, хору-зор бўлиб юрганликларини гувоҳи бўлганмиз. Чунки азиз-авлиёлар ва мужтаҳид уламолар ўз умрларини Аллоҳ розилиги ва дин равнақиға бағишлаганликлари учун Аллоҳ уларни ўзига дўст тутган. Аллоҳ таоло ўз дўстлари шаънига нолойиқ гап-сўз қилувчи нодону-нокасларни ҳақли равишда жазолаганлигининг белгисидир. Улуғлар шаънига муносиб бўлмаган гапларни айтишдан барча мўминларни асрасин.

55.Ўзидан фаҳрланиш ва ўзини юқори олиш ниятида кийимларини узайтириш

Аллоҳ таоло Луқмон сурасининг 18-оятида:

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ

«Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас», деб марҳамат қилган.

Бу ояти карима билан Аллоҳ таоло мол дунёсига, мансабига, насабига, ҳуснига, илмига, унвонига мағрурланиб ўзини бошқалардан устун қўядиган, ҳеч кимни менсимайдиган мутакаббир, гердайганлар ва мақтанчоқ кимсаларни ёқтирмаслигини билдирмоқда.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишларича Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир киши янги кийимлар кийиб, ўзидан маст бўлиб, ғурурланиб, сочини тараб, гердайиб кетаётган эди. Аллоҳнинг ғазаби келиб, тўсатдан уни ерга ютдириб юборди. Энди у қиёмат кунигача ер қаърига кириб кетаверади», деганлар.

Яна Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Зарр (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Уч тоифа одамлар борки, қиёмат кунда Аллоҳ улардан ғазабланганидан гапирмайди ҳам, қарамайди ҳам, гуноҳларини кечирмайди ҳам ва уларга аламли азоблар беради», деб уч марта такрорладилар.

Шунда мен: «Ё, Расулуллоҳ, у бахтсиз, зиёнкор кимсалар ким экан, деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бошқалардан ўзини устун тутиш учун рўҳбон (поп)ларга ўхшаб кийимини узун қилиб, ерга судраб юрвчи, қилган яхшилигини миннат қилувчи ва ёлғон қасам ичиб, молини сотувчи кимсалар», деб жавоб бердилар.

56.Эркакларнинг ипак кийим кийиши ва олтиндан бўлган нарсаларни осиб ёки тақиб юриши

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишларича Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки дунёда ипак кийса охиратда киймайди», деганлар.

Бу ҳукм барча эркакларга тааллуқли. Зеро Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тилла ва ипак кийим кийиш умматимнинг эркакларига ҳаром, аёлларга эса ҳалол қилинди», деганлар.

Имом Термизий Ҳузайфа ибн Йамон разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бизни тилла ва кумуш идишда ичиш ва ейишдан ипак ва дийбож (кимхоб кийиш) ва унга ўтиришдан қайтардилар», дейилган.

Зар жиякли, тилло билан оро берилган либосларни кийиш, тилла узук, тилла зажигалка, тилла ручка, тилла қошиқ, тилла айил, тилла дастали пичоқ ва қилич, тилло камар ва ҳар қандай тилла буюмлардан фойдаланиш эркак умматларга харом қилинган.

57.Одамларга ҳийла ва макр қилиш

Аллоҳ таоло Фотир сурасининг 43-оятида:

وَلَا يَحِيقُ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ

«Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб олиб, ҳалок қилур», деб марҳамат қилган.

Кимки бу дунёда бировга макр-ҳийла, сеҳр-жоду ва ҳар турли ёмонликлар қилар экан, бу унинг ўз бошига қайтиб келмасдан иложи йўқ, чунки бу дунё қайтар дунё дейилади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Дўзахийлар беш тоифадир. Улардан бири тонг отса ҳам, кеч кирса ҳам, сени кўра олмасдан ҳасад қилиб, алдамоқчи бўлган маккор, ҳийлагарлардир», деганлар.

Имом Термизий ва Абу Довуд Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мўмин банда содда, улуғ бўлади. Фожир, фосиқлар эса, маккор, пасткаш бўлади», деганлар.

Дарҳақиқат, мўмин банда очиқ кўнгил, ишонувчан, содда бўлганлигидан фақат яхшилик билан банд бўлиб, бировларга макр-ҳийла қилмайди. Фожир-фосиқлар эса, пасткаш, алдамчи, маккор бўлганлигидан мўминлар орасида фитна, фасод кўзгаб, уларга зиён-заҳмат етказишга ҳаракат қилишади.

Имом Термизий Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳийлагар алдоқчи, яхшилигини миннат қилувчи ва бахил инсонлар жаннатга кирмайди», деганлар.

58.«Бисмиллоҳи Аллоҳу Акбар» демасдан бирор жонлик сўйиш

Аллоҳ таоло Анъом сурасининг 121-оятида:

وَلَا تَأْكُلُوا مِمَّا لَمْ يُذَكَّرْ اسْمُ اللَّهِ عَلَيْهِ

«Аллоҳнинг номи айтилмаган нарсалардан емангиз!» деб марҳамат қилган.

Исломдан олдинги жоҳилият замонида мушриклар сўйиладиган жониворни бутларга атаб, уларнинг номи билан сўйишар эди. Шунингдек, ўзи ҳаром ўлиб қолган ўлимтик ва бўғилиб ўлган жониворларнинг гўштарини ҳам ҳалол деб ейишар эди. Аллоҳ таоло мўминларга уларни бу ботил эътиқодларидан қайтариб, ўзининг номи зикр қилинмаган нарсадан емасликка амр қилди. Шунинг учун сўйиладиган ҳар қандай жониворга «Бисмиллоҳи Аллоҳу Акбар» деб сўйилиши шарт қилинган.

Имом Бухорий ва Наъсоийлар Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда: «Бир қавм аҳиллари: «Ё, Расулуллоҳ, бизларга яқиндагина мусулмон бўлган қабилалар гўшт олиб келишади. Унга Аллоҳнинг исмини зикр қилишганми, йўқми, билмаймиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Унга ўзларинг «Бисмиллоҳ» денгларда, еяверинглар», деганлар.

Имом Байҳақий ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Мусулмон банда жонлиқ сўйса-ю, «Бисмиллоҳи, Аллоҳу Акбар» дейишни унутса, унга Аллоҳнинг исмини зикр қилиб еяверсин. Мадомики, шариатга мувофиқ равишда сўйган экан, уни шайтонга бериб қўймасин. Зеро, Аллоҳнинг исми ҳар бир мусулмоннинг оғзидадир», деганлар.

Шуни аниқ билишимиз керакки, ҳозир ҳам баъзи кушхоналарда шариатга амал қилмаган ҳолда жониворларни қийнаб электр токи билан ўлдириб, кейин сўйиш ҳоллари, ҳаром қон оқиб чиқиб кетишини тўсиб, гўштга синдириб юбориш, шунингдек, динга эътиқод қилмайдиган кимсаларнинг қассобчилик қилиш ҳоллари учраб туради. Уларнинг сўйган нарсалари шариат аҳкомларига тўғри келмагани учун бу гўштарни еган кишиларнинг луқмалари ҳаром бўлиб, Аллоҳга осий бўлишади.

Шунингдек, колбасаларни ҳам мулоҳаза қилишимиз лозим. Ҳозирги пайтда бозорларимизда «ҳалол маргарин» деб ёзилган маргарин ёғлар чиқиб қолган. Ёзувдаги таркибига қарасангиз ҳақиқатан ҳам ўсимлик мойларидан тайёрланган деб ёзилган. Шу ёзувлар ҳақиқатан ҳам тўғри бўлса, унда маргариндан ҳам қўрқмаса бўлади. Аммо, маргарин таркибида чўчка мойи борлигини ёзсак, мусулмонлар сотиб олишмайди, савдомиз касод бўлади, деган ниятда ёзилмаган бўлса, ҳамманинг луқмаси булғаниши аниқ.

Шўро замонида тақвим орқасида ва рўзномаларда маргарин таркибида чўчка мойи борлиги ёзиларди. Шунда бир масжидининг имоми жума намозида рўзнамони ўқиб бериб, «Маргарин ҳаром экан, уни еманглар», дегани учун ишдан бўшатиб юборилгани эсимда.

Мустақиллик шарофати билан мусулмонларни огоҳлантириш имконияти пайдо бўлганидан Аллоҳга ҳамду санолар айтаман.

59.Отаси бўлмаган кишини отам деб даъво қилиш ёки ўз насабидан тониш

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасининг 4-оятда:

وَمَا جَعَلَ أَدْعِيَاءَكُمْ أَبْنَاءَكُمْ ذَلِكُمْ قَوْلُكُمْ بِأَفْوَاهِكُمْ وَاللَّهُ يَقُولُ الْحَقَّ وَهُوَ يَهْدِي السَّبِيلَ

«Аллоҳ асранди болаларингизни ўз болаларингиз қилган эмас (Асранди болани, болам дейишингиз). Бу сизларнинг оғизларингиздаги (ўйлаб топган қуруқ) сўзларингиздир. Аллоҳ эса ҳақиқатини айтур ва Унинг ўзи тўғри йўлга бошлар», деб марҳамат қилган.

Ислон динида асранди болани тарбиялаб вояга етказиш савобли ишлардан саналади, лекин, у ҳеч қачон боқувчининг оиласига маҳрам бўлиб қолмайди. Никоҳ ва мерос масалаларида уларнинг ҳуқуқлари бегоналар ҳуқуқи билан баробар. Масалан, бир оилада асранди ўғил вояга етса, шу оиладаги қизга уйланиши мумкин. Агар асранди қиз бўлса, шу оиладаги ўғилга турмушга чиқиши мумкин. Асранди болалар ўз отасининг номи билан аталади. Отаси номаълум бўлса, диндош биродарининг боласи, дейилади. Шунингдек, отаси маълум бўлган инсонлар ҳам, отасининг обрўсизлиги, ичкиликка берилганлиги, қиморбозлиги, ўғрилиги, насаби пастлиги ва шунга ўхшаш сабабларга кўра отасидан воз кечиб, бошқа кимсани мени отам дейиши мумкин эмас. Зеро, Имом Бухорий, Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Кимки била туриб, отасидан бошқани «отам» деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир», деганлар.

Яна Имом Бухорий Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Оталарингиздан юз ўгирманглар, ким отасидан юз ўгирса, у кофир бўлибди», деганлар.

60.Беҳуда жанжал чиқариш, хусумат ва адоват қилиш

Аллоҳ субҳанаху ва таоло Бақара сурасининг 204-205-оятларида:

وَإِذَا تَوَلَّىٰ وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشْهَدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ وَهُوَ أَلَدُّ الْخِصَامِ .
سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفُسَادَ

«Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги «имони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки ўзи (Ислонга) душманларнинг ашаддийсидир. (Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслини ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни, бузғунчиликни ёқтирмайди», деб марҳамат қилган.

Ибн Абуд Дунё ва Асбаҳонийлар Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки бировлар билан илмсиз ҳолида жанжал чиқариб, хусуматлашса у Аллоҳнинг ғазабига қолади», деганлар.

Табароний ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Сизларга қўрқадиган нарсаларимдан энг қўрқинчлиси (диний) олимни тойилиши (адашиши) ва мунофиқни Қуръон ва дунё тўғрисида тортишиб жанжаллашишидир», деганлар.

Имом Термизий Жобир (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Қиёмат кунида менга энг севиқли ва яқинроқларингиз хулқлари яхшиларингиздир. Менга энг ёмон ва узоқроқларингиз сергап, жанжалкаш, ўзиникини маъқуллаб, ўзини юқори олувчиларингиздир», деганлар.

61.Инсон, ҳайвон, жонивор ва экинларга зиён етказиш учун сув йўлини тўсиш

Аллоҳ таоло Мулк сурасининг 30-оятида:

قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَصْبَحَ مَاؤُكُمْ غَوْرًا فَمَنْ يَأْتِيكُمْ بِمَاءٍ مَّعِينٍ

«Эй ҳабибим! «Хабар берингизчи, агар сувингиз (ер қаърига) сингиб кетса, бас, ким сизларга оқин сувни келтира олур?! деб айтинг»

Албатта Уни ўзидан бошқа ҳеч ким келтира олмас.

Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Ортган сувингизни одамлардан ва уларнинг экинларидан ман қилманглар. Кимки ўзидан ортган сувни бировлар ичишидан ёки ўз экинзорини суғориб бўлиб, бировларнинг экинзорларига оқиб боришидан сувни тўсса, қиёмат куни Аллоҳ ҳам ундай бандадан ўз фазли-карамини тўсади.», деганлар.

62. Тош-тарозидан уриб қолиш

Аллоҳ таоло Мутаффифун сурасининг 1-3-оятларида:

وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ الَّذِينَ إِذَا اكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ . وَيَلُّ لِلْمُطَفِّينَ .

«Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир», деб савдо-сотикнинг қайси тури бўлмасин, бировларнинг ҳақини уриб қоладиган ноинсоф, ўғри, қаллоб, ҳаромхўр муттаҳамларнинг ҳолларига вой бўлишини билдирмоқда.

Дарҳақиқат, бировларнинг ҳақидан уриб қолувчи кимсалар ўзларича фойда қилгандек бўлсалар ҳам, умрларининг охирида хору-зор бўлиб, иймонсиз кетишлари муқаррардир.

Улуғлардан бири ўз кўзи билан кўрганларини ҳикоя қилиб айтади: «Бир беморни кўргани бордим. Ўлими яқинлашиб, ўзини билмай ётган экан. Унга ҳар қанча «Шаҳодат» калимасини талқин қилсам ҳам, тили ҳеч айланмасди. Ўзига келгач: «Биродар, «Шаҳодат» калимасини қанча талқин қилсам ҳам, тилингиз сира айланмади-я. Сабаби нима?» деб сўраган эдим, «Тарозининг палласи тилимни босиб, гапиртирмай қўйди», деди. «Тарозидан уриб қолурмидингиз?» дея сўраган эдим, «Йўқ, Аллоҳга қасамки, ундай қилган эмасман, бироқ вақтида тарозининг тўғрилигини текшириб турмас эдим», деб жавоб берди.

Азиз биродар! Тарозининг тўғрилигига эътибор бермаган кишининг ҳоли шу бўлса, уриб қолганларнинг аҳволи қандай бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

63. Аллоҳнинг синовидан хотиржам бўлиб, Аллоҳ мени кечиради, деб бепарво бўлиш ва ноўрин ғурурланиш

Имом Термизий Уқба ибн Омир (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аллоҳ бир бандасини орзу қилган ва сўраган нарсасини бераверса-ю, у банда Аллоҳга ҳамдусано ва шукурлар қилиш ўрнига маъсиятини, яъни гуноҳ ишларини давом эттираверса, билингки, Аллоҳ бу бандасига вақтинчалик даража берибди. Бу тўғрисида Аллоҳ таоло Анъом сурасининг 44-оятида:

فَلَمَّا نَسُوا مَا ذُكِّرُوا بِهِ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَابَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّىٰ إِذَا فَرِحُوا بِمَا أُوتُوا أَخَذْنَاهُمْ بَعَثَةٌ فَاِذَا هُمْ مُبْتَلُونَ

«Улар эслатилган нарса (синов кунларини) унутганларида уларга ҳар нарсанинг эшикларини очиб қўйдик (яъни у осий бандага неъматларимизни беҳисоб бериб қўйдик). Токи уларга берилган нарса (нозу-неъматлар, молу-дунёлар) билан шоду хуррам бўлиб турганларида, уларни (яъни берган нарсаларимизни) бирдан олиб қўйдик. Бас, (энди) улар ноумиддирлар», деб хабар берган.

Имом Термизий Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилишларича Расулulloҳ (с.а.в.) кўпинча «Эй қалбларни ўзгартириб турувчи зот! Қалбларимизни ўз динингга ва тоатингга собит қилгин», деб дуо қилар эдилар. Саҳобалар «Эй Расулulloҳ, бизларни диндан қайтиб кетишади деб қўрқасизми?», дейишди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Шак-шубҳасиз қалблар Аллоҳнинг панжалари орасида, хоҳлаган томонига буриб қўйиши мумкин», деб жавоб бердилар. Модомики шундай экан, ҳар бир банда қилаётган тоат ибодатларига «Мен жаннати бўламан», деб мағрурланмасдан, доим хавфу-ражо орасида бўлиб, Аллоҳдан иймону исломда собит қадам қилишини сўраб туриши лозимдир.

64.Зарарли васият қилиш

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 12-оятида:

مَنْ بَعَدَ وَصِيَّةٍ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دَيْنٍ غَيْرَ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ

«Мерос тақсимоти меросхўрларга зарар етказилмасдан қилинган васият ёки қарз (адоси) дан кейин Аллоҳнинг буйруғига биноан (ижро этилур). Аллоҳ билимдон ва ҳалим зотдир», деб марҳамат қилганлар.

«Аллоҳ билимдон», яъни айрим васият қилувчи киши ўз меросхўрларини ёқтирмаслиги сабабидан меросдан маҳрум қилиш учун зарарли васият қилувчини ҳам, тўғри васият қилувчини ҳам билгувчи зотдир.

«Ҳалим зотдир», яъни зарарли васият қилган кимса, шоядки, ўз хатосини тушуниб, тавба қилар деган умидда, уни жазолашга шошилмайдиган зотдир.

Имом Термизий ва Абу Довуд Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилишган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Бир эркак ёки аёл олтмиш йил Аллоҳга тоат ибодат қилиб, ўлими олдидан меросхўрга зарар етказадиган васият қилса, қилган тоат ибодатлари эътиборга олинмасдан, дўзахга маҳкум бўлади», деб Нисо сурасининг 12-14-оятларини ўқидилар дейилган.

Ривоят қилинишича «Кимки, ворисининг меросини олиб қочса, яъни меросдан маҳрум қилса,

қиёмат кунда Аллоҳнинг жаннатига меросини қирқиб қўяди».

Айрим меросхўрларни меросдан маҳрум қилиш каби айримларига ортиқча мерос берилишини васият қилиш ҳам зарарли ҳисобланади.

Имом Термизий Расулulloҳ (с.а.в.)дан қилган ривоятларида: «Аллоҳ таоло ҳар бир меросхўрга ўз ҳаққини тақсимлаб берган. Шу боис, меросхўрга васият қилинмайди», деганлар.

Шунингдек, ўлганимдан кейин қабримга мрамар тош қўясан, бюстимни ўрнатасан ва шунга ўхшаш ношаръий васиятлар қилиш ҳам зарарли бўлиб, васият қилган киши ҳам, уни бажарган ҳам гуноҳкор бўлади.

65. Узрсиз жамоат намозига чиқмаслик

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 43-оятида:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّكْعِينَ

«Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилинг», деб марҳамат қилган.

Уламолар: «Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эркакларга намозини жамоат билан адо этишини «Рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилинг» ояти билан вожиб қилган», дейишган.

Аллоҳ буюрган амрни бажармаслик улкан гуноҳ эканлигини Пайғамбаримиз таъкидлаганлар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Аллоҳга қасамки, мен ўтин тўплашни буюриб, намозга азон айтилгандан кейин ўрнимга бир кишини имом қилиб, сўнгра узрсиз жамоатга чиқмаганларни уйларига ўт қўйиб юборишни хоҳлардим», деганлар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Бир кўр киши Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Эй Расулulloҳ, мени масжидга етаклаб келадиган кишим йўқ, намозни уйда ўқишлигимга рухсат берасизми?» деди. Расулulloҳ унга намозни уйда ўқишга рухсат бердилар. У хурсанд бўлиб кетаётганида, уни чақирдилар ва азонни эшитасанми? деб сўрадилар. У «Ҳа» деган эди. «Унда жамоатга чиққин», дедилар.

Ҳазрат Али (р.а.): «Масжиднинг қўшниси фақатгина масжидда намоз ўқиши лозим», дедилар. Масжид қўшниси ким? деб сўраганларга «Азонни эшитадиган кишилар» деб жавоб бердилар.

Абу Довуд ва ибн Ҳиббон ибн Аббос (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки азонни эшитса-ю, унга эргашиб масжидга боришидан ман қиладиган узр бўлмаса, унинг уйда ўқиган намози қабул қилинмайди», дедилар. «Узри нима» деб сўрашган эди, «Хавфу-хатар ёки касаллик», деб жавоб бердилар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ

(с.а.в.): «Эркак кишининг жамоат билан ўқиган намози ёлғиз ўзи уйида ва бозорида ўқиган намозидан 25 баробар ортиқ бўлади. Чунки, мусулмон банда ўз уйида чиройли таҳорат қилиб, фақатгина намоз ўқиш нияти билан масжидга борса, унинг ҳар бир босган қадамига ҳасанотлар ёзилиб, қилган хатолари ўчирилади. Масжидга кириб намоз ўқиб, жойнамозда турар экан, фаришталар унинг ҳаққига: «Эй Аллоҳ, уни саломат қил, унга раҳм айла», дея дуо қилиб туришади. Мадомики, у намозини кутиб турар экан, намоз ўқигандек савоб ёзилиб тураверади», деганлар.

66. Жумъа намозига чиқмаслик

Аллоҳ таоло Жумъа сурасининг 9-оятда:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَدَرُّوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

«Эй, мўминлар, қачон жумъа кундаги намозга чорланса (азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди соттини тарк қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар мана шу (Аллоҳнинг зикрига - жумъа намозини ўқишга шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир», деб марҳамат қилган.

Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.): «Жумъага бориш ҳар бир балоғатга етган кишига вожибдир», деганлар. (Насоий ривояти)

Имом Термизий Абу Жаъд (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки бепарволик билан учта жумъа намозини тарк этса, Аллоҳ унинг қалбини муҳрлаб қўяди», деганлар.

Шунингдек, ибн Аббос (р.а.) ҳам «Кимда-ким учта жумъа намозини тарк этса. Ислом динини орқасига улоқтирган бўлади», деганлар (Абу Яъло ривояти).

67. Ёлғон гувоҳлик бериш

Аллоҳ таоло Фурқон сурасининг 72-оятда:

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا

«(Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда (иш ва гап сўзлар) олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан (ундан юз ўгирган ҳолда) ўтарлар», деб марҳамат қилган.

Мусулмон банда ҳеч қачон бировнинг зарарига гувоҳлик бермайди.

Ибн Можа ва Ҳокимлар ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Ёлғон гувоҳлик берувчининг икки қадами турган еридан қўзғалмай туриб, Аллоҳ таоло унга дўзахни вожиб қилади», деганлар.

Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизларга катта гуноҳларнинг энг катталарини хабар қилайми?» деб сўрадилар-да: «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш ва ёлғон гапириш», дедилар. Шунда суянган ҳолда эдилар, ўтириб олдилар-да, бу сўзни такрорлайвердилар.

Пайғамбаримизнинг бу сўзни такрор-такрор айтишлари умматларим бундай қабиҳ гуноҳларга сира яқинлашмасинлар, деган маънони ифода этади.

Уламолар: «Ёлғон гувоҳлик берувчи одам, шу қилмиши билан бир қанча бошқа гуноҳларни ҳам пайдо қилади», дейишган.

Биринчиси, ёлғон ва уйдирмани тўқиб чиқарган бўлади. Аллоҳ таоло эса бундайларни ёқтирмаслигини билдириб, Ғофир сурасининг 28-оятда:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ

«Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошувчи, ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмас», дейди.

Иккинчиси, зулм қилган бўлади, чунки у кишининг зарарига ёлғон гувоҳлик берса, унга зулм қилган саналади. Шу гувоҳлик сабабли ўша кишининг мол-мулки, обрўси ёки жони кетади.

Учинчиси, кимнинг фойдасига ёлғон гувоҳлик берса, унга ҳам зулм қилган бўлади. Зеро, унинг гувоҳлиги туфайли у киши ҳам бировнинг мол-мулкани эгаллаб, дўзахга тушади.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимга биродарининг ҳаққини ҳукм қилиб берилса, батаҳқиқ унга дўзахнинг бир парчасини бўлиб берган бўлади», деганлар.

Тўртинчиси, мусулмон бандани обрўсини кетказиш, қонини тўқиш, мол-мулқига тажовуз қилиш харомлигини била туриб, ҳаддан ошган бўлади.

68. Ҳаромдан топиш ва ҳаром ейиш

Имом Бухорий Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло зоти покдир, шунинг учун фақат пок нарсанигина қабул қилади. Аллоҳ мўминларга ҳам пайғамбарларга буюрган нарсани амр қилган. Муъминун сурасининг 51-оятда:

يَا أَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا

«Эй, Пайғамбарлар! Пок нарсалардан енглар ва солиҳ амалларни қилинглар» деган бўлса, Бақара сурасининг 172-оятда муъминларга хитоб қилиб,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ

«Эй мўминлар! Биз берган ризқни ҳалолдан енглар», деб амр қилган.

Сўнгра Расулulloҳ бир кишини узоқ юртдан муборак ҳаж сафарига чиқиб, байтуллоҳ рўбарўсида, сочлари тўзғиган, уст-бошлари чанг бўлган ҳолда қўлларини осмонга чўзиб: «Эй Раббим, эй Раббим» деб дуо қилса-ю, егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром ва ҳаромдан озукланган бўлса, унинг дуоси қандай ижобат бўлсин», деганлар.

Имом Бухорий яна Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Бир замон келадики, одамлар ҳалолдан едиларми, ҳаромдан едиларми, парво қилмайдиган бўлиб қолишади», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслимлар Нуъмон ибн Башир (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам баён қилинган маълумдир. Шу иккиласи орасида кўп одамлар билмайдиган шубҳали нарсалар бор. Кимки, шубҳали нарсалардан сақланса, у ўз динини ва обрўсини сақлаган бўлади. Кимда-ким шубҳали нарсалардан сақланмаса, ҳаромга тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бу мисоли чегара яқинида қўй боқаётган чўпонга ўхшайдик, қўйлари чегарадан ўтиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Огоҳ бўлингларким, ҳар бир подшонинг чегараси бўлганидек, Аллоҳнинг ҳам чегараси бор. Аллоҳнинг чегараси ҳаром қилган нарсаларидир. Ва яна огоҳ бўлингларким, инсон жасадида бир парча гўшт бордир. У яхши бўлса, бутун аъзолари ҳам яхши бўлади, у ёмон бўлса бутун аъзолари ёмон бўлади. У ҳам бўлса қалбидир», деганлар.

Абу Яъло Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳаромдан озикланган ҳеч бир жасад жаннатга кирмайди», деганлар.

Ривоятда айтилишича: «Кимда-ким қаердан мол-дунё топаётганига эътибор қилмаса, Аллоҳ ҳам уни дўзахнинг қайси эшигидан киришига эътибор бермайди». Шунингдек, кимки ўн тангага кийим сотиб олса ва пулнинг бир тангаси ҳаромдан топилган бўлса, мадомики, ўша кийим эгнида экан, Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди», дейилган.

Абдуллоҳ ибн Муборак: «Шубҳали бир тангани тарк этишим юз минг тангани садақа қилишимдан яхшироқдир», деганлар.

Ваҳб ибн Вард: «Кечалари бедор бўлиб, устундек тик турган ҳолингда ибодат қилсанг ҳам, қорнингга ҳаром кирар экан, ибодатларингдан ҳеч қандай фойда йўқ», деганлар.

Уламолар: «Ҳар қандай хоин, ўғри, алдоқчи, қароқчи, судхўр, судхўрга фоиз берувчи, етимлар молини ейувчи, ёлғон гувоҳлик берувчи, қарз олиб, ундан тонувчи, порахўр, ҳар қандай ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи, молининг айбини яшириб сотувчи, қиморбоз, сеҳргар, мунажжим, фолбин, фоҳиша, ҳур-озод одамни сотувчилар ҳам ҳаромхўрлар қаторига киради», дейишган.

Аллоҳ барча мўминларни ҳаромхўрликдан асрасин.

69.Саҳобаи киромларни ёқтирмасдан ҳақорат қилиш

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Саҳобаларимдан биронтасини ҳам сўкманглар. Зеро, биронтангиз Аллоҳ йўлида ўҳд тоғича олтин эҳсон қилсангиз ҳам, улардан бирининг қилган амали ёки қилган савобини ярмига ҳам етаолмайсиз», деганлар.

Мана шу биргина ҳадиснинг ўзи уларнинг мартабаси бениҳоя баланд эканлигини билдиради. Чунки, улар Аллоҳнинг ҳақ динини келтирган ёлғиз Пайғамбардан бошқа ҳеч қандай мусулмон йўқ пайтида Расулulloҳга елкадош бўлишиб, Аллоҳ розилиги учун ўз азиз жонларини фидо қилиб, ислом динини дунёга таратдилар. Улар бўлмаганида бизлар ҳақ йўлни топа олмасдан жаҳаннамга равона бўлган бўлардик.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Саҳобаларим хусусида Аллоҳдан қўрқинглар. Мендан кейин уларнинг биронтасини ҳақорат қилманглар. Кимки уларни яхши кўрса, мени яхши кўргани учун яхши кўради. Кимки уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўргани учун, ёмон кўради. Кимки уларга озор берса, менга озор берган бўлади, кимки менга озор берса, Аллоҳга озор берган бўлур. Кимки Аллоҳга озор берса, тезда жазосини олур», деганлар.

Ҳоким ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Аллоҳ таборака ва таоло пайғамбарликка мени танлаб олди ва мен учун саҳобаларимни танлаб, улардан менга вазирлар, ёрдамчилар ва қариндошлар қилди. Шундай экан, кимки уларни ёқтирмаса, ҳақорат қилса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлади. Қиёмат кунида уни ҳеч қандай фарз ибодатлари ҳам, нафл ибодатлари ҳам қабул қилинмайди», деганлар.

70. Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш

Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 53-оятда:

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ
الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

«(Эй, Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ қилиш билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи мағфиратли ва раҳмли Зотдир», деб марҳамат қилган.

Бу оят тўғри йўлдан адашиб, кейинчалик ақли кириб, қилган гуноҳларига афсус-надоматлар қилган кимсалар учун Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлишга чорлайдиган оятдир.

Аъроф сурасининг 156-оятда эса:

وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَالَّذِينَ هُمْ بِآيَاتِنَا يُؤْمِنُونَ

«Раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир. У раҳматимни тақво йўлига кирган, закот берувчилар ва оятларимизга имон келтирувчиларга ёзаман», деган.

Инсон умрини беҳуда нарсаларга зое қилиб, адашганлигига иқроор бўлиб, қилган гуноҳлари учун тавба-тазарруълар қилиб, тақво йўлига ўтиб, қолган умрини Аллоҳнинг қил деган ишларини қилишга ва қилма деган нарсаларидан тийилиш томонига ўтса, Аллоҳнинг раҳматига эришиши мумкин экан.

Бу, Аллоҳнинг бандаларига қилаётган катта меҳрибонлиги эмасми?

Шунинг учун ҳам Имом Бухорий ва Муслимлар Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): «Аллоҳнинг 100 та раҳмати бўлиб, ундан биттасини инсонлар, жинлар, ҳайвонлар ва ҳашаротларга тақсимлаб берган. Ана шу битта раҳмати билан улар бир-бирларига раҳм-шафқат қиладилар. Аллоҳ 99 та раҳматини қиёмат кунда бандаларига раҳм-шафқат қилиш учун олиб қўйган», дедилар.

Имом Термизий ва ибн Можа Анас (р.а.)дан ривоят қилишларича Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўлими яқинлашиб қолган бир йигитни олдига кириб, «Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?» деб сўрадилар. У: «Эй, Расулulloҳ, Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиш билан бирга гуноҳларимдан кўрқяпман», деди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Мана шундай ҳолатда бандада бу икки ҳолат жам бўлса, Аллоҳ унга умид қилаётган нарсасини бериб, кўрқўётган нарсасидан омон сақлайди» деб марҳамат қилдилар.

ХУЛОСА

Бу китобни ўқиб чиққан киши ислом динининг асоси бўлган ақида илмидан хабардор бўлиш билан бирга, унинг фуруълари, яъни шаҳобчалари бўлган солиҳ амаллардан ҳам огоҳ бўлади. Китобдаги кўрсатмаларга амал қилган киши шак-шабҳасиз ҳидоят йўлини топган бўлиб, икки дунё саодатига эришади.

Саодатга олиб борадиган йўлни кўрсатиш пайғамбарларнинг ворислари бўлмиш уламолар зиммасига юклатилган улуғ вазифадир.

Аmmo бу шарафли вазифани бажариш асносида кимларнидир «динга кирасан», - деб мажбурлаш Бақара сурасининг 256-ояти таъқиқланган.

«Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас (шундай экан), ким шайтон (ва шайтоний фикрлар)ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у мустаҳкам ишончли ҳалқани тутибди. Аллоҳ (уни (имон калималарини) эшитувчи ва (қилаётган амалларини) билувчидир. Аллоҳ имон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматдан нур сари чорлайди. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлар (бутлар)дир. Уларни (яъни кофирларни) нурдан зулмат сари чақирадилар. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда мангу қолувчилардир», - деб икки йўлни кўрсатди.

Зеро, У, яхшиларга мўлжалланган жаннат йўлини ҳам, ёмонларга мўлжалланган дўзах йўлини ҳам ўзининг муқаддас китобида аниқ ва равшан қилиб тушунтириб берган.

Шу икки йўлдан бирини танлашни банданинг ўзига ҳавола қилган. Каҳф сураси 29-оятида: «Айтинг эй Муҳаммад: Бу Қуръон (яъни бутун дунё аҳли учун юборилган илоҳий қонун) Парвардигорингиз томонидан (келган) ҳақиқатдир. Бас, шундай экан хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин» деб Аллоҳ таоло бандаларини огоҳлантиради. Бу ислом динининг энг демократик ва адолатли дин эканлигига ёрқин далилдир.

Азиз биродарлар!

Динни ўз ғаразли ниятлари сари нотўғри тарғиб ва ташвиқ қилувчи шахсларга эргашмоқдан сақланинг! Ислоннинг гўзал асосларини, адолатли ва халқпарвар жиҳатларини билишга ҳаракат қилинг. Бу йўлда биз уламолар кечаю кундуз хизматингизга тайёремиз. Аллоҳ тўғри йўлдан

боришни барчамизга муваффақ айласин!

Истифода этилган адабиётлар

1. Абул Фидо Исмоил ибн Касир ал-Қураший ад-Димашқийнинг «Ибн Касир» тафсири. Қоҳира (Миср) 1905 йил.
2. Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмаб ибн Маҳмуд ан-Насафийнинг «Мадорикут-танзил ва Ҳақоикут-таъвил» тафсири. Макка (САП) 1988 йил.
3. Закийюддин Абдулазим ибн Абдул Қаййум ал-Мунзирийнинг «ат-Тарғиб ват-Тарҳиб» ҳадисга оид китоби. Байрут (Ливан) 1996 йил.
4. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризийнинг «Мушкотул Масобих» китоби. Байрут (Ливан) 1991 йил.
5. Муҳйиддин Абу Бакр Яҳё ибн Шараф ан-Нававийнинг «Риёзус Солиҳин» китоби. Байрут (Ливан) 1912 йил.
6. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг «Жомеъ-ул Мутун» китоби. Истанбул (Туркия) 1971 йил.
7. Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Китобул Кабоир» китоби. Қоҳира (Миср) 1982 йил.
8. Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» Тошкент 2003 йил.
9. Алоуддин Мансур «Қуръони карим таржимаси» Тошкент 2003 йил.
10. Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафийнинг «Баҳрул Калом» китоби. Қоҳира (Миср) 1796 йил.
11. Саййид Абдулаҳад ан-Нурийнинг «Мавъизаи ҳасана» китоби. Истанбул (Туркия) 1889 йил